

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиңа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рағиддинов
Фармон Тошев
Исајон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилғузा Қўзиева

Муҳаррир – Муҳаммадсиддиқ Раҳматов



УШБУ СОНДА:

Наср

Кулман ОЧИЛ



ИЛГИПЛИК СҰЗИМ

– Кечирасизу, мен отарчи эмасман! – деди қиз ва йигитнинг күлидан билагини тортиб олмоқчи бўлди.

– Биламан. Жуда яхши биламан! Виолончелистдан отарчи чиқмайди. Бу юртда, бу замонда.

Кўча чироқлари ёниб, ёмғир сийраклашгандай бўлди.

– Сал секинроқ юрайлик, – деди қиз. “Оёғим оғриди, тез юролмайман”, демокчи бўлди-ю, фикридан қайтди.

– Узр, – деди йигит. – Майнам ишлай бошлаганида қадамин тезлашиб кетади. Майнам билан оёғимнинг сими битта.

– Гапниям бопларкансиз. Шоирмисиз дейман?

– Шундай десак ҳам бўлаверади.

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Зебо ҚОБИЛОВА

АСЛ ҰЗАНЛАРДА ҚАЙТИШ ТАДОРИИ



Буробия Ражабованинг “Алишер Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий” мақоласида Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари Алишер Навоий номи илк марта тилга олинган тарихий манба экани айтилади. Шунингдек, мақолада Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ушшуаро” асари хотимасидаги Навоийга бағишлиланган фикра таҳлил этилади. Мазкур фикрадаги улуғ шоирга доир қимматли фикрлар кейинчалик Фахрий Ҳиравий, Бобур, Мирзо Ҳайдар, Ҳасанхожа Нисорий, Мутрибий Самарқандий китобларидаги Навоий билан боғлик маълумотларга асос бўлганлиги исботланади.

ЁШЛАР ИЖОДИ

Зулхумор ОРИФЖОНОВА

...ЕПИЛ ӨЧЛМАС ҰЗУН ИЖЛАСАН



Борсам,
кўзларимга ботган кечанинг,
охирiga етмай тонгнинг қошига.
Субҳлар сўроқлаб ўтсалар тағин,
– Сен кимнинг ошиғи?
Осмон хувиллайди,
киприк қоқсаму,
қулақ тушадиган каби қўксимга.
Ортимдаги қолган йиллар бирма-бир
саводдек тортилса уфқнинг бўғзига –
сен қайси томондан берасан хабар,
мен қай йўл бошида турибман мулзам?

Гулом МИРЗО

КАРВОНИМИЗ БОРАР ЧҮЛИ ФИРОҚДА

Карвонимиз борар чўли фироқда,
висол манзиллари анча йирокда.
Кўқда офтоб эмас, ҳижрон сочар ўт,
майса эмас, тиғлар ўсар тупроқда.

Карвонимиз борар чўли фироқда,
йўлдан чалғитмасин дейман сароблар.
Кундан-кун соғинчим ортиб бормоқда,
аҳволим бўлмоқда бадтар хароблар.



Қаҳрамон РАЖАБОВ

ТАЛКИН

ТАРИХНИ АДАСИЁПЛА МУҲРЛАЁПЛАН АДИБ

Жўра Фозилнинг “Қизил қуюн” қиссасида Бухорога бостириб кирган қизил армияга қарши узоқ йиллар давомида мардонавор кураш олиб борган ғиждуонлик Мулла Абдулқаҳҳор (1884 – 1924) фаолияти акс эттирилган. Асарда бухоролик истиқлолчиларнинг совет Россияси ва СССРнинг Бухородаги ҳарбий кучларига қарши олиб борган мустақиллик кураши ва истиқлол жанглари тасвирланади.



Тожи Муҳаммад ИСРОИЛОВ

САНДАП

МИЛЛИЙ РЕЖИССУРАМИЗ КЕЛАЖАИ

Балки миллий режиссурамизни жонлаштиришимиз учун вазирлик қошида ёки “Театр арбоблари” уошмаси қошида профессионал режиссрлардан ташкил топган “Ўзбек режиссура академияси”ни ташкил килиш керакдир. Академияда, театрларимизга “Бадиий раҳбар” лавозимиға малакали мутахассисларни танлаш ва тайинлаш, кино, телевиденияда телесериал олмоқчи бўлган режиссрларнинг “режиссрлик плани – иш режаси” билан танишиш ёки бошқа ижодий жараёнларни муҳоқама қилиш мумкин бўларди.





Асрлар бошида турар шу савол

Хабиб САЬДУЛЛА

Инсон гўзаллиги

Латофат шайдоси – тинмаган инсон,
Меҳнат-ла айламиш гўзаллик ижод.
Гўзаллик йўлида фидо этиб жон,
Дунёни кашф этмиш, кашф этмиш хаёт.

Дилкаш нафосатнинг ижодкори деб:
Инсонни тарих ҳам тан олди, аммо –
Инсон гўзаллиги, инсондаги зеб –
Нимада экани ҳамон муаммо.

Чиндан нимададир инсоннинг ҳусни,
Чарос кўзларда-ю, қалам қошдами?
Жоноки олмадай товланган юзми
Ё хипча белдами, чилвир сочдами?

Кийим-кечакдами одамнинг кўрки,
Ё гапга чечанлар саналур гўзал.
Ёхуд лабларидан аримай кулгу,
Мушкулингни зумда айлаганлар ҳал?

Тунлар мижжа қоқмай шеърин ёд олган,
Зуқко шоирларни гўзал дейсанми?
Ё дилбар қўшиқ-ла, дилга ўт солган,
Хонанда “Гулёр”и гўзал эканми?

Ҳабиб САЬДУЛЛА – (1942–2006). Ўзбекистон ҳалқ шоури. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг ўн бешдан ортиқ шеърий тўпламлари нашр этилган.

Санъатми, хунарми, саховатми ё
Матонат дейсанми гўзаликка хос;
Йўқ, инсон чиройи мушкул муаммо,
Булар шу йўлдаги илк қадам, холос.

Асрлар бошида турар шу савол,
Тарих ҳам излайди унинг калидин.
Шу жумбоқ бўлмаса, дейман, эҳтимол,
Инсон гўзаликка интилмас эди.

Она қўллари

Кўксига сифмасдан қувончи,
Қийқириб эмаклар хонада.
Болакай оёққа турмоқчи,
Талпиниб ёлворар онаға.

Завқланиб гўдагин кузатар:
Журъат йўқ, бўлса-да дармони.
Онажон қўлини узатар,
Оёққа турмоқчи ўғлони.

Тирмашиб онанинг қўлига,
Топади журъат ҳам, нажот ҳам.
Бир олам баҳш этар ўғлига,
Кўлида парвозга қанот ҳам.

Оҳ, она, қўлларинг бўлмаса,
Оёққа туролмас ўғлонинг.
Ўғлонлар оёққа турмаса,
Холивой бўларди дунёнинг.

Ўғлимга

Ўғлим, эндиғина бир ёшга тўлдинг,
Лекин, хукмронсан хонадонимда.
Фарқига бормайсан йиғи, кулгунинг,
Мен ҳам билмас эдим, сендей онимда.

Тушунмайсан недир ҳаёт, замона,
Ҳали тўлишмаган мурғак ақлинг ҳам.
“Гўдак йиғламаса сут бермас она” –
Англамайсан элнинг доно нақлин ҳам.

Аммо, истакларинг бўлгунча бажо
Хонани кўтарар йиғинг овози.
Кўзингда зарра ёш кўрмай деб, асло,
Онангү мен бўлгум ҳар ишга рози.

Олдингга уямиз ўйинчоқларни,
Ғунча лабларингда ўйнар табассум.
Кулгингдан хонамиз бўлади обод,
О, ширин гўдаклик – подшолик мавсум!

Майли, йифлаб ҳукминг ўтказгил бугун,
Юпатмоққа келсин дунё кошингга.
Мақсадга осонроқ етишмоқ учун,
Йифлаб юрмасанг бас йигит ёшингда.

Намангон тонги

Тун кулранг этагин йиғиштирмоқда,
Асрий чинорларнинг япроқларидан.
Гул ҳиди омухта олма ҳидига,
Тутар йўловчининг димоғларидан.

Айни пишиқчилик, сўритокларда
Олтинранг ҳусайн кўрсатар жамол.
Анвойи нашвати, сархил ноклардан
Бутоқлар эгилмиш гўё мажнунтол.

Ўхшали топилмас боғкўча кўркин,
Гўё маъмур давр дастурхони бу.
Боғбон қалби каби сахий ва тўкин,
Миришкор меҳнатин чин нишони бу.

Тамбалар олинар дарвозалардан,
Ташриф буюрмоқда, ахир, кутли тонг.
Тонготар палласи боғкўчаларда,
Гулзорларда бесас ажиб бир оҳанг.

Чилвир сочин бошга чамбарак қилиб,
Ҳовли супуришар келинлар, қизлар.
Улкан тандирларга олов ёқилиб.
Нонвой иссиқ нонни, хўв, боя узган.

Самовар қопқоғи шарақлаб турар,
Исройл полвоннинг чойхонасида.
Гузарлар қаймогу қатиққа тўлар,
Қишлоқлик дўстлардан тухфа-насиба.

Ойнадай ярқирап кенг асфальт йўллар,
Ха, маҳсус машина сув сепиб ўтган.
Тонг билан Тошкентдан поезд ҳам келар,
Тонг билан бошланар меҳмондўстлик ҳам.

Мехрин қоришириб пок ҳавосига,
Чиройига-чирой қўшар Намангон.
Кўзгудир халқининг муддаосига,
Катта тўйхонага ўхшар Намангон.

Қатик-қаймогини, нони, гулини,
Меваси, шеърини қилиб дастурхон.
Шаҳрим кўкси узра қўйиб қўлини
Тонгни қаршилайди, кутади меҳмон.

Ажаб

Инсон тафаккури лол этар мени,
Унинг измидадир табиат, олам.
Қаранг, сўриб олиб илон заҳрини
Ундан кашф этибди бир ноёб малҳам.
Инсон табиати лол этар мени,
Илоннинг заҳридан топару дармон –
Нечун наштар санчиб заҳар тил билан
Баъзан илон ўрнин оларкан инсон?

* * *

Майдонга чиқмоққа зиёда қилиб,
Кўкрагини тоғдай кўтарган Ватан.
Гурурин дунёга байроқдай илиб,
Мадад олар буюк Темур руҳидан.

Ватан муқаддасдир,
Хурлик муқаддас.
Элдошим, хурликка тикканмиз жонни.
Ёвузларнинг чиркин нияти абас,
Тиз чўктириб бўлмас Ўзбекистонни!



Ҷигитлик сўзим

Ҳикоя



Қулман ОЧИЛ

*Қалбимни оловлатдинг!
(Кўшиқдан)*

Улар метронинг “Пахтакор” бекати ёнида учрашдилар.

Қуюқ, қорамтири булутлар пастлаб келиб, оқшом эрта туша бошлаган, ҳавони ёмғир бўйи тутган эди. Қизил чироғини ёқиб олган автомобиллар оқими қўлида милтиллаган шам ушлаган хоргин ва хомуш одамларни эслатади.

Қизнинг манглайига бир-икки майда томчи тушгандай бўлди. Ёмғирпўшининг қулоқчинини кўтаришга шошилди. Лекин издиҳомда кўчани кесиб ўтишга улгурмади.

– Бу қандай жабр? – эркак кишининг ўқтам овози эшитилди.

Қиз ён-верига қаради. Ҳеч ким кўринмади.

– Бу қандай зулм?

Яна ўша дадил, лекин эркаловчи овоз келди. Таниш одамгина шундай, ҳазил аралаш гап қотиши мумкин. Қиз илкис ортига бурилди ва ёнида жилмайиб турган баланд бўйли, хушбичим, хушсурат йигитни кўрди. Спорт залидан чиқиб келаётгандай. Қомати тик, ихчам. Уттизгаям бориб-бормаган.

Ажабланган қизнинг нигоҳи унинг гавдасидан сирғалиб ўтди ва мушаклари ўйнаб турган билакларини, елкаси тердан намиқкан ок футболкасини тасаввур қилиб, йигитни баскетболчи бўлса керак, деб тахминлади. У турмушга чиқиб, ўғил кўрсам, боламни албатта баскетбол тўгарагига бераман, деб орзу қиласарди. Баскетболчиларнинг оёқлари узун, бақувват, бўйлари баланд, ўzlари чайиру чаққон бўлади.

– Менга айтяпсизми?

– Яна кимга айтай? – деди астарсиз жинси курткасининг ёқасидан қизил свитери кўриниб турган йигит.

– Вой, нима қиппан? – деди қиз хавотир билан.

Қулман ОЧИЛ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. 1957 йилида тугулган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўз МУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Жайдари фалсафа”, “Сой соҳили”, “Баракали йигит”, “Қасд”, “Сайёра”, “Гардан ва гардун” каби тўпламлари чоп этилган.

Эрнест Хемингуэй, Габриэль Гарсиа Маркес, Иво Андрич, Рюноскэ Акутагава, Симон Кармігелт, Геннадий Бочаров сингари атоқли адилларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

– “Нима қиппан?” Ёшгина жонингизга шунча жабр. Шунча ситам! – у қизнинг елкасига қўлини чўзди. – Беринг, менга. Ёрдамлашиб юборай.

Киз тисланди. Йигитга шубҳа ва ҳадик аралаш синовчан боқди. Боқар экан, чўчиш мумкин бўлган бирор аломат кўрмади. Сезмади. Гаплари самимийдек туялди.

– Раҳмат! – деди қуруққина қилиб. – Ўзим эплайман. Оғирмас.

– Раҳматни кейин айтасиз. – Йигит унинг елкасида осилиб турган гилофнинг тасмасидан дадил ушлади. Бармоқлари машшоқларники каби узун, юзи каби оқ эди. – Кўркманг, опқочиш одатим йўқ. Қаергаям олиб борардим. Бирор олса, кошки.

Кизнинг қулоғидаги сирғасидан бошқа пичоққа илинадиган нарсасининг ўзи йўқ. Зирак онасидан қолган. Неча ойдан бери пулинни қириб-қиртишлаб, уч кун бурун олган телефони бор. Шуларга кўз тиккан бўлса, ола қолсин.

Йигитнинг амрига бўйсунишдан бошқа иложи қолмаган эди.

– Раҳмат, – деди қиз ҳамон иккиланироқ ва нозиккина елкасини тутган бўлди. Йигит тасмани олар экан, бошини чайқади:

– Ўх-хў! Оғирлигини қаранг.

Ғилоф ичидағи сознинг торлари бўғиқ сас бергандай бўлди. Қизнинг елкалари эзилиб-увишиб, бели қотиб қолган экан, енгил тортди. “Ўзингга шукр!” деди ичидা.

– Ў-ў! Виолончель! Созларнинг – шоҳи, шоҳларнинг – сози!

Йигит ёнбошига бурилиб, икки марта акса урди.

– Гапингиз рост экан. Соғ бўлинг! – деди созандা.

– Ташаккури калон. Сумкангизни олинг. Сумкангизни нега тутяпсиз?

– Вой, кечирасиз! Билмай қоппан... Эгнимдан сирғалиб кетди, шекилли...

– Эҳтиёт бўлинг, окаси!

– Хўп-хўп... Сиз ҳам созандамисиз? – ҳайратини изҳор қилмоққа шошилди ҳамроҳи. Лекин улгурмади.

– Қани энди, илдамроқ юрайлик! – йигит унинг тирсагидан олди. – Буюк истиқбол сари кенг йўллар очилди!

Киз отасини эслади. Эрталаб мактабга кузатар экан, гавжум кўчадан мана шундай, билагидан авайлаб ушлаганча ўтказиб қўяр ва:

“Яхши бориб келгин, Оймомом! – дерди. Сўнг албатта қўшиб қўярди: – Ўзимнинг Оймомом! Оймоможони-им!..”

“Хайр, дада!..”

“Хайр, Оймомом!..”

Гавжум чорраҳа ортда қолди.

– Баскетболчимисиз? – сўради қиз.

– Шундай десак ҳам бўлаверади, – деди йигит ажабсиниб. Сўнг қўшиб қўйди: – Тезроқ юрмасак, ёмғирда ивиймиз. Ўрдагача ҳали анча бор.

– Вой, сиз ҳам ўша ёқда турасизми?

– Шундай десак ҳам бўлаверади.

Шу тобда бу ҳазиломуз жавоб қизнинг кўнглидаги хавотирни кўтаргандай бўлди. Танимаса, ёрдам берармиди. Неча йилдан бери шу кўчадан, шу ғадир-будур бетон йўлақдан катнайди. Эгнидаги зил-замбил юкини бирор олиб, илтифот кўрсатганини эслай олмайди. Балки одамлар аёл кишининг елкасига қўй узатишга истиҳола қилас. Ойда-йилда дейиш қийин, лекин оркестр бошқа жойда концерт берадиган ёки қиз янги асар ижросини киёмига етказмоқчи бўлса, созини уйига ортмоқлаб келади.

У ота-онаси автоҳалокатга учраб, етим қолгунича санъат мактабининг ғижжакчилар синфида ўқирди. Ўн ёшида Тошкентга, холосининг бағрига, учинчи фарзанди бўлиб “тиқилганидан” кейин виолончель гуруҳидан бошқа жойда бўш ўрин топилмади.

Құлман ОЧИЛ

- Бугун телемарказда запись бормиди? – сүради йигит.
- Биларкансиз. Сиз ҳам артистмисиз? – деди қыз ранжитиб қўйишдан чўчигандай майин табассум ва мулоимлик билан.
- Шундай десак ҳам бўлаверади.
- Қиз пастки лабини тишилади.
- Нечанчи хонада яшайсиз? Ҳойнаҳой, бешинчи қаватдан пастда бўлмаса керак.
- Кечирасиз! Қанақа хона? – шитоб билан кетаётган йигитга аранг эргашиб бораркан сўради ҳамроҳи.
- Қанақа бўларди, ўрда даҳасидаги ётоқхонага қарашли хона-да.
- Сиз ҳам ўша ерда...
- Йўқ! – унинг гапини шартта кесди йигит.
- Унда қаердан?..
- Анхор бўйи деб аталмиш Ўрда даҳасида кўп қаватли отарчилар макони борлигини ер юзидағи жамики тараққийпарвар инсоният яхши билади. Тараққийпарвар инсоният эса тўйини отарчиларсиз ўтказа олмайди. Ўтказса, туясиям, биясиам қисир қолади...
- Кечирасизу, мен отарчи эмасман! – деди қыз ва йигитнинг қўлидан билагини тортиб олмоқчи бўлди.
- Биламан. Жуда яхши биламан! Виолончелистдан отарчи чиқмайди. Бу юртда, бу замонда.
- Кўча чироқлари ёниб, ёмғир сийраклашгандай бўлди.
- Сал секинроқ юрайлик, – деди қыз. “Оёғим оғрийди, тез юролмайман”, демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди.
- Узр, – деди йигит. – Майнам ишлай бошлаганида қадамим тезлашиб кетади. Майнам билан оёғимнинг сими битта.
- Гапниям бопларкансиз. Шоирмисиз дейман?
- Шундай десак ҳам бўлаверади.
- Қизнинг бу сирли ҳамроҳ билан гаплашгиси кела бошлаган эди. Лекин ботинолмасди. Нима дессанг, эшитадиган жавобинг битта: “Шундай десак ҳам бўлаверади”. Барибир, ўзини тийиб туролмади. Беш-олти қадамлик сукутдан кейин яна сўради:
- Менинг Ўрдада, бунинг устига, ётоқхонада яшашимни қаердан биласиз? Синчимисиз? Ё органда ишлайсизми? Фақат, илтимос, “Шундай десак ҳам бўлаверади”, деб масхара қиманг...
- Йигит ўзини эшитмаганга олдими ё “майнаси”даги фикрларини жамлашга тушдими, бирпас жим юрди-да, илкис тўхтади:
- Шу саволингизга кейинроқ жавоб берсан майлими?
- Қиз чўчиб тушди.
- “Кейинроқ” деганингиз – қачон? – дея ҳадик билан унга тикилди. Йигит сирли ва самимий жилмайиб турарди.
- Эртага, индинга. Бир йилдан кейин...
- Кечирасиз-у, сиз мени танийсизми? Ё?..
- Йўқ! – шартта жавоб қилди йигит. – Танимайман. Умримда биринчи марта кўриб турибман. Ўлай агар!
- Тавба!..
- Қўлингизни беринг?
- Йигит кутиб турмасдан унинг қўлини ўнг кафти орасига олиб, курткасининг чўнтагига солди. Кафти қаттиқ, лекин иссиқина экан. Қизнинг димогига эркаклар соқол олгандан кейин сепадиган атирнинг ифори келди. Қўшни хонада турадиган Захронинг эри ҳар куни эрталаб ҳаммомга кириб чиққанидан кейин изидан шундай ёқимли бўй қолади. Ҳар куни!

– Кўлларингиз музлаб кетибди, – деди йигит.

Қизнинг оёқларини бир лаҳза мадор тарк этгандай бўлди-ю мункиб кетишига сал қолди. Сершоҳ, серяпроқ, улкан-улкан чинорлар кўча чироқларининг шусиз ҳам хира нурларини тўсиб, бетон йўлакка кўланкасини ташламаганида ва йигит бирров бурилиб, ҳамроҳининг юзига разм солганида, қизнинг чиройли кўзлари жиққа ёшга тўлганини кўрар эди.

У кўчада, ойдин кечаларда мана шундай, қўлини қўлига бериб, осойишта, шошилмай, бошини йигитининг елкасига қўйиб, гангур-гунгур суҳбатлашиб, сайд қилиб юрган қиз-жувонларни кўрганида, юрак-бағри қонга тўларди. Ўзига бундай саодатли кунлар, баҳтли лаҳзалар энди насиб этмаслигидан эзиларди.

– “Сен борурсан катта йўлдан, баҳтиёр ёшлар билан!” Шунака ашула бўларди, эшитганмисиз?

Қиз томок қирди. Ютинди.

– Ҳа, – деди овози титраб. – Ортиқ Отажонов айтарди.

– Балли!

Қиз бу мақтовми, ҳазилми – билолмади.

– Энди чорраҳанинг нариги томонига ўтамиз. Қарабисизки, Ўрда.

– Бир гапни сўрасам, ижозат этадиларми?

– Сўрангиз.

– Виолончель чалишимни билсангиз, анҳорнинг Ўрда даҳасидаги ётоқхонада, ҳатто юқори қаватда яшашимни билсангиз, балки, паспортимнинг сериясини ҳам...

– Биламан!

– Нима?!

Йигит бирдан тўхтади.

– Олинг, ўша паспортингизни. Чўнтағингиздами, ишқилиб?

Қиз ҳайрату ҳадик билан кўллари титраганча чарм сумкасини очди ва паспортини олиб, кўча чирогининг ёруғига тутди.

– Қаранг, – деди йигит. – Серияси – “СА”. Номери... – У иккилангандек чаккасини силади, – Хуллас, номерида 1, 9, 7 ракамлари бор. Исмингиз – Робияхон, фамилянгиз – Ризаева. Хўқанди латифда ўнинчи июль куни туғилгансиз.

Қизнинг қўлидаги хужжат тушиб кетди. Йигит уни илиб олди.

– Бу қанақаси? Хужжатни эҳтиёт қилиш керак, бекойим!..

– Сиз кимсиз, ўзи?.. Қўрқитманг мени!

– Ким бўлардим. Яратганнинг сиздай бир ожиз бандасиман. Худодан кўрқкан – бандасидан чўчимайди.

– Энди муллаларга ўхшаб кетдингиз.

– Ҳа, ҳар соҳадан бир шингил. Баҳтим ҳам, кулфатим ҳам шунда.

Йигитнинг овози бирдан маъюс тортди:

– Келинг, қўлингизни беринг, Робияхон! Яна пичагина кафтим орасида олиб юрай. Яна озгина... Илтимос!

Ҳамроҳининг бу ўтинчи қизнинг дилидаги гидирни гўё дарҳол ювиб кетди. Қўлини берди. Йигит уни кафти орасига олиб, авайлаб чўнтағига солди. Бармоқларини меҳр билан силади. Энди йигитнинг қўли ипакдек мулоим туюлди. Робиянинг мижжалари яна ёшга тўлди. Бошини унинг елкасига қўйиб, кўзларини юмгиси келди.

– “Бу дунёда сен ҳам ғариб, мен ҳам ғариб”, – деди ҳамроҳи бирпасдан кейин. – Ўқиганмисиз?

– Йўқ. Эшитганман... Бошим оғриб кетди.

– Бошим? Нега?

Қулман очил

- Шунча сир-синоат. Шунча гап. Минг йилдан бери танишдай муюмала қиляпсиз. Мен эса сизни биринчи марта кўриб турибман.
- Балки иккаламиз бир-биримизни минг йиллардан бери бу ёруғ оламда сарсон-саргардон излаб юргандирмиз!
- Шундай гаплар билан одамни эзишдан лаззат оласиз, шекилли.
- Балки... Мана, қароргоҳингизга ҳам етиб келдик. – Ётоқхонанинг ойнаванд эшиги олдида тўхтадилар. – Биламан, сиз лутф учун ҳам, “Бир пиёла чой ичиб кетинг”, демайсиз. Менга эса сурбетлик кўчаси бегона.
- Шунисига ҳам раҳмат!.. Кеч бўлди.
- Хайр!
- Омон бўлинг! Раҳмат! Миннатдорман!..

Йигит бетон зиналардан илдам тушиб кетди.

Қиз унинг ортидан маъюс қараб қолди. Кетманг, майли, бир пиёла чой сиздан ўргилсин, дейишга тили бормади. “Доим шунаقا, – деб пичирлади унинг лаблари, – зарил пайтда тилим айланмай қолади. Айланганда-чи? Хонангга қандай таклиф қиласан? Бирорни меҳмонга чақирадиган жойми, ўзи, ўша хужраи хосинг?”

У консерваторияни тугатиб, симфоник оркестрга ишга жойлашган йили холаси кўзига ёш олди: “Жон қизим, мен бечорани кечир! Ўғлим биттаси билан ўлдим-куйдим қилиб юрган экан. Тўйни тезлатмасак бўлмайдиган. Квартирамизнинг уч хона деган номи бор... Балки, бирорта ётоқхонадан жой топилар. Суришириб кўрсанг бўлармикин? Нима дейсан? Бир-икки сўм харажати чиқса, поччанг қараб турмасди”.

* * *

Лифт эшиги тарақлаб ёпилди ва занжирларини шарақа-шуруқ қилганича кўтарилиб кетди. Қаватдаги лампочка куйганига неча кун бўлди. Алмаштирадиган мард йўқ. Қоронги йўлакни доғланаётган ёғнинг аччиқ ҳиди босган.

– Фаррух! – Заҳронинг ошхона томондан овози келди. – Ҳа, ергина ютсин сани!.. Косани опкел, дедим санга!

Қулфни аранг очди. Қўллари қалтирас, тинимсиз оқаётган кўзёшлари қовокларини беаёв ювар, лип-лип учётган лаблари аянчли пичирлар эди: “Доим шунаقا!..”

Қанча ўтганини сезмади. Эшик секин тақиллагандай бўлди.

- Ким? Очик, келаверинг...
- Ассалому алайку-ум! Ҳамроҳингизман.
- Вой, ўлмасам!..
- Мумкинми?

Сим каравот ғижирлади. Эшик очилиб, узун кўланка кўринди.

– Нега қоронғида ўтирибсиз, бегойим?
– Вой, сизми?.. Қандай кирдингиз? Қоровул бор-ку?..
– Ҳужжатингизни эҳтиёт қилинг десам, барибир қарамабсиз. Мана, паспортингиз.

– Қатттиқ чарчаган эканман. Бирпасгина чўзилай деб қотиб қоппан.

Йигит пайпаслаб, чирокни ёқди. Ноҷоргина симда осилиб турган ягона лампочка хонани хира ёритди. Робиянинг назарида, йигит ногаҳон кириб келганидан ҳижолат чекиб, нафаси ичига тушиб кетгандай туюлди. Қиз омонат бошпанасига кирган заҳоти созини эшик олдига суюб, ўзини каравотга ташлаган. Ташлагану ўқсиниб-ўқсиниб йифлаган. Йифлаганини унинг рангпар юзларига чапланиб кетган сурмалари ҳам айтиб турарди.

Робия каравоти суянчиғидаги ювилавериб пиёзнинг пўстидек бўлиб кетган оқ сочиқни олиб, шоша-пиша юзини артди.

Ёнидаги эски қизил адёл ёпилган каравотда сочилиб ётган китоблар, нота қоғозлари, кийимларни йифиширган бўлди. Пошинаси баланд қора этигининг бир пойи бўсағада – тирқишиларидан сувораклар сайрга чиқиши яхши кўрадиган тахта полда, иккинчиси тўрроқда – униқиб кетган шолча устида, узун кўнжи буқланганича қолган экан. Иккаласини ҳам каравоти тагига тиқди. Нон ушоқлари сочилиб ётган газета-дастурхонни йифишириар экан, лабини тишлади: “Шарманда бўлди-им!”

Йигит паспортни узатди.

– Вой, раҳмат!.. Доим нарсаларимни йўқотиб юраман.

Робия столнинг олдидағи занг босган темир курсини суриб кўяр экан, димоғига яна ўша таниш муаттар бўй урилди:

– Ўтиринг, – деди тил учида.

– Йўқ, яххиси, сиз юринг. Кўчанинг нариги томонидаги кафеда ҳам тамадди қиламиз, ҳам гурунгни давом эттирамиз.

– Йўғ-е, сизни шунча овора қилганим етар.

– Асло! Ҳали анча кам. Камини тўлдиришимиз керак.

Бу ҳазил Робияни жилмайишга мажбур қилди:

– Унда борганим бўлсин!

– Бу – бошқа гап. Мен кетдим. Жой тайёрлатиб қўяман. “Оқшом гурунглари” кафеси. Хўпми?

– Хўп! – деди қиз кўзлари чараклаб.

Кўнглидаги умид ва шубҳа, қувонч ва хадик қоришиб, аралашиб кетганини сезарди: “Бу ёғи энди нима бўлади? Наҳотки, омадинг юришаётган бўлса? Балки баҳтинг очилиб кетар, Робия? Яна ишонгиси келмасди. Ҳовлиқаверма, қизча! Балки ўша чиройли йигит шунчаки эрмак ахтараётгандир. Кейин корасиниям кўрмассан. Дилингдаги бир аламинг минг бўлиб, кўзёшларингни тўкиб, ҳувуллаган, лаҳаддек шу совуқ хонада тағин якка-ёлғиз, сўққабошлигингча қоларсан”. Нима бўлганда ҳам, унинг кафега боргиси келаётганди. Балки йўқ ердаги нарсалардан умидвор бўлаётгандир. Эҳтимол бу тасодифий учрашув Яратганинг иноятидан бир ишорадир!

Хеч кимга, ҳеч қачон нолинмаган, кўз ёши қилмаган Робия шу тобда кимдандир маслаҳат сўрашга, тушга ўхшаш айни ҳодисаларнинг таъбирини билишга эҳтиёж сезмоқда эди. Қани энди ёнингда онанг, опанг, яқин дугонанг, сирдошинг бўлса.

Ҳамхонаси Новвот турмушга чиқиб кетганидан кейин ёлғизлиги янаем билинди. Холасининг гапларини бот-бот эслайдиган бўлди: “Сенга Аюбнинг сабрини берсин, Робия қизим! Обшежитиега совчи келиши қийин. Ўзинг бир йўлини қиласан энди. Ёлғиз одамга жаннат ҳам татимайди”.

“Эртаниям ўйлашимиз керак, – деганди Новвот тўйи олдидан. – Ўзимни аврай-аврай, ўттиздан ошдим. Томоғимнинг тагидаги бақбақаларимга қара. Қопнинг ў-ўзи. Энди кимни, ниманиям қойил қиласдим”.

Новвот мудом зорланарди: “Жуссамнинг кетмондастадан фарқи йўқ. Тап-такир. Қайси каллам билан ўйинчиликни танлаганман, билмайман. Тана-тўшимда маъни бўлмагандан кейин, йигит ўлмагурлар мени бошига урадими!.. Сендай юзларим оппоққина, кўзларим доим мулоҳимгина кулиб турганида, ўзим билардим. Сени кўрган эркак ўлибина қолади. Кўзларинг, белларинг, кўқракларинг... Етти чақирим наридан ўтаётган йигит ҳам бурилиб қарайди. Бир айбинг – ўзинг латтасан. Анави матоҳингни гит-гит қилишдан бошқа ишга ярамайсан...”

“Хўжайнингиз неча ёшдалар, опа?” деб сўраган эди Робия.

Құлман ОЧИЛ

Новвот яширмаган. Хотини ўлиб, “әрликка номзод” бўлиб турган ўша одам, элликдан ошганига қарамай, хали даёв, деган. Тўпосдай. Бола-чақасидан тинган. Невараси бўлса-чи? Шахри Самарқандда дўконлари бор. Тўйимиз ўтиши билан икки хонали квартирасини номимга хатлаб бермоқчи. Ўша уйда алоҳида яшарканмиз.

“Муҳими, ўзимники, – деган эди санъатни ташлаб, уй бекалиги сари ошиқаётган раққоса. – Бирорта бетайинга иккинчими, Худо билади, учинчими, хотин бўп текканимда, ё жазман тутинганимда, бурнимни бўшатармиди. Қачон менинг навбатим келаркану, қачон ўша бетайин бирпас елкамни силаб, ҳоворимни босиб кетаркан, деб сарғайиб ўтираманми. Шерикли ошнинг бети курсин!”

Энди унинг бўш турган каравоти Робиянинг кўзига қоронги кечаларда тобутга ўхшаб кўринади. Новвот кетгач, ётоқхона директоридан, менга алоҳида хона берсангиз, деб илтимос қилди.

“Алоҳида хонада нималар қилмоқчисиз?” деб сўради мусофирихона хўжаси.

“Биласиз, виолончель чалиб тураман. Ғит-ғити шеригимга малол келадими деб чўчияпман”.

“Майли, – деди директор ундан кўзларини узмай ва қўшиб қўйди: – Баъзида шилпилдок пишириб берсангиз, бас”

Робия тарс ўрнидан турди-да, кабинетдан индамай чиқиб кетди: “Сўлагини оқизмаган сен қолувдинг!..”

Ортидан пихиллаган овоз эшитилди: “Гадо аразласа, тўрvasига зиён”.

Ҳамма эркак – бир гўр. Ёлғизлик гулханида қовурилиб, меҳрга ташна юрганингни яхши билади. Шу олов тафтида исиниб, нафсини қондирмоқчи бўлади.

Захронинг эри, Мирвосил ҳам уни ёлғиз қўриши билан эҳтирос билан шивирлайди: “Қалай, ҳайкал тайёр бўп қолдими, Робия?” Бу иффатингни қачонгача асраб-авайлайсан. Асраганинг билан энди сенга бирор ҳайкал қўярмиди, дегани. Қизнинг нафаси ичига тушади. Қарғанади: “Қизингга буюрсин ўша ҳайкал!”

Бир гал Мирвосил ичиб олган экан. Лифтда шартта унга ташланиб, кучоклаб, ўпа кетди. Ҳар туки бигиздай келадиган соқоллари қизнинг юзлари, бўйни, лабларини шилиб юборгандай бўлди. “Иккинчи хотин бўлиб тег менга! – деди ҳансира. – Умрингни бехуда ўтказма. Лаззатланиб яша! Ўғил туғдирман!..”

Мирвосил чотига тепки еб тинчиди.

Захро бечора эрини gox у, gox бу аёлнинг оғушида ушлаб олади. Аёллар бир-бирининг сочини юлган. Юзини тимдалаган. Болалар изиллаган. Текин томошани кўриб, қўшнилар яйраган. Бақир-чақир. Эр, гуноҳкор хўқиз, бошини ҳам қилганича, тамшаниб турган: “Кайф устида адашиб қоппан, деяпман-ку! Бўлди энди, ўчир, Захро!”

Ўзига қарамай қўйган Захро бечоранинг сочига аллақачон қиров қўниб, кампирга ўхшаб қолган. Эри театрда администратор, аёли кассир. Эр эрталабдан яrim тунгача нард ташлайди. Аёл тонгдан шомгача жаврайди: “Артисти бетайинга тегмай ман ўлай!”

Робия ётоқхонада қари қиз, ёлғиз кампир бўлиб қолиб кетганларни кўз олдига келтирса, ваҳимаси ошаверади. Топгани томоғидан ортмаса. Қачон квартира сотиб олади-ю, қачон уни созлайди.

Робия ўзини бирор йигит учрашувга таклиф қилишини, севиши ва эркалашини тасаввур қилолмасди. Ўкинарди. Ўзи ҳеч қачон, ҳеч кимга кўнгил бермаган. Беролмаган. Журъати етмаган. Етгандек бўлганда ҳам, доим дами ичиди қолиб кетаверган.

Шу тобда у туш кўраётганга ўхшар ва кўраётган тотли томошаси тугаб

қолишидан хавотирда. Гоҳ совуқ егандай жўнжикиб, гоҳ изтиробнинг зўридан пешонасини тер босиб, алаҳсираётган бемордай торгина хонада, икки каравот орасидан у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Охири шартта тўхтаб, қалин сочиғини елкасига ташлади. Устимдан сув қуйиб чиқай, балки хаёлим жойига кепқолар, деб ўйлади.

Ҳаммомдан чиқиб, ўзига оро беришга киришди. Тузук-қуруқ бўянмай, ясан-тусан қилмай қўйганига анча бўлганини эслади. Калта қирқилган қора сочини энсасига йигиб турмаклар экан, икки тутамини қошлирагача тушириб қўйди. Пешонасида ажин йўқ. Шундай бўлса-да, ёшроқ кўрингани тузук. Қош-кўзига қалам тортди. Ингичка бўйнига атир пуркаб, лабини бўяди. Юзидағи сепкилларини яшириш учун упани қалин суртди. Кўнгли тўлмади. Кампирга ўхшаб қолгандай туюлди. Артиб ташлади. Бор – борича, йўқ – ҳолича.

Эшиклари осилиб қолган шкафни очиб, яна боши қотди. Қайси қўйлагини кийгани маъқул? Худди бир вагон либоси бордай, иккиланишини қаранг! Нимпуштисини олди. Узунроқ. Оёғидаги этигиям ҳадеганда кўзга ташланмайди. Поларўй жемперини эгнига илди. Этигини кийди.

У пойафзал излаб бозору бутикларга киролмайди. Дўконларнинг пештахталаридағи бир-биридан чиройли, ранги кўзни оладиган пошнаси ўқдай, учлари миҳдай бежирим туфли ва этикларни кийиб кўролмайди. Унинг хос фабрикаси, хос устаси, хос этикдўзи бор. Ҳаммаси бир жойда – ортопедия дўконида. Ортопед уста уч сантиметр қалта ўнг оёғига мослаб-тайёрлаб берган зил-замбил пойафзални судрашга маҳкум.

Робия тумбочкаси устида турган суратни қўлига олиб, оғир хўрсинди. Суратдан шоп мўйловли отаси, қошлари қаламдек онаси, ўртада – сочига қизил лента тақкан қизча унга хушнуд қараб туришар эди.

“Меҳрибонларим! – деб пичирлади энди ўша қиз. – Мен учрашувга кетяпман. Учрашув дейишгаям тилим бормайди! Таваккал қиляпман... Қизингизга омад тиланг! Бахт тиланг! Ҳозир ёнимда бўлганингизда эди...” Суратга лабларини босганида чорчўпнинг ойнаванд юзига икки томчи қайноқ ёш томди.

Робия ётоқхона остонасидан ҳатлаб ўтар экан, энтиқиб кетди. Димиқиб ётган мусофириҳонадан чиқкан киши кўкламнинг салқин ва мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олгиси, бўм-бўш кўчаларда ҳузурланиб юргиси келади. Ёмғир бирордан истихола қилгандай майдалаб, сассиз ва шошилмасдан ёғарди. Гўё гир-атроф туннинг бу сокин навосига бутқул маҳлиё бўлиб қолган. Қорайиб кўринаётган биноларнинг деразалари, қунишибигина турган дараҳтларнинг япроқлари, ҳорғин автоларнинг ойналари, осойишта кўчаларнинг асфальтлари неон чироқларининг ҳазин шуъласида сирли ялтираб, кўнгилда маҳзун туйғулар уйғотади.

Кундан-кунга қариб-чириб бораётганингни, ўтаётган ҳар бир дақиқа сени баҳт ва умид деган манзиллардан тобора узоклаштириб кетаётганини англаб, хис қилиб яшаш – азоб. Бир қарасанг, мана шу дараҳтларнинг япроқлари ям-яшил, кўз узолмайсан. Яна бир разм солсанг, яшашдан чарчаган оғир хастадай сўлғин. Кейин кўрсангки, занг тусига киради ва шоҳларни тарқ этади. Бундай жудоликка кўнишидан ўзга ёзмиши йўқ новдалар бир кечада мунғайиб, кўлларини кўкка чўзган қоқсуяқ кампирларга ўхшаб қолади. Ўйлайсанки, япроқлар бу ҳаётга нима учун келган эди? Нимани кўрди? Нимага эришди? Жавобини тополмайсан. Кўнглинг бузилгани, дилинг эзилгани қолади.

Дилгир лаҳзаларда Робиянинг кўли камон сари чўзилади. Виолончелнинг нозик торларидан, ўйилган бағридан “Мұҳабbat маъвоси” тарала бошлайди. Чақалоқнинг соchlаридек майин, кўзларидек беғубор, чечакдек мафтункор бир наво. Навоки, муҳаббат ва садоқат, ёлғизлик ва умид, меҳр ва маъюслик билан йўғрилган. Дилингда ардоқлаб юрган энг бокира туйғуларингни,

Құлман ОЧИЛ

яширин ўй-хаёлларингни жунбушга келтириб, вужудингни сеҳрлаб қўяди. Камонга қўшилиб тўлганаётган торлар, гўёки баҳт ва меҳрдан, бокиралик ва маъсумликдан мўъжизавий қўшиқ куйлади: “Сен гўзалсан! Гўзалсанки, орзуларингдан воз кечма! Асло воз кечма!” Кўнглингга азоб бериб ётган шубҳагумон, умидсизлик, рутубат инграби оҳ ураётган оҳангларга дош беролмай, чекингандек бўлади. Руҳинг енгил тортиб, дилингга уммон каби қуйилган сеҳрли туйгулар, оташин эҳтирос энди кўзларингдан қайнок ёш бўлиб тирқираб отилади. Эрта кетган отанг, меҳрибон онанг, беташвиш болалигинг кўз олдингдан ўтаверади, ўтаверади. Кўзёшларинг оқаверади, оқаверади. Вужудинг ларзалар гирдобида қолади. Соғинч, ўтинч, илтижо... Кўзларинг юмилиб, илохий оҳанглар оғушида парвоз қилаётганингни сезмай қоласан. Гўё поёнсиз самоларда кезиб юрган фариштага айланасан. Эрк, таскин ва ҳаловат топгандай бўласан...

Косоволик маэстро Степан Хунзернинг бор-йўғи бир неча нотадан иборат асари ана шундай умидбахш қувват ва ором бағишлайди. Ижро қилиб ҳам, тинглаб ҳам тўймайсан. Меҳрга тўйиш мумкинми?

* * *

Йигит эшик олдида кимлар биландир сухбатлашиб турган экан. Робия билинар-билинмас бош эгиб салом берди. Мезбон унга пешвоз чиқар экан, ичкаридан қаҳвахонанинг хос камзули ярашган мулозим гулдаста кўтариб чиқди. Йигит гулни олиб, қизга икки қўллаб эҳтиром билан узатди:

– Хуш кўрдик!

Қип-қизил атиргул! Шундай текис, шундай қаттиқ сикиб дасталанганди, бир кучок чечак яхлит алвонга ўхшаб қолибди. Бундай илтифотдан гангиган қизнинг тилига аранг бир сўз келди:

– Ташаккур!

Робия бу кафега кўп кирган. Киргану, унинг иккинчи қаватида ҳилват хужралар борлигини билмас экан. Эшигига бамбук бўлтакларидан “парда” осилган хужралардан нимқоронғи йўлакка хирагина нур таралиб турарди. Узун йўлакнинг охирига етгунларича у саҳнага биринчи марта чиққан созандадай ҳаяжондан оёқлари чалкашиб кетаётганини сезди. Назарида, оёқлари тагидаги қалин поёндоз эмас, нақд муз. Эҳтиёт бўлмаса, тойиб-сирпаниб ийқиладигандай. Буни сезган ҳамроҳи билагини тутди. Қиз унга суюниб олди. Ўзини худди шу ҳилват гўшанинг хўжайинидек (балки хўжайинидир!) тутаётган йигит дадил. Қўл қовуштириб турган мулозимларга “тезлатинглар” деб қўйди.

“Бамбукзор”ни шалдиратиб очди:

– Марҳамат!

Йигит Робиянинг гулобий ёмғирпўшини олиб, бурчакдаги илгакка осди ва устидан ўзининг чарм камзулини илди. Йўқ, шунчаки илмади, плашини камзулига авайлаб ўрагач, устига оқ шарфини ташлаб қўйди. Буни қўриб қизнинг этлари жимиirlаб кетди.

Йигит энди күёвлардай кийинган. Тим қора костюми, оппоқ кўйлаги ва қизил галстуғи кўзни оламан дейди. Қалин тим қора соchlари чиройли таралган. Кўкрак чўнтағидан қизил дастрўмолчасининг учи кўриниб турарди.

– Ижараҳонамизга бирров ўтиб келдим, – деди у. – Талаба укам билан шу яқин-орада – Себзорда турамиз.

Қиз жилмайди:

– Энди дипломатларга ўхшаб кетибсиз. Ярашибди.

Гулдастани гулдонга жойлар экан, йигит мамнун бош иргаб қўйди. Муаттар

бүй қизнинг димоғини қитиқлаб, вужудидаги ғул-ғулани яна пароканда қилиб ўтди. Хўрсинди. Ўзини қандай тутишни, нима қилишни, нима дейишни билмас, гўё карахт бўлиб қолганди.

Бежирим столдаги ваза тўла мева: олма, анор, нок, апельсин, киви, банан... Хаммаси иккитадан. Жуфти билан! Устига бир шингил олтин ранг узум қўйилган. Ўриндиқ юмшоққина. Суяноман десанг, болишиям тайёр.

Мулозим оқ баркашда чой кўтариб кирди ва йигитнинг олдига қўйди. Қиз оқ тақсимча устидаги оқ чойнакни олдига тортиб, чойни оқ пиёлада қайтарди. Биринчи пиёланни енгил тавозе билан йигитга узатди.

Робия ҳамон нималар бўлаётганини тушунолмас, бироқ тезроқ англақ етгиси келарди. Гўё уни кимдир зидан кузатиб тургандай, устидан кулаётгандай. Йигит уни бир кўришда ёқтириб қолганига ишониши қийин. Келиб-келиб ёши ўта бошлаган оқсоқ қизга куни қолмагандир. Кўзга яқин экан. Шайдолари сочидан ҳам кўп бўлса керак. Бир қарасанг, асилзодаларга ўхшайди. Гаплари дадил, маънили. Яна бир қарасанг, дағал. Лекин каттазанг эмаслиги аниқ. Қизнинг қувваи ҳофизаси шивирлар эдики, ишон, дуруст йигит.

Қайноқ чой, ғоят тотли туюлган товуқ шўрва қизнинг вужудини тамомила ўз забтига олган хаяжону жунжикишни босгандай бўлди.

Узунгина рух қозонда гўшт олиб кирган мулозим шампан виносини очди.

– Нега маъюс тортиб қолдингиз, Робияхон?

– Ўзим, – жавоб қилди қиз ўйчан.

– Келинг, ҳадикли хаёлларни кувиб, яйраб ўтирайлик.

Қиз маъюс жилмайди. Мезбоннинг муҳим нарса ёдига тушгандек бирдан юzlари ёришиб кетди.

– Дарвоқе, танишайлик. – У ёнидан яшил паспортини чиқариб, қизга узатди. – Исмим – Асрор, фамилиям – Хуррамов. Ёшим сизницидан – бир ёшу ўттиз уч кунлик катта...

– Вой, қандай яхши! – деб юборди қиз. – Мен сизни... анча ёш бўлсангиз керак, деб ўйлабман.

– Бемалол ака деяверсангиз бўлади.

– Хўп-хўп, Асрор ака!

Робиянинг қўнглига соя солиб турган мавҳумлик кўтарила бошлади. Йигит винога қўл узатди:

– Бир қултумгина.

Қиз дувва қизарди:

– Мен ҳеч қачон ичмаганман, Асрор ака.

– Лекин бугун... тарихий кун.

“Ака” дейиш шу қадар ёқимли эдики, бехосдан вужудининг қайбир қатламларида англақ бўлмас, қандайдир тотли ва тийиқсиз туйғулар жунбишга келгандек бўлди. Уялиб кетди! Йигит қадаҳларни яримлатиб вино қўйди.

– Ижозатингиз билан, бир сўз айтсам, Робияхон.

– Айтингиз! – жавоб қилди қиз юzlари ял-ял ёниб.

– Тиллодек товланиб турган ушбу неъматни бу ёруғ оламда ўзим бир умр орзу қилгандек кенг пешона, ақлли ва камсуқум, содда ва самимий, оғир-вазмин ва ғоят гўзал бир қизни, яъни сизни учратганим учун ичсак!

Узундан-узун бу иқрорни эштиб, Робиянинг тиллари танглайига ёпишиб қолди, десак камлик қилар-ов. Яхшиси, қиз бечора адойи тамом бўлди, деб қўя қоламиз. Томогини намлаш учун оқ пиёладан чой хўплагиси келди. Лекин қўли банд – қадаҳ ушлаб турарди.

Бир қултум ютди. Муздайгина экан. Яна ичгиси келди. Жуда-жуда ичгиси келди! Ийманди. Йигит охиригача сипкорди.

Қулман ОЧИЛ

– Асроржон ака, менда бир савол пайдо бўлди. – Энди дадиллашган Робиянинг кўзлари чақнаб турар, айни пайтда қалин, қайрилма киприкларида адашган икки томчи нуқрадек ялтирарди.

– Айтингиз.

– Менинг “ақлли ва камсуқум, содда ва самимий,” эканимни бирпасда қандай билиб олдингиз?

– Хўп, десангиз, аввал сал тамадди қилиб олсак. Кейин сиз учун алоҳида матбуот анжумани уюштириб, барча саволларингизга батафсил жавоб қайтарсан.

“Ҳазилкаш эканлар”, деб ўйлади қиз.

Таом иштаҳа билан тановул қилиниб, қўллар хушбўй намсочиқчага артилгач, йигит чўнтагидан қалингина конверт чиқариб, оқ дастурхонга қўйди. Конвертнинг ёнидан бир шода қалит, кумушранг чўнтақ соати ва уриниб, эскириб қолгани кўзга ташланиб турган кўк ғилофча жой олди.

– Шундай қилиб, матбуот анжуманимизни бошлаймиз, – деди Асрор Хуррамов. Айтдики, бугун – гоят омадли ва унутилмас кун. Икки ойга чўзилган навбатдаги лойиҳамиз муваффақиятли якунига етди. Қорасув даҳасидаги ўн беш сотихли ҳовли уч қаватли шоҳона уйи билан сотилди. Эрталаб уни бир ярим миллион долларга пуллаб, шартномада келишилганидай, маблағнинг уч фоизидан умид қилиб турган жойимда, сотувчининг кел-кели келиб кетди-ю, яна беш юз қўшиб юборса, денг! (Маърузачи олдидаги оқ конвертни силаб қўйди!) – Ана энди Асрор акангизнинг Паркент даҳасидаги янги уйларнинг орасида олчангла-аб юришини томоша қилинг. Битта-иккитасини кўзимнинг остига олиб қўйгандим-да! Шўйти-б юрсам, иккинчи қаватдаги шинамгина бир квартиранинг устидан чиқиб қолмайманми! Саксон саккиз квадрат метр. Пишиқ гиштдан. Уймисан уй. Бадастир. Уч хонада учта телевизор. Кося-товоқдан дазмолгача мухайё. Бунинг устига, етмиш фоиз пулини ўттиз олти ойда бўлиб-бўлиб тўлаш йўригини айтмайсизми! Ол-да, димоғингни чоқ қилиб яша! Ўичи ўйини ўйлагунича, таваккалчи ишини битиради. Ато этганига шукр деб оласизда! Пулнинг ярми дастлабки тўловга сарфланиб, хонадоннинг қалити ўша ернинг ўзида қўлга олинди десам, ишонаверинг. Йиғиб-териб юрганларимни қўшиб-чатсан, жовликкина тўласам ҳам бўларди. Эртани ўйладим.

Шошилмасдан гапираётган йигитнинг юзида кишини ўзига ром этгувчи қатъяти ва самимият зухур эди.

– Эй, сабрдан яралган, Робия! – деди у бирдан ҳаяжон билан сенлашга ўтиб. – Ўша уй энди иккаламизники бўлишини истайман!..

Асрор қалитлар шодасини қизга узатди. Робия ўрнидан туриб кетди ва қалитларни авайлаб олди. Олар экан, беихтиёр тавозе билан бошини эгди, лекин кейин нима қилишини, нима дейишини, қалитларни қаерга қўйишини билмай саросимада қолди. Гўё ҳовучидаги бир шода жавоҳир кафтларини чўғдек куйдиради. Гўё тилдан қолгандай, лаблари титрар, лекин саси чиқмасди.

Йигит эса айтаётган гапларидан масрур ва маст, давом этарди:

– Энди ўзинг айт, Робия! Ўн бир йиллик ижараҳонликдан кейин бундай бошпанага етган мардум улфатларидан суюнчи олмаслиги мумкинми? Йўқ-да! Бир замонлар, телевизонда телебошловчи пайтларим, бирга ишлаган қадрдоним Нозим Сурхонга сим қоқиб, зиёфатдан гап очсам, тараанг қилди. Гапини қаранг. Ишхонасига бориб, машинамда олиб кетсам, борармиш ўша зиёфатга. Нима ҳам қиласидинг? Эркалигини қўтарасан-да! Тошкентга келиб топган қалин ошнам, университетдаги сабоқдошим бўлса. Бир қориндан талашиб тушган ака-уқадай гап. Шундай қилиб, телемарказ дарвозаси олдида Нозим Сурхонни кутиб ўтиргандим. Радиодан таралаётган най навосига бўшашиб, кўзларим юмилиб-юмилиб кетаётганди. Бирдан чўчиб тушдим. Қаршимдан ўрта бўйли, бошяланг

бир қиз келарди. Оғзим очилиб қолди. Очилмасинми? Елкасига истолбадай бир нарсани осиб олган бечора қиз юки оғирлигидан буқчайиб қолган. Косасига чўккан чиройли қўзлари шу даражада маъюс ва шу даражада мунгли эдики, анамана йиглаб юборса керак, деган хаёлгаям бордим. Шундоққина ёнгинамдан, бир қадам наридан ўтиб кетди.

Юрагим жиз-з этди. Кейин устимдан бирор бир сатил муздай сувни қуйиб юборгандай, варажга тутиб кетди. Ўзимга келиб қарасам, машинамнинг эшигини қулфлашният унубиб, унинг изидан зиппиллаб кетяпман. Қорама-кора, қистаниб боряпману, ўйлайман: “Бошпанали бўлсан уйланаман деб юргандинг, Асрорбой, ниятинг холис экан!”

Ирим-сириларга тоқатим йўқ. Аммо катта кўчага етайдеганимизда, секинладим: “Шу ҳурлиқо чорраҳада тўхтаса, ниятимнинг Худога хуш келгани!”

Бутун вужуди қулоққа айланиб ўтирган қизни Асрор гаплари билан сеҳрлаб кўйганди.

– Бахтимни қарангки, – дея давом этди собиқ телебошловчи, – “истолба судраган” қиз катта кўчани кесиб ўтишга улгурмади. Кейин... кейин уни гапга солдим. Ақлли экан. Ақлли бўлмаса, энтак-тентак гапларимга чидармиди. Махмадоналиқ қилмади. Жиккиламади.

Юзлари қизариб, буғриқиб кетган қиз, бошини кўтарай демасди. Қандай кўтарсин? Нима десин? Олдида ўтирган эркакнинг қўзларига қандай қарасин?

– Қанча жойларда ишладим, ўқидим, – деди йигит. – Қанча қизлар ёнимдан ўтди. Бирортасига дурустроқ тикилиб қараганим йўқ. Қарасам ҳам, ичимда энсам қотарди. Сабабини яхши биламан. Ҳаммаси қандолат фабрикасидан чиқкан конфетдай – бир хил. Чиройли. Ялтироқ. Замонавий. Бўянган, ўранган. Фақат икки оғиз гаплашсанг, тилингни тишлайсан. Тоши енгил. Ичи занг босган бўчкадай бўм-бўш!

У дастурхондаги соатни очиб, қизга узатди. Соат қопқоғидаги оқ-кора расмдан йигирма беш ёшлардаги, юзларига сепкил тошган, чиройли қиз жилмайиб турарди.

– Танидингми? Шу қиз сенмисан?

– Ҳа, мен... Менга ўхшайди.

– Ўхшайдими? Ўзингми?

– Ўзим...

– Офарин! – йигит ўрнидан туриб кетди ва жойида бир айланиб, ўтириди. – Энажонимга юз офарин, Робияхонга минг офарин!

Қиз ҳайрат билан унга тикилиб қолди. Қовоқлари учди. Йигит жиддий тортди:

– Суратдаги аёл – менинг энам.

– Онам?!

– Ҳа, раҳматли онам. Мен учинчи синфга борганимда вафот этган... Ток урган. Врач эди. Энам ҳам икки ёнига сал чайқалиб юрарди.

– Худо раҳмат қилсин!.. Дадангиз ҳаётмилар, ишқилиб?

– Беадад шукур! Хатирчида ўтиради. Нафақахўр.

Қиз бир соатга, бир олдида ўтирган йигитга боқар ва нималардир демоқчи бўларди-ю, ботинолмасди.

– Асроржон ака, яна сўрасам майлами? – деди ниҳоят иккиланиброк.

– Биламан нима дейишингни, Робия. “Туш қўрмаяпманми?” демоқчисан.

– Ҳа-а...

– Сен-ку, майли. Ўзимнинг ҳам ишонгим келмаяпти, Робия. Лекин ҳеч бир гўдакнинг онаси ўлмасин. Ҳеч бир бола ўгай онанинг қўлида зор қақшаб, туртки еб, ўксиниб қолмасин. Сездим, Робия! Етимлик сенинг ҳам бошингдан ўтган. Ўтмаса, ётоқхоналарда сарсон юрмасдинг...

Қулман очил

Қиз юзларини күллари билан ёпиб олди. Елкалари силкинарди. У шиддати баланд, дадил ва чечан бу йигитнинг ўзига ўхшаш етимча эканини хаёлига ҳам келтиргмаган эди. Асрор ишонч билан гапиради.

– Шу тобда раҳматли эналаримизнинг рухлари иккаламизни кузатиб, қувониб турган бўлса, не ажаб!..

Қиз хаёллар гирдобида ўтирган йигитга қаради ва юрак ютиб сўради:

– Асроржон ака, мени тўсатдан учратиб қолган бўлсангиз. Паспортиминг номерини, қаерда яшашимни, қайси шаҳарда, қачон туғилганимгача қандай билиб олдингиз?

Йигит ўзини орқага ташлаб, куличини кенг ёзди ва мириқиб кулди.

– Осонгина, – деди. – Виолончель ғилофини елкангдан олаётганимда, ётоқхонанг олдида яна ўзингга қайтариб бераётганимда, сумкангни ўмардим. Икки марта!

– Ўмардим?

– Йўталган киши бўлиб, сумкангдаги паспортни олдиму очиб кўрдим.

– Ё, тавба!..

– Ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Бир пайтлар телесериалда киссавур бўлиб чиққанман. Ўргатишган.

– Асл қасбингиз нима, ўзи?

– Филолог десак ҳам бўлаверади. Лекин мардикорликдан даллолликкача бўлган “шарафли йўл”ни босиб ўтганман.

Иккаласининг ҳам юзида беғубор табассум жилваланди. Йигитнинг овози бирдан ўзгарди:

– Сен ўзинг кимсан, Робия?

Қиз чўчиб тушди.

– Сехргармисан? Афсунгармисан? Кимсан? Боя чўлпон кўзларингни кўриб, эсимни йўқотиб қўйгандим. Энди ҳар бир қарашинг, табассуминг ақлимни оламан деяпти. Мендай бир маҳмадонани, йўнилмаган таёқни не кўйларга солиб кўйдинг, айт!..

Қулоқларига бир ишониб, бир ишонмай, лолу ҳайрон ўтирган қиз бошини эгди. Жавоб беришга журъат қани, сўз қани?!?

Йигит хўрсинди.

– Сендан яширадиган гапим йўқ, Робия, – давом этди у энди хомуш. – Даллолликнинг этагидан тутиб, уй бозорини ораламагунимча, бирор нарса ортиrolмадим. Омадимни бозордан топдим, десам кулма! Кўп билан муомала қилиб, одам танишни ўргандим. Укаларимни ўқитдим. Машина олдим. Ширкатимизда мендан бошқа яна ўн риелтор ишлайди. Аҳён-аёнда шу кафеда “Сен же – мен же” килиб турдим. Ётоқхонангни яхши билишимиз ҳам шундан.

Асрор яна бир хабарни қистириб ўтди. Боя кафега кираверишда турган одамлар орасида Нозим Сурхон ҳам бор экан. Паканароғи. Имо қилибдики, “Бу кизни телемарказда кўрганман. Ками йўқ. Тўйнинг газини бос, жўра!..”

Асрор кўк ғилофчадан ингичка узук чиқариб, Робиянинг кўлларини сўради. Қиз икки қўлини ҳам берди. Йигит унинг баҳмалдай мулойим кафтларини эҳтиросдан ловуллаб турган юзларига, бармоқларини эса лабларига босди. Кўзларига меҳр билан суртди.

– Робия! – деди. – Йигитлик сўзим! Токи тирик эканман, шу чиройли соchlарингга гард юқтирамайман. Шу чиройли кўзларингга ғам доритмайман!..

Олмос кўзли узук қизнинг бармоғига лоппа-лойиқ келди.

– Ярашганини кара, Робия! Муборак бўлсин!

– Кўллуқ! – деди қиз оҳистагина.

– Энамдан табаррук! – деди йигит дадил. – Энди сенга буюрсин!..

– Омин! – деди энди иккаласи баробар.

Карвонимиз борар чўли фироқда



Гулом МИРЗО

* * *

Энди учрашмайлик.
Балолар тоғи
васлимиз йўлини қўймишдир тўсиб.
Хоинлар эгаллаб олган ҳар ёғни,
ғанимлар чор ёндан келмоқда босиб.

Энди учрашмайлик.
Шодликлар зада –
ёвлар томонидан сўкиб ташланмиш.
Висол белгиланган ҳар бир лаҳзада
хавотир уруғи экиб ташланмиш.

Эвоҳ,
бу уруғлар қўкарса ёмон:
юракларни ўраб олгай чирмовуқ,
Сен сари талпинмай қўяр сўнгра қон,
мен сари эсгувчи нафаслар – совуқ.

Энди учрашмайлик,
не бўлса бўлар;
демак, пешонага битилмабди баҳт.
Янгилик эмас-ку: Қайс чўлда ўлар,
Лайли эса қолар гулзорда карахт.

Энди учрашмайлик;
жами сайёра
сафга тизилмоқда – қўпар қиёмат.
Оlam барбодликка шайланар, ё Раб,
наҳот дийдоримиз келтирап оғат?..

Гулом МИРЗО – Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист. 1964 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. Шоирнинг “Яхшиҳам сиз борсиз”, “Унумлган хур”, “Офтобга қайтаман”, “Қалб томчилари”, “Отамнинг боғи” шеърий тўпламлари чон этилган.

Энди учрашмайлик.
Биз, ахли ушшоқ –
ҳижронзадаликка қаргалғанлармиз.
Биз шунчалик хормиз, шу қадар ушшоқ –
бир күнгли юз минг бор түғралғанлармиз.

Энди учрашмайлик.
Висол – нима у?
Қадингдек ҳарфлардан тикланган АРМОН;
Сени бир ён ташлаб, мени – бир томон,
сохилдан чекинган, чўккан кема у.

Энди учрашмайлик,
эй, сўл қовургам;
Жаннатнинг сенсизлик даврига қайтгум.
Ишқингда ужмоҳ ҳам ёнса, қоврилса –
шунда нима қилай, Сен менга айтгин.

Энди учрашмайлик,
шуниси қулай;
ҳайда карвонингни, теваларингни.
Аммо, егим келса, айт, нима қилай
қўлингдан тақиқнинг меваларини.

Энди учрашмайлик.
Қошинг – пулсирот,
қулаб тушмоқдаман қайта ва қайта.
Севгилим, кипригинг билан мени от,
Сочларинг-ла боғлаб, қошингга қайтар.

Энди учрашмайлик,
фойдасиз ох-воҳ.
Видо ҳам айтолмай қолганим дамда
хуш бўйинг жонимни қутқарар ғамдан,
тилимда айланар “алҳамдулиллоҳ”.

Энди учрашмайлик,
бундан не самар?
Севгимиздан қолмас на Ҳобил, Қобил.
Лек нуринг қўмсайман, воҳ, шамсу қамар,
айрилиқ – зулмат ва зулмга муқобил.

Энди учрашмайлик.
Ўзинг Биру Бор,
уни менга қайтиб этма рўбарў.
Ахир, ҳар висоли айласа тор-мор –
Бу Сен – Яратганга исён эмасму?

Энди учрашмайлик.
Шоир айтгандек,
“Ёлғизлик ярашар ёлғиз Худога”.
Инчунин, беҳиштдан бирга қайтгандик,
бизни ажратишни истарлар нега?..

Энди учрашмайлик.

Каъбатуллони
барпо этиб, холдан тойған онимда –
пешонамдан артиб терлар маржонин
ўзинг пайдо бўлдинг яна ёнимда.

Энди учрашмайлик.
Бу дунёйи дун –
азалдан уруш ва айролик доми.
Бироқ, тинч турмайсан ҳеч қачон нечун,
жангтоҳлардан судраб чиқасан доим?..

Энди учрашмайлик,
тонгларга қасам;
асли, яшаш учун вуслат шарт эмас.
Нега Сен тонгтacha менга – беқасам,
ўзингга тикасан бежирим атлас.

Энди учрашмайлик.
Темурбек янглиғ
жанголди тунд ҳолда қолганим чоғда
хушнома йўлладинг Самарқанд ёғдан
ва мушкул ечилиди, даф бўлди танглик.

Энди учрашмайлик.
Навоий ҳазрат
сингари ўтайин ҳаётдан танҳо;
токи хизматимдан ўссин салтанат,
муҳташам достонлар ёзиб юрай то.

Энди учрашмайлик.
Битта холингга
жами шаҳарларни этгум армуғон.
Ўн беш фарзанд туғиб бермагин менга,
барибир, Тожмаҳал тиклайман, ионон.

Энди учрашмайлик.
Дунё ўзгарар...
Бир кун бирлаштирас бизларни ўлим.
Унгача қийналмасин ўзгалар,
унгача учрашмайлик, севгилим...

* * *

Кўзларимни қувнатиб турган
узорингни соғиндим.
Хозиргина тушимга кирган
гулзорингни соғиндим.

Кўзларинг бунчалар қорадир,
юрагим кундан-кун порадир.
Бу замга висолинг чорадир –
дийдорингни соғиндим.

Ҳар гал пинҳон қараб қўясан,
киприкларинг қадаб қўясан,

ғамза қилиб, яйраб қўясан –
озорингни соғиндим.

Куйдирмажон бўй-бастинг хушрўй.
Кел, лабингдан ширин бода куй.
Сочинг сунбул, баданинг хушбўй –
ифорингни соғиндим.

* * *

Мехр билан
дамланган қаҳва.

Сехр билан
жамланган лаҳза.

Қўшиқ билан
рангланган сахфа.
Ва ишқ билан
ғамланган ларза –

қўлингдаги
юрагимнинг ларзаси...

* * *

Карвонимиз борар чўли фироқда,
висол манзиллари анча йироқда.
Кўкда офтоб эмас, хижрон сочар ўт,
майса эмас, тиглар ўсар тупроқда.

Карвонимиз борар чўли фироқда,
йўлдан чалғитмасин дейман сароблар.
Кундан-кун соғинчим ортиб бормоқда,
аҳволим бўлмоқда бадтар хароблар.

Карвонимиз борар чўли фироқда –
тунда Ой, кундузи Оқсарой мисол –
қанийди кўринсанг бирров узоқдан,
менга куч бергайди бу оний висол.

Карвонимиз борар чўли фироқда...

* * *

Сенинг исминг гўзал бир мақол,
лугатимга жим кириб олган.
Сенинг ёдинг қалдирғоч мисол
хаёлимга ин қуриб олган.

Сенинг ишқинг билан тўлиқ дил,
Сенинг фикринг билан банд ўйим.
Тилагим шу: мени баҳтли қил,
мен билан баҳтли бўл, хушрўйим.

* * *

Сиз заминда нетиб юрибсиз?
Айбимиздан ўтиб юрибсиз.
Ё жазомиз кутиб юрибсиз –
не қилсангиз шумиз, фариштам.
Айтинг, Ҳақга бандамиз, ахир,
Кўкда булут – жандамиз, ахир.
Кел, десангиз – шундамиз, ахир,
не қилсангиз шумиз, фариштам.

Пойингизда – Сомон йўлимиз,
хажрингизда – Орол кўлимиз.
Сиздек бекамизнинг қулимиз –
не қилсангиз шумиз, фариштам.

Васфингизга битайлик достон,
шаъннингизга тиклайлик қўргон.
Сизни дея жон берсак, бу – шон,
не қилсангиз шумиз, фариштам.

Оқкуш мисол қанот ёзиб, Сиз,
бағрингизга бизни босибсиз.
Бунча гўзал, бундай жозибсиз,
не қилсангиз шумиз, фариштам...

Тангрим Сиздан ризолар бўлсин,
ниятингиз раволар бўлсин.
Ғулом Сизга фидолар бўлсин,
не қилсангиз шумиз, фариштам.

* * *

Сабрим каби тугамоқда қиши,
чиройингдек очилар баҳор.
Булутлардан ёғади хоҳиши,
соғинчларга тўлади анҳор.

Хисларимдек қизийди кунлар,
соchlарингдек тунлар қорадир.
Тор келмоқда қафасу қинлар,
юрак ишқдан ўсиб борадир.

Ҳамма ёқда кўклам гулхани,
бас, уйингда қолма ушланиб.
Баҳор каби қўйворгин, қани
кўксингда потраган қушларни.

Остонангда кертилган февраль,
юрагингда чертилган чилтор.
Қани, менга ишқ навосин чал,
куйлаб бергин севгидан алёр...



Бўлмагайдир унут ёдинг то дилдасан

**Нажмиддин
ИКРОМИЙ**

Зикр

Мен сен ароман, сен менинг ичимдасан,
Ичимдасан, бекин, бериё, рост, чиндасан;

Чиндасан,
боримда, ботин, зохирдасан,
Ҳам нигоҳимда, ҳам кўздаги нурдасан;

Нурдасан,
субҳидам отгувчи тонгдасан,
Сен, деб уриб турган қалбдаги бонгдасан;

Бонгдасан,
тоабад бурро бу тилдасан,
Бўлмагайдир унут ёдинг то дилдасан;

Дилдасан,
томирда оққан қонимдасан,
Мен бору йўқ бўлган ҳар бир онимдасан;

Онимдасан,
лаҳзаларда, соатдасан,
Бедор қилганим ибодат, тоатдасан;

Ким не деса, десин – туним, рўзимдасан,
Сен – Икромийдасан, демак, ўзимдасан!

Нажмиддин ИКРОМИЙ – 1960 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Эрта ботган ой” шеърий тўплами, “Бошловчи журналист ва маҳорат машаққати” ҳамда “Амалий журналистика ва маҳорат” каби илмий-публицистик китоблари нашр этилган.

Сукунат балладаси

Юрагимга қуйилар секин
Осмон каби бепоён жимлик.
Ундан қочмоқ истайман, лекин,
Йўлларимни тўсар жимжитлик.

Кўнгилда ғаш. Бешовқин хаёт
Жонга тегиб кетгани пайти
Бор овоз-ла ураман фарёд
Бағримда бор дардимни айтиб.

Бироқ, ҳеч ким эшитмас уни,
Кулок солмас ҳеч кимса сира.
Ёки менинг чиқмайди уним
Сукунатнинг шовқини ичра.

Гарчи, тирик – яшаяпман мен,
Нега унда чиқмас нафасим?
Наҳот юрак билан тенгма-тэнг
Сокинликка қотилди сасим?

Мангуликка етди бу дамлар,
Зарраман-ку – мен нима қилай?
Ахир, яшаш қийин, одамлар,
Урмай қўйган юрагим билан!..

Девор ҳақида шеър

Зўриқа боради юрак тобора,
Сўнгиз азоблардан овозсиз инграб.
Чирт-чирт узиларкан асаблар тори,
Йиглайман деворга пешонам тираб.

Деворда қалб йўқдир – мени тушунса,
Қўшилиб дод солса, ёнма-ён туриб.
Йиқилиб тушмади, раҳмат, суюнсан
Ва дардимни айтсан, бошимни уриб...

Ёмғирли кечада

Ёмғир эзиб ёғди бу кеча,
Ич-ичгача титраб-қақшадим.
Мен қаландар каби тонггача
Йўғу борлик ичра яшадим.

Туннинг сиёҳ соchlарин силаб,
Овутмоққа чоғладим ўзни.
Аммо, кўнгил висолин тилаб,
Унтолмай қийналди қизни.

Хаёлларим гарчи бокира,
Яна бир бор чайдим ёмғирга.
Бироқ, ундан қолган хотира
Алдасам ҳам кўнмас тақдирга.

Нажмиддин ИКРОМИЙ

Энди севгим Ҳаққа ҳавола,
Сизни суйиб нимаям топдим.
Қилса ҳамки юрагим нола,
Ишқ әшигин қаттиқроқ ёпдим...

Яна...

Яна хаёлларим тортар чароғон,
Яна қызы күнглидан сув ичар күнглим.
Бокира түйгулар уаркан түрөн,
Бағримда севгига ҳавас лиммо-лим.

Яна күзларимдан қочади уйқу,
Яна куну туннинг қолмади фарқи...
Күксимни әгаллар ишқ, деган түйғу,
Шунданми юрагим кетади қалқиб...

Яна қийноқларга соларми ҳижрон,
Яна васлин йироқ этганида қызы;
Күркеманки бир кун ўзим бегумон
Яна мұхаббатта чўкаман, деб тиз...

Ҳай-ҳай, у кунларни қылсын-да йироқ,
Оллохдан сўрайман эртаю кечин;
Фақат юрагимга кирган бесўроқ,
Севгини ҳайдашга етмайди кучим...

Лолақизғалдоқ


Юрга ёзиб яшил туг,
Баҳор таққанда балдоқ.
Бизлар яна учрашдик
Қирда, лолақизғалдоқ.

Дўстим, мунча қизарма,
Юрагимни очган чоғ.
Ёнгинангдан кетмайман
Сира, лолақизғалдоқ.

Севиб нима топдик биз,
Хижронлар уйди қобоқ;
Сарғайған юзларимга
Қара, лолақизғалдоқ.

Юрагимдан қон оқса,
Адир бўлар қизил чўғ;
Ёнаверар еру кўк
Қирла, лолақизғалдоқ.

Йил ўтиб, яна қайта
Баҳор таққанда балдоқ,
Бизлар яна чиққаймиз
Бирга, лолақизғалдоқ...



Ҳаёт гирдоби

Ҳикоя

Абдулла
БОБОЁРОВ

Улар шаҳарга келишмокда эди. Машина ҳайдовчиси ва уч аёл. Улар тушган машинага агар тепадан, юз, юз эллик метрлар баландликдан қараган одам унинг юзлаб, балки минглаб машиналар оқими ичидаги келаётганини кўрган бўларди. Ҳайдовчи бутун хаёлини жамлаб, йўлдан бир лаҳзада бўлса-да, кўз узмай бошқариб бораётган “Кобалт” ана шу риштани узиб ташламоқчи бўлгандек, мотори гоҳ бигиллаб, гоҳ шифиллаб, катта тезликда, ўнлаб машиналарни бирин-кетин ортда қолдириб бораарди. Машина йўлга чиқибди, бир юз қирқ, бир юз элликдан пастламай, унинг гоҳ-гоҳда тезлиги бундан-да кўтарилиб, йўлнинг қоқ ўртасига чиқканча, ўзидан олдда бораётганларни ортда қолдириб, гоҳ-гоҳда машина ичидаги йўловчилар юрагига ваҳима солиб, шиддат билан гувуллаб бораётган бўлса-да, бироқ йўловчи аёллардан ҳеч қайсиси ҳайдовчига бирор нарса демасдан кетарди.

Мана, машина тезлиги бир юз етмишга етиб, олдинда бораётган бошқа бир машинани қувиб ўтиш чоғида унга урилиб кетишига бир баҳя қолиб, йўлнинг ўнг томонига озгина оғиб, яна шу тезликда йўлга тушиб олди ҳамки, ҳеч ким миқ этмади. Йўловчилар чамаси машина тезлигидан завқланаётган, балки, улар учун ҳаётнинг ҳеч бир қизиги қолмагандек барига бепарво кетмоқда эдилар. Тезлигини кўрсатувчи рақамлар машина олаётган тезликка монанд тез-тез ўзгариб турар, тепадаги антирадар олдинда, йўлда радар қурилмаси пойлаб турганидан огохлантиришдан тинмай чийиллаб, чиқ-чиқ қилиб, йўловчиларнинг фашига тегарди. Лекин улардан ҳеч қайсиси, ҳайдовчининг ёнгинасида бораётган чиройли аёл ҳам, орқа ўриндиқда кетаётганлари ҳам ҳайдовчига машинани бунақа юкори тезликда, бунинг устига хавфли тарзда бошқариб бораётганига дакки беришни, ҳатто норози оҳангда тўнгиллаб қўйишини ҳам хаёлларига келтиришмади.

Ҳайдовчи баланд бўйли, анчайин котмадан келган, зиёлиномо, эллик беш ёшлардаги, барча такси қилувчи эркаклар каби бошқарув чамбарагига иккала қўлинин қўйиб, минг бир хаёлларда бораётган киши бу мен эдим. Мен Тошкентга қайтаётган, машинам бўш кетмасин дея, бунинг устига тўрт-беш сўм ишлаб олиш мақсадида, Айритом бекати четида битта-яримтани олиб кетиш умидида йўловчи

Абдулла БОБОЁРОВ – 1949 йилда тугилган. 1976 йилда Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг ҳикоя, шеър ва ҳажсиялари Республика матбуотида чоп этилган.

Абдулла БОБОЁРОВ

кутиб тургандим. Йўловчиларим – ёнгинамга келиб тўхтаган қора “Каптива”дан тушган уч аёл мендан қаёққа бораётганимни ҳам сўрашмай ва ўзларининг қаерга боришини ҳам айтмасдан, гўё машинанинг эгалариdek унинг эшигини шартта очишиб, ўтириб олишди-да, “кетдик” деди улардан бири, тўла юз, миқтигина, афтидан шаддодроги. Аёллардан биттаси олдинга, менинг ёнимга, иккитаси орқа ўриндиққа ўтиришди. Мен ҳам улардан ҳеч нарса сўрамай жўнаб юбордим. Мана ҳозир, машинам тўрт соат катта тезликда йўл юриб, бошқа машиналар олти соатда етиб келадиган Сирдарёдан аллақачон ўтиб кетдик ҳамки, ҳеч қайсимиз миқ этиб оғиз очганимиз йўқ. Йўловчиларим машинамнинг катта тезликда елиб бораётганидан завқланиб кетишаётгани каби, мен ҳам умримда биринчи марта бу завқни ҳис қилмоқда эдим. Одатда бу завқланиш, кўнгилнинг жунбушга келиши ёшлик чоғларида бўлади. Баҳор чоги, ям-яшил ўт-ўланлар енгил нафас бериб турган тепаликка чиққанингда, қўлларингни кенг ёзиб, уларнинг қанотларга айланганини ҳис қилганча, учайтганингни тасаввур қиласан. Ҳаво қаърини ёриб, қиши чоғларида эса совук ҳавони илиқ нафасинг билан илитганча яна учтинг келаверади. Мен ҳозир мана шундай ҳолатда эдим. Ёнимда ва ортимда бораётган учала аёлнинг кимлигини, қаерга боради-ю менга қанча пул тўлайди, буларнинг ҳеч бирини билмай борар эдим. Зоро, мен учун кира ҳаки, йўловчиларимнинг қаерга бориши ўз аҳамиятини йўқотган, мана бу аёллар билан йўлга чиққанимга уч соатлар бўлибди ҳамки, уларнинг манзилини сўрамасдан кетмоқда эдим.

Менинг ёнимда бораётган, машина тезлигини ошириб юборганимда оқ сарғиш, чиройли юзлари анчайин оқариб кетганча, тепадаги кўл тутқичдан ушлаб, машинамиз бошқа бир машинага тақалиб борганча, уни қувиб ўтиб, гизиллаб унинг олдига тушиб олганида “ҳайрияти” дегандек енгил нафас олиб бораётган аёлга тез-тез назар ташлаб қўйиш менга негадир мароқли эди. Мен бугун ўзим билмаган ҳолда йўл қоидалари-ю белгиларига кўл силтаб, машина бошқаришни истаб қолгандим. Машинам навбатдаги машинани қувиб ўтаркан, ёнимдаги аёлга тағин мағруона қарадим. Мен ҳозир қувиб ўтган машина яхшилаб ювилган, капоти менинг “Кобальт”имнидан анчайин баланд, бунинг устига, унинг турқитаровати ҳам, унинг думига ёпиштирилган рақамлар ҳам алоҳида аҳамиятли машина эканлигини билдириб турар, у йигирма дақиқалар чамаси қувиб ўтишимга имкон бермай келарди. Охири тезликни икки юзга чиқардим. Машинам гўё учмокқа шайллангандек бифиллади, вағиллади ва катта тезликда олдинга отилди. Бу ёғига рулга маҳкам бўлсам бас. Ва шундай қилдим. Мана ниҳоят бу олифта, танноз иномаркани қувиб ўтдим-да, машинамни бошқа қатордан учириб кетдим. Эҳтимол, бу қора машина менинг дулдулимни йўл четига қисиб юбориши ҳам мумкин деган фикр туғилди. Шу сабабдан тезликни яна оширдим ва улардан анча олдинлаб кетарканман, ёнимдаги аёлга кўз қиримни ташлаб қарадим. Унинг яккам-дуккам оқ оралаган соchlарининг бир тутами кўкиши дуррачасидан чиққанча, машина ичига гувуллаб урилаётган ҳавода ҳилпираб борарди. Бу аёл ёнимда, ҳис-ҳаяжондан энтикиб, машина олаётган тезликдан завқланиб, қўлларини дўппайибгина турган кўксига қўйиб, йўлдан кўз узмай борар, вужудида уйғонган ҳис-ҳаяжон сабаб, балким, ҳаёт ташвишлари, рўзгор юмушлари билан бироз совиган қони яна оқиши юзларига қизгиш ранг индириб, жунбушга келаётгани билиниб турарди.

Ортимдаги кенггина ўриндиқда эса иккита аёл, афтидан, унинг дугоналари бўлса керак, худди ёнимдаги аёл сингари сассиз-садосиз, ранг-рўйи учганча, ўриндиққа ёпишганча келишарди. Афтидан, уларнинг гийбат халталари аллақачон бўшаб бўлган, бу гийбатлардан ҳеч бир маъно йўқлигини ўзлари ҳам аллақачон англаб етишган, кўзларини километр кўрсаткичларидан узишмайди. Мен эса бу кўрсаткичдаги рақам бир юз саксондан оша бошлагандা ҳозир йўловчиларимдан бирининг, “Э, боринг-е, нима, машинани самолёт қилиб учирмоқчимисиз?” ёки “Сиз жонингизга қасд қилган бўлсангиз ҳам бизнинг ҳаётдан умидимиз бор ҳали”,

дэя дакки беришини кутдим. Бироқ менинг “Кобалт”им олдинда бораётган навбатдаги машинани ақалли беш сантимергача қисиб бориб, қирқ беш даражали бурчак ҳосил қилиб, яна олдинга тушиб олди ҳамки, уларнинг бирортаси миқ этмади. Гаройиб эди бу.

Аслини олганда менинг йўловчиларимнинг ўзи ғаройиб эдилар. Машинани катта тезликда бошқариб бораётган бўлсам-да, уларга кўз киримни ташлаб борардим. Дастреб ёнимдаги аёлни кузата бошладим. У баланд бўйли, қотмадан келган, чиройли юзларига билинар-билинмас ажинлар из сола бошлаган, қоп-қора, узун-узун соchlари эркак юрагини жимиirlатиб юборадиган кўкси узра ташлаб олган соchlарига уч-тўрт толим оқ оралаган, ақиқ, салгина бўёқ суртилган, озгина ковжираган лаблари бу ёғи нима бўларкин дегандек қимтиб борар, мен тезликни бир юз саксондан ошириб юборганимда ёки олдинда катта тезликда бораётган машиналардан бирини кувиб ўтиб, унинг олдига ўтиб олганимда кўзларида бир чакмоқ ялт этиб ёнар ва сўнгра бу ўт, бу завқ бир маъюсона ифода, балки ўтмишнинг хазонрез хотиралари билан алмашарди.

Мен унинг оқиш-сарғимтирип юзларига, ақиқ лабларига, бежирим бурни учига ва кўйлаги ёқаси устига, очиқ силлиқ даҳанига, бир сўз билан айтганда, ёнимда кетаётган гўзаллик тимсолига қарадим. Бу қарашлар билан чалғиб, йўлнинг нариги четига машина-пашинам билан отилиб қетишимдан кўрқмай тикилдим. Бу менинг биринчи бор қарашим эмасди. Балки ўнинчиси, балки юзинчисидир. Аёл менинг қарашларимга, гўё эркак киши унга шундай ҳайратларда қараши лозимдек, лабларини озгина жийириб, енгилгина нозли қарашмада, сирли тарзда, парвойи палак борар эди. Тўғрироғи, у менинг мана шунака қарашимга ўзини кўйиб берганди. Воажабо, ҳар сафар қараганимда бу аёл менга танишдай туюлаверар, ҳар сафар ўзим бу аёлда қачонлардир кўрган, бу аёлдан олиб юрагимга сингдирган ниманидир топаверардим. Шундай бўлса-да, барибири мен бу аёлни танимадим. Лекин унинг бутун борлифи машина ўринидигига қапишиб бориши чоғидаги юзларидаги жилвалар, инжа табассуми яна кўп жиҳатлари танишдай эди. Масалан, шаҳло кўзлари. Бу кўзлар ҳар сафар унга қараганимда менинг кўзларимга рўбарў келар, мени ажаблантириб бир нур берар ва бу нур бутун борлиғимни забт этиб, эгаллаб борар, мени наҳотки танимадингиз деган ифода юзларида, кўзларида зоҳир бўларди.

Бу шаҳло кўзларнинг сехрли нури дастреб юрагимни забт этди, сўнгра бир туйғу қонимни жунбушга солди. Ана шу жунбушга тушиш асносида бу кўзларни танидим... ва “Ажабо, бу сиз-ку!” деб юборишимга, кўлимни рулдан кўйиб юбориб, уни кучоқлаб олишимга бир баҳя қолганда машина тезлигини кескин пасайтиридим. Бу пасайиш шундай кутилмаганда бўлдики, орқамдаги йўловчилар бир зарб билан нақ менга тақалиб қолди. Биздан орқада келаётган машина чийиллаб тормоз берди. Ўзим ҳам олдинга зарб билан сурилиб, машина бошқарувини йўқотиб кўйишимга бир баҳя қолди. Кўлим аёлнинг очиқ сонларига беихтиёр салгина тегиб кетди. Шундай бўлса-да, бундан аёл асло ажабланмади, ортимда келаётганлар ҳам миқ этишмай, жилмайиб кўйишиди.

Нега? Бунинг сабабини билмадим. Буни билишга уринишларим эса бехуда кетди. Ёнимдаги аёлга тикилган кўйи хаёлларимни йифиб олдим-да, машина тезлигини секин-аста ошира бошладим. Боя машинам тезлигининг кескин пасайиб, унинг йўлнинг бир томонига оғиб кетганини кўрган машина хайдовчилар менга бунинг хаёли жойидамикин ўзи ёки бу фалокатдан нарироқ юрайлик дегандек қараганча, ёнимдан ўтиб кетишиди.

Мен машина тезлигини яна ошириб борарканман, бу кўзларга қайта разм солдим. Шунчаки қарадим эмас, тикилиб қолдим ва шунинг баробарида бу кўзлар тасвирини юрагимда таҳлилдан ўтказдим. Кўлим бошқарув чамбарида-ю хаёлларим хаёлларимнинг туб-тубида эди. Одатда йўлдаги машина фалокатлари мана

Абдулла БОБОЁРОВ

шундай кезларда содир бўлади. Ҳайриятки, машинам бехато елганча, олдиндаги “Кобальт” изидан гўё унга боғлаб қўйилгандек борар эди. Мен ана шу лаҳзада бу кўзларни танидим. Ҳа, бу унинг кўзлари эди. Мени ўттиз йиллар муқаддам мафтун этган, дилимга орзулар түғёнларини солиб, осмонлару юлдузлар оламига парвоз эттирган, сўнгра эса аламлару ҳасратлар ўтида қовурган кўзлар. Мен аёлга зимдан бокдим. Демак, бу Дилором. Мен бу исмни-ю унинг соҳибасини бундан кўп йиллар бурун дунёнинг энг гўзали деб билганим каби ҳозир ҳам энг гўзал исм ва жисм деб биламан. Менинг йигитлик орзуларим, ўша чоғлардаги умидларим бир пайтлар, тўғрироғи кўп замонлар бурун шу исм билан кўп жиҳатдан боғланган. Мана, масалан сиз ҳам юрагингизга ажид туйғулар сингдириб, уни тақорорланг. “Дилором” ёки “Ди-ло-ром”. Бу сўзнинг таркиби “дил” ва “ором”. “Дил” ва “ром” маъноларини ва ўнлаб сизу биз бир қараща англамайдиган маъноларни ташкил этади. Сиз бу исм соҳибасини севиб қолсангиз ёки унинг ҳажрида ёнсангиз, тунларни бедор ўтказсангиз, кун сайин бунинг янгидан-янги маъноларини англаб етаверасиз. Ислом динида кишини бирор нарсага ишонтириш учун бир сўзни ёки бирор жумлани қирқ, юз, ҳатто, тўрт юз марта тақорораш буюрилади. Ана шунда ҳар қандай оддий сўз ҳам миянгиз қаътидан мустаҳкам жой олиб, улуғврлашиб бораверади ва сизни ўзига тобе қилиб қўяди. Худди шундай мен ҳам бир пайтлар “Дилором” сўзига тобе бўлиб қолганман. Бу сўзга тобелигим эса муҳаббат сабабли, унинг ҳижронлари, сўнгра аламлари сабабли бўлган.

Ўшанда эндиғина ўқишга қабул қилинган кезларимиз эди. Биз ҳар оқшом университет остонасидан катта орзулар билан ичкарига қадам ташлардик. Дарсларни орзулар оғушида мароқ билан тинглардик. Мен курсдошларим бўлмиш саккизта қиз орасидан биттасини танлаб олгандим. Ўрта бўйли, бироз чўзинчоқ, оқ-сарғиши юзли, нозиккина қиз юрагимни жизиллатганча, олдинги столда ўтирап, мен эса унинг қоп-қора, узун-узун соchlарини хаёлан силаб ўтирап, унга ёкиш, уни мафтун этиш учун илмий баҳсларда фаол катнашар, биз кечкида ўқиганимиз боис, унга бирор даҳл қилмасин дея, туннинг хира ёруғида ўзимни унинг ҳимоясига шайлаб, унга сездирмай, ўттиз қадамлар ортда бориб, ётогига қадар кузатиб қўяр, шундан сўнггина, хотиржам тортиб, Чилонзорга кетадиган автобусга бир амаллаб илашиб, шаҳар четидаги ётогимизга кетар эдим. Бизнинг кўзларимиз севишиб қолишганди, бу кўзларнинг мендан яшираётган туйғуларини, латофатини, мафтункорлигини, нозик табассумини, ха, ха, нозик табассумини ва бошқа хислатларини кўзларим юрагимга етказиб ултурган, булар эса юрагимда алангаланиб, мени беором тунларга гирифтор қилиб қўйганди. Бироқ мен бу туйғуларимни ва дардларимни тилимга чиқармаган эдим. Зоро, биз иккинчи курс талабалари эдик. Яна неча йилларни бир-биримизга мафтункор боқиб, муҳаббатимизни юрагимизда асраб, унга доғ теккизмай яшшимизга ишонардик. Тилимизга кўчирсак, туйғуларга эрк берсак, бошқаларга сездириб қўйсак, балки муҳаббатимиз ўз латифлигини йўқотиб қўйишидан кўрқардик. Муҳаббатимизнинг бир куни юрагимизни ёриб гул очишини билардик ва шу кунларни кутиб яшардик. Бизнинг назаримизда, бунга ҳали яна бир йиллар бор... Бир йиллар... Балки ундан кўпроқдир. Бироқ ҳаёт бизнинг орзуларимизни чилпарчин қилиб ташлади. Учинчи курсда мени армияга чақириб қолишиди. Бу мен учун ҳам, у учун ҳам кутилмаган ҳол бўлганди. Курсдошларим билан хайрлашар эканман, унинг кўзларида бир томчи ёш кўрдим. Ана шу томчи ёш сувратини юрагимга жойлаб хизматга жўнаб кетдим. Хизматнинг паству баландига кўнинккан иккинчи йили унга хат ёздим. Уни севишимни, унинг дунёдаги энг гўзали қиз эканлигини ва усиз яшай олмаслигимни ёниб-ёниб ёздим. Ҳатни унинг номига эмас, Дўстим номига жўнатдим. Дўстим, менинг Дўстим, уч йилдан бери торгина кулбачада ижарада бирга турган, битта қолипи нонни тўшама газета устида бирга еган, мен ишонган якка-ю ягона Дўстим эди. Бу ҳатни унга бенуқсон, гард теккизмасдан етказишига ишонган эдим.

Хатни ёздиму жавобини ярим йил кутдим. Охири хизмат арафасида Дўстимдан хат олдим. У мени Дилором билан бўладиган тўйидан хабардор этган эди. Тўй дегани аслида кимнингдир кимгadir хиёнат байрами. Бу байрамнинг менга қанчалик аламлар келтирганини билсангиз эди. Шундай бўлса-да, бу номни унинг соҳибаси билан юрагимдан суғуриб ташлайолмадим. Дўстимга эса юрагимнинг аламларини тўкиб, хиёнат қилдинг дея аламли сатрларда мактублар битдим, лекин уларни жўнатмадим, ёстиғим тагига қўйиб ётдим. Ана шунақа гаплар. Энди булардан нима фойда? Вакт, оралиқ масофа кимнинг кимлигини кўрсатди-ку деган фикрга келдим аламли изтиробларда.

Ҳарбийдан қайтиб, ўқиши давом эттириш учун университетга борганимда бошқа бир Дўстим, Дўстимнинг Дўсти:

– Дўстинг сени алдади. Дилоромга сен юборган хатинг ичига ўз номидан уни севмаслигинг, уни рад этишинг тўғрисидаги ўзи ёзган қоғозни жойлади-да, унинг кўлига берди, у сени ҳам, Дилоромни ҳам алдади. У Мухаббатни алдади, – деди.

Мен унинг бу сўзларини тинглар эканман, бу хиёнатда бунинг ҳам қўли бормикин, деган хаёлларга бордим ва ундан ўгирилиб кетдим.

Аслида муҳаббат нима? Бир гўзал ишқида оҳу воҳларми? Унинг орқасидан чопиб юришлару хиёбонлардаги ўпишишларми ёки бизнинг ота-боболаримиз назаридағи муқаддас даргоҳ – чимилдиқ остонасига ёруғ юз билан қадам ташлашми? Назаримда, менинг айтилмаган муҳаббатим ҳам муҳаббат эди, чинаккам Мухаббат. Лекин уни Дўстим алдади. Бизнинг неча йиллардан асраб-авайлаб келаётган, унда чаманлар ундираётган боғимизни Дўстим вайрон этди. Хиёнатнинг аччиқ изғирилари уни хазонрез баргларга кўмиб ташлади.

– Дилором сени кўп кутди, – деди менга иккинчи Дўстим эзилган юрагимни эзиб. – Лекин сен унга қайта хат ёзмадинг. Сен мана шунда янгишдинг, Дўст. Мана шунда янгишдинг. Ёмонам янгишдинг.

– Мен дўст танлашда адашдим, – дедим мен ўкинган оҳангда. – Мен Дилоромни бу хатим билан дугоналари олдида уялтириб, номини кора қилиб қўйишдан ҳадиксираган эдим.

– Ҳа, сени тушунаман, – деди у ярим ўкинган оҳангда. – Ўша Дўст тўйларидан бир йил ўтиб вафот этди. Дилором ҳозир бева. Ўқишини сиртқига ўтказиб кетган. Уни бир суриштириб борсанг бўлармиди?

– Фарзандлари бордир? – сўрадим бунинг табиийлигини ҳис қилиб қилт этиб ютинганча

– Фарзанди? – сўради дўстим ўкинганча. – Фарзанди йўқ. Дилором негадир сўраб борганларни рад этаяпти. Афтидан, Дўстингни хиёнатини, сени алдаганини тўйларидан кўп ўтмай англаб етган, бу эса уларнинг ҳаётига рахна солган. У балки сени...

Мен не бир хаёлларга бордим. Юрагим эзилиб, Тўйтепага – унинг юртига йўл олдим. Иккинчи Дўстимдан олган манзили: унинг уйи олдида неча дақиқалар туриб қолдим, лекин бу мунгайибгина турган қўнғир рангли дарвозани чертишга, ақалли мана ман деб турган тутмачани босишига журъатим етмади. Журъатим етганда нима бўларди? Мен Дўстимнинг ёлғонига ишониб, муҳаббатини дилининг туб-тубига кўмиб ташлаганча, ўзини бошқа бировнинг ихтиёрига қўйиб берган, эри вафот этиб, энди бевага айланган муҳаббатга қандай қарап эдим? Йиллар давомида хаёлимда пайдо бўлган ўзимнинг минглаб занжирларимни узиб ташлаб, уни қайтадан бағримга босиб, соchlарини силай олармидим. Бунга ҳануззагча жавоб топаолган эмасман... Топаолмасам керак деган фикрда эдим. Лекин ҳозир бу кўзлар менинг янгишганимни анлатиб, бутун хаёлларимни остин-устун қилиб юборди. Ҳозир машина рулига кўксимни босиб, оғир сўлиш олар эканман, йўлларимизнинг узилиб кетишига ўзим ҳам айбдор эканлигимни ҳис қилдим. Шу лаҳзада бизнинг муҳаббатимизнинг кули кўкка соврилишига айбдорлар учта: Хиёнаткор Дўстим, ёлғонларга алданган Дилором ва мен деган фикрга келдим.

Абдулла БОБОЁРОВ

Ха, ҳозир, мана шу елиб кетаётган машина ўринидигида ўтирганча, ўз айбимни хис қилдим. Шу пайтгача мен фақат икковини айблардим, ўзимни бегуноҳ ҳисоблаб, виждан азобидан четлаган ҳолда яшаб келмоқда эдим. Агар буни, армияда чоғимда хис қилганимда борми ёки унинг дарвозаси олдида туриб қолганимда англаганимдами, бизнинг муҳаббатимиз омон қолармиди?

Мен машина рулини маҳкам тутганча, бу саволга жавоб қидириб бу кўзларга қарадим. Улар маъюс эди. Бу маъюслиқ, Дўстимнинг алдовларига учиб ҳаётини барбод қилганлигини англаш туйгулари, бунинг неча ўн йилликлар алами юрагининг туб-тубига сингиб кетганди. Уларнинг дарди-ҳасрати кўнглининг қаериададир қорамтириз ташлаб турарди.

– Энди сал секинроқ ҳайдасангиз ҳам бўлар, – деди мен тикилиб турган кўзлардан пастидаги лаблар. Бу лабларга билинار-билинмас бўёқ суртилган бўлсада, озгина қовжирагани, ҳасратлардан ранжингани билиниб турарди. Мен уларга қарап эканман, бу қовжиашларда ўзимни айбор ҳис қилиб, оғир “уф” тортдим. Бу оғир “уф” тортишим факат бундангина эмас эди, мен бу лабларни ўшишни, унинг соchlарини силашни неча йиллар орзулаган, бу орзуимга етмай ҳарбийга кетган ва уни казармада сим каравотда ётганимча, миллион марталар кўз олдимга келтирган ва хаёлан энтикиб-энтикиб бу лабларга лабларимни босган эдим. Хаёлларимда.

– Нега бундай “уф” тортасиз? – сўради мендан орқада ўтирган аёллардан бири.

– Хе, ўзим, – дедим. Мен сир бой беришни истамадим.

Бу саволни берган аёл менинг қисқагина жавобимдан қоникмади, шекилли:

– Оғир “уф” тортишнинг сабаби бўлади. Мана тўрт соатдан бери келаяпмиз. Машинани катта тезлиқда ҳайдайсиз, бу аёлга қараб оғир “уф” тортасиз. Нега? Мабодо сиз Дилоромни севиб қолмадингизми ишқилиб? – деди илмоқли жилмайганча.

Ана, холос! Мен дувва қизарганимча, юзимни бурдим.

– Дилором! Дугонажон. Бу одамнинг хаёли бежо. Сенга қарайвериб, машинасини бирортасига уриб олмасин яна. Сен энди оркага ўт. Мен олдинга ўтираман.

Мен Дилором деб атаган аёлнинг орқага, орқадаги аёлнинг олдинга ўтишини кузатиб турдим. Бу аёл ҳам эллик беш ёшларда, қорачадан келган, ҳали оқ ораламаган қоп-қора соchlарини елкаси узра ёйиб ташлаган, лабларида бир табассум ўйнарди. Сирли, мафтункор, шу билан бирга мени ўзига чорловчи ва ўзидан итаргувчи табассум.

Машина тезлигини оширмай, уни бир маромда бошқариб, ортимдан келаётган машиналарнинг ҳам бизни қувиб ўтишига йўл қўйиб бердим. Тезлик кўрсаткичи ҳам олтмишдан пастига тушиб кетган эди. Хаёлим шубҳасиз, орқада бораётган Дилоромда эди. Мен ундан нималарнидир сўрагим келар, билардимки, у ҳам шу ҳолатда эди. Унинг кийинишига, лабларидағи енгилгина ол бўёкларга, соchlарининг, юзларининг ҳолатига қараб у ёмон яшамаётгандир деган фикрга борган бўлсамда, ундан бирор нарса сўрашни, ақалли бирор гап ташлашни олдиндаги аёл олдида жоиз топмадим.

Мен шу ҳолда, машинанинг пешонам олдидаги кўзгусини орқадаги Дилоромга тўғрилаб қўйиб, унга тез-тез кўз ташлаб борарканман, ёнимда кетаётган аёлнинг менга қараб қўяётганини, унинг кўзларида, юз тасвирида раشك ифодасими ёки шунга яқинроқ бир туйғуними илгадим. Ажабо, бу қанақаси бўлди? Машинада, кимнингдир кимдандир қизганиши нимаси деган савол келди хаёлимга ва аёлга эътибор бериб қарай бошлидим ва яна ўзим билган жиҳатларни топдим. Бу унинг лабларида, лаблари устидаги олма уруғидек ҳолда кўрдим. “Наҳотки, – дедим. – Наҳотки, бу ўша бўлса?”

Ха, бу ўша эди, хизматдан келиб, Дилоромга қасдма-қасд топган муҳаббатим. Мен унга севишмни айтган бўлсам-да, онамнинг иродасига қарши чиқаолмай, ярим йўлда, тўғрироғи, висол остонасида ўтирилиб кетган муҳаббатим. Мен бу

сочларни силаган, бу лабларни ўпган, охирида ўзим хиёнат қилган эдим. Бу менинг биринчи муҳаббатим бўлмаса-да, лекин унданда кам бўлмаган ишқий туйғулар эди. Энг муҳими, Ҳилоладай гўзалнинг мени севишини билар ва бундан дунёга сифмай яшар эдим.

Мана энди бўлса... Шахар ичида тезликни оширмасдим, уч чироғу пиёдалар ўтиш чизикларини бевақт босиб ўтмаслик хаёлларимни эгаллаганди. Энди мен бу аёллар қаёққа боради ўзи? Уларнинг менинг машинамга чиқиши тасодифмикин, деган ўйларда бормоқда эдим. Агар бу учрашувимиз тасодифий бўлмай, кимдир томонидан атайин уюштирилган бўлса-чи? Масалан, масалан, ким уюштиради буни? Йўлга чиқишимни ким биларди? Мен қанчалик уринмайин, бу саволларга жавоб топаолмадим. Хомуш тортдим.

Аёллар жим. Балки, улар мени танимагандир, деган савол келди хаёлимга. Лекин аёлларга, уларнинг сирли табассум кўнган юзларига, қошлигини чимириб бокишлирага, соchlарини силаб, уларни тез-тез орқага ташлаб боришлирага кўра улар мени танишарди. Йўлга чиқишимни билишар, лекин шундай бўлса-да, ҳамон миқ этмасдан келишарди. Биз бу жимликни ким бузади деган фикрда келмоқда эдик.

– Мен сизларни танидим, – дедим мен ниҳоят. – Сиз, Дилором. Сиз, Ҳилола.

– Сиз эса... – ёнимдаги аёл айтсамми, айтмасамми деган ўйларда гапини чала қилди ва бироздан сўнг қўшиб қўйди. – Сиз ёлғон муҳаббатиз! Бизнинг ҳаётимизни остин-устун қилган, орзуларимизни армонларга айлантирган муҳаббат. Лекин Дилоромни билмадиму мен сизни ҳамон яхши қўраман. Ўша лаҳзаларни эслаганимда, боғларни кезганимизни кўз олдимга келтирганимда, юрагим сирқираб кетади. Дилором ҳам сизни севар эди, пинҳона ёниб-ёниб севар эди... Мен билдимки, достонларда, романларда эркакларнинг хижрон азоблари кўпроқ тасвирланади. Масалан, Мажнун, Фарход, ошиқ Ғарип ва Баҳром хижронлари. Лекин аёллар ҳам севаркан, уларнинг хижрон азоби асло кам бўлмайди. Хижронда куяркан, ёнаркан. Бошқа бир оstonага куйлару карнайлар садоси остида бош олиб кетса-да, барибир севавераркан. Энди муҳаббати хаёлларидагина яшашини билса-да, унугаолмай севаркан. Шу сабабдан сизни кўп пинҳона изладик. Хитойда, Америкада бўлганингиздан хабаримиз бор. Оилали эканингизни, тўртта фарзандингиз борлигини ҳам биламиз. Бизнинг хотинингизга ҳавасимиз ҳам келади. Лекин ўрталарингиздаги муносабат оддий, бир қатим ипдай омонат эканлигини ҳам биламиз.

– Бу муҳаббатга хиёнатнинг жазоси, – деди орқадаги аёл хўрсиниб.

– Биз етиб келдик, – деди ёнимдаги Ҳилола. Учовимиз ҳам шу ерда тушиб қоламиз.

Мен бундай бўлишини, йўлимиз ярмида узилишини кутмагандим. Наилож елка қисдим. Машинани тўхтатдим ва аёлларнинг машинадан шошилмай, секин тушишини кузатиб турдим.

– Яхши қолинг, – деди Дилором дувва қизарганча, бир пайтлар ақиқ бўлган лабларини қўмтиб.

– Омон бўлинг, – деди Ҳилола машина эшигини зарб ва иддао билан ёпаркан.

– Сизлар ҳам омон бўлингизлар, – дедим ўйчан.

Анча туриб қолдим. Бир кўнглим, уларнинг ортидан машинада етиб олишу қайта машинамга солиб, уни катта тезликда ҳайдаб, узок-узоқларга олиб кетиш истаги ҳам пайдо бўлди. Бу фикр ҳаёлимда айланди.

Лекин, мен энди бундай қилолмаслигимни, хотиним, тўрт фарзандимни қолдириб, кўкларга учиб кетаолмаслигимни англадим.



Аю...б – ой ўғли

Ҳикоя



Сарвар ТҮРАЕВ

Қир тумшуглаб эниб келган жалликнинг боши бостирмага етганида борлиққа оқшом ғира-шираси хукмронлик қилиб бўлганди. Бир хонали чолдевор уй олдидаги супада хуржун устига омонаттина, ҳали мўккисини ҳам ечмай ўтирган чўпоннинг ловуллаб ёнаётган ўчоқ атрофида куймаланаётган хотинига бўлган дикқатини итнинг ҳуриши бўлди.

– Аюб, тумшуғлаб бирор эшакли келаяпти, – ит хурганча чопиб кетган томонга қараганча, кафтини олов ёғдусидан тўсган аёл эркагига юзланди. Чўпон икки қўлини белбоғига тираб, хотини имолаган томон юриб, уй орқалади. Эшакли энди. Ит қўймади. Чўпон итни “баҳ-баҳ”лаб чақиргандагина, ғингшиб тинди. Аёл уй панасига ўтди.

– Ашур ака, келинг-чи!

Келгич эшагидан тушмай, бир оёғини ерга тираб гаплашди. Ўқтин-ўқтин Ашур комбайнчининг баландлаган овози келиб турди. Қоронги тушиб, отар қўралаб бўлди. Икки эркакнинг элас-элас гурунгига ўчоқ ёғдусида деворга суянганича қулоқ туваётган аёлнинг бир терак бўйига айланган соясининг-да бўйи эгик эди.

– Тоға, она томондан, узоқ бўлсангиз ҳам бизга тоғасиз! – эрининг баландлаган товушини эшитди аёл. – Камроқ ичсангиз бўларди ановини. Бир бошга бор экан-да шу!

– Жиян сенга ёлғон, Худога чин! Неча кундан бери бошим оғрийди, айтсамми – айтмасамми, деб. Элухеш, бир-икковига ҳам бир айтиб кўрдим. Улар ҳам, худди сендай ишонмади. Лекин ҳақиқатдан ҳам бола Жайралининг қирида хивичдан от қилиб ясад олган, миниб юради.

Эри ер чизиб, сукут қилди. Олов чирсиллаб ёниб, сукунатни бузиб турди.

Бостирма томондан бир касал қўйми, эчкими давомли-давомли йўталди. Гурунг давомламади. Эшакли одам келганига пушаймон бўлгандек, совуқнина хўшлашиб жўнаркан, келган томонига, тепага эшагини хих-хихлаб тиришди.

Сарвар ТҮРАЕВ – 1987 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. “Карвонқуши”, “Қишининг сўнгги оқшиоми” номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

Ашур камбайчининг ўттиз йилдан ортиқрок умри шу бийдек, ҳувиллаган даштларда ўтди. Энди бу даштларнинг ҳар бир қири жилғаси унга яхши таниш. Бириңчилардан бўлиб номи кетган “Сталинец” деган комбайннинг рулига ўтирганда Ражабой бошоқчининг кенжаси эди. Ражабой бошоқчи уруш ва урушдан кейинги қаҳатчилик йилларида бошоқ теримчиларнинг олди бўлган. Қайсиdir йили колхозга янги комбайн келтирилганида раис ўзининг “УАЗ”ида она ва болани даштга олиб борди. Газетадан мухбирлар ҳам келди. Олтмишни қоралаган Ражабой момо этак тутиб, ҳоргин ва ғамгин бошоқ терди. Ўспирин Ашур мусаффо осмонда нур тарататётган күёшга хушчақчақлик билан қараб, комбайн рулини тутиб турди. Мухбирлар эса расмларга олишди. Ўшанда шопмўйлов, барваста, шляпали аллақайси мухбир ҳаммага эшилтириб, “Энди, раис бобо бу йигит қуриқ бир расмга тушгичлардан бўлиб қолмас-ов, қизикиши борга ўхшаяпти!”, дегани ортидан, раис хийлагина кўрқоқ одам эмасми, бундай эътиборнинг ортидан Ашурбойнинг куни туғиб, йиллар ўтиб Ашур камбайнчига айланди. Колхозу совхозлар тугаб кетди. Аммо трактори ва тракторга улама қилинган кичик камбайнни туфайли эрта баҳордан-кеч кузгача куни ана шу кенг дашту далаларда ўтади. Мана тўрт-беш йилки, Алижон чўпон ва унинг оиласи ҳам худди шундай, бу қишлоқларга ўз меҳрини берган. Алижон чўпон қишлоқнинг чорвасини бокади. Тирамоҳ заҳри хийлагина сезилгандағина базур оиласи билан қишлоқларди. Айтишларича, чўпоннинг ота-онаси вафот этиб, Алижоннинг ёш оиласи кенг бу ҳовлига сифмаган. Чўпоннинг Аюб деган етти ёшли ўғли бўлиб, Ашур камбайнчи уни доимо “Жўражон” деб чакиради. Бу қишлоқларда соатнинг неча бўлганлигини Аюб қишлоқдаги мактаб томон йўл олганлигидан билишарди. Бола тушга яқин, атрофни унутиб, эшакка миниб, хўржуннинг икки томонига оёғини тиқиб олганча, китоб ўқиб кетарди. Ашур камбайчи уни гоҳи йўл ёқасида, баъзан икки қир нарида кўриб қолса ҳам гап қотарди.

– Ха, жўражон, мактабгами? Ўқи, ўқи, бу гадойтопмас қишлоқдан ҳам бир каттаконлар чиқсин-да, – деб қўярди кўпинча.

Одамови бу болакай ҳам Ашур камбайнчининг тракторини, тиркама қилиб олиб юрувчи кичик комбайнини томоша қилишни яхши қўярди. Фақат камбайнчининг доимо айтгichi: “Ўқи, болам, аҳмоқдан-чақмоқ” деган гапига унчалик тушунавермасди. Бир куни туйкус Ашур камбайнчининг қулоғига кимдингдир, “Алижон чўпоннинг боласи йўқолибдимиш”, деган гап чалинди-ю, сергакланди, суриштирди. Одамларнинг айтишича, бола эшак миниб, тушга яқин мактаб кетган ва шом маҳалга яқин эса яна дашт томонга энган ва шу куйи дом-дараксиз эмиш... Бу қишлоқларни яхши билган Ашур камбайнчи ҳам болани бир неча кундан бери кўрмаганини эслади. Боши қотди. Камбайнчининг ҳақига одамлар ўндан бирига буғдой, баъзан шунга ҳисоблаб пулинни беришарди. Навбатдаги шомда ҳисоб-китобини олган камбайнчи Чимлиқирнинг хирмон жойига жўнади. Тракторини хирмон жойга қўйиб, баҳаво ерда, трактори остида кечаси бир тиниб ухлаб олгач, эрта тонгдан нариги сойдаги буғдой хирмонларига тушишни режалади. Тракторини қир тумшуғлаб ҳайдаб бораркан, кўзи трактор чироги ёғдусининг хира-шираси

Сарвар ТҮРӘЕВ

етар-етмас масофада аллакимнинг кетаётганига тушди. Аввалига эътибор бермади. Чунки шу кунларда қирларда чўпону-чўлиқ, дехқону-фермер ризқини ийғишга тушган. Кейин бирдан сергакланди. Трактор олдида хивчиндан от ясаб олган болакай чопиб борарди.

– Аюбжон... жўражон! – Ашур камбайнчи тракторнинг юришини тезлатди ҳамки, болакайнинг ҳам олди-ортига қарамай югуриши ҳам тезлашди.

– Аюб! – кабинадан бош чиқариб тушунксиз ҳолатда қичқирди тракторчи.

Кейин бирдан Камбайнчининг оёқ-қўли бирдан бўшашибди. Трактор тутун буркситиб бир жойда туриб қолди. Камбайнчи тракторни тўхтатиб, ерга тушди ва болакай чопиб кетаётган томонга югурди. Трактор чироги ёруғида Алижон чўпоннинг Аюб ўғли хивичдан қилинган отида энди ҳов нариги қирга тирмашаётганигини кўрди. Бола пинагини ҳам бузмай, кичик қирга тирмашди, тепалади ва ортга, яна пастга эниб кетди. Умри, куни-ю туни шу қирларда ўтган Ашур тракторчининг бу воқелиқдан тепа сочи тикка бўлди. Тракторни қир устидаги хирмонга қўйди. Шу кеч уни уйқу элитмади. Эртасига кўзимга кўриндимикан дея, бирорга айтмади ҳам.

– Алижоннинг боласи топилмадими? – сўради эртасига одамлардан.

Одамлар қайғу билан лаб тишлишди, бош силкишди. Бир кечаси Жайралиқирда қолди. Бу қирда жайранинг уялари кўп. Хирмон ёни уйдим-чуқур. Трактор ёнига кўрпача ташлаб, чўзилди. Узоқ-яқин қирларда олов лишилади. Чўпонлар ва дехқонлар кечки тамадди учун қозон осишгани билинди, кейин кўзи илинди. Ашур туннинг бир маҳалида “Чух, чух!” деган овоздан уйғониб кетди.

Бу пайтга келиб ой ёруғ нур сочар, трактор олдидағи кенг хирмонда Алижон чўпоннинг ўғли Аюбжон хивичдан ясаган отида ўйнарди.

– Кейинги қоралиқ... Алижон чўпоннинг бостиirmаси! – дерди бола.

Болакай чўпоннинг бостиirmаси томон от солиб кетар, алламаҳаллардан кейин яна шу хирмонда пайдо бўларди.

– Ҳалол, ҳақини беринглар! – дерди болакай яна ўзига-ўзи.

Қайсиdir йил қаҳатчилик келди. Ҳукмфармоннинг гапи фуқарога ўтмади.

Ит эса эгасини танимади. Эл ичида “дезиртир”, талончи, ўғри қўпайди.

Норча чопағон бир тўқнинг уйидан от ўғирлаб қочиб, ўзи Сангардакдарёга оқиб кетди. От тирик. Нариги қирғоқдан чиқибди.

Чопағоннинг жасади эса бир неча кундан сўнг топилди.

Шунда, “Ўтники ўтга, сувники сувга”, деди қишлоқ аҳли.

Шу воқелиқдан сўнг неча йиллар қишлоққа ўғри ораламай қўйди.

Норча чопағоннинг ўғли Холмат шомни, Алижон чўпоннинг жаллиғи сойликка томон энишини кутиб, жилға оралаб бекиниб ётди.

Чўпоннинг итлари шовур олиб, атрофда ҳуриб юрди.

Отар бостирма томон эна бошлади.

Одатда шомга бориб, чўпоннинг ўзи уйига етиб қолар, чорваси ортидан йиғилиб борарди.

Жилгалаб, фурсатни кутиб турган Холмат бир қўйнинг оёғига қўл солиб, жилғага тортиб кетди. Отар хурқди.

Қўйнинг оғзига чилвир солди, елкасига ташлаб, жилгалаб, чопди. Ҳаллослади.

– Чух, чух!.. Ҳе, ўлгур, эшшак хих!.. – деган овоз келди шундоқ ёнгинасадан.

Холмат ўғри қоронғи аралаш кўз қири билан шундоққина жилға ёқасида хуркиб кетган эшак ва ундан отилиб йиқилиб тушаётган болакайни кўрди.

Яна чопди. Оёғи тойди, юзтубан йиқилди.

Қўй қўлидан чиқиб кетиб, хуркаклик билан жилғадан ташқарилаб чиқиб кочди. Қоронғида кўздан йўқолди.

Ўйлаганлари амалга ошмаган Холмат ҳеч нарса бўлмагандек, бир муддат юлдуз санаб ётди. Кейин туриб, жилғадан чиқди ва кета бошлади. Қоралиқ кўринди. Қўлидан чиқиб кетган қўй деб ўйлаб шошиб борди. У энди бироз дамини ростлагач жилға ёқасидаги илонизи йўл ёқасида аллаким, бу Алижон чўпоннинг ўғли – эшаги хурканида унинг устидан йиқилиб тушган Аюб эди. Бола тупроққа беланиб, ҳушсиз ётарди.

Холмат ўғри ҳайкалдек қотиб қолди.

Болани опичлаб олганча, кўтариб гандираклаган қуий, Жайралиқир томон кета бошлади.

Камбойнчи келиб кетганидан сўнг Алижон чўпон хотини ёнига қўйган овқатга ҳам иштаҳа қилмади. Ухломади ҳам. Ашурнинг гапи хаёлида тинмай тужгон айланди.

Изсиз ғойиб бўлган боланинг йўқолганидан сўнг икки ҳафта ўтиб, аза очилиб, она кўк кийди.

Орадан икки ойлар ўтиб, эшагида қўшни қишлоққа узум олиб бориб, сотиб, кечга қишлоққа қайтаётган Маҳматмурод ярим тунда Тутаклисойда бир бола унга эргашганини ва Жайралиқир ёқасидаги йўлгача унга ҳамроҳ бўлганини айтганида кўпчилик уни лофчига чиқарди.

Чўпон тунни яримлатди.

Аёли ухлади. Ойдинда унинг ғамгин юзи худди йифлаётгандек кўринарди.

Аёли – оғироёқ. Кўп ухлади. Ухлагани яхши. Дардни унутади.

Чўпон ўрнидан туриб, ўтирди.

Сўнг кирза этигини оёғига кийди.

Таёғини олиб, жўнади. Аёли уйғонмади. Итларнинг бири унга эргашди. Бири аёлининг оёғи ости томонида чордана қуриб, ётди.

Чўпон боласини излаб, бу кир-адирларнинг тупрогини элакдан ўтказди. Топилмади.

Ёқалаб Жайралиқирга борди. Камбойчи бу кеч хирмонга келмабди. Ой сутдек ёруғ эди. Хирмоннинг ўртасида чўнқайиб ўтирди, кейин ёнбошлади. Тин олиб, юлдуз тикилиб ётди.

Сарвар ТҮРӘЕВ

Түйкүс хивич отида қаердандир бирдан болакай – Аюб пайдо бўлди. Ит аввал ғингшиди, кейин таниб, дум силкиди.

– Ўғлим?! Аюб! – сакраб туриб кетди чўпон. – Аюб! Болам!..

Бола ўзига караб келаётган отани кўрди-ю, бирдан ортга тисирилдида, хивич отини қўлига олиб, негадир келган томони, адир тарафга қоча бошлади.

– Болам, қочма, тўхта!

Бола шу қадар тез югуардики, ота унга етолмади, бола қир ошиб кўздан йўқолди.

Ота ўкраб-ўкраб йиглади.

Тонгга яқин бостирма томон қайтди.

Чўпон қун бўйи минг бир хаёл билан қўй боқди.

Кеч тушиб, чўпоннинг аёли ухлади.

Чўпон Жайралиқирга жўнади. Икки ити эргашди. Чўпон бирини ҳайдаб солганди, биттаси ғингшиб-ғингшиб ортига қайтиб кетди.

Жайралиқирга ёнбошлаб ётган чўпоннинг икки кундан бери айтарли уйку кўрмаган кўзи илиниб, пинакка кетди.

Қулоғи эса Аюбнинг аниқ овозини эшитарди.

– Чух, Баян!.. Чух!..

Баян бу тоғ ёнбағридаги қишлоқлар орасида энг номи чиққан от эди.

Бу от кирган давранинг энг зўр соврини уники бўларди.

Бир кўпкарида улоқни олиб кетаётган Баянни тўрт от ўртага олиб жарга томон ҳайдайди. Фирромлик олдида имконсиз қолган чопафон ва от тақдирга тан бериб жар томон кетади.

Шунда ҳам Баян қоя лабига етгач, фалокатга чап бериб, чопафоннинг устидан тушиб қолишига имкон қилиб, ўзи эса пастга қулайди.

Қишлоқнинг бор кўпкариси шу кенг даштларда ўтказилар, шундай кунлар Алижон чўпоннинг ёлғиз ўғли Аюбнинг куни туғарди. Эшагини миниб, отларни қора қилиб изидан жўнарди.

Чўпон ўғлига тойча олиб бермоқчи ва ўғил унга “Баян” деб ном қўймоқчи, яхши қараб, уни тоблаб учқур от қилмоқчи эди.

Бола чопафонликдан биринчи соврининг телевизор олмоқчи эди.

Уларнинг қишлоқдан узоқдаги бийдек даштдаги уйларига на электр чироқ етиб келган, на телевизори бор эди. Болакай ҳар куни синфдошлари мультфильм ёки жангари кино кўрганини айтиб беришганида, уларнинг гапларига маҳлиё бўлиб тингларди.

– Қоралиқ Дўланалига! Бир жуфт калиш қўйилди! Ҳайда, Баян, чух!

Хивич отли ёш чопафон гўё довруғ солиб, Жайралиқирдан эниб, кўздан йўқоларди. Зум ўтмай, ойдинда Дўланали томонга чопиб кетаётганлиги қорайиб кўринарди.

Аюб онасининг калиши абгор эди. Тўй-марака бўлса, ҳамиша йиги қилиб ўтирад, “Синфдошларим оёғимдаги калишимга қарайди!” деб кўпинча боролмасди ҳам.

Бир неча бор ямалганидан, калишни энди ямоқ ҳам илмай қўйганди.

Совринга калиш олсин, энди онаси тўйларга яп-янги калишини кийиб боради шунда.

– Қоралиқ энди Алижон чўпоннинг қўшига! – Дўланалидан қайтиб келган Аюб чопағон Алижон чўпоннинг уйи томон от солмоқчи бўлади. – Совринига, совринига, ҳа, зам-зам суви!

Аюб чопағон бу совринни ҳам ютиши керак. Чунки, зам-зам сувини ичган одам ҳеч қачон ўлмасмиш. У шунда ота-онасига зам-зам сувини олиб боради. Улар ўлмайди.

Аюб чопағон уйи томон урҳо билан от солиб кетди.

Қайтганида аввалги шодумонлиги йўқ эди. У музтар ва ғамгин, Баянидан айрилиб қолган моҳир чопағондек елкалари силкиниб-силкиниб йигларди.

Овозсиз йиглаб ўтирган отанинг ўқраган овозидан бола бирдан сергакланди. Ортига тисарилди. Отаси у томон кучоқ очиб шошли. Бола эса Жайралиқирнинг ёнидаги жайра уялари томон юриб, бирдан ғойиб бўлди. Чўпон уни қидирди.

Бу ернинг жайра уяларидан бўлак яширингулик жойи йўқ эди.

Алижон чўпон ва Ашур камбойнчи бир кун бўйи Жайралиқирда жайра уя кавлади. Бир нишона топилмади. Йўл ўтгич одамлар сабаб сўрашганида ҳам жавоб олишолмай, елка қисиб, ажабланиб-ажабланиб нари кетишиди.

Бу кенг даштларда ҳар ойнинг ўн беши ёруғ – ўн беши коронги бўлади.

Бу кенг даштларнинг кундузи коронги, кечаси ёруғ бўлади.

Бу кенг даштларда ойдин ўн беш кунликларда кўпкарилар бўлиб, совринлар ютилади.

Бу кенг даштларда ойдинда бўлгич томошаларни эр-хотин аввал йиглаб-йиглаб, кейин кулиб-кулиб томоша қилгич бўлишади.

Чопағоннинг отини хуркитмайин деб, пичирлаганча, “Аюб, Аюб!” деб олқишилагич бўлишади.

Орадан йиллар ўтади.

Бу кенгликларда Алижон бойчўпоннинг болалари тунлари сурув-сурув қўй, уюр-уюр от, пода-пода қорамол бокишади.

Бу кенгликларда анча олдин чин дунёга ўтиб кетган Алижон чўпон ва унинг аёлининг тунги осудаликни бузиб, “Аю...б”, “Аю...б!” деган овозлари ҳамон эшитилиб туради.



Нобель мукофотидан кейин...

**Нодирабегим
ИБРОҲИМОВА**

Ҳозирги кунда ўқирманларнинг севимли ижодкорлари сафида турадиган Нобель мукофоти совриндорлари бўлганлар орасида Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган, бу манзараларни асарларида моҳирлик билан чиза олган, ҳамиша тинчлик ва эзгулик тарафдори бўлган ва энг муҳими, асарлари дунё бўйлаб миллионлаб нусхада чоп этилган гарб мамлакати адиллари талайгина.

Улар орасида энг машҳур ва истеъодди деб хисобланган Ҳерман Ҳессе 1946 йил, Уильям Фолкнер 1949 йил, Эрнест Хемингуэй 1954 йил, Альбер Камю 1957 йилда мазкур мукофот билан тақдирланганлар. Гарчи бу йилларда уруш яқунига етган бўлса-да, унинг қалбларда қолдирган изи, руҳиятларга берган зарбаси тобора кучайиб борар, кўплаб мамлакатларда завол топган авлод шакллана бошлаганди. Бу ёзувчилар уруш кўрган одамларнинг руҳияти, дардлари, қайгуларини тўлалигича, ҳаққоний очиб берганлар.

Улар қаламига мансуб “Чўл бўриси”, “Аскар мукофоти”, “Алвидо, қурол”, “Вабо” каби асарларда урушга нисбатан салбий позиция ва исённи кўриш мумкин. Нотинч ва алғов-далғов, умидсиз ва тушқун замонда ёзилган бу нодир асарлар муаллифлари нуфузли Нобель мукофоти билан тақдирланганча уларнинг кейинги фаолияти қандай кечган? Қуйида шу ҳақидаги изланишларимизни тақдим этамиз.

“Инсонпарварликнинг мумтоз гояларини ўзида тобора яққол намоён этаётган жўшқин ижоди, шунингдек, ёрқин услуги учун” Нобель мукофоти совриндори бўлган олмон адиби Ҳерманн Ҳессенинг “Чўл бўриси”, “Маржонлар ўйини”, “Нюрнбергга саёҳат” сафарномаси, “Фидирак остида” ва “Курортдаги киши” қиссалари кўплаб тилларга таржима қилинган ва ҳамон ўз қимматини йўқотгани йўқ. Унинг энг охирги асари “Маржонлар ўйини” 1943 йилда чоп этилгач, орадан уч йил ўтиб мазкур нуфузли мукофот билан тақдирланган. Бетоблиги туфайли тантанали маросимда иштирок эта олмаган ёзувчининг мактуби масъуллар томонидан ўқиб эшигтирилади. Афсуски Ҳессе бу мукофотдан кейин янги асарлар ёза олмади, ҳикоя, шеър ва мақолалардан ҳам узоқлашди. Қолган умрини рафиқаси билан сокин қишлоқда ўтказишга аҳд қилган адиб 1962 йил 9 август куни 85 ёшида оққон ҳасталигидан вафот этди.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА – 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоя ва таржималари республика ва жаҳон матбуотида чоп этилган.

Херманн Хессенинг “Чўл бўриси”, “Илк саргузашт”, “Мармартош”, “Муз устидаги ошиқ”, “Соялар ўйини”, “Тунги чипор капалак”, “Флейта орзуси”, “Шоир” номли хикоялари она тилимизга ўтирилган. Уларнинг аксариятини мохир таржимон Мирзаали Акбаров аслиятдан таржима қилган. Бу асарлар “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” каби журналларда чоп этилган.

XX аср жаҳон адабиётида ўз услуби ва сўзига эга бўлган америкалик ёзувчи Уильям Фолкнер узоқ муддат жамиятдан узилиб, таркидунёчиликда яшаган бўлсада, ўз асарларида долзарб муаммоларни кўтариб чиқсан. Адид ўзи ҳақида “Мен ёзувчи эмасман, балки оддий бир қишлоқи одамман, менда айтарлик буюк ғоялар йўқ”, деган бўлса-да, Нобель мукофотига лойиқ топилган. Умрининг асосий қисмини АҚШ жанубидаги Миссисипи штатида жойлашган Оксфорд шаҳарчасида ўтказган.

Ёзувчи 1949 йил ўзига Нобель мукофотини топшириш маросимида сўзлаган нуткида: “Биламанки, инсон қонида ҳаттоқи урушларни бошидан кечиришга мажбурловчи улкан қудрат бор... Тавқилаънатнинг охирги бонги урилиб, умрбод ўчганидан сўнг ҳам, бир сас тинмайди: бу овоз ниносида унда авваллари бўлган нарсаларганисбатан баландва мустахкам, улкан ва қудратли, ҳаётнинг бекарорлигига бардош берувчи иншоотни қуриш иштиёқи, орзу-умиди жаранглайди. Бироқ бу нино азалдан, Иблис алайҳиллаина йўлдан озидирган Одам Ато ва Момо Ҳаво қилган дастлабки гуноҳи, қазои-қадарнинг бизгача етиб келган ниносидир, аммо унга ҳам, қанчалик уринмасин, одамни Ер юзидан йўқ қилиб ташлаш насиб бўлмади. Мен кўркмайман... Мен ҳазрати Инсон Масехни хурмат қиласман, унга мафтун бўлиб, ундан завқланаман”, деган эди.

Мукофот совриндори бўлгач, Фолкнернинг ҳаёти ва тириклиги бирмунча изга тушса-да, фазилатлари, характеристи, ҳаётий тамойиллари аввалгидек қолади. Шаҳар шовқинидан четда, оддий фермер каби ҳаёт кечирган адид ҳатто эски машинасини ҳам алмаштирумайди. Шундай довруғли ёзувчининг ҳамон шарти кетиб, парти қолган машинада юрганини кўрганлар уни тушунмас, ҳатто газеталардан бирида “Агар менда унга берилган пул бўлганда, бунақа машинани хизматкоримга ҳам раво кўрмасдим”, деб ҳам ёзишган.

Умрининг охиригача Оксфорд четидаги кичкина хўжалигига, XIX асрда жануб зодагонларига хос меъморчилик услубида қурилган эски уйда яшаб, 50-йиллардан бошлаб бу ерда бир умрлик орзуси бўлган йилкичилик билан шугуулланади. Умрининг охирги йилларида деярли ёзмай кўйган Фолькнер дўстларига: “Ўнмаяпман. Агар “ёниб” қолсам, албатта, машинкага ўтираман”, дейди. 1962 йил Фолкнер отдан ийқилиб, 64 ёшида вафот этади. Қаброшибига эса: “У китоб ёзиб оламдан ўтди”, деб ёзиб кўйишларини васият қиласми.

Уильям Фолкнернинг қатор қисса ва хикоялари тўплам ҳолида 2013 йили “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган. Уларни Эркин Эрназаров, ИброҳимFaфуров, Қудрат Дўстмуҳаммад ўзбек тилига таржима қилган. Китобда “Эмили учун атиргул”, “Тўзонли сентябрь”, “Уош”, “Қора мусиқа” каби хикоялар тақдим этилган. Фолкнернинг машҳур асарларидан бири “Қора мусиқа” романини она тилимизга Иброҳим Faфуров таржима қилган ва бу асар алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган.

Эрнест Хемингуей ижодида ҳам Иккинчи жаҳон урушидан кейин янги давр бошланган. 1952 йили “Чол ва денгиз” асари учун унга Нобель мукофоти тақдим этилади. “Чол ва денгиз” қиссасидан сўнг адид бор-йўги битта асар яратган. Айнан шу йилларда Хемингуэй ўзини кимлардир кузатаётганидан шикоят қила бошлайди. Унинг бу шубҳасини руҳий касалликнинг бошланиши деб ҳисоблашди ва уни АҚШга олиб бориб шифохонага даволаниш учун ётқизишади. Хемингуэй она юртида ҳам тинчлик топмай, хавотир ва ваҳима касаллиги кучаяборади. Эрнест Хемингуэй ўзини МРБ (Марказий разведка бошқармаси) кузатаётгани ҳақида

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

қайта-қайта таъкидлай бошлагач, адибга руҳий касал деган аниқ ташхис қўйилади.

Адиб инсон ва ҳаётмоҳиятини излабгоҳ Американи, гоҳ Европани, гоҳ Африкани, гоҳида ўз жонини гаровга қўйиб океанларни, ёввойи чангальзорларни, жазира маҳалларни саҳроларни кезиб чиқсан, йиртқич ва ваҳший ҳайвонлар билан юзма-юз келган, улар билан олишган, Африка ва Кубанинг ўта хавфли юқумли касалликларини бошдан кечирган, хафақон ва диабет касалликларидан азоб тортган, бир сўз билан айтганда, ҳамиша ҳаёти қил устида турган, бир умр фалокат, ўлим, оғриқ, жароҳат билан олишиб, шундан завқ олиб яшаган. Унинг нима учун шунча синовларни енгиб ўтиб, охир оқибат 1961 йил 2 июлда ўз уйида ўзига милтиқ ўқтаб жонига қасд қилгани дунёни зир титратди.

Эрнест Хемингуэйнинг бир қатор машҳур асарлари ўзбек тилига ўғирилган. Жумладан, “Алвидо қурол” ва “Чол ва денгиз” романлари Иброҳим Фафуров томонидан таржима қилинган ва бир неча марта чоп этилган. Бир қанча ҳикоялари “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлиқ”, “Китоб дунёси” каби газета ва журнallарда ўзбек тилида эълон қилинган. Мисол учун, “Даҳшатли кутиш”, “Ёлғизлик”, “Ёмғирда қолган мушук”, “Енгилмас”, “Кўпприқдаги чол”, “Қотиллар”, “Френсис Мокомбернинг омонат баҳти” каби ҳикоялари шулар жумласидандир. Бу ҳикоялар Набижон Бақий, Ўроқ Равшанов, Олим Отакон, Кулман Очил, Учқун Назаровлар томонидан рус тилидан таржима қилинган.

Француз ёзувчиси Альбер Камю Нобель мукофотини 1957 йилда “Инсон виждони олдида турган муаммоларни адабиётда юксак руҳда ёритиб бергани учун” олган. Фалсафий-бадиий эсселари учун замондошлари томонидан “Фарб виждони” деб аталган Камю ҳаётининг сўнгги йилларида қарийб ҳеч нарса ёзмади. 1960 йилнинг 4 январь куни яқин дўсти Мишель Галлимар билан унинг машинасида Провансдан Парижга қайтаётгандаридан автоҳалокатга учраб, 47 ёшида вафот этди. Адиб портфелидаги нарсалар орасида охирига етказилмаган “Биринчи одам” қиссаси қўлёзмаси ва ишлатилмаган темир йўл чиптаси топилади. Камюнинг жасадини Франция жанубидаги Лурмарен шаҳарчаси қабристонига дағн этадилар.

“Барча замонавий ёзувчилар ичида унга энг ҳайратланарли адабий тақдир насиб қилган эди. Гарчи “ақллар ҳукмдори” деган таъриф уни кулдирган бўлса-да, у бутун авлоднинг жонли ойнаси бўлган. Чет элларда ўкувчилар уни илтифот билан қабул килишарди. У бошқалар ҳали Гонкур мукофотини беҳуда орзу қилаётган бир вақтда, Нобель мукофотини қўлга киритди”, деб ёзади ёзувчи Андре Моруя.

Камюнинг “Вабо” ва “Бегона” асарлари Аҳмад Аъзам томонидан ўзбек тилига мөхирона таржима қилинган. “Хикматлар”, “Ён дафтарчалар” асарлари эса И.Бек томонидан ўғирилган. Мазкур китоблар юртимиз нашриётларида қайта-қайта босиб чиқарилмоқда.

Тўғри, бу адиблар Нобель мукофоти совриндори бўлмаган тақдирда улар асарларининг залвори камаймас, ҳозир ҳам мавқеи баланд бўларди. Кўриб турганингиздек, улар лауреат бўлганидан сўнг бундан рағбатланиб бор вақтини ижодга сарфлаш ўрнига шахсий ҳаётларини ҳам деярли ўзгартмаган. Аксинча янада одамлардан, шовқиндан ўзларини четга тортишга ҳаракат қилишган. Бу балки ижодкор ҳамиша дард билан, изтироб билангина тарихда қоладиган асарлар яратса олишининг исботидир? Чунки ёзувчи учун мукофотлар, ҳатто у Нобель бўлса ҳам, нисбий тушунча. Мукофотлардан ижодкорнинг шу вақтгача қилган меҳнатларини рағбатлантиришни кўзда тутса-да, аммо уларнинг кейинги фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, деб айтиш қийин.



Қайтмаганлар ҳақида

қўшиқ

Диловар
НУРМУРАДОВА

Дадамнинг “Уруш бевалари” китоби нашр қилинганда мен ҳали туғилмаган ҳам эдим. Ойижонимдан бу китоб ёзилиш тарихи ҳақида сўрасам, ғамгин жилмайиб кўярди. Бир куни:

– Дадам бу китобни хуш-хурсандчилик билан ёзган, шекилли? Қачон сиздан унинг ёзилиш тарихини сўрасам жилмаясиз, холос, – дедим.

Ойижонимга бу гапим бошқача таъсир қилди, жаҳл билан жилмайди-да:

– Бу китоб хуш-хандонлик билан эмас, иқтисодимиз танг кунларда ёзилди. Дадангнинг туну кун бош кўтармай битган бу қўлёзмаларини ёзув машинкасида кўчирганиман. У замонлар даданг ҳеч жойда ишламас, сабаби тили туфайли туппа-тузук ишидан ҳайдалганди. Умуман, бу одамнинг иши ҳеч қачон юришмаган. Омадсиз. Бирорга ёрдам бериш, яхшилик қилиш керак бўлса шер, аммо ўзининг фойдасига қолганда тап-тақир ер бўларди. Қанча вақтлардан бери биламан, ҳар доим ўзининг заарига иш қилди. Гапирса ҳам ўзига душмандай сўз қилади. Шунақанги одам ҳам бўлар экан-да? Тавба!..

Даданг “Уруш бевалари” китобининг қалам ҳақини бирорга яхшилик қиласман деб, ёмонлик қилиб қўйганлиги учун тўлаган эди. Ўша пулни илҳақ кутгандим. Болаларимга уст-бош, бешик оламан деб ўйлагандим. Уйда пиёз билан картошкадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ишлаб юрган пайтида Россиянинг картошкасидан икки халта олганди. Ўшалар кунимизга анча яраган.

Бу дунёда дадангга ўхшаган одамлар борми, менимча, бўлмаса керак. Агар бор бўлганда ул-бул жойдан шивири чиқиб қоларди.

Лекин бу одамни бағрикенглигига қойил қолиш керак. Одамнинг ҳам шунчалар бағрикенг бўладими? Мана шу уйимизда икки юзга яқин одам яшаб кетган. Яна уларнинг кўпчилиги уйимизда рўйхатда ҳам турган. Мен турмуш ўртоғиман. Бир куни мени уйимиздан рўйхатдан чиқариб, амакисининг боласини кўйибди. Ўша бола кўп йиллар мени ўрнимга рўйхатда туриб, шу ерда уйли-жойли бўлди. Хуллас, Тошкентдан одам бўлиб ортига қайтди.

Э-э-э, дадангнинг бунақанги ишлари кўп. Қайбирини айтай...

Сўнг яна ҳикоясида давом этди:

Диловар НУРМУРАДОВА – 1990 йилда тугилган. Гулистан давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида чоп этилган.

Диловар НУРМУРАДОВА

– Бирга яшәтганимизга қирқ йилдан ошди. Шу йиллар ичидә қаерда ишлаган бўлмасин, албатта, ортидан эргашиб юрувчи уч-тўртта гумаштаси бўлган. Олган маошига ўшаларнинг қорнини тўйдириб юарди. Уларнинг айримлари ҳам ошини ерди, ҳам ортидан гийбатини қилиб кетаверарди.

Бу одамга ўша гийбатчи оғайнилари тўғрисида гапириб қолсанг:

– Қўявер, “Букрини гўр тузатади”. Мен яхшилик қилувчи буқри бўлсам, улар ёмонлик қилувчи буқрилар. Сенга қанчалар ёмонлик қилса, яхшилигингни қилиб кетавер. Кўкдаги кўриб турибди, – дерди бундай гап-сўзларга эътибор қилмай.

Дадангнинг хужжатли китоблари ҳаммаси жуда-жуда оғир меҳнат, йиллар мобайнида ҳалқ орасидаги изланишлари ортидан юзага келган.

Мана шу “Уруш бевалари” китобини ёзаётганда Кўқондаги раҳбарлар дадангни қамаб ҳам қўйишган. У пайтларда ҳам бу киши ҳеч ерда ишламасди. Ишламаган одамни қаерда ҳурмат қилишган? Ҳеч жойда! Ўша қама-қамадан кейин “Туркистон” газетасига шартнома асосида ишга кирди ва ёзган мақолаларига қалам ҳақи олиб тириклигини ўтказди. Ул-бул вилоятларга боргандা газетадагилар йўл пули бериб туришди. Ўша “Ўлма жоним” пул билан ҳам кун кўрганмиз.

У вақтлар дадангни олдига келиб:

– Отамиз ҳакида, онамиз ҳакида, ўзим ҳақимда китоб ёзиб беринг, – дейдиганлар кўп эди. Аммо бу киши: “Келиб-келиб шулар ҳақида китоб ёзаманми?” деб уларни ортига қайтариб юборарди. Асли улар “Уруш бевалари” китобидаги аёллардай бечора, аҳволи оғир, абгор, камбағал одамлар эмасди. Улар қорни тўқ, пули кўп одамлар эди. Дадангнинг ўртоқларининг барчаси туфлисининг таги тешик, асарларининг қаҳрамонлари эса етим-есир, ногирон, гарип кексалар эди. “Ўхшатмасдан учратмас” деганларида бир умр камбағалчиликдан боши чиқмай, камбағаллар билан ош-қатиқ бўлиб юрди. Бу юришидан ҳеч уялмасди.

“Уруш бевалари” китобининг қаҳрамонлари эрлари урушда ҳалок бўлиб, ўзлари қайта турмуш қилмаган аёллар. Ўшандай аёлларнинг уч юз нафардан зиёдини турли вилоятлардан, турли республикалардан излаб топган. Уларни топдим деганда, аёлларнинг ташвишлари, юмушларига аралашиб кетиб, асар ёзиш бир четда қолган вақтлари жуда кўп бўлган.

Кўқонга борса, асари қаҳрамони Тошхон онанинг набиралари онани ўз уйидан ҳайдаб чиқариб юбориб, қабристон ичидан бир ката қилиб берган экан. Она ўша капада яшаркан. Кўқонга шу кетишда даданг анча кун йўқ бўлиб кетди. Кейин билсак дадангни Кўқонни мелисалари қамаб қўйибди.

Дадам у кунлар хотирасини шундай ёзади: “Кўқон сафаримнинг хотимаси эди. Бу шахри азимда биринчи бор бўлганлигим учун олдин анча ҳайратландим. Сабаби, шаҳарнинг гавжумлиги, тонг-саҳарлаб чойхоналарнинг очилиши, “Келинг, ака”, деган мулоим муносабатлар... “Мана бу йўлдан борасиз”, дея йўл кўрсатган шаҳарликларда меҳмонга бир улуғ муҳаббатни кўрдим.

Мен тушган “Кўқон” меҳмонхонасининг чап биқинида социал таъминот идораси ҳам жойлашган. У ерда ҳам мени илиқ кутиб олишиб, узримни енгиллатиш учун самимий ёрдам қўлларини чўзиши.

Ўшанда 120382-делодан Ҳайдарова Хосият онанинг турмуш ўртоғи Ҳайдаров Умарнинг 1945 йил 20 февралда ҳалок бўлганлигини билганман. Галабага икки ярим ой қолганда... Қанчалик баҳтга яқин, қўл чўзгудек масофа...”

Дадам билан турли республика ва давлатлардан танишмоқ истагида юрган нотаниш дўсти, ёронлари бор. Уларнинг барчаси дадам ижоди ва шахсини билишларини истаб мактублар ёзишиди, кўнфироқлар қилишади. Ана шу сабаблар мени қўлимга қалам олиб, дадам ҳақида ёзишга ундаган.

Ойижонимнинг: “Даданг бу китобини иқтисодимиз тант бўлган кунларда ёзган”, деган гапида жон бор. Ўша пайтлари улар жуда-жуда камбағал яшашган. Уларни оғир ахволда умргузаронлик қилғанлигини яқин кунларда қўлингизга тегувчи “Нобель мукофотига номзод” романини ўқиш жараёнида ҳам хис қилиш мумкин. Бир кун дадамдан:

– “Уруш бевалари” китобингиз қаҳрамонлари тарихий шахсларми? – деб сўраганимда, шундай жавоб қилганди:

– Мен бу “Уруш бевалари”ни ёзмаган бўлардим. Ёзишга сабабчи бўлган аёл – Баҳор аммам. Аммамнинг эрлари Хўшмон тоғам урушга кетиб қайтмаган. Аммам эса ўша марҳум эрининг ёди билан бир умр яшади. Қайтиб турмуш килмади. Ёлғиз ўғли Усмоннин отасизлигини билдиримай тарбиялади. Ўқитди. Биринчилардан бўлиб Олий партия мактабини битирган ҳам Усмон тоғанг эди.

Болалигимизда бўлиб ўтган Наврўз байрамларида қишлоғимизнинг эркак-аёллари, ўғил-қизлари тўйга киядиган уст-бошларини кийишиб, турли хил егуликлар тайёрлашиб, қабр бошига чиқишаради. Ўшандай байрамда бизни уйдагилар ҳам Узук энамизни, отамизни, онамизни ортидан тизилишиб қабристонга йўл олишардик. Қабристонга чиққанлар ўзларининг вафот қилган қавм-кариндошлари қабрини супуриб-сидириб тозалашарди.

Қабристонда Баҳораммам ва ўғли Усмондан ўзга ҳамма бўларди. Аммо улар бўлмасди.

Мен Баҳор аммамни жуда-жуда яхши кўрардим. Аммам ҳам. Қачон уйга келса, уйидаги туршакни, шафтолини, ёнғокни, хуллас сандифида неки тансик мевалари бўлса уйга олиб келиб, онамга:

– Сафаргул, мана буларни Рашидジョンга бер, – дерди.

Онамнинг:

– Амма, буларни ўзингизни қийнаб кўтариб келиб, нима қилардингиз – деган гапларига:

– Мен ўлсам орқамдан ким йиғлаб қолади. Рашидジョンим ва Усмоним-да, – дерди хуш-хурсандчилик билан.

Баҳор аммамнинг Наврўз байрамида қабристонга чиқмаслиги сабабини кейин билдим. Аммам Хўшмон тоғамни Оқтоғдан урушга кузатган экан. Шу сабаб ҳар Наврўзда аммам ўғли Усмонга:

– Отангни қабри мана шу тоғ, – дея Хўшмон тоғам билан хайрлашган жойига боришар экан.

Бироз эсим кириб, тоқقا борганимизда, аммам зиёрат қилган тош атрофидаги текис тошлардаги ёзувларни кўриб ҳайратга тушганман. Ҳар бир тошга тоғам Хўшмон севимли ёри Баҳор исмини ўйиб ёзган экан. Ана шу тошлардаги тоғам ва аммам хотираси “Уруш бевалари” китобимни дунёга келишига сабабчи бўлган.

Дадам китоби қаҳрамонларининг исмини жуда авайлаб, эъзозлаб, эркалаб улар худди қаршисида тургандай хурмат билан бош эгиб, тортиниб айтади. Китобида у аёлларнинг сафи кўп. Дадамнинг хотираси анча суст. Аммо уларнинг ҳаммасини исмини ёддан билади. “Бу онахонларнинг исмини қандай эсда сақлаб қолгансиз?”, дея ҳайратланиб сўраганимда кўзлари кулиб:

– Уларнинг ҳаммаси онам-да, онам, оналарнинг исмини ёддан чиқариб бўладими, – дейди бир фурур билан.

Абдурашид Нурмуродовнинг уруш мавзусидаги асарлари ҳақида кўплаб мақолалар, такризлар чоп қилинган. Ўзбек адабиётига янгилик олиб кирган, урушга нисбатан мутлақо янгича қарашга эга мазкур асарларда уруш ортидаги қийинчиликлар ҳам таъкидланган, уруш кириб келган хонадондаги одамлар қалбига назар ташланган эди. Муаллифнинг “Уруш бевалари”, “Туташ қалблар” асарларининг қаҳрамонлари турли миллатга мансуб, турли давлатларда яшашган оналаримиздир. Бугунги кунларда у оналаримизнинг биронтаси тирик эмас. Ҳаммасини яратган Роббим ўз паноҳига олган.

Диловар НУРМУРАДОВА

Китобдаги асар қаҳрамонлари билан танишиб, Иккинчи жаҳон урушининг қонли панжаси минглаб километрлик узоқликдаги ерларда яшаётган одамларни ҳам ўз домига тортганини гувохи бўласиз ва урушнинг тузалмас дарди бедаво эканлигини чукур англаб етасиз. Ҳа, ҳақиқатан бу жаҳаннам одамзот тарихида бўлмаган, хаёлларга келмаган уруш эди. Бунда саксон миллиондан зиёд одам ўлим билан юзма-юз келди ва ҳалок бўлди.

Ана шу жангларда ҳалок бўлган жангчиларнинг содик беваларининг фронтдаги аскарларни усти бут, қорни тўқ бўлиши учун тиним билмай меҳнат қилганлиги асарда шундай бир самимият билан ёзилганки, ўқиганингизда беихтиёр бу жаҳоний мусибатнинг улкан юки ана шу содик бевалар елкасига тушганлигини англаб етасиз.

Китобдаги “Душманимга ҳам раво кўрмайман” ҳикоясидаги Умри она у кунларни шундай хотирлайди: “Энди қор остидан ниш урган майсаларни қорнимизни алдаш учун юлиб-юлиб олиб жигилдонимизга тиқар эдик. Тутлар пишмасдан шохидатамом бўларди.

Олти ойлик чақалогимни уйга ташлаб ишга кетаман. Баъзи кунлари иш бошида зах ерда тун қоронғисигача болаларимиз очик далада ётади. Бир куни бригадиримизнинг:

– Ҳа, билдиларингми, ким келганлигини, тушликка ҳам чиқай демайсизлар,
– деган хитобидан ҳанг манг бўлиб эгат орасида қаддимизни тиклаб, унга саволомуз қарадик. Шунда у: – Қани ортимдан, – дея орқасига бурилди.

Шийпонга келганимизда, тумандан келган ҳамширалар жилмайиб кутиб олишди. Бизлар нима гаплигига тушунмай бригадиримизнинг оғзига тикилиб турардик. Шунда у:

– Дўхтирларимизнинг ҳам, сизларнинг ҳам вақтларингизни олмайин. Улар урушда ярадор бўлган жангчиларимизга қон сўраб келишибди. Қон топшириш мажбуриймас, хоҳловчилар учун, – дея бошин эгиб биздан нари кетди. Шунда ҳеч ким кутмаган мўъжиза юз берди. Аёлларнинг ҳаммаси бир овоздан “топширамиз” дейишди. Бизларнинг хитобимиздан ҳамшираларнинг ҳам кўзларида қувонч ёшлари кўринди. Қон топширгандан кейин мени бошим бироз айлангандай бўлди. Лекин қувончим чексиз эди. Қоним худди Азимхўжа акамга керакдек туюлганди. Болам, аёллар фронтдагилар учун жонини беришга ҳам тайёр эдилар.

...1942 йилнинг кузи эди. Колхозимиз раиси Матқобилов Абдужалил идорага чакириб, қўлимга бир парча қофоз тутқазиб, “Бардам бўл, синглим, эл бошига тушган экан-да”, деди. Нима воқеа юз берганини тушундим. Бутун аъзойим бўшашиб, беҳол деворга суюниб қолдим. Уйга қандай келдим, онамларга нима дедим, эслай олмайман. Факат хаёлимда, “Онамга кора хатни кўрсатма”, деган ўй. Кўрсатмадим. Онам “Ўғлимтирик” деб бу олам билан хайрлашди. Иккалови у томонларда учрашган деб хаёл қиласман. Икки болам билан ҳайҳотдай ҳовлида қолиб кетдим. Бу ютаман деган ҳовлига даладан, ишдан ҳеч келгим келмасди. Тунлари тўрт девор шундай сикардики, дод деб юборгим келарди. Кўз олдимдан Азимхўжа акамнинг сиймоси нари кетмасди. Ҳанузгача уни ҳалок бўлганлигига ишонгим келмайди. Гоҳ-гоҳида тушларимга кириб, эрталаб ёстиғим кўзёшларимдан ҳўл бўлиб чиқади. У тушларимга ҳамон тирикдай киради. Уни факат тушларимда кўриб яшаб келмоқдаман”.

Дадам 1988 йил нашр этилган “Уруш бевалари” китобини ёзиш учун нафақат вилоятларимиз, балки ўзга республикалар остоналарида ҳам бўлди. Дадамнинг “Ўша кафандан уч-тўрттаси кўмилган” деган ҳикояси ҳам бор. Бу ҳикояни унга Қирғизистоннинг Аравон туманида яшовчи Сайдамирхон Асланов айтиб берган:

“...Кеч куз эди. Бобомиз уйнинг томини очди. Биз болалар, том устидаги чириган янтоқларни бир жойга түпләдик. Бобомизнинг ўғлини урушга олиб кетган, ўзининг ёши етмишдан ошиб мункиллаб қолган чол эди. Томнинг устидан вассаларни олиб, кейин болорларини пастига туширишди. Беш нафар набираси кичкинагина, титилиб кетган гилам устида оч ётишарди. Ўрнидан туролмасди. Юзлари кирлигиданми атрофларида ғуж-ғуж пашша. Пашшани кўришга ҳам ҳоллари келмасди. Бизларни бироз қорнимиз тўқ бўлган шекилли, вассаларни кўтаришиб, бобога ёрдамлашардик.

Болорларни ҳоллар то тун қоронғисигача майдалаб, саржин қилишди. Ишлар тугагандан сўнг уйимизга қайтдик.

Эрталаб ўрнимиздан турганимизда саржин қилинган болорлар ҳам, вассаллар ҳам жойида йўқ эди. Факат биз четта йикқан янтоқлар ғарами кўзга ташланади. Бобонинг набиралари Акмал, унинг укалари ҳам кўринмасди. Шунда бизлар ҳайрат ва қизиқиш билан вайронга кулбани айланиб ўтиб, ичкарига кирдик. Том шифтидан тушган тупроқлар тозаланган уйнинг бир бурчида кечаги титифи чиқиб кетган гилам устида Акмал укалари билан ётарди. Ҳаммаси уйғоқ, аммо ўрнидан туролмасди.

Бобони сўраганимизда:

– Бозорга, – деди шивирлаб. Бизлар уларни олдида бироз ўйнаб, кейин кўчага чиқсан, кўлтифида бир тугун билан қалтираганча бобо келяпти. У янайм қарип қолгандай, ҳассасига суюниб, секин-секин юрарди. Бизларни борлигимизни ҳам сезмагандай, кулбасига, набиралари олдига кириб кетди.

Орадан бир неча кун ўтиб, туни билан қалин қор ёғди.

Уйимизда кимдир:

– Бобони набиралари билан қор босиб қолибди, – деган совуқ хабар топиб келди. Оёғимизга киядиган нарса бўлмаганидан ташқарига чиқа олмаймиз. Онам, бувим бошига рўмолини ташлаб, кўчага отилди. Бобога, болаларига нима бўлганлигини бизлар тунда эшитдик. Ҳаммаси ўлган экан. Онам бизларни бағрига босиб:

– Акмал жўраларингдан айрилиб қолдинглар, – дея узоқ қуюниб йиглади. Укаларим ва мен ўлим нималигини тушунмасдик. Аммо, онамнинг йифисидан нимадир содир бўлганлигини хис қилиб турардик...

Акмалнинг бобоси нечун уйини очиб, ёғочларини саржин қилиб сотганлигини эсимни таниганда билдим. Отини ҳам бозорда сотиб, ўрнига арпа олиб келган экан.

Ўшанда бир кило буғдой уни – бир юз ўттиз, макка уни юз сўм эди. Оналаримиз ўзлари емаса ҳам бизларга топган-тутганларини бериб, ётишимизга қараб йиғлашарди.

Пахта теримидан сўнг бироз яхши бўлиб қоларди. Чунки чигитни қовуриб ердик. Чигитни қовуриб еб, ичи қотиб ўлганлар ҳам бўлди. Ўлганларни кўмиш ҳам азоб эди. Бир воқеа кечагидай ёдимда. Қиши. Қишлоғимизда кетма-кет бир неча кекса, болалар очликдан касалланиб ўлди.

Марҳумларнинг баҳтига биринчи қазо қилган бобо қўшни қишлоқлик бадавлатроқ одамнинг отаси эди. Марҳум кўмилгандан сўнг, бизнинг уйимиздан олти уй наридаги ҳоланинг боласи ҳам ўлиб қолди. Болани ювишгандан сўнг, уни ўраб кўмишга кафанлик йўқ. Нима қилиш керак? Ҳамма ҳайрон. Шунда қишлоқнинг оқсоқоли: “Кеча фалончининг отаси ўлганди, ўшанинг кафанини олиш керак, янги эди”, дебди. Ҳамма бир-бирига қўркув аралаш қарабди. Шунда оқсоқол ўзи ўрнидан туриб, ёнида ўзи тенги ҷолларни қабрга бошлаб бориб, гўрни очишибди, жасад устидаги кафани олиб, болани ўраб кўмган экан... Эй, нимасини айтай, ўша кафан билан уч-тўрттаси кўмилган эди...”

Дадамнинг “Қайтмаганлар ҳақида қўшиқ” хикояси эса шундай жумлалар билан бошланади: “Яна ўн йилдан сўнг бу қўшиқни ким айта олади?”

- Қанақа қўшиқ?
- Қайтмаганлар ҳақида қўшиқ!
- Кимнинг қўшиғи? Шоири ким?

Оломон бу саволларга тинмай жавоб изларди... Баъзилар у қўшиқни палончи айтган дейишди, баъзилар эса бу қўшиқни пистончи айтган дейишди. Бир-бирларига саволлар бериб жумбокни ечишга уринишиди. Лекин маълум бўлдики, бу қўшиқни ҳали ҳеч ким айтамаган экан.

Шу вақт бехос бир қора либос кийган аёл қўйлагининг шамоли юзларга урилди. Беихтиёр одамлар нигоҳи аёлга қадалди. У саволомуз, безовта чехраларга бир-бир маҳзун назар ташлади, кейин худди бу кенглиқда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдай бўшлиққа тикилди-да:

– Агар тирик бўлсан мен айтардим, – дея ортга чекинди. Уни ҳеч ким танимади. Сукунат, ўнлаб йилларга чўзилган сукунат. Орада аёл “Қайта вафот қилди...”

“...Қайтмаганлар ҳақида қўшиқ – шаҳид кетган боболар ноласи.

Оломон танимagan аёл – уларнинг содик бевалари эди”.

...1941 йилнинг ёзи. Фасл мавридсиз келгандай, одамлар ёз неъматларини ҳам унтишган. Рухлар чалажон. Тўй кутган қизлар юзи заъфарон. Келинлар нигоҳида хавотирли изтироб. Оналар кўқсида лахта-лахта қон. Кўчалар, ҳовлилар, кучоклар, кўрпалар совиб қолгандай...

Одамлар нигоҳида бир савол: “У ёқлардан хабар йўқми?” Елкасига сафар халтасини ортиш навбати мурти энди сабза урганларга келиб қолган. Уларнинг сони ҳам кундан-кунга камайиб борар, гавжум маҳаллалар ўғри тушган уйлардек хувиллаб қолган.

Юракларга тошдек чўкаётган “хайр-хўш” сўзи Муборак оналар хонадонига ҳам бош суқиб ўтди. Ўша кун, ўша лаҳза, ўша сўзларни она бугунгидай эслайди, йиғлайди: “Умаржон акам ишдан барвакт уйга қайтди. Қайнонамнинг: “Ҳа болам, бугун эртароқ қайтибсанми?”, деган саволини эшитмаганга олиб, қизим Матлуба билан нималарнидир гаплашган бўлди. Дастурхон устида ҳаммамизни кулдириб ўтириди. Дастурхон йиғиштириб олинганда мени имлаб чақирди. Унинг кўзларига нигоҳим тушганида, бир оғриқ юрагимга санчилди. Нимадир бўлган эди. Нимадир мени кутар эди. Кутган экан...

– Муборак, жоним, – деди у. – Бугун фронтга кетаман. Биласан, укаларим ҳаммаси фронтда. Оиламизнинг ҳам отаси, ҳам онаси сен бўлиб қолдинг. Онамни эҳтиёт қил. У сенга омонат. Унга осон эмас. Унга бизлардан ҳам қийин. Унинг суюнган тоги, баҳти, қувончи бизларнинг чекимизга тушди. Сендан бир илтимосим, руҳан тушма, болаларимни эҳтиёт қил. Агар қайтсам, бундан баҳтлироқ яшаймиз. Қайтмасам, мен учун ҳам сен яша, қизларимни, албатта, ўқит. Улар бирорлар қўлига қараб қолмасин.

Мен эса йиғлардим. Бир оғиз сўз айтишга мадорим йўқ эди. Шунда улар деди:

– Нега йиғляпсан, йиғлама жоним! Бизлар бу қисқа ҳаётда оз бўлса ҳам бирга яшадик. Умримизни давом эттирувчи қизларимиз бор. Улар менинг овунчоғим, ҳаётим. Баҳти ўсишсин. Уларнинг баҳти эса сенинг қўлингда. Гар қайтмасам, албатта, уларга отаси қандай одам бўлганлигини айтиб бер...

У мени бағрига босди. Мен эса фақат йиғлардим. Умаржон акам, “Қизларимни чақир”, деганда хушимга келдим. Болаларим симёғочдаги

қалдирғоч болаларидек остонада жовдираб туришарди. Отаси уларни бир-бир қушиб, пешонасидан ўпид, бағрига босиб хайрлашды.

...1943 йилнинг қаҳратони. Одамлар уруш нималигини ярим жон бўлиб қайтишайтган жигарларидан билиб олишарди. Оёқ-қўли йўқ бўлса ҳам тириклигига шукур қилишарди. Улар қайтганлар эди. Қайтганлар ҳам, қайтмаганлар ҳам улар. Қайтмаганлар!

Софинчлар, армонлар, орзулар тупроқка бош қўйиши. Бу тупроқ энг азиз, энг муқаддас тупрокdir. Бу юракларга айланган тупроқни оналар, болалар, акалар, сингиллар кўзларига суртиши. Сўнгги хатларни, сўнги сўзларни юракларига тумор қилиб осиши. Мархумлар тирик эди, улар юрак туморларига айланиб қолганди. Янги дунёга келган чақалоққа термилиб шаҳид бўлган эр йигит кўзларини кўриши.

“Бобосига ўхшайди, бобожонига”, дерди бувилар ориқ қўллари билан бешик устига эгилиб.

Ўша қаҳратонда Муборак она ҳам эридан “Қора хат” олди.

– Ҳар тун ёстиққа бош қўйганимда, кўз олдимда унинг сиймоси гавдаланади. Хаёлан у билан гаплашиб уйқуга кетаман. У худди боламга ўхшайди...

Боламга ўхшайди...

Юрагимнинг қат-қатидан бир нило отилиб чиқади. Фарзандга айланиб қолган мархум жангчилар. Онага айланиб қолган содик бевалар. Улар сиймосида кутиш заҳматининг ҳар йилидан қолган ажинлар шодаси! Она кўзларидан сирғалаётган томчиларга тикиламан.

Кўз олдим жимирилашиб, бўғзимга бир илиқлиқ келиб тиқилади. Кичик жуссали, муқаддас онани бағримга босиб, тўйиб-тўйиб йиғлагим, “Сен онасан, сен онамизсан, сенларга шундай ҳайкал қўйишимиз керакки, бу ҳайкал ҳар биримизнинг юрагимизда мағрур қад кўтарсин”, дея ҳайқиргим келади.

“...Қизим Мавжуда икки ойлик чақалоқ эди. Ҳувиллаб қолган ҳовлида тўрт қизим ва қайнонам қолган. Умаржон акамнинг укалари Сиддиқжон, Мели, Исломлардан ҳам бирин-кетин “Қора хат” келди. Биз она-бода худди зимистон қаърига чўкиб кетаётгандай эдик. Оз-моз бўлса ҳам мени иш овутарди. Онамни-чи?

Кўрганларимни эсласам, ҳамон титроқ босади. Ишдан келиб, болаларимни ухлатиб, онамга жой солишга уннадим. Ечинишига ёрдамлашдим. Бехос нигоҳим онамнинг қўлларига тушди. Сесканиб кетдим. Кўзларимга ишонмай, қаттиқ юмиб очдим. Ҳақиқат эди. Онамнинг буткул аъзойи-бадани моматалоқ бўлиб қорайиб кетганди. Онам мени пайқаганлигимни билиб, устига тезда кўрпа тортди. Бир оғиз сўз айтольмай, болаларим ёнига қайтдим. Туни билан муштипар онам, Умаржон акам, қайниларимни, ўзимнинг бу аччиқ қисматимни ўйлаб йиғлаб чиқдим. Мен бахтсиз эдим. Ҳеч бўлмаса шу онам бахтига фарзандларининг бири тирик қолса бўлмасми...

Умаржон акам истаганидек болаларимни мактабга бердим. Беихтиёр унинг сўнгги сўзларини бот-бот такрорлардим. Баъзан ўзимча куйиниб, кўзларимдан ёш қуилаётганини қизларимнинг ҳадиксираб қараб қолишиларидан сезиб қолардим. Негадир унинг ҳалок бўлганлигига ишонгим келмасди. У тирикдек туюлаверарди...

У тирик эди...Уруш, урушдан кейин миллионлаб қалбларда “тирик” деган армон туғилди. Бу – армон. Уруш миллионлаб ёруғ қалбларни сўндириди. Улар оддий шам ёлқинидек сўнмади. Улар ёшлар юрагида жасорат, муҳаббат бўлиб қайта аланга олди. Ўша аланга ёлқинидан биз бахтли яшаяпмиз. Аланга тафти. Муборак оналар – боболаримиз муҳаббати. Бу муҳаббат авлодлардан авлодларга ўтиб бораверади.

“Ўша оғир йиллардан мен ҳам барча бахтсиз оналар каби болаларимни опичлаб чиқдим. Бу лаънати уруш қанча-қанча норасидаларни етим қолдириди.

Диловар НУРМУРАДОВА

Болаларимнинг: “Дадам қачон келади?” деган саволидан юрак-бағрим хун бўлиб кетарди. Улар эса дадаларининг қисматидан бехабар эдилар.

Йиллар ўтди. Ота меҳрига тўймаган қизларим ҳам ўсиб-улғайди. Умаржон акамнинг орзулари рўёбга чиқди. Уларнинг ҳаммаси олий ўқув юртини тутатишиди. Лекин 1957 йил пешонамга яна бир оғир жудолик битилган экан: олий ўқув юртини тамомлаб энди иш бошлаганда дўхтир қизим Матлуба тўсатдан вафот этди.

Бир солдат бевасининг болалари бугун турли жойларда ишлашмоқда.

Голиба, Сайёра, Мавжуда қизларим ва набираларим билан биргаман. Оила аъзоларим йиғилганда уйимизда тўй бўлиб кетади. Дастурхон атрофига ўтирганда ёдимга оиласардори Умаржон акамнинг сўнгти сўзлари тушади. Болаларимга, набираларимга оталари, боболари ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Берилиб тинглашади. Ҳудди хонада унинг нафаси кезиб юргандай бўлади. Жигартгўшаларимга бир-бир боқаман. Уларнинг юзида, кўзида марҳум умр ўйлдошимнинг сиймосини кўраман.

Ҳа, у ўлмаган ва ўлмайди ҳам. У менга, болаларимга, набираларимга айланиб қолган. Шу фарзандларим баҳтига, дунёдаги жамики болалар баҳтига уруш бўлмасин. Баҳтиқаролик заҳматини, айрилиқ кулфатини оналар қайта кўрмасин.

Ўшанда бу айрилиқларга чидай олмай, бечора онаизорим аъзойи баданини юлаверган экан...

Фарзанд доғи ўз кучини кўрсатди. Онажоним ҳам фарзандлари ёнига кетди”.

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида яшаб ўтган Турсун Раҳимов дадамга ўз болалиги ўтган уруш йиллари ҳақида шундай ҳикоя қилган экан:

– Киримларни кўчириб келибди, қиримлар, – деган хабар тарқалди қишлоқда. Биз болалар: “Кирими қандай одам экан?”, деган қизиқиша, бригадирнинг ортидан эргашамиз. Чунки бригадир хонадонларга уларни тарқатиб чиқаётган экан. Бизга қўшни бўлиб, Марям деган аёл тушди. Унинг Нурия деган кизи, Ибозор деган ўғли бор эди. Ўғли ўн ёш, қизи икки ёшда. Уларда ҳеч бир егулик бўлмаганлиги сабаб тилла буюмларини нонга алмаштириб юрди.

Марям холанинг болалари бу ерга келгунча, ўпкаларини совукқа олдирган экан. Қўп ўтмай икковиям ўлди.

Баҳор келди. Қорлар эриб, майсалар ниш ота бошлади. Марям хола болаларидан мерос қолган ботинкаларни маҳкам бағрига босиб, қабристон томонга ғамгин тикилиб ўтиради. Агар бизларни кўриб қолса, имлаб ёнига чақиради. “Энди сенлар мени болаларим”, дея кучоқлаб йиғларди. Аммо ҳар куни фарзандлари ботинкаларини бағрига босиб, ўша ерда ўтиришни канда қилмасди. Аёл озиб-тўзид бетди.

Бир куни эрталаб онамнинг йиғисидан чўчиб уйғондик.

– Вой, бечора-ей, вой бечора-ей. Марям ўлиб қолибди. Болаларининг ботинкаларини кучоқлаб, ҳудди ухлагандай ётибди. Ҳа, буларни иссиқ жойидан қувиб, сарсон қилган пашистга минг лаънат, – деб йиғларди.

Отам ишчи баталёнидан қайтиб келган, минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил эди. Куз ойлари чайла бошида туардик. Онам ишга кетган. Мен молни қўшиб қайтиб келсан, отам уйнинг орқасида йиқилиб ётарди. Қаюм, Ўлжабой амакиларга хабар бердим. Улар келишиб, уйга олиб кирди. Отам гапирмасди. Фақат бизларга тикилиб ётарди.

– Жин урган, – дейишди кексалар. Муллага, күшночга қаратдик. Тузалмади. Отам жон беришдан сал олдинроқ чашмадан сув олиб келишга кетдим. Шунда

отам менга тикилиб нималардир деб гапирмоқчи бўлди. Олдига бордим. Кўзларини юмиб, имлагандай бўлди. Бошига эгилганимда юзимдан ўпди. Кейин кўзини юмди, йифлади. Мен эса шошиб-пишиб сувга жўнадим. Ортимдан қараб қолди. Сувдан қайтиб келсам уйга одамлар тўпланишган. Ҳамма йиғларди...

Кейин ҳам тунлари уйғониб кетиб, отам ётган жойга уйқусираф силжиб борардим. Ўзимга келганда онам мени бағрига босиб, йиғлаётган бўларди.

Отамнинг юзини уйғоқ вақтларим эслай олмайман. Аммо тушларимда унинг менга тикилиб турган кўзларини аниқ-тиник кўраман. Ҳатто, титроқ лаблари тафтини юзимда ҳис қиласман...”

Асар ниҳоятда содда тилда ёзилган. Икки одамнинг бир-бири билан қилган сұхбатига ўхшайди. Ана шу соддалик бағридаги воқеалар залворини кўтариб юриш шунчалар оғирки, уни ўқиб, елканга ортилган сўзлар юқидан буқчайиб қолганлигинингни сезмай қоласан.

Мени тенгдошларим, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларидан анчайин йироқ, ўша даврга бегона авлод вакилларидир. Уларнинг айримлари ҳатто бу урушда қайси давлатлар бир-бирига қаршилик кўрсатишганидан ҳам бехабарлар. Бу авлоднинг биз ўзбеклар ҳаётида ҳам мудхиш из қолдирган тарихий ҳақиқатни билмай, кўрмай, саводи ғовлаб кетишига биринчи ўринда сиёsatчи раҳбарлар сабабчи.

Дадам узоқ йиллар телевиденияда ишлаганлар. У киши ўша даврларни шундай эслайдилар: “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, урушда бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган, Ленинград қамали қатнашчиси бўлган бир бобонинг уйига 9 май ғалаба байрами муносабати билан сұхбат қилмоқ учун бордик. Бобо сўроқлаб борганимиздан жуда хурсанд бўлди. У кишига Ленинград қамали хотираларидан ҳикоя қилиб беришини илтимос қилдим. Рози бўлди. Кейин уст-бошларини алмаштириш учун хонасига кириб, бироздан кейин кўкрагига орден ва медаллари тақилган кастюмини кийиб чиқди. Шунда ҳаёлимга бу орден ва медаллар билан бобони телевизорга чиқариш мумкин эмаслигини эслаб:

– Бобо, узр. Ҳозир орден, медалларни тақиб чиқиш мумкин эмас, – дейишим билан бобони юзи ўзгарди. Менга душманидай нигоҳ ташлаб:

– Мен бу орден ва медалларни жанг майдонида қонимни тўкиб олганман. Кет бу ердан. Ҳе-е-е, сени телевизорингни ҳам, сиёsatингни ҳам, – деб ортига бурилди. Шунда беихтиёр:

– Нотўғри гапирганлигим учун кечиринг, бобо, – дея ортидан етиб олдим-да, кўлидан ушлаб, – Ўринг, ана у ўрик остида сұхбатлашамиз, – деб ўрик остидаги курсига етаклаб келиб ўтқаздим. Кейин тасвиричига: – Камерани очиб қўй, – дея бобони сұхбатга тортдим. Ҳали бобо жаҳлидан тушмаган эди. Бир лаҳза жим қолди. Кейин: – ...Шаҳарда на ит, на мушук қолганди. Очликдан одамлар уларни еб битирганди. Мен рота командири эдим. Қўл остимдаги солдат ва офицерларнинг ҳам бериладиган бир бурда нонга қорни тўймай, силласи куриб борарди. Аммо икки нафар офицерим нимагадир ориқлаб кетмади. Уларнинг дадил юришидан шубҳаланиб, ўзим ишонган икки солдат ва сержантта кузатишни буюрдим. Ҳаёлимда улар қаердандир озиқ-овқат топиб олгандай эди. Кузатувчилар тун ярмида олдимга келишди. Кўзлари бежо. Уларнинг безовталиги менга ҳам ўтиб:

– Нима гап? – деб сўрадим. Шунда сержант: – Одамхўрлар экан. Ҳозир мана бу қаршимиздаги бино ичидаги одам гўштини пиширишмоқда, – деди. Бу гапдан кимдир бошимга гурзи билан ургандай бўлди. Мувозанатимни йўқотиб, деворга

Диловар НУРМУРАДОВА

суюндим. Кейин солдатлар ортидан эргашдим. Сезиб қолишган экан. Отишма бошланди. Отишдан ўзга чора қолмади. Ўлдирдик. Бу ишдан полк командири хабардор бўлди. Сержант, солдатларга сирни ошкор қилмасликни тайинладик ва бу шармандаликтни ими-жимида изини ўчирдик.

Бобо менга қаради. Кўзлари қизариб кетганди.

– Бу мудҳиши воқеани қалбимга кўмгандим. Жаҳлим чиқиб сенга ўтладим. Қамалда бўлган барча ҳарбийлар Ленинград халқи олдида жон қарздорлар. Чунки шаҳарнинг кекса оталари, оналари ўзларини тириклай ўлимга маҳкум қилишиб:

– Ортимизда қолаётган тирикларни, шахримизни сенлар ҳимоя қилинглар,
– дея бизларга сўнгги бир бурда нонини улашар эди. Бизлар эса уларнинг тирикларини сўйиб едик, – дея бобо йиглаб юборди”.

Дадам Иккинчи жаҳон урушида ҳам қатнашгандай, уруш мавзусида жуда кўплаб воқеаларни билади. Аммо ҳар доим ҳам ҳикоя қиласвермайди. Бир куни дастурхон устида чой ичиб ўтирганимизда, дадам бизларга қараб ўз-ўзидан:

– Менинг отам урушда разведкачи бўлган, – дея ҳикоясини бошлади: “У киши Константин Ракассовский қўмондонлик қилган II Белоруссия фронтида хизмат қилган. Икки маротаба яраланган. Учинчи маротабасида II гуруҳ ногирони бўлиб орқасига қайтган. Мен отамдан кўп ҳикоялар эшитганиман. Ўзи ҳам бошидан ўтган воқеаларни, қизил муқовали дафтари бўларди, ўшанга ёзиб юрарди. Икки маротаба “Қизил ўлдуз” ордени ва бир қанча жанговар медаллар билан мукофотланганди.

Йўлўтар деган гадой топмас қишлоқдан урушга бориб, тўртинчи синф маълумоти билан лейтенант унвонини олиб, рота разведкасининг бошлиғи бўлиш ҳазилакам иш эмас.

Отам, ҳақиқатан, жасоратли одам эди. Қўрқмасди. Қўрқитмоқчи бўлганларни таъзирини бериб қўярди. Уруш ҳақида гапирганда рухланиб, ҳудди жанг қилаётгандай ахволда кўллари пистолет ушлагандай ҳолатга келар, ҳудди ўлжасини кутиб турган йўлбарсдай ҳолатга тушарди. Аммо гапидан адашиб кетмасди. Бир немис қўмондонини қўлга тушганлигини уйга келган кўп одамлар ичида айтиб бериб, ҳаммани қўрқувга солиб қўйганди.

– Ит эмганинг боласи бутун бошли қўшинини йўқотгандан, бизникилар ҳам қирилиб битгандан сўнг алмисоқдан қолиб кетган шинелини судраб Ракассовский олдига келди.

Юз минглаб, миллионлаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган бундай палид кимсалар билан ҳеч қандай музокара олиб бормай отиб ташлаш керак эди. Аммо улар отишмади. Паулос урушдан кейин ҳам узоқ йиллар ялло қилиб яшади.

Отам шу вактгача бундай сиёсатимизга тескари гапни айтмаган эди. Ўтирганлар отамдан қўрқиб, бирин-сирин даврани ташлаб кетишиди. Тўрда отам, пойгода мен қолдим. Шунда отам жаҳл билан:

– Чойдан қўй. Булар ҳатто пайтаваликка ҳам ярамайди, – деди. Кейин ҳам қариндош-уруг уйимиизда йиғилишиб туришиди. Аммо отам уларга қайтиб уруш ҳақида бир сўз қилмади. Улкан фожианинг ҳеч кимга айта олмай ўзи билан олиб кетди. Шунинг учун ўша даврада ўтирган одамларга нисбатан менда бир умр меҳр уйғонмади. Ҳамон уларни қўргим ҳам, сұхбатлашгим ҳам келмайди. Улар ўзларининг қўрқоқликлари билан улкан фожиани қора ер қаърига отам билан бирга кўмиб юборишиди.

Сұхбатдош қолмаганидан менга юзланиб:

– Фашистларнинг Худоси радио орқали чиқишлиарида “Менинг солдатларим рус ўрмонлари окопларида совуқнинг захрини олувчи ғоз ёғи билан бурунларини

мойлаб қишини ўтказадилар”, дея солдатларига мурожаат қилиб турарди. Ҳа, ҳақиқатан, улар жуда тўқ, озиқ-овқат, кийим-кечакдан ҳам ғамлари йўқ эди. Гитлер айтган гоз ёғи ҳам уларда бор эди.

Агар улардаги озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ отар қуроллар биз пиёда аскарларда бўлгандга, уруш бунчалар чўзилиб кетмай, миллион-миллион жангчилар ҳам тирик қолган бўларди. Бу урушда халқимиз қирилиб кетди. Бир ўзбек халқи эмас, ҳамма халқлар кирилди. Сталинград жангидаги оддий аскар анқонинг уруғи бўлиб қолганди.

Фашистнинг қўмондони Паулюсга Ракассовский ташаббуси билан таслим бўлиши ҳақида ультиматум юборилганда, у ўзининг омонат жонини сақлаш учун таслим бўлмаслигини айтди, натижада ундан ҳам, биздан ҳам бир неча кун ичида 300 мингга яқин одам ҳалок бўлди. Уларнинг 90 фоизидан кўпни оддий аскарлар эди”.

Дадамнинг урушга оид китобларидағи воқеалар менга, менинг авлодимга даҳшатли тушдай туюлади. Бир қишини мол терисини қайнатиб еб, баҳорга етиб келган Навоий вилоятининг Нурота туманида яшаган Ҳақназар Шерназаровнинг ҳикоясини тингланг.

“Бир куни кечқурун онам тарашадай қотган терини уйга олиб кириб, иссиқ сувда ивитди. Тери эрталабгача юмшаб тоғорада хамирдай қўпчиб ётарди. Онамга билдиримай сариқ сувидан ялаб кўрдим, шўртаккина экан. Яна бир бор яламоқчи бўлгандим, онам кўриб, уришиб берди. Кейин онам терининг жунини қўли билан юла бошлади. Бизларни ҳам ёрдамга чақирди. Болаларча қизикиш билан онамдан: “Терини нима қиласиз?” деб сўрадим. Онам эса бошини қўттармай: “Дастурхон қиласан, йиртилиб кетмайди”, деди. Тери ялтираб, тоза бўлганди, онам уни иссиқ сув тўлдирилган иккинчи тогорага солиб, худди кир эзғилагандай қилиб эзғилаб ювди.

Кейин синглим ва менга:

– Сенлар ўтин териб келинглар, – деб уйдан чиқариб юборди. Ҳаво совук. Устимизда онам олачадан тикиб берган чакмон. Бошимизда эса чакмондан қилинган тумоқ.

Қишлоқ атрофи ҳатто ер остидаги янтоқ томирларидан ҳам тозаланган. Ўчоққа тутантириқ топиш учун Чолтош дашти томонларга бориш керак. Чунки у жойнинг шамол тегмайдиган жойларидан овпалак топиш мумкин. Уларни ҳам шамол олис-олисларга учирив кетмаса.

Қишлоқдан икки чақирилмлар узоқлашгандаги “Куруқ сой”нинг жарида, шамол учирив келган янтоқ ва овпалакка кўзимиз тушди. Юрак ютгандай қопимизга жойлаб, ортимизга қайтдик.

Ховлига кириб келганимизда, ўчоқ бошида онам тутунга қўмилиб куймаланаарди. Қопимиздаги ўтинни кўриб, хурсанд бўлиб кетди. Бир-икки дона овпалак ўчоқ остига киргандага пов этиб олов олди. Сариқ қайиш бўлиб қолган тараша ҳам чарсиллаб ёнмоққа тутинди. Кўп кунлардан бери онамнинг биринчи қозон қайнатиши эди. Бизлар оғзимиздан сўлагимиз оқиб, нима пишираётганлигини сўраганимизда:

– Пўстдумба, болаларим, пўстдумба. Бурноғи йили тузқоқ қилиб қўйгандим. Ёдимдан кўтарилиб кетибди, – деди.

Ака-сингил хурсанд бўлиб кетдик. Ёғли пўстдумбанинг таъмини оғизларда хис қилиб, тамшаниб ҳам қўярдик.

– Уйга кириб ўтиринглар, мен пишириб олиб кираман, – деди онам.

Терлаган баданлар совий бошлаганди, совуқсираб шошиб-пишиб сандал атрофидаги кўрпалар остига кирдик. Иссиқ сандал тафти оёқларимиздан ўтиб танимизга ёқимли ҳарорат олиб кира бошлади.

Пўстдумбанинг пишишини узоқ кутдик. Орада синглим ўчоқ бошига ҳам бориб келди. Пўстдумбани эшитиб, сандал устидаги жийдаларга қарагимиз

Диловар НУРМУРАДОВА

келмайди. Пўстдумба пишавермагач, тоқати-тоқ бўлган синглим сандал устидаги жийдани ея бошлади. Мен ҳам шундай қилдим. Қўлларимиз бирин-кетин сандал устида бориб-келиб жийдани тугатдик. Қорнимиз қовзангандай бўлди. Сандалнинг тафти уйкуни келтирди. Икковимиз икки томонда, бошимизни пўстакка қўйиб ухлаб қолибмиз.

Куёш ботиб, уй ичига қоронгилик тушганда, онам бизларни уйготди. Сандал устидаги лаганда буғи чикиб турган овқат турарди.

– Олинглар, болаларим, тузқоқ бўлиб тураверганидан ёғи қочиб қолибдида, – деди онам пиширган овқатини биз томонга сурисиб.

Иссиқ пўстдумбалардан бирини олиб оғзимга солдим. Қаттиқ, шўр эди. Бизлар уни чайнардик. Онамнинг эса овқатини мақташдан оғзи тинмасди. Уни чайнайвериб жағларимиз, тишларимиз оғриб қолди. Буни ютолмаслигимизни синглим ҳам, мен ҳам ҳис қилиб оғзимиздагини олиб дастурхоннинг бир четига қўйдик. Шунда онам уларни олиб товоқдаги, пўстдумбаларга қўшиб:

– Э-э-э, эсим курсин, болаларим. Буларни чопқида чопиб, майдалаб пишириш керак эди, – дея ўрнидан туриб гўшт тўнгакни, чопқини олиб келиб уларни чопа бошлади.

Онам сукут билан “пўстдумба” чопар, юзидан кўзёшлари оқарди. Одамни сукут ила йиғлаши ёмон бўлар экан. Кейинги ҳётимда онамнинг ўша ҳолати ҳар доим мен билан ёнма-ён юрди.

Уларни майдалаб қайнатганда ойдай пишди. Мен ҳам, синглим ҳам ҳар кунлик кечки таомга ўрганиб бордик. Онамнинг пўстдумбалари билан баҳорга етиб келдик.

Кейин билсак, онам бизларга “Пўстдумба” деб молхонамиздаги эски териларнинг ҳаммасини қайнатиб едирган экан!

Одам боласи ҳар қандай оғриқларга чидайди, бардоши етади. Аммо бир оғриқ бор. Бу – очликдан бир-бирига тикилиб, бирин-сирин бир-бирини ташлаб кетишидир. Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманида яшаган Убайдулло бобо Жўраев уруш вақтида юртимизга қўчириб келтирилган жуҳуд оиласаридан бирининг ҳаёти ҳакида айтиб берган “Осмонни қарғалар тутиб кетганда” ҳикоясини ҳар қандай қаҳри қаттиқ одам ҳам кўзда ёш билан ўқииди. Чунки бу фожия даҳшатлардан даҳшатли, кўрқувлардан қўрқинчлидир. Уруш, уруш ортидагиларни ҳам қандай азобларга мубтало қилганлигини ўқиб фашизм балосига янада нафратингиз, янада ғазабингиз ортади. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, Убайдулло бобонинг ҳикоясидаги норасида гўдаклар ўлими ҳозир қаршимиизда бўлгандай ҳолга тушасиз ва даҳшат билан қанор устида чайқалиб кетаётган ота, она, болалар бошини кўз олдимизга келтирамиз.

Убайдулло бобо Жўраев ўша кунларни шундай хотиралаган:

“Бошоқ терардик. Онам уларни ёргичоқда ун қилиб, ёнимиздаги уруш томонлардан кўчиб келган жуҳуд хонадон эгаларига ҳам ярим пиёладан улашарди. Ўшанинг қуввати билан бир кун юрардик.

Бизнинг қишлоққа кўчиб келганлар жуҳудлар эди.

Улар колхоз омборидаги тахта кунжарани ейишган экан, ҳаммаси оппоқ бўлиб, шишиб ўлди. Одам эти сассик бўларкан. Бутун қишлоқни қўланса хид қоплади. Уларнинг ўлиб қолганлигини ҳам қишлоқ аҳли бир ҳафтадан кейин, қачонки, улар ётган уйдан хид чиққанда билишди.

Жуҳудлар ўлган қишлоқ четидаги уйга биз болалар ҳам бордик. Яқинлашиб бўлмасди. Димоғинг ёрилгудек ачишарди.

Жасадлар құлға илинмай қолган, шекилли, катталар кетмон, белкурак олиб келишди. Қанорнинг устига йиғиб солиши. Күчага күтариб чиқишганда, қанордан сув томчилаб турар, уч-түртта катта-кичик қаллалар эса чайқалиб борарди. Одамлар уларнинг ҳаммасини бир жойга түплаб күмди. Ўшанды осмонни қарғалар тутиб кетди. Уларнинг қанотлари бошингга теккүдек бўлиб учишарди.

Шўра, жағ-жағ деган ўтлар бўларди. Одамлар шўрани қайнатиб, бир кафт ун солиб аралаштиради-да, қозонда қотираради.

Хозир ҳам ўша ўтга кўзим тушса, юлиб-юлиб егим келаверади...”

Китобда “Унинг кўллари теккан жойлар” деган хикоя ҳам бор. Бу ҳикояни Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида яшаган Каюм бобо Курбонов айтиб берган.

“1943 йилнинг май ойлари эди. Отам Свердловскдан: “Болам, мендан ҳаммаларингга салом! Соғман. Ҳадемай бу оғир кунлар ҳам ўтиб кетади. Шунинг учун жамоа ва уй ишларига, онангга ёрдамлаш. Насиб этса, биз ҳам бориб қоламиз”, деб хатлар ёзарди...

Пахта ўтогига одам етишмасди. Шу сабаб онам укам Холик ва синглим Норби биларни кўтариб пахта ўтогига кетди. Овулда уч ёшли синглим Ҳурбили билан қишлоқнинг қўй-қўзиларни боқишига қолдим. Чўпон уларни Кўрбулоқ яйловига ҳайдаб боришни тайинлади. Шунда синглимни ўтовга қамаб, йўлга тушдим. Қайтиб келсан, синглим ўтов ичидан ўзини билмасдан ётибди. Ранги кўкариб кетганди. Уни бағримга босиб ташқарига чиқдим. Овулда йигирмага яқин ўтов бор. Ҳар бирининг эшигига бирма-бир бош суқиб чиқдим, биронта инсон зоти кўринмади. Ҳамма пахта ўтогига кетган. Энг сўнгги ўтовга кирганимда, ҳайрият Мисқол момо ва Махтум бобо бор экан. Улар синглимни кўлимдан олишиб, оғзини хидлаб кўришди-да:

– Керосин ичибди, қатиқ олиб кел, – деди.

Мисқол момо кўйлакларига суриниб, жавраб, йиғлаб қатиқ олиб келди. Синглимнинг оғзини очишиб, қатиқ қуишибди. Бироздан кейин у кўзларини очди. Мени таниди. Кичкина бармоқлари билан юзимни ушлаб-ушлаб кўрди. Кейин кўзини юмиб, қайтиб очмади...

Момо йиғлади. Мен ҳеч нарсага тушунмадим. “Ухлаб қолди”, деб ўйладим. Махтум бобо менга:

– Болам, кўчани айланиб кел, – деди.

Кўчага чиқдим. Кўп ўтмай қайтиб келдим. Синглимни кўрпага ўраб кўйишибди. Момо билан бобо йиғларди. Юрагим ниманидир сезгандай бўлди.

– Ҳа, оти ўчсин гирмонни! Илоё, мохов бўлиб ўлсин! Сенларни бахтингга шуям бормиди, – дея иккалови йиғлайвериши. Ҳеч гапга тушунмай синглимни олдига интилдим.

– Майли, болам, кўриб қол, – деб момо унинг юзини очди. Оддинлари ўлган одамни кўрмагандим. Синглим ухлагандай ётарди. “Ухлаб ётибди”, деб ўйладим. Шунда момо:

– Болажоним, синглингдан ажралиб қолдинг, – деди.

Ишонмадим. Кичкина болалар ўлмайди, деб юардим.

Юзига кўлимни олиб бордим, юзи совук эди. Йиғлаб юбордим. Кейин ўтовдан отилиб чиқиб, онамнинг олдига югурдим. Қўлларим эса музлаб бораётгандай эди...

Ёшим олтмишдан оши. Кўп ўлимларни кўрдим, маъракаларда бўлдим. Мархумларнинг юзига тикилганимда, синглим Ҳурбили кўз олдимга келаверади. Юзимни сўнгги бор силаган қўлларини кўравераман. Юзимга унинг қўллари теккан жойлари учеб-учиб тушаверади...”

Яна онамдан сўрайман:

– Дадам “Болаликка отилган ўқ” китобини ҳам камбағал пайтларингизда ёзганми?

– Даданг бу китобини ёзган дамлари, темир йўлда вагондан кўмир туширади. Уч-тўрт ойдан кейин темир йўл раҳбарлари у кишини кўмир туширадиган одамларнинг ўн нафарига бошлиқ қилиб кўйди.

Даданг ҳеч қачон ўзининг ҳақи учун талашиб-тортишган одам эмас. Берганини олиб, ишини қилиб кетаверган. Шунинг учун даданг вокзалдагиларга ҳам маъкул келган. Бирга ишлайтган оғайнилари ҳам ўзига ўхшаган одамлар эди. “Ўхшатмасдан учратмас” деб шу жўраларини айтса бўлади.

Даданг ёзувчи, оғайниларининг икки нафари олим. Бири доцент, бири профессор. Қолганлари ҳам олий маълумотли одамлар. Буларнинг ҳаммасини умумий бошлиғи академик Рамазон бобо эди. Ўша одам буларнинг раҳнамоси ҳисобланарди.

Дадангни “Нобель мукофотига номзод” китобининг қаҳрамонлари ҳам ўша мардикор дўстлари эди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси эл орасида хурматли, иззатли одамлар.

Онамнинг гапларидан дадам ёзган “Нобель мукофотига номзод” романининг қаҳрамонларининг кимлигини билиб олганман. Аммо, “Болаликка отилган ўқ” китобининг ёзилиш тарихи ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаганлигим учун онамдан:

– “Болаликка отилган ўқ” китобини вокзалдаги оғир ишидан ортиб қандай ёзган? – деб сўрайман. Шунда онам бир лахза сукут сақлади. Кейин йиглаб юборди. Ноўрин савол бердим, деган ўйда гуноҳкордай бошимни эгиб ўтиравердим.

Бироз вақт ўтиб онам:

– Бир куни уйимизга дадангнинг мардикор ўртоқлари Рамазон бобо бошчилигига келди. Уларни кўриб шошиб қолдим. Рамазон бобо фариштадай одам экан. Ўша пайтлари даданг икковимиз бир хонали ўйда ижарада яшардик. Уйимиз ичида мени сепимга келган шкафимиздан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Кўрпаларни тўшаб, жой ҳозирладим. Мехмон келишидан огоҳлантиргагани учун дадангдан хафа ҳам бўлдим. Рамазон бобо тўрга чиқиб дуо қилди. Жуда абгор бўлган эканмиз-да. Ўртага қўядиган хонтахта ҳам йўқ. Буни сезган Рамазон бобо:

– Қизим, дастурхон олиб келинг, – деди. Жоним кириб, дастурхон олиб келдим. Шунда бобо: – Бугунги оғир кунлар тезда ўтади. Чунки одамларимиз озодликни қандай улуг баҳт эканлигини англаб қолишиди. Ана шуни англаб етгунга қадар, кўп оиласлар бузилиб, фарзандлар бир томонда, оталар, оналар бир томонда қолиб кетишган. Оила учун бу оғир жудолик. Мана, қаршингизда ўтирганларнинг барчаси ана шу айрилиқни бошидан кечирган одамлар. Факат сиз ва турмуш ўртоғингиз бу кунларни ўткинчи эканлигини англаған ҳолда аҳил-иноқ яшаб келмоқдасиз. Бу аҳил-иноқликда катта ҳикмат бор. Бу ҳикматнинг савоблари сизгадир, қизим. Чунки сиз бу оиланинг вафо, садоқат ипларини узмай сақлаб қолган фариштасиз. Сизга барчамиз таъзим қиласиз, – деб ўрнидан туриб кетди. Бобо ортидан қолганлар ҳам. Улар менга қараб қўллари кўксида, бошларини эгib таъзим қилишди. Ҳаяжондан кўзимга ёш куйилди. Ҳеч ўзимни тўхтатолмайман. Даданг мени уларнинг олдидан олиб чиқиб кетмаганда, йиглайверардим, йиглайверардим, – дея онам яна йиглай бошлади.

Мехмонларнинг ўзлари ул-бул олиб келишган экан, ўзлари дастурхон тузади, ўзлари овқат қилишиди. Кетишлари олдидан Рамазон бобо мени чақириб:

– Қизим, Абдурашидни Иккинчи жағон уруши йиллари уруш ортида яшаган одамларимиз, болаларимиз ҳәстига бағишлиб асар ёзаётганинги кече эшитдик. Нега бу улуғ ишдан бехабармиз, дея уни койиб ҳам олдим. Бундай китобнинг қаҳрамонлари тарихий шахслар. Китоб ёзиш учун уларнинг уйига бориш лозим. Үйларига бориш учун чүнтакда пул бўлиши керак. Абдурашид савоб ишга бел боғлаган. Шу вақтгача бизлар битта-яримта ҳикоя, очерк, мақолаларни ўқиган бўлмасак, бу мавзуда пичоққа илинадиган асар йўқ.

Айрим касалликлар одамлар орасида яшин тезлигига ёйилиб, минг, миллионлаб одамларни ҳалок бўлишига сабабчи бўлган. Иккинчи жағон уруши ҳам халқни домига тортган юқумли касаллик эди. Бу урушда миллион-миллион одамлар ҳалок бўлган. Уруш ортида ҳам шундай фалокат юз берди. Одамларимиз оч, яланғоч бўлса-да, урушдан келтирилган норасида гўдакларни бағрига олди. Уларни ўzlари емай, едириди. Уст-бошини бут қилди. Халқимизнинг меҳрибонлиги билан минг-минглаб болалар омон қилишди. Ўзимизни болаларимиз-чи?.. Абдурашиднинг китоби ана шу ҳақда, – дея бироз сукут сақлагач, кўшимча қилди: – Биз, жамоамиз билан маслаҳатлашиб, ёзувчимизга минг сўм пул ажратдик. Бу маблағ билан у икки ой давомида одамларимиз орасида юриб, уларнинг ўша кунлар билан боғлиқ хотираларини ёзib олишдан иборат бўлади. Унинг ўрнига ҳам жамоа ишлаб туради, – дея менга пул берди. Кейин дадангга ижодий парвоз, менга сабр-бардош тилаб хайрлашди. Даданг ўша пул билан китобини ёзган эди.

Хар қандай урушларда ва ўзга қайғули кунларда халқ қийналган, халқ ҳалок бўлган. Америкалик машхур ёзувчи Эрнест Хемингуэй ўзининг “Алвидо, қурол” романига 1948 йилда ёзган сўзбошисида асл ҳақиқатни ошкор қилиб шундай деганди: “Бу китобнинг муаллифи онгли суратда шу фикрга келдики, урушларда жанг қилаётган одамлар энг ажойиб одамлардир. Фронтнинг қизгин қисмларига кириб борганинг сайин бундай ажойиб кишиларга кўпроқ дуч кела бошлайсан. Лекин урушни бошлаганлар, унинг оловига яна олов ташлаб турганлар иқтисодий рақобатдан, фойда ундиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўнғизлардир. Мен урушда бойлик ортирганлар, уруш оловини ёққанлар урушнинг биринчи кунларидаёқ мамлакат фуқароларининг муҳтор вакиллари томонидан отиб ташланмоғи зарур деб ҳисоблайман”.

Халқаро Нобель мукофоти совриндори, йигирманчи асрнинг буюк ёзувчиси Эрнест Хемингуэй ҳақ сўзни айтган эди. Чунки хар қандай урушда бойлик ортирувчи каламушлар бўлган. Иккинчи жағон урушнанда юртимиз халқининг қандай яшагани, меҳнат қилганлиги, уларни очарчилик балоларидан омон қолганлари, урушда жанг қилаётган жангчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш учун қилган оғир меҳнатлари, урушдан бизга сафарбар қилинган ярадорлар, жанг бўлаётган шаҳар ва қишлоқлардан олиб чиқилиб юртимизга келтирилган оналар, болалар, боболар, йирик саноат шаҳарларидан олиб келинган завод, фабрикаларда самолёт, танк, снарядлар ишлаб чиқарган ишчилар ҳаёти ҳақида ёзилган тарихий, ҳужжатли, бадиий асарлар йўқ ҳисоби. Биз бугунда ҳужжатлар ҳисобига тарихий, бадиий асарлар яратмоқдамиз. Тирик тарихлар эса бизни аллақачон ташлаб кетишди. Уларнинг ҳаёти орқали юртимиздаги уруш орти тарихини, адабиётини яратганимизда, бу асарлар ватанимизда яшаётган барча миллат вакилларининг шажараси бўлиб қоларди. Аммо биз шажара яратолмадик. Натижада, ортимизда улкан ҳаёtsиз бўшлиқ пайдо

Диловар НУРМУРАДОВА

бўлди. Бу бўшлиқни энди ҳеч бир асар, ҳужжат билан тўлдира олмаймиз.

Абдурашид Нурмуродовнинг “Уруш бевалари”, “Туташ қалблар”, “Тазарру”, “Болаликка отилган ўқ” асарлари эса ортдаги уммонсиз қолган саҳро қумининг бир заррасидир, холос.

Ушбу асарлар атрофида кўп фикрлар, ўйлар йиғилиб қолган. Бу ўй, фикрлар алоҳида мавзу. Бугунги бизнинг вазифамиз ёзувчини дунёning турли мамлакатларидан унинг ҳаёти, ижодини қизиқиб сўровчи китобхонларга таништирмоқдан иборатdir. Чунки дадамнинг ишини мен ҳам, уйимиздаги бошқалар ҳам, умуман ҳеч ким қилмаган бўларди. Аммо дадам бошлаган ишини охирига етказган. Дадамга қойил қолиш керак.

Бугунги кунларда АҚШ Конгресси, WorldCat бутун жаҳон кутубхонасини дадам китобларини ҳурмат билан ўзларининг қадрдонларидай қабул қилишида ҳам катта ҳикмат бор. Чунки улар бу китобларни ўқиб, дадамнинг қандай ижодкор эканлигини англаб етганлар, деб ўйлайман.

Дадамнинг ижоди ҳақида истеъодди журналист Баҳтиёр Муҳаммадиев шундай ёзади: “Ижодкор асарларининг аксариятида инсоният учун чексиз кулфат ва адоксиз уқубатлар келтирган урушларнинг мудхишлиги, уларда бевосита ёки билвосита иштирок этган кишиларнинг хотира-изтироблари акс этгандир.

Муаллиф бунда асосан инсоният бошидан кечирган иккита уруш (биринчиси Иккинчи жаҳон уриши, иккинчиси Афғон уруши) мавзусини қаламга олган. Биринчи йўналишдаги асарларида адаб урушнинг аянчли оқибатларини Марказий Осиёдан фронтга кетиб ортга қайтмаган жангчиларнинг бевалари тилидан ҳикоя қилинган эсдаликлар орқали кўрсатса, иккинчи йўналишдаги асарларида шарафсиз Афғон уруши жароҳатларини унда иштирок этган кишилар билан ўзаро қилинган сұхбатлар асносида очиб беради. Сиз уларни ўқир экансиз, дунёга хур ва озод яшаш, фароғатли кунлар бағрида дориломон умргузаронлик қилиш учун келган инсонларнинг урушлар туфайли барбод бўлган даҳшатли ҳаёти манзараларига гувоҳ бўласиз.

1988 йилдан бошлаб нашр этила бошланган ушбу китоблар халқимиз орасида тарқалиши баробарида, республикмиздаги барча китоб дўконлари ва интернет магазинларда сотилаётган асарлар сирасига киради. Бундан ташқари, ушбу китоблар дунёга машҳур “Amazon”, “Google” каби йирик сайтлар орқали хорижлик китобхонларнинг ҳам маънавий мулкига айланни бормоқда.

Бугунда Абдурашид Нурмуродовнинг саккизта китоби АҚШ давлати Конгресси кутубхоналарида, WorldCat бутунжаҳон кутубхонасининг қирқта шахобчаларида ўн тўртта китоби ўқиб ўрганилмоқда”.

Ҳакиқатдан ҳам, дадамнинг китоблари АҚШнинг Калифорния, Кембриж, Гарвард, Массачусетс, Колумбия, Корнелл, Миннесота, Вашингтон, Чикаго, Миссури каби ўнлаб университетларида, Россия, Канада, Германия, Англия каби давлатлари университетларида ҳам ўқиб, ўрганилмоқда.

Ўз асарларининг дунёда бундай кенг тарқалаётганидан ҳайратланган адаб шундай дейди:

“Америка Конгресси кутубхоналари, WorldCat бутунжаҳон кутубхонасини бир ўзбек ёзувчисига қилаётган ғамхўрлиги ва хурматига қандай сўз билан жавоб беришни билмайман. Мен ҳамма китобларимда юртимиз одамларининг урушлар даврида кечган оғир ҳаётлари ва бугуни ҳақида ёздим. Уларнинг ўтмишдаги фожиаларини кўзда ёш билан тасвиirlадим, кувончли кунларидан шодландим. Ўзга юрт ҳалқлари зиёлиларини китобларимни кутубхоналарида ўқиши учун беминнат хизматлар қилаётганлигини қандай баҳоламоқ керак. Бу ишлар – бебаҳо ишлар. Бундай эзгу ишни, у қандай миллатга, динга мансуб бўлишидан қатъий назар, ўзга давлат одамлари тарихини, адабиётини

жонидан ортиқ яхши күрадиган одамларгина қилишини англаб етдим. Мен уларга самимий сүзларимни айтишдан, меҳр-мухаббатимни ошкор қилишдан чарчамайман. Раҳматим, ташаккурим сизларга бўлсин, буюк давлатнинг буюк фарзандлари”.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, айрим ижодкорлар чет элликлар эътиборини қозонишга ўз давлати, халқи юзига қора чаплаб эришмоқчи бўладилар. Лекин адид ижоди бундан мустаснодир. У юртини буюк муҳаббат билан севишини, халқини жонидан ортиқ кўришини ҳар бир асарида баралла ошкор қилиб келади. Унинг ижоди самимиятга, истеъдоди яхшиликка қаратилган. Муаллиф асарларида ҳаёт ҳақиқати бор бўйича тасвирланади. Бошқача айтадиган бўлсак, урушлар туфайли ўз халқи бошига тушган кўргиликни умуминсоний оғриқ сифатида ўқувчиларига такдим этади. Зоро, Абдурашид Нурмуродов асарларининг дунёдаги машҳур кутубхоналар пештахталаридан, АҚШдек буюк давлат Конгресси кутубхоналаридан жой олганлигининг сири ҳам шунда бўлса, ажабмас.

Абдурашид Нурмуродовнинг асарлари ҳақида дунёнинг йирик олимлари, ҳарбийлари, давлат арбоблари ҳам ўз китобларида фикр ва мулоҳазаларини билдирган мақолаларини чоп қилганлар.

Масалан, Россия ҳарбий фанлар академиясининг президенти, армия генерали, ҳарбий ва тарих фанлари доктори Махмут Гареев ўзининг “Моя последняя война” китобида Абдурашид Нурмуродовнинг уруш мавзусидаги асарларига алоҳида тўхталиб ўтган бўлса, Халқаро Нобель мукофоти совриндори, германиялик иқтисодчи олим Фридрих Хайек ёзувчининг “Қонли йўргаклар” асари ҳақида ёзган мақоласини ўзининг “Уроки войны. Финансисты, которые изменили мир” китобига алоҳида боб қилиб киритган. Бундан ташқари яна кўплаб хорижлик ижодкорлар Абдурашид Нурмуродов асарларини таҳлил ва эътироф этганлар.

Дадам ижоди ҳақида юртимизнинг машҳур олим ва ижодкорлари ҳам ўзига хос мақолалар, эсселар ёзишган. Улардан академик Бўрибой Аҳмедов, академик Ҳайдар Пўлатов, академик Фарҳод Турсунов, академик Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов, филология фанлари докторлари Акрам Каттабеков, Қозоқбой Йўлдошев, Насимхон Раҳмонов, Шомирза Турдимов, Боқиҷон Тўхлиев, жамоат арбоблари Азиз Тўраев, Ўткир Раҳмат, тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев, шоир Маъруф Жалил каби ўнлаб илм аҳли ва ижодкорларнинг билдирган фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Неъмат Аминов “Қон сараган армонлар” мақоласида ўқувчининг қалбини ларзага келтирувчи фикрларини шундай баён қиласди: “Бу китобни дастлаб ўтган кўкламда ўқиган, анча кунлар таъсиrlаниб юрган эдим. Ҳатто бир нарсалар ёзмоқчи ҳам бўлувдим. Иш кўпайиб, таассуротларимни муаллифга айтиш билан чегараландим, холос. Бугун яна шу китобни варакладим. Варакладим эмас, гўё қон шимдирилган бир чойшабни қайта бошимга тортгандек бўлдим. Наҳотки, туш кўраяпман... Бармоқларим чилп-чилп қон, кийимларимга, юзларимга қон сарагандек. Нуқул энтикаман, димофимда аччик, таҳир тутун ҳиди, жизғанак бўлиб қовурилган гўшт иси... туйқусдан жанггоҳда жони қоврилиб, кўзларида умид чўғи сўнган, бесаранжомлик қопқонида ожиз типиричлаётган ижиз қоп-қора, жингалак соchlари қонга беланган ўсмирни кўраман... Юрагим қонга, зардобга тўлади. “Ё, Аллоҳ, бу гўдакнинг гуноҳи нима? Унинг ҳам яшашга ҳақи бор эди-ку... Ялмоғиз уруш – бу қон, бу бевақт узилган жон, бу – ажал, бу – ўлим, бу – йўқлик. Кимга керак бу йўқлик?..” дея пицирлайман. Бурунларим ачишиб беихтиёр қаттиқ аксираман, қўлимдаги китоб гиламга учиб тушади. Ичдан “Хаққас рост!” дейману дарҳол китобни ердан кўтариб, авайлаб, силаб қўяман.

Диловар НУРМУРАДОВА

Чунки бу китоб шаҳидлар ҳақида, қўлидан, оёғидан, кўзидан ажралган ногирон фарзандлар ҳақида, севгилисидан, нашъу намосидан, армони-ю наслидан бир умрга жудо бўлган ўғлонлар ҳақида уларнинг доғида куйиб, шамдек сўниб бораётган ота-оналар ҳақида, ниҳоят уларни шу ҳолга гирифтор қилган беёқа (ушлай десак), беном (сўкай десак), бенишон (нишонлар киндиқкача. Кимга керак?) жиноятчи кимсалар ҳақидадир”.

Яна шундай йирик олимларимиздан бири сиёsatшунослик фанлари доктори, академик Нарзулла Жўраев ўз мақоласида Абдурашид Нурмуровдов ижоди ҳақида шундай самимий фикрларни билдирган: “Умуман Абдурашид асарларини ўқирэканман унирухият мусаввири, кайфият ва ҳолатлар тасвирчиси сифатида кўраман. Минг афсуски бундай ёзувчилар бизда кам. Аниқроғи йўқ. Жуда катта баҳо бердинг деманглар-у аслида унинг ижодини Достоевский ёки Толстойга ўхшатаман. Кечинмалар, руҳий курашлар, қалб изтироблари, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги талваса унинг асарларида ўта жонли тасвирланган. Ана шунинг ўзи Абдурашидни улуғ даҳоларга тенглаштирганимга асос бўлади”.

Бир суҳбатимизда дадам шундай дегандилар: “Ёзувчи, ижодкор деган сўзларни бандаси кашф қилган. Асл ёзувчилар Худонинг котиб ва котибалари. Керилиб юрадиганларига кўқдан келмайди. Улар ўйлаб, фикрлаб ёзади. Улар оддий бандаларнинг ёзувчи, шоирлари дир. Уларни ёзувчиси билан тўкувчисининг орасида фарки йўқ.

Яратган Эгамнинг айтганларига котиблик қилган одам қандай қилиб бироннинг мулкини ўзиники қилиб олиши мумкин. Асл ҳақиқатни билган одамларнинг боши хам бўлади. Ён-атрофидагиларга ижодорман деб айтишга хам уялади. Ана шу боши хам, уялганлар олдида сиз хам бошингизни хам қилиб турмогингиз керак. Чунки уларнинг хам авлиёлиги бор”.

Шундай экан, тарихий-хужжатли асарларини ёзишда ҳар қанча машаққатлар чекканига қарамай, халқига, одамлар, башариятга урушнинг, қирғиннинг инсоният учун қай даражада мудхиш бало эканлигини бор ҳақиқати билан айта олган ва бу орқали барчамизни огоҳликка чақириб, тинчлик қадрига этиш ҳаммамиз, ҳар биримизнинг олий вазифамиз эканлигини таъкидлаган ёзувчи Абдурашид Нурмуровдинг асарларини ўқиш, уқиш, таҳлил этиш, шубҳасиз, уруш жаҳаннамидан “Қайтмаганлар ҳақида қўшиқ”ни юракдан қайта ва қайта куйламоқ кабидир.

Шоирлик аслида қисмат баёни



Гулбахор
ЖУМАЕВА

Дүстимга

Кўлим калта, енгим узун,
узун қўлим бўл, дўстим,
Борса келмас йўлдан юрсам,
келар йўлим бўл, дўстим.
Кўзларимнинг шабнамлари,
ёмғирларга айланса,
Кел, кифтингга бошим қўяй,
кифти хўлим бўл, дўстим.
Узун қўлим, келар йўлим,
кифти хўлим бўл, дўстим.

Хиёнатнинг бодасини
бол деб симирганимда,
Юрагимни ич-ичидан,
ўзим кемирганимда,
ошкор этмай борки дардим,
ютиб, симирганимда,
Ҳақдан ҳақни сўрагувчи,
бийрон тилим бўл, дўстим.
Бийрон тилим, борар йўлим,
кифти хўлим бўл, дўстим.

Мен менимни тополмасам,
Ҳамма мэндан кетсалар,
Хижрон отлиф аждарҳолар,
ямламайин ютсалар,

Гулбахор ЖУМАЕВА – 1961 йилда туғилган. Низомий номли Тошкент педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. "Яшил изтироб", "Сиёҳранг оҳанг", "Руҳим овози" каби шеърий тўпламлари наиш этилган.

Сўроқлаб тур, кимларгадир
бўлмайин-да дардисар.
Сўнгги куним осон кетай,
сен ёнимда бўл, дўстим.
Узун қўлим, кетар йўлим,
кифти хўлим бўл, дўстим.

Куз ва шеър

Сентябрь. Куз, айрилиқ фасли,
Ширин азоб берган хайр, баҳорим!
Мендан рози бўлгин саратонгинам,
Сенда кечди қанча қувонч, озорим.

Тунларни унудим, ойга жовдираб,
Софингч йўлагида ёқавайронман.
Негадир, биттаям шеър ёзолмайман,
Бежонман, бежонман, бежонман!

Яна кўзим тушди анов дарахтга,
Унга ярашибди либоси сарғиш.
Сирлашгим келяпти хазонлар билан,
Тўкилсанг, тўкилда, эй гўзал ташвиш.

Софингч измидаман, унга асирман
Шеър эслатар токи эканим тирик.
Кўнглим у соҳилда, мен бу соҳилдаман,
Куз, сен шеър-ла яса бизларга кўприк!

Мехр

Акасини кўтариб урди,
“Ёнбош”, “Чала”, ҳаммаси бўлди.
Ғалабадан масрур эмасди,
Сўнг, йиғлади ўпкаси тўлди.

Ёнбошлади, ўйлади кейин:
“Чала дунё ёшлади кўзим,
Акам қадри бўлди бир тийин,
Қай сўз билан оқлайн ўзим”.

Ака чўқди ука ёнига,
Унга деди эгганча бўйин:
“Арзимайди қўзёшингга, тий,
Хей, йиглама, бу ўйин, ўйин”.

Мехр билан қучоғин керди,
Ака атай йиқилиб берди,
Бу курашда ким ғолиб дерсиз,
Ғолиб фақат бир меҳр эрди.

Ошиғи олчими шу кузнинг

Тоғ. Арча. Баландлик. Шаббода,
Рухимга уйқашиб куй тўкир.
Туршакка айланган ўрикни,
Тўқ-тўқлаб, озорлаб қуш чўкир.

Ошиғи олчими шу кузнинг,
Тезроқ кет, деб ёзни никталар.
Умр йўл. Йўқотар ким, кимни
Манзилим – сўроқ, кўп нуқталар...

Холимга сўроқчи хой хилол,
Кара, айланяпман, тупрокка.
Олтмиш биринчи ёз, бир қара,
Ўхшамаяпманми, сўроқка?

Шамолнинг зўридан қилт этмас,
Хув арча, чангидан ариган.
Йиглоқи хотирам кўйдириб,
Саратон мен билан қариган.

Куз, мени бошқача одам қил,
Ана, кўриняпти ёруғ йўл.
Тоғ. Арча. Баландлик. Шаббода,
Яшашинг керак деб чўзар қўл.

Ошиғи олчими, шу кузнинг...

Софинч

Тонг – севилган қизнинг ой юзи,
Кундуз – ғилдираги бузук арава.
Тун – тириклик учун олган садақам,
Оқшом, уфқ – хаёлу соғинчим изи.

Осмон – томошибин, юлдуз – сўроқчи.
Ҳақдан тиланганим битта ёмғирсўз.
Йигиларим – фарёд, ҳайратим – олов,
Қандоқ ёнганимга кўз тикарлар, кўз.

Титроқларимга ҳам гўзаллик насиб,
Орият домини синдиrolмайман.
Во ажаб, кўнглимга ўзим зўр рақиб,
Кўнглимни ўзимга кўндиролмайман.

Сўз – нодир илтифот, мен сенга зорман,
Шоирлик аслида қисмат баёни.
Илҳақ кўнгилгинам, барисидан кеч,
Шеърга сифдириб бер, Қашқадарёмни!

Эртага сентябрь

Тупроқдан ўч олар гунг шамол,
Дераза қўзи нам негадир.
Япроқнинг юзига бир уриб,
Ерга туширипти сентябрь.

Кўнглимдан ўч олар шеърсизлик,
Бир уюм тупроққа барибир.
Ўзимни еганим етмасми,
Бунча чимчилайсан, сентябрь?

Дийдорлар ўч олар умримдан,
Софинчнинг мазаси шўр, тахир.
Боламни соғиндим, илтимос,
Шеър билан овунтири, сентябрь.

Софинч

Софинч сизиб чиқар қара, кўзимдан,
Мусоғиргинангни кечир, қишлоғим.
Совиб бораяпман сенсиз ўзимдан,
Хувиллаб қолдинга, чорбогим, богим.

Кўнглим энди очиқ қолган дарвоза,
Болалик изларим ярадай гардли.
Фақат тушларимда борганим учун
Қишлоғим соғинма, мендайин "мардни".

Ҳасадчи тун

Ҳасадчи тун, қорайсанг қорай,
Ҳай чигиртка, кўргин тушимни.
Тентак шамол увлама, овун,
Қара, ойнинг судралишини.

Яланг руҳим юлдузни кийсин,
Махрамликка яраб тургин тун.
Синигимни яшир, дераза,
Биласан-ку, бўлдим чилпарчин.

Кўнглим овлоқ хиёбонида,
Бир бетоқат излари ботик.
Тун, оқариб кетибди рангинг,
Мени шеърга қўйдингми сотиб...
Ҳасадчи тун...

От ҳақида әртаклар

Ҳикоялар



**Суюндиқ Мұстафо
НУРОТОЙ**

*Қайдан билсин от қадрин,
От минмаган әркаклар!?*
Мұхаммад Юсуф

Инсонга жонивордан от билан итчалик яқин бүлгани ҳам, дўстлик қилгани ҳам йўқ дейшишади. Гурунгларда ўтмиши нуронийлардан буни мисолини кўп эшиштидик. Улар қўшимай айтар, кўзларини юммай, сўзларини борлааб-борлааб, нима айтса чин айтар эдилар. Бир гурунгда айтганидан бошқа даврада тоймай, чатмай-қўшимай гоҳ ўзидан ўтганини, гоҳ ёнидаги шериги гапига гувоҳлигини ўрол қилиб, кесиб-кесиб, борлааб айтар эдилар. У боваларни аксари кетдиёв. Ҳозирда ҳаёти ҳам сизга айтарларимизни оқизмай-томизмай айтиб берган ҳам Қодир чавандоз, юзинчи зина билан юзлашаётир.

Шу бовани уйида им тутганини билмадик, аммо эс билганимиздан то ҳозир яккамихида от кишинайди. Саҳару хуфтонда уйидан аввал йил ўн икки ой от айвонида чироқ ёнади. Чавандозни отга меҳри тушиган. Тушиганда ҳам баланд тушиган.

Қодир чавандоз Оқтову Қоратов чабараларидан тортиб, Зарафшин бўйи эллари-ю Қизилқўмнинг тушигача кўп таниган ва ҳавас қилган чавандоз бўлиб етишиди. Эл-улусдаги унвони полвон бўлди. Ишқибозлардан сийловларнинг барини кўрди...

Ҳар замондан бир замон, деганларича бор экан. Ҳозиргилар айтарларимизни әртак дейди. Деса дер, уларни иши... Ана шундай. Отдан эшиштса, ё айтса ошиб-тошиб кетар гурунгларини кўпини эшиштанман. Анчасини саришталаб ёздим ҳам, газета-жўрналларда ўқиганингиз бордир. Ҳали бир китоблик эшиштанларим, ёзар гапларим бор. Шулардан бир шингилини сизга илиндим.

Суюндиқ Мұстафо НУРОТОЙ – 1950 йилда туғилган. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. “Нур ато этилган Нурова”, “Кўҳна Нур фарзандлари”, “Нурийлар ёғдуси”, “Қосим шайх Азизон”, “Гаройибот”, “Ҳасад ва Ҳавас”, “Сайийд Ҳонхожса Нақиб” каби бадиий-маърифий асарлар муаллифи

ДҮНАН

Үтган асрнинг 70-йилларида йилқи-ю чавандоз, күпкари-ю солимга кимбірларча күз тииди. Йүқ, аслида қатағонга учради. От ўйинининг ҳаммасига тақиқ қўйилди. “Ўрта асрдан қолган сарқит”, дея қораланиб, узок-узок мажлисларда узун-узун қарорлар қабул қилинди...

Шундан кейин от деганига қирғин бошланди. Не бир номдор, улоқчи тулпорлар гўштга топширилди...

Авазсойнинг Оқтепа қишлоғида Султон бобо деган бир дангал, жўмард отбоз ўтган. Кексайганида Дўнан лақабли жийрон отга қўнгил қўйиб, сирдошу йўлдош бўлган. Ўзи емаганини шу отга едирган. Сал оширилиб гапирилса, сир айтар сирдоши бўлган. Гўштга олиш навбати шу отга келиб, “катталар” сомон ташишга чамбарак қилинган машинани нақд дарвозасига тираб, “Отни ортасан!” деб туриб олишганида мен ҳам иттифоқо шу ерда эдим.

Султон бобо у деди қўнишмади, бу деди қулоқ солишмади. Ҳар қанча айтган сўзига пинак бузишмади, аксини қилиб, “Бир отга шунчами, оқсоқол одамсиз!” деган аврашларга ўтишгач, алами олти бўлиб, “катталар”нинг ичидан нону туз бўлган бирини четроқ тортиб, бир муддат пицирлаб гаплашди. Сўнг бирдан қўлини силтаб, тошиб кетди ва зардаланиб:

– Э, барингди!.. Бўлмаса бўлувсиз бўлсин! – деди-да ҳов нарида зинкайиб турган отни синик товушда ҳуштак билан чақирди. От ёлларини селкиллатиб, эркаланиб, кўз очиб-юмгунча етиб келди-да, бошини эгасининг елкасига қўйиб, бир-бир нафас олиб турди.

“Катталар” нўқтасидан олмоқчи бўлди, ушлатмади. Ҳайдамоқчи бўлди, пешлатмади... Икки кўзи эгада. Султон бобо энди бўшашган эди. Ҳеч нарса билмагандай отга ширин ишора қилиб, деди:

– Чиқ!

От машинага бир ҳамлада чопиб чиқишига чиқди-да, зум ўнгарилиб Султон эгадан сакра ишорасини кутар эди. Буни пайқаганлар дарҳол гажаванинг оғзини беркиттирди. От ҳам Султон бобо ҳам айрилик ишорасини сезишиб, тинчлари кетганди.

Султон бобо оғир жуссали эди. Суяниб турган учқат ҳассасига ўмганини ташлаб, шимининг чўнтағидан нимадир оларман бўлди. Гавдасини ўнгаролмай қалқиб кетганида қўлидан бир бўлак оқ қанд ерга тушди. Уни кафти билан пайпаслаб топди-да, отга қараб тамогига нимадир тиқилгандай, махзунгина:

– Дўнан! – деди.

Икки кўзини эгасидан узмай турган от, бир сакрашда чамбаракдан ошиб тушди. Султон бобо отни кучоқлади, от Султон бобога суйкалди... Пича туришгач, Султон бобо кўзёши оқиб тушаётган лаби билан куй чалди... От аввалида дикир-дикир ўйнади, сўнг шашти пасайиб, кўзи ёшга тўлди. Султон бобо лабини ҳуштак қилиб чала-чала йиглади, от ўйнай-ўйнай йиглади...

Инсон билан от видолашувини ҳеч ким ҳам кўтаролмадиёв. Кўзига ёш келган-келмаганни ажратар ҳолида эмасдим, ўзим ҳам беихтиёр қўшилиб йиглардим.

Аммо “катталар”дан шафқат бўлмади... Шу зайл Дўнан гўштга кетди.

УРУШ БОЛАЛАРИ

Биз ёш бола. Қирқ бешинчи йиллар... Фалла авж, от авж. Ўн икки, ўн уч ёшли ўсмирмиз. Тенги-тўшимиз билан ёз – олти ой эгардан тушмай хирмон янчамиз. На тиним бор, на кўним. Йигитларнинг сараси фронтда. Иш ҳам, ташвишлар ҳам бизлар каби ўсмиру хотин-халажга қолган. Бошга тушганини кўз кўради деганларидек, толишга ҳам, чарчашибга ҳам ҳақимиз йўқ даврлар. От устига миниб ёлини бир силасак, ё бир лўқиллатиб сугориб келсак, чиройимиз ҳам чарчоғимиз ҳам тарқаб кетарди. Одамлар ҳам, отлар ҳам зўр эди. Кўшда ҳам от, хирмонда ҳам от. Беминнат жонивор – қишлоқ учун бебаҳо неъмат.

Хуллас, бир куни чарчагандан-чарчадик. Отлар чўзилиб, хўпчилар (хирмон янчувчилар) тим тик бўлди. Хирмон бегимиз Сафарбой бобо ишораси билан тўхтаб, отларни чорга (буғдой саралангандан кейин қоладиган қолдик) кўйдик. Улар лабларини узун чўзиб, сувлигини шиқиллатиб, емишга тармашди. Мен хирмонга бошимни кўйиб, чалқанча ётганча отларни кузатиб турибман...

Бир вақт денг, отлар бирин-кетин бошини силтаб кўтариб, қиблага бурилишди. Оғзидагини ҳам чайнамай, не вақт донг қотиб туришди. Хушёр тортдим. Савол сўрагандай бўлиб, хирмон бегига қарадим:

– Бобо, нима бўлди?

– Ўтаканг ёрилмасин, бирор келаётгандир-да.

– Қани?

– Ҳанову чўп товоқни ол-да, тескари қўйиб, қулоқ тут. Келаётганинни қулоғинг “кўрсатади”.

Ишониб-ишонмай айтганини қилдим. Вокеан, узокдан чопиб келаётган туёқ товуши равон эшилди. Кўп ҳам ўтмай бир қора кўринди. Танидик. Қаюм мол дўхтири. Кўлига эшиб ўраган белбоғини боши узра озод айлантириб овози борича жар солиб келаёттир:

– Уруш тугади, оғайнинлар, уруш тугади! Суюнчингни қўйингдан ол, уруш охир бўлди, оғайнинлар! Уруш тугади, оғайнин! Урееее... Уруш тугади!

Дув ўрнимиздан турдик. Ҳамма қотиб қолган. Хурсандчилик ҳам қизик бўлар экан. Сафарбой бобо шилқ-шилқ йиғлайди. Кўзидан оқиб соқолига тушаётган дув-дув ёшларни артмайди ҳам. Отлар бизга тикилади. Биз шодон қийқирамиз:

– Ур-ре, уруш тугади!

Кунига адашмайман, 1945 йилнинг ўнинчи майи куни, гашти пешин эди.

ТЎРИҚ ВА УЧ БЎРИ

Авазсойда овозаси кетган Тарлонқўк наслидан бир Тўриқ от ўтди. Таърифида тенги йўқ, минсанг минги йўқ. Бу жониворда сен билан мен гапирадиган биргина тил йўқ. Бошқа ҳамма хислат бор эди.

Шу от Тўриқ номи билан бу Нурота, бу Қизилкум, дарёнинг у бетиу, бу бетида довруғ солди. Гўрўғлининг Фирқўк отидан, Алномишнинг Бойчиборидан ўзса ўздики, кам бўлмади. Менман деган йигитлар эгариға бир ўтириб, даврага бир киришни қанчадан-қанча орзу қилмади дейсиз. Бу жониворнинг чини билан дони бор эди, дони...

Биз отбоқар. Шу Тўриқ уюрнинг “беги”. Кўнглимиз тинч. Уч-тўрт кун, ҳафта ўтиб байталларни бир кўздан ўтказиб келамиз. Сабаби, бу чоборада Тўриқнинг зарбини емаган айғиру бўри йўқ.

Сүюндик Мұстафо НУРОТОЙ

Бир куни дeng бошлиғимиз Ыроқбой ака билан тонг-саҳар узун-калта бўлиб Расулбердидан йўлга чиқдик. Аzon алаговгум белдаги яйловга етганимизда, отларимиз пишқириб тўхтади. Бундан сергакландик. Бу бир ноҳушлик белгиси эди.

Шундай экан. Уюр нотинч, байталлар тойларини тўшига олиб, ларсиллаб зир айланади. Қалтирайди. Ҳай-ҳай қилдик, наф йўқ. Сал кун йиртишгач, уюргаги катта-кичик жами от оғзидағи қўпикни, танасидан томчилаб турган терни кўриб, пайқадикки, кечаси билан отлар тин олмай, галаси билан тўп бўлиб, у қирдан, бу қирга югуриб чиқкан.

Уюрда “Бек” – Тўриқ йўқ. Олазарак бўлиб овоз бердик. Бир пайт дeng гулдирақдай-гулдираган овози уч-тўрт қир наридан ҳайқириб келди. От кўйиб борсак, уч бўрини худди кучукдай олдига солиб зириллатиб қувиб юрибди. Намозшом отларга бўри дориган экан. Лекин Тўриқ уюрдан на бир отни, на бир тойни берибди, бўриларга. Ўроқбой ака отдан сакраб тушиб, Тўрикнинг бўйнига осилди. Кучоклаб, пешонаси, юз-кўзидан ўпди...

“УЧАР ОТ”

Қадимнинг гурунгида ясамалик бўлмасди. Мардум деганингиз ғийбату олди-қочдиларга қўшилмас, чавандозу отнинг зўри тилдан тушмасди. Орият кучли эди, катталарнинг сўзларини ёшлар ютиниб-ютиниб тингланарди. Энди у сухбатлар йўқ, самарилик Холмурод муаллим айтмоқчи, “От мингандар ер бўлди, эшакбозлар зўр бўлди”.

Шу Тўриқ денгимиз еярда ҳам пеш эди, кучда ҳам. Отбоқарлар кўрик пайтлари уюрни ҳайдаб келиш учун сўзсиз унинг эгариға қўнишарди. Минг бир хислати бор эди. Агар зарб билан кишинаса, э йўқ, бе йўқ отми, байталми, тойми олдига тушиб худди шамолдай шовлаб эниб келарди, деган сўзларни Мавлон акамиздан кўп эшитганман. Ҳа, рост. Бир учини биз ҳам қўрганмиз.

Минглар шоҳид катта бир воқеани айтай. Оғайни, отни қаноти борлигини яна бир исботини тўплаган халойиқ ҳақрост шоҳиди бўлди. Ҳайратга тушмаган қолмади. Кўпнинг ақли шоҳди.

Авазсойнинг қибла ошувида бир белдан сўнг Сармиш деган сой бор. Ўша пайтда у ерда ҳалқ кўп, бир жийин кўпкари бўлди. От қайнаб чиқди. Тўриқда Мавлон акамиз, зўр чавандоз. Солимнинг зўрини ҳам, мақтовнинг борини ҳам Тўриқ билан Мавлон акамиз олди.

Баландки қишлоқ Ажиримда Қувондик Эргаш дегич чавандоз бўғич эди. Ҳар елкасида бир йигит ўтиради. Мана шу одам юраги тошиб Мавлон чавандозга тик келиб, бир сўз айтади:

- Мавлон ака, шу отнинг узангисига менинг ҳам оёғим бир тегсин!
- Қувондик, мени баҳил билма, сабилнинг жилови шах.
- Ака, мен ҳам от кўрганман.
- Оббо, кел, йигитнинг сўзи сингунча, шайтоннинг бели синсин. Ма, ол, омадингни берсин.

Қувондик Эргаш айили-ю пуштанини қайта тортиб, жугану сувлигини ростлаб, белини маҳкам боғлаб, кўпдан фотиҳа олиб, даврага от солди. Шу кетишда бир хув билан тўдани teng иккига ёриб, улоқ олиб кетаётган отга тенглашди. Бир зарб билан чавандоздан улоқни тортиб олади. Бўлди ҳайқирик, бўлди ҳайқирик...

От дeng тошдими ёки қайнаб турганиданми Қувондиқ Эргашни улоқ билан тикка бир катта тепага олиб чиқиб кетди. Чавандоз икки оёғини узангига озод тираб, жони борича жиловни тортди. От эзувига тушган темир сувлик зарбидан терсига бурилди. Лекин шиддати пасаймай худди қуюндей пастга энгашди. Түғри дeng, сойдан келган селдай томошабинлар турган айвонга яқинлашди. Эл шошади. Айвон қия жойдан қилинган. Орқаси ер билан teng, олди бешолти метрлар чамаси баланд. Супасидан паси нотекис. Гир атрофи тўла одам. Усти ҳам, ичи ҳам гич-гич. Ишонинг, ишонманг Тўриқ мана шу айвондан учиб ўтди. Гапим маҳоват эмас, қанотини кўрмаган бўлсақ ҳам, учиб ўтди. Ё кароматингдан, яна омон-эсон ерга тушиб, ҳеч нарса кўрмагандай чопиб кетди. Неча бирлар ҳай-ҳайлаб, неча бирларни ақли шошиб, ҳамма ҳангуманг қолди. На ўзи, на чавандоз, на томошабин шикастланди дeng. Отни бир амаллаб тўхтатгач, Мавлон ака жиловдан олди. Битта-яримта оқсоқолнинг сўзи билан от кўпнинг кўзидан сал нарига етакланди...

Кўплар Тўриқда қанот бор деса ишонар эди. Кечагидай эсимда, шу кўпкарида урилган қарсақдан қўллар қабарди, бирвлар ҳаппойлаб гаровга ер ўлчади: отнинг сакраган масофаси айвонгача уч-тўрт метр, айвон уч-тўрт метр, айвондан бериси тўрт-беш метр чамаланиб, айримлар бу воқеа бўлган-бўлмаганлигига ўша жойнинг ўзида ишониб-ишонмай турибди.

Ўша пайтларда туманда отчилик бўйича чечен миллатига мансуб Саржин бобо деган бош зоотехники бўлган. Жуда билимдон бўлган. Шу одам кўпчилик олдида, Нурота кўпкари майдонида мана шундай деган эди:

– Оғайнилар, бундай от ҳам, бундай зот ҳам бир битган. Мен билган теварак-атрофда бундан ўзгаси йўқ. Шу отнинг наслу насаби бўлган отлар деярли фронтга олинди. Авазсой отларида хислат бор. Буни билиб қўйинглар...

Ха, Тарлонкўкнинг авлоди Тўриқни насли худди Бойчибардай, худди Фиркўқдай кўпкари беллашувларда бел бўлди, фронтда ўт кечиб, қон ютди. Буни билган билди, билмаган оғзига келганини айтиб юрди.

Бу қадим дунё, оғайин, қай бирини айтай. Бу Тўриқ деганимиз билан авлодлари бир келиб, бир кетди. Насл қолмади.



Кун ботишдаги уй

Ҳикоя



Даврон
УЛУҒМУРОДОВ

*Қизларжон аммам
хотирасига бағылайман.*

Университетнинг ҳовлисига қатор терилган эълонтахталардаги рўйхатга қараб, фамилиямни ўқишига киргандар ичидан топдиму оёғимни қўлимга олганча автовокзалга югурдим. Бу хабарни уйдагиларга, айниқса аммамга тезроқ етказишим керак, ха тезроқ.

...Тошкент-Чироқчи йўналишидаги автобусдан тушиб катта йўл ёқасидаги қишлоқ оралаб ўтган йўлдан кетаяпман. Бизнинг қишлоқ – Айритомгача ҳали анчагина йўл босишим керак. Автобусдан тушган жойдан Шўрқудук қишлоғини оралаб, ўтган-қайтган машиналарга эътибор бермай уйгача пою-пиёда боришга аҳд қилдим. Сабаби бу қишлоқнинг чанг йўлларида, кирларида, ариқларида болалигимнинг бир бўлاغи қолган. Бор-йўғи уч йилигина ўтган бўлса-да болалигим фақат мана шу ерда кечган воқеликлардангина иборатдек туюлади менга. Мана бу кирларда болалар билан чиллик ўйнардик, йўл ёқалаб оккан, икки томонига қатор килиб қайрағоч экилган ариқда чўмилардик. Болалигим шундайгина кўз олдимда. Ана, иштончан бўлиб олиб, толнинг эгилган шоҳларига осилиб сувга калла ташлаяпмиз. Ана, энг катта қирнинг тепасига чиқиб чиллик ўйнаяпмиз, намозшом пайти бўлганига қарамасдан чилликка кизиқиб уйга кетишини ҳам эсдан чиқариб қўярдик. Бир куни қизиқ бўлганди. Шом вақти. Болалар тугул катталар ҳам яқинидан ўтишга чўчийдиган, қачонлардир эгаси кўчиб кетаётгандан томини очиб кетиб, фақат тўрт деворларигина қолган одамлар орасида “ажинатом” номини олган эски чолдевор уйнинг яқинидаги ўша қирда одатдагидек чиллик ўйнаётгандик. Бир пайт ўша ажинатомдан бир неча куррача – эшак болалари чиқиб биз томон диконглаб чопиб кела бошлади. Биз қишлоқ болалари куррани кўрмаганмиз-ми, кўрганмиз, албатта, лекин булар уч-тўртта – бири кизил, бири сариқ, яна бири яшил рангда эди. Сиз шунака рангдор эшак боласини учратганмисиз. Йўқ. Бизни довдиратиб, биримиз пою-пиёда, биримиз эшагимизга миниб қишлоқ томон оёғимизни қўлимизга олиб қочишимизга сабаб ҳам шу эди. Шатолоқ отиб қишлоқнинг бошланишидаги биринчи уйгача ҳаммамиз ҳовлиқиб етиб борганимиз, И smoilnинг онасиға бўлган воқеани

Даврон УЛУҒМУРОДОВ – 1972 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) татомолаган. Ижодкорнинг “Адиблар”, “Китоб ўқии одоби”, “Қўлёзмадан китобгача” китоблари нашр этилган.

бир-биримизга навбат бермай гапириб берганимиз. Улжон янга ҳаммамизга косада сув ичириб, күркманглар-күркманглар күзларингга кўринган, холос деб бизни тинчлантиришга уринганига қарамай, ўша ҳовур, ўша ваҳима билан уй-уйимизга тарқалганимиз. Ба бу воқеадан анча кейин ҳам ажинатомни минг қадам наридан айланиб ўтганимиз, анча вақтгача эслаб, бир-биримизга бу воқеани худди кечада содир бўлгандек ҳаяжон билан гапиришиб юрганимиз. Эҳ-хе, қандай бегубор вақтлар экан-а. У пайтлар бу қирлар бошқачамиди ёки менинг болалик хотираларимда ўзгача бўлиб муҳрланиб қолганимиди? Билмадим.

Мана ариқлар атрофидаги дараҳтлар ҳам сийраклашиб гўё қариб, тенгқурлари бирин-кетин бу оламдан кетаётган, энди эса ўз навбатини жимгина кутаётган мўйсафид одамлардек мунғайиб қолган. Мана бу Нишон муаллимнинг уйи. Нишон муаллим бизга дарс ўтмаган, лекин бир воқеа ёдимда. Паҳта терим мавсуми. У пайтлар ўқитувчилардан тортиб юқори синф ўқувчилари ҳамма-ҳамма паҳта теримиға жалб қилинар, ҳаттоқи бошлангич синфдагиларга ҳам аҳён-аҳёнда номигагина дарс ўтилмаса деярли ўтилмасди. Лекин биз Хўжакул икковимиз буни билсак ҳам мактабга ошиқаверардик. (Хўжақўл менинг синфдошим, озғин, найнов бола. Отаси менинг отамга жўра.) Шундай кунларнинг бирида яна мактабга бордик. Синфхоналар қулфланган. Нимагадир мактаб ҳовлисида доим битта вагон-уйча турарди. Биз ўшанинг соясида ёнига қўроғшин қўйилган ошиқларимизни ўртага ташлаб ўйинга берилиб кетибмиз. Сен ютқаздинг, мен ютдим дея бир-биримиз билан тортишиб, қизишганимиздан Нишон муаллимнинг тепамизга келганини сезмай қолибмиз. У бизни оғир жиноят устида қўлга олгандай иржайиб турарди. Икковимиз музлагандек қотиб қолдик. Муаллим, иккимизнинг қулоғимиздан чўзганча ўқитувчилар хонасига олиб кирди. “Хозирча шу ерда қамалиб турасанлар, директор келгач иккалангни ҳам мактабдан хайдаймиз”, деди-да хона бурчагидаги тор шкафга иккимизни алоҳида-алоҳида киритиб, устимиздан эшик илгичини илдириб қўйди. Мен мактабдан ҳайдалишдан эмас, мактабда завуч бўлиб ишлайдиган Хушмурод бувамнинг бу воқеадан хабар топишидан кўпроқ қўрқанимдан йигласам ҳам овозимни чиқармасдим, Хўжакул эса бор овози билан бақириб йиглар, Нишон муаллимдан қўйворишини сўраб ялинарди. Бирпастдан кейин шкаф эшиклари очилди. Нишон муаллим ишшайганча директор узок бир хўжаликка паҳтага кетгани, акс ҳолда кунимизни кўрсатган, кейинчалик бу воқеани унга, албатта, билдириб жазо бердиришини айтиб бизни қўйиб юборди. Мен эса анчагача хавотирланиб юрдим, лекин Нишон муаллимнинг ёдидан чиқдими, ишқилиб “ошиқ ўйини” бошқа кўтарилмади. Энг асосийси, Хушмурод бувам бундан хабар топмади. Бу мактаб Шўрқудук қишлоқда жойлашган аслида мен Айритомдаги мактабда ўқишим керак эди, лекин...

Мени мактабга олишмагани

– Ҳа, нега йиглаб келаяпсан, улим, нима бўлди? Кап-кatta, мактабга чиқсан бола ҳам йиғларканми? – сўради онам кўзёшимни артиб.

– Анави маллим бору, – дедим ўзимни йиғидан тиёлмай, – Соатмурод маллим, ўша мени синфга киритмади. “Ёшинг етмайди, кейинги йилга келасан”, дейди. Ахир августда еттига кирган бўлсам. Фахриддин, Абдусаид, Толмас, Асқарлар ҳам мен тенги, улар маза қилиб партада ўтирибди. Мени эса синфхонага қўймади. Болалар эса танаффусда мени роса калака қилишди. Эна, отамга айтинг маллим билан гаплашсан мен ҳам жўраларим қатори мактабда ўқийин.

– Хўп, отанг ишдан келсин айтаман. Нега олмас экан, олади. Мактаб Соатмурод маллимнинг шахсий мулкимиидики, хоҳлаганини киритиб, хоҳламаганини киритмаса. Сен кўп ҳиқиллайвермай кийимингни алмаштириб чиқ, қорнинг ҳам очгандир чалоб қилиб бераман помидор билан нон тўғраб, еб оласан. Моллар ҳам эрталабдан бери бойловли, бедапоядан ўт олиб келиб бермасанг, очидан ўлади.

...Бу ҳолат яна неча бор такрорланди, Соатмурод муаллим мени синфга киритмаслигини айтиб чарчамади, мен эса мактабга қатнаб чарчамадим...

Даврон УЛУФМУРОДОВ

– Ҳай, ҳай болам яна йиғлаб келаяпсанми? Бу маллимларга нима бўлган-а, битта сени синфга қўйса, бошқаларга жой етмай қоларканми? Тавба. Отангга ҳам неча марта айтдим, шу маллим билан бир гаплашиб келинг деб, ҳеч вақти бўлмаяпдими. Кўчага қарачи мошина овози келаяпди, отангмасмикан? – деди энам.

Мен кўзимда ёш кўчага югурдим. Отам экан.

– Ха, той бола нима бўлди, кўзингга бирон нарса кирдими? Энаси бунга қарачи, кўзига нима кирибди, – деди отам нимагадир энамга бир кўзини қисиб.

– Ассалому алайкум.

– Баалайкум ассалом. Нима гап?

– Сиз ҳам иш-иш деб шу маллимнинг олдига бир бормадингизда. Буни бугун ҳам мактабга киритмай қайтариб юборибди. Бола бечора бир хафтадан бери мактабга қатнайди. Дарс тугагунча дарвозада кутиб ўтириб қайтиб келаяпти, – деди энам отамга ёзгириб.

– Шундайми, шу Соатмурод маллимдан бошқаси йўқми, ёмон эзмада, гапиравериб бошни қотириб юборади-да ўзиям, бу маллимлар ўкувчиларга тинмай гапиравериб-гапиравериб вардиш бўлиб қоладими нима бало, – деди отам. Сўнгра менга қараб, – Нима қиласан шу эзманинг қўлида ўқиб, сен ҳам эзма бўлмоқчимисан, а? Мен ҳозир Қизларжон аммангникидан келаяпман. Улар томондаги мактабда зўр ўқитишармиш. Бундан ташқари Хушмурод буванг мактабда завуч. Буванг билан ҳам гаплашдим, уларнида туриб ўқийверасан. Таътилда бу ёқقا келасан. Ўзинг ҳам кўргансан-ку, уйлари тўла китоб, маза қилиб ўқийсан. Нима дединг?

– Ўқийверади, менинг боламни эси кўп, қайтангга яхши, аммасиям хурсанд бўлади. Аммангни кичкина сандиги тўла ширинлик. Бу ердагидай аканглар билан талашиб-тортишиб юрмайсан, – деди энам отамнинг гапини маъқуллаб.

Ха, аммамнинг уйларига борганиман. Роса ширинликлар билан сийлаганлар. Чунки уларнида ширинликларни ейдиган бола йўқ-да, аммам билан бувам ёлғиз яшашади. Лекин, мен ҳаммамиз Хушмурод бува деб мурожаат қилганимиз, амманинг эрларидан озгина ҳайиқардим, сабаби бирон марта қулганларини кўрмаганиман-да. Нима бўлганда ҳам мактабга боришимни ўйлаб чехрам бирдан ёришиб кетди. Онам тайёрлаб берган чалобни симириб ичдим-да, қўлимга бир бўлак нон олиб, сигирларга ўт олиб келиш учун кўчага отилдим. Мен кўчага югураверай, уйда эса мана бу гаплар бўлиб ўтади:

– Шу ишимиш тўғримикан-а, отаси? Аммасини-ку биламан болажон, лекин поччангиз бола бечорани у ишни қил, бу ишни қил деб қийнаб қўймасмикан. Якка-ю ягона қизлари – Мавлуда бечора ўтгандан кейин иккалови ҳайҳотдай ҳовлида сўппайишиб қолишиди. Бормаган дўхтиру табиблари қолмади. Лекин фойдаси бўлмади. Фарзанд кўришмади. Худо бермаса қийин экан, – дейди энам.

– Анави куни улар билан гаплашганимизда ўзинг ҳам бор эдинг. Поччам ҳам сал жаҳли тезроқ демаса, ўзи ёмон одам эмас. Аввало бу гап уларнинг ўзларидан чиқди. Шунинг учун ҳам Соатмурод маллимга тайинлаб қўйгандим. Бир тўхтамга келишган бўлсалар керакки, Қўзибойни ўзларига олишмоқчи. Майли яшаб кўришсин-чи, у ёғига Худо пошшо. Мавлуда ўтгач, адойитамом бўлишди шўрликлар. Шундай қиз-а, Қўзибойни олиб кетишса бироз чалғишиникан дейман-да, – дейди отам ўйга толиб.

Аммамларницида

Аммамларницида тартиб бошқача эди. Бувам ҳам аммам ҳам ўқишимга қаттиқ турарди. Фақат аълога ўқишим учун эринмасдан харакат қилишарди. Ҳар куни мактабдан келиб, тушлик қилиб олганимдан сўнг Хушмурод бувам томонидан елкамга мана бундай топшириқ юкланарди: “Ўқиши китобидаги мана бу шеърни ёдлайсан, математикадан уй вазифасини бажарасан, ана ундан кейин мен

бўлмасам аммангга дафтарингни кўрсатасан, тўғри бўлсагина кўчага чиқишинг мумкин. Унгача у ёқ-бу ёқса бўйнингни бурмайсан”.

Топшириқ охирига етгач, мени меҳмонхонага етаклаб олиб кирап, кейин сиртидан қулфлар, қалитини аммамга берарди. Бу ҳолат ҳар куни такрорланар, бувам айтган вазифаларни бажармагунимча, кўчага чиқолмасдим. Шундай вақтларда ўзимизнинг уйимизга жуда-жуда кетгим келарди. У ерда бундай жазолар йўқ. Хоҳлаган вақtingда чиллик, оқсусак, яшинмачоқ, пошшоҳим ўғри тутдим деган кизиқ-кизиқ ўйинларни ўйнайсан, кечкурунларигина дарс тайёрлайсан, чироқ ўчиб қолса янада маза, ухлагунимизча ҳамма билганича эртак, топишмоқ, матал айтишади. Баъзан нега айнан мени аммамларникига юборишганини ўйлаб колардим. Мени асраб олишганмикан-а.? Ўгаймиканман? Миямга бундай фикрлар келганда кўзларимда ёш ғилтилларди. Лекин, отам ҳам онам ҳам мени бошқа ака-укаларимдан кам кўрмаслигини хис қилиб, ўзимга-ўзим таскин бераман-да, китоб ўқишига берилиб кетаман. Кунлар шу зайлда ўтаверарди. Лекин бир куни ...

Аммамнинг айтуви

Мавлуда – аммамнинг якка-ю ягона қизлари эди. Аммамнинг айтишича, кўз тегишидан ўлган. Ўша пайтлар кўз тегиши деган нарсага тушунмаганим учун, “Нега бирорвнинг кўзи бирорвга тегар экан-а, нима кўзида чақмоқ бормикан? Нега Мавлуда аммам ўша ёмон одам қарагандиа кўзини қайтариш учун юзларини тўсиб олмаган? У одамнинг кўзи қанақа кўз экан ўзи?” деб ўйлардим. Кўча-кўйда бирон олакўз одамларни кўрсам, кўзи бор одам шунақа бўлса керак деб кўлим билан юзимни пана қилиб олардим.

– Ё, бор Худоё. Мен сенга нима ёмонлик қилувдимки якка ёлғиз, ўзингдан тилаб олган ойдай қизимни тортиб олганинг етмагандай лоақал тушимда ҳам кўрсатмайсан-а, Художон? Мавлудамни хеч бўлмаса бир бора тушимда кўрсам ҳам розийдим. Аллоҳ айтиб, гуноҳим шунча кўп эканми-я? Ҳеч кимга мендек фарзанд доғини солмагин-а, Художон. Худойжоним жонимни ҳам олақолмайди-я, дийдорингни кўрардим боламнинг. Менгинада нима қасдинг бор эди, Худо?.. Бир кунда-я...

Ўша куни Мавлудам мактабдан нимагадир эрта келиб қолди. Рангида ранг йўқ, пахтадай оқариб кетган. “Нима бўлди болам?” десам, бечора тиззамга бошини кўйиб, “Энажон мен ўламан” дейди-я. Юрагим увишиб, орқага тортиб кетди. “Нега ундей дейсан болам, мени қўрқитма, бирон жойинг оғриятими?” дейман бошини силаб. “Йўқ ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, лекин ўламан энажон”, дейди тўлғониб. Шомгачаям бормади болам! Мана шу тиззаларимда жон берди. Қандай қиз эди-я. Кап-катта бўлса ҳам тиззаларимда энажон деб эркаланиб ухларди. Болагинам ўшандай жилмайбгина ётиби. Ўлганига ҳалигача ишонмайман. Бу кунни қандай унутай. Юрагимни юлиб кетдинг-ку, болам! Худойим уни олгунча менинг жонимни олмайсанми? Мавлудадан айрилган кунларимда тинмай йиғлаганимданми, мана бугун уни эслаб ҳатто йиғлолмайман ҳам, кўзёшим ҳам қуриб қолган...

Аммамнинг бундай айтувини кейинчалик мен неча-неча бора эшитганман, лекин ўшанда нега аммам битта гапни қайтаравераркинлар-а, дердим. Мавлуда аммамни элас-элас эслайман. У пайтларда уларнинг уйи бизникига яқин эди. Ҳар доим келаётгандарини кўрибоқ, олдиларига югуриб чиқардим. Аммам эса мени ердан даст кўтариб олиб, икки юзимдан чўлп-чўлп қилиб ўпиди олар, қитиқлаб кулдирап, ўйнатарди. Баъзан энамга ҳам айтмасдан, мени уйларига олиб кетар, ширинликлар берарди. Уйдагилар эса мени қидириб эси кетарди. Мавлуда аммам – соchlари узун, тик қадли, бўйчан, хушрўй қиз эди. Айниқса атлас кийиб, соchlарини майдада қилиб ўриб олсалар, гулдай очилиб кетарди. Мендай қишлоқ боласининг бундан ортиқ таърифга тили ожизлик қиласди.

Шом – қуннинг юракни зориқтирадиган, соғинчни қучайтирадиган бир пайти. Қүёшнинг ботишини кузатиб турган боланинг, яъни менинг кўзларимда ёш милтиллайди. Нимагаки, уйимиз кунботиш томонда. Қўйхонанинг баланд қилиб айлантирилган деворига чиқиб олганман. Уйга киргим йўқ. Бугун яна жанжал бўлди. Аммам билан бувам ўртасида. Бувам аммамни аямай калтаклади. Аммам ҳар доимгидек фиқ этган овоз чиқармади. Унсиз йифлади.

– Қўзибойжон, сен кўчага айланиб кел, – деганди бирмунча вақт аввал аммам. Билдимки яна аммам бечора яна калтак ейди. Аммам мени кўрмасин дейди. Ҳовлига чиқдим. Кунботиш томонга қараб йиғлайвериб чарчадим. Уйга кирдим. Хушмурод бувам уйда йўқ. Аммам эса “пик-пик” килганча, кўкарган юзини менга кўрсатмаслик учун рўмолини юзи билан танғиб олганча, нимагадир кийимларини тугун-тугун қилиб тахляпти. Бир ёмонликни сезгандай юрагим “шиғ” этиб кетди.

– Нима қилаяпсиз, амма? – дедим, ботинмайроқ.

– Келдингми, ўғлим? Юзингни ювиб келиб, кийимларингни кий. Отангларникига борамиз, – деди аммам. Аввалига буни эшишиб ўзимда йўқ кувониб кетдим. Уйимизга кетгим келаётганини аммам дарров қаёқдан билақолдилар экан-а, деб ўйладим. Кейин эса коронги тушиб қолгани эсимга тушиб, аммамга, “Коронгида қанақа қилиб кетамиз?” демоқчи ҳам бўлдим. Буни эсиға солсан, аммам фикридан қайтиб қоладигандек, тезда кўзёшим оқавериб из қилган юзимни чала-чулпа ювиб, кийимларимни кийиб чиқдим. Аммам нимагадир тугунга ҳар доимгидай қанд-курс эмас Мавлуда аммамнинг деворда осиглик суратлари ва ҳали яп-янгидек турган пальтоларини тугди-да менга:

– Қўзижон, сен боргинда, ҳамсоюмиз Нарзулло бобонинг эшагини сўраб, миниб кел. Аммам билан Айритомга бораётувдик деб айтсанг беради, – деб тайнинлади.

Ҳайронлигим янада ошди: ўзимизнинг диконглаган эшагимиз бор-ку нега ҳамсоюнида борамиз? Лекин бу қизиқишим йўлга тезроқ чикиш иштиёқи олдида ҳеч нарса эмасди. Ҳамсоюнинг эшагини миниб келганимда аммам тугунларни хуржунга жойлаштириб турган экан, икковлашиб эшакка ортдик. Кеч қоронгида отамларникига етиб келдик. Ҳамма бизни нимагадир хавотир билан қарши олди. Ҳовли ўртасидаги фишт териб, лой сувоқ қилинган супа бирпасда қариндош-уругларга тўлиб кетди. Мен эса ака-укамлар билан андармон бўлиб кетдим. Тўпланганлар алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Кулогимга чалингани шу бўлдики, аммам уйидан қолган нарсаларини ҳам олиб келаркан, бувам аммам иккаловимизга бошқа уй қуриб бераркан, эшитганларим орасида мени хурсанд қилгани эртадан бошлаб шу ердаги мактабга борарканман. Яшасин! “Ана энди мендан кўрасиз қанақа ўқиши Соатмурод маллим!” дедим ичимда. Лекин, аммам бу гаплардан хурсанд эмаслигига ҳайронман. Ахир отаси-онаси, ака-укалари шу ерда бўлса, уларни кўриш учун шунча йўл босиб келиб юрмаса. Асло тушунолмасдим....

Уйимизга етиб келдим

...Шундай ўйлар билан уйимизга яқинлашиб қолганимни билмай қолибман. Хаёл билан шунча йўл босибман-а. Ҳовлига киравканман, ўқишига кириш учун Тошкентга кетганимга эндиғина бир ой бўлибди-ю, лекин ҳамма нарса бошқача бўлиб кетгандек. Тошкентдан ширинликдан бошқа нарса ололмаган бўлсам ҳам ўқишига кирганим уйимдагиларга, айниқса аммам учун катта совға бўлишини ўйлаб, ич-ичимдан қувониб кетдим. Ҳовлимиzinинг ўртасида, ишком тагидаги сўрида аммам билан энам урчук йигириб ўтиришарди. Улар ҳали мени кўришгани йўқ...

“Англаким, сўз ўзга, маъни ўзгадур...”



**Нурбой
ЖАББОРОВ**

Алишер Навоий асарларининг бадиий-эстетик ва ирфоний-ахлоқий қимматини англаш учун энг аввало “аҳли маъни” ва “аҳли сурат” тушунчаларининг ўзаро муносабати моҳиятини ҳар томонлама чукӯр ўрганиш талаб этилади. Ўшбу илмий муаммони муфассал тадқиқ этиш учун қўйидаги масалаларга ойдинлик киритиш тақозо этилади: 1) “маъни”, “маоний” истилоҳларининг моҳиятини очувчи фикрлар ифодаси; 2) маоний аҳлининг даражаси баландлиги ва уларнинг қарашлари жамият ҳаёти ҳамда миллат адабий-эстетик тафаккури учун мезон бўла олиши; 3) маоний аҳлига мансуб салафлар ва замондошлар васфи; 4) аҳли маъни ва аҳли сурат тушунчалари ўртасидаги зиддият ва уларнинг бир-бирини тақозо этиши. Булар, ўз навбатида, ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу тушунчаларга доир ижодий-фалсафий концепциясини мужассам этади.

“Маъни”, “маоний” истилоҳларининг моҳиятини очувчи фикрлар ифодаси: Алишер Навоийнинг “Бадойиъ-ул-бидоя” девони дебочасида “Яна бир буким, гўйиё бაъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий хусну жамол тавсифи ва мақсад зоҳирий ҳатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асрุ беҳуда заҳмат ва зойиъ машакқат тортилғон бўлгай” дейилган. Бу ўринда буюк адид “мажозий хусну жамол тавсифи ва зоҳирий ҳатту хол таърифидин ўзга нима англамайдиган эл” деганда, айнан аҳли суратни назарда тутади. “Маъни” тушунчасига ойдинлик киритар экан, унинг “маърифатомиз, мавъизатангиз” бўлмоғи зарурлигига эътибор қаратади.

Аслида, “маъни”, “маоний” истилоҳлари адабиёт илмининг ўзагини ташкил этади. “Ғиёсу-л-луғот”да адаб илмининг сарф, нахв, маоний, баён, бадеъ каби тармоқларини жамлашига ургу берилган бўлса, “Мунтахабу-л-луғат”да эса унинг адабиёт илмига доир адаб, лугат, сарф, иштиқоқ, нахв, маоний, баён, аruz, қоғия, расми хат, шеърдаги қариз илми (шеърнинг фасоҳат ва балофат жиҳатидан

Нурбой ЖАББОРОВ — филология фанлари доктори, профессор. 1966 йили тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Маърифат надир?”, “Замон, мезон, шеърият”, “Адабиёт ва миллий маънавият” сингари китоблар ҳамда ўзбек мумтоз, миллий уйғониши ва замонавий адабиёт муаммоларига доир 600 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабон мақолалар муаллифи.

Нурбой ЖАББОРОВ

мукаммаллиги ёки нуқсонли эканини ажратадиган илм) кабиларни мужассам этиши баён этилган. Ҳар иккала лугатда ҳам “маоний” адабиёт илмининг асосий руқнларидан экани айтилган. “Аҳли маоний” тушунчаси эса янада кенгроқ ва теранроқ маъноларни англатади. Бу ҳақда Деххудонинг “Лугатнома”сидаги: “Аҳли маъни – сурат ва зоҳир аҳлининг зидди. Маъни ва ботинга эътибор қаратувчи ҳақиқат аҳли”,² деган изоҳ ҳам мазкур фикрни тасдиқлади. Яна бошқа манбада аҳли маъни “фаҳму фаросат, маърифат соҳиблари”³ экани таъкидланади. “Ал-мўъжаму-л-васийт” лугатида аҳли маоний мақтovли сифатларга эга инсонлар экани таъкидланиб, балоғат илмларидан бири бўлган сўзнинг асл моҳиятини англашга хизмат қилувчи маоний илми ҳақида ҳам маълумот берилган.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида “аҳли маоний” атамаси кўп қўлланган. “Фавойиду-л-кибар” девонидаги ғазалидан олинганд мана бу мақтаъ байтда улуғ шоирнинг бу тоифага муносабати, айникса, яққол ифодаланган:

*Эй Навоий, иста маъни оламиким, келди дун,
Ҳар кишиким майли ушибу дунёи дун соридур.*

“Навоий асарлари лугати”да “дун” сўзига қўйидагича изоҳ берилган: 1. Паст. 2. Разил, нокас³. Байтнинг дастлабки сатридаги “дун” сўзи айни маънода келган. Шунга кўра, байтда маъни оламини исташга даъват этилар экан, дунёи дун тубан дунёга майл қўйган ҳар киши пастликка қулагани таъкидланади. Яъни, буюк мутафаккир наздида, дунё – инсоннинг камолотга эришмоғи йўлидаги тўсик, уни тубанликка қулатгувчи иллатдир. Бундан халос бўлмоқнинг ягона йўли маъни истамок.

Мана бу байтда ҳам маъни нечоғлиқ муҳим эканига урғу берилгани кузатилади:

*Кишики зоҳири ошуфтадур замирига боқ,
Басоки маъни эрур поку лафз номарбут.*

Яъни улуғ шоир зоҳиран паришон кўринган кишининг замирига, сийратига боқишини тавсия этади. Чунки сўз бир-бирига боғланмагандек туулгани билан маъно ўзининг поклигини сақлаб қолади. Бу орқали Навоий инсоннинг асл моҳияти зоҳир эмас, ботинда, яъни – маънида эканига диққат қаратади.

Маъно ва сўз бири иккинчисизи ҳеч қандай қийматга эга эмаслиги борасида ҳазрат Навоий буюк салафлари, хусусан, Шайх Низомий Ганжавий билан ҳамфир эканини таъкидлаш керак. “Панж ганж” муаллифи “Хусрав ва Ширин” достонида, жумладан, мана бундай ёзган эди:

*Суханким манбайи маъно эмас ул,
Ёзиб, тақрор этишига арзимас ул.*

*Қийинмас сўз тизиб, назм айламак, лек
Керакдир сўзга ихлос, жонфидолик.*

Низомий талабига кўра, теран маънони ифода этмаган сўз ёзиб тақрор этишига арзимайди. Сўзнинг назм ипига тизилиши ҳали шеър дегани эмас, чинакам шеър бўлиши учун поэтик матн замирида чуқур маънодан ташқари ихлос ва жонфидолик

¹ Деххудо, Алиакбар. Лугатнома. – Текрон: Тажриши нашириёти, 1377, 1-жуз. – Б.5148

² <https://vazhaju.tj/word>

³ Навоий асарлари лугати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.201

тажассум топмоги зарур. Яна бир шарти, оз сўзда кўп маъно ифодаланмоги (Юз этма бир сўзингни, юзни бир эт), меъёрга амал қилинмоги (Керакдир сўзга ҳам сув сингари ҳад) лозим.

Ҳазрат Навоий “Ҳайрату-л-аброр” достонида:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас –*

деб ёзар экан, бу орқали замонлар келиб назмнинг суратида янгиланишлар бўлишини башорат қилган. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, “асл анга маъни” эканини алоҳида таъкидлайди. Маъни жиҳатдан марғуб бўлмаган назм маоний аҳлининг эътиборини қозона олмаслигига эътибор қаратади.

Таъкидлаш зарурки, шайх Низомий ҳам, ҳазрат Навоий ҳам “маъни”га урғу берар экан, зинҳор бадииятни инкор этмайди. Аксинча, назмда ёки насрда битилган бўлишидан қатъи назар, сўз санъати намунасида теран мазмун ва гўзал бадиият уйғунлиги талаб этилишига урғу беради. Ҳар икки мутафаккир ўз асарлари орқали бунинг бекиёс намунасини кўрсатади.

Маоний аҳлининг даражаси баландлиги ва уларнинг қарашлари жамият ҳаёти ҳамда миллат адабий-эстетик тафаккури учун мезон бўла олади. Яъни маъни аҳли ҳақиқат аҳлини англатиши эсланади. Алишер Навоийнинг “Наводиру-ш-шабоб” девонидан олинган мана бу байтда маънонинг аслиги ҳадиси шариф зеваридан эканига доир тасдиқ ҳамдир:

*Навоий, қилмагил бас назм бирла дурғишионлигким,
Маоний бикрига зевар ҳадисинг гавҳариндиндур.*

Ҳазрат Навоий шеъриятида илохий ишқ талқини етакчилик қилиши исбот талаб этмайди. “Бадойиъу-л-васат” девонидан олинган мана бу байт аҳли маънининг айнан илохий ишқ эгалари мазмунида келгани жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга:

*Ишқим аҳволига мутлақ воқиф эрмастур хирад,
Қайдা топқай аҳли маъни ҳолидин нодон вуқуф.*

Буюк шоир наздида хирад – ақл ишқ ахволидан хеч қачон воқиф бўла олмайди. Бу эса, нодоннинг аҳли маъни ҳолидан воқиф бўла олмаслиги кабидир. Ана шу фикр ҳам ҳазрат Навоий наздида аҳли маънининг даражаси нечоғлиқ баланд бўлгани исботидир.

“Насойиму-л-муҳаббат”даги Увайс Қараний зикри маоний илмининг бошқа илмлар ўртасида тутган ўрни нечоғлиқ баланд эканига далил бўла олади. Ҳазрат Навоийнинг ёзишича, Увайс Қараний: “Ҳазрат Рисолат с. а. в.ни кўрмабдур эрди ва ул Ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъною рухоният юзидин тарбият қилиб эрдилар”.

Расулulloҳ с.а.в.нинг ҳаётда бирор марта дийдорлашмоқ насиб этмаган хос бир умматига маъно ва рухоният тарбиясини берганининг ўзиёқ маоний илмининг даражасини кўрсатади.

“Муҳокамату-л-лугатайн”да маоний илми авлиёуллоҳга хос экани мана бундай ифодаланган: “Ва авлиёйи кибор ва машойихи олий миқдор қаддаса Аллоҳу асрорахум кўпрак ҳақойиқ ва маорифки сурубтурлар ва маоний зеболарин

Нүрбой ЖАББОРОВ

такрир либосига киорубурлар. Ул фархунда иборот ва ул хужаста алфоз ва ишорот била воең бўлубдур”. “Маоний зеболари” дейилганда, Ҳақ ва ҳақиқатга далолат қиласидаган маъноларнинг фасоҳат ва балоғат билан ифодаланиши назарда тутилган. Яъни улуғ валийлар ва олий мақомли машойихлар ҳакиқат ва маърифатни маоний гўзалликлари орқали етказганлар. Бу маоний гўзалликлари “фархунда иборот” – кутлуғ иборалар, “хужаста алфоз ва ишорот” – муборак сўзлар ва ишоралар орқали ифодаланган. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг халқа ҳақиқат ва маърифатни етказишларида зарур натижаларни берган.

“Наводиру-ш-шабоб” девонидаги 8-қитъя “Маъни аҳлидин гадолиғ башорати ва суврат аҳлидин шоҳлиғ ишорати” деб номланган. Қитъя матни буюк шоирнинг маоний аҳлига муносабатини теранроқ англаш имконини бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир:

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолигдин –*

*Ким, буларга гадолиғ ортуғедур,
Аҳли сувратқа подшолигдин.*

Яъни қитъада таъкидланишича, аҳли маъни гуруҳида гадоликдан ор этмаслик зарур. Негаки, аҳли маъни ва аҳли суврат, подшолиғ ва гадолиғ тушунчалари ўртасидаги тазод орқали теран фалсафий мазмунга эга. Мазкур қитъада, таъбир жоиз бўлса, буюк шоирнинг ўз эътиқодий-фалсафий қарашлари асоси ҳам ифодаланган. Яъни шоир фикрича, аҳли сувратга подшо бўлишдан кўра маъни аҳлига гадо бўлмоқ авлороқдир.

“Лисону-т-тайр”да эр кишини ҳиммат улуғлашини таъкидлар экан, улуғ шоир мана бундай ёзади:

*Эрга ҳимматдин берур юз эътибор,
Жоҳу мулку ганжнинг ҳиммати.*

*Мол ўлуб гар йўқ кишининг ҳиммати,
Маъни аҳли оллида йўқ иззати.*

Демак, буюк мутафаккир дунёқарашига кўра, маъни аҳли наздида жоҳу мулку ганжнинг заррача ҳам эътибори йўқ ва бу тоифа иззатига мол-дунё билан эмас, фақат ҳиммат орқалигина эришмоқ мумкин. Ҳазрат Алишер Навоий “...ҳеч қачон ўткинчи мол-дунёга бўлган муҳаббат чангини ва бу дунёнинг нарсаларига қизиқиши ғуборини ҳиммат этагига қўндирамаган”⁴ учун ҳам маоний аҳлининг соҳибкорони мақомига қўтарилган.

Навоий маоний аҳлига мансуб салафлар ва замондошлар васфи сифатида Давлатшоҳ Самарқандий Мирзо Улуғбек ҳақида ёзар экан, унга: “... юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қирқни кирқ ёрди”⁵, дея таъриф беради. Салафлари ва замондошларининг маоний илмидаги даражасини юксак баҳолаган ҳазрат Навоий ҳар бир достонида уларга таърифи фасоҳат ва балоғатда бири-биридан қолишмайдиган тавсиф бергани алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, “Ҳайрату-л-аброр”да Низомий Ганжавийни мана бундай таърифлайди:

⁴ Хондамир, Fuёсиiddin. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 116–117.

⁵ Самарқандий, Давлатшоҳ. Шоирлар бўйстони (Тазкират уш-шуаро ”дан Бўрибой Аҳмедов таржимаси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 148.

*Хони латойифқа сўзи мунқасим,
Дурри маонийга тили мунтазим...
“Куддиса сирруҳ” – не маонийдур ул,
Рӯҳи қудс файзи ниишонидур ул.*

Буюк салафийнинг сўзлари латиф сўзлар дастурхонининг безаги, тилидан ҳар доим маоний дурлари сочилиган, “куддиса сирруҳ” (“сиrlари муқаддас килинсин”) – маънолари қанчалик мукаммал эканини таърифлайди.

“Лайли ва Мажнун”да буюк салафининг: “Маъни ҳарамин мусаххар, Сўз бикрини ғарки зевар этган”ини таъкидласа, “Садди Искандарий”да: “Бу янглиғки ганжи маоний тўқуб, Жаҳон аҳлиға жовидоний тўқуб... Келиб табъи гардуни олий асос, Маоний дури анда анжумқиёс”, дея маоний илмидаги даражасини юксак баҳолайди.

Буюк шоир “Мажолису-н-нафоис”да Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг “маоний дуррининг уммони, донишу фазл гавҳарининг кони” эканини рубоийда бетакрор бадиият ила ифодалайди. “Ҳайрату-л-аброр”да улуг устозини:

*Қўкси – ҳақоийқ дури ганжинаси,
Қўнгли – маоний юзи ойинаси –*

дея васф этар экан, унинг кўнглини маънолар юз кўрсатадиган ойнага қиёслайди. “Лайли ва Мажнун” достонида бу улуг зотнинг хомасидин дурри маъни оқиши, нутқи они сўз силкига тоқиши ҳақида ёзар экан, оҳорли ташбеҳ воситасида “сўз Жомий қаламининг ичида сайр этиб, маъни дурига йўл олиши”ни айтади. Бу йўл аро маъни карвони, ҳатто маъни жаҳони келишини юксак фасоҳат билан тасвирлайди. “Садди Искандарий”да эса ҳазрат Жомийнинг қалами билан маоний тунини чароғон этганини мана бундай таърифлайди:

*Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.*

*Ҳамул ўтқаким, назм шамъин тутуб,
Маоний шабистонини ёрутуб....*

“Муҳокамату-л-лугатайн”да: “...форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва қасоиддаки, маоний гавҳарларин назм силкига кийдурур эрдилар”, дея устозининг қайси адабий йўналишда ижод қилмасин, маоний илмига алоҳида дикқат қаратганига урғу беради.

Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрату-л-аброр”да буюк мутасаввиф Баҳоуддин Нақшбандни васф этар экан, кимки унинг хизматидан огоҳ эса, гарчи гадо бўлса ҳам, маъни ила шоҳ мақомига эришгани ҳақида ёзади. “Лисону-т-тайр”да Шайх Абу Бақр Нишобурийни “мулки маъни сори топиб эрди йўл”, деб таърифласа, Шайх Боязид Бистомийни “амини ганжи роз, аҳли маъни таҳти узра сарфароз”, дея бу тоифанинг энг улуги сифатида васф этади. “Маҳбубу-л-қулуб”да Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий “маоний аҳлининг нуктапардози” деб таъриф этилса, “Фавойиду-л-кибар”даги соқийномасида Сайид Ҳасан Ардашер “маъни аҳлига имоми барҳак”, “Манга зоҳирда атову устод, Лек маъни аро пири иршод”, “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида эса “орифи маоний”, дея улугланади.

Ҳазрат Алишер Навоий маоний аҳли ҳақида сўз юритар экан, хукмдор дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро номини алоҳида эҳтиром билан тилга олади. “Наводиру-ш-шабоб” девонининг якуний 650-ғазалида мана бундай байт келган:

Нурбой ЖАББОРОВ

*Анга бу баски жаҳон мулкин олди сўз бирла,
Чекиб сипоҳи маоний дами фусунсози.*

Бу таърифда муболага борлиги шубҳасиз. Шунинг баробарида, ушбу байтда теран мазмун ва гўзал бадиият юксак даражада уйғунлашгани ҳам айни ҳақиқатдир. Яъни байтда Султон Ҳусайн Бойқаронинг сеҳрли нафасга йўғрилган маоний лашкарлари орқали сўз билан жаҳон мулкини эгаллагани васф этилган.

Ҳазрат Навоий “Муҳокамату-л-лугатайн”да Ҳусайн Бойқарони “...салим (табьи) гавҳари кони маоний эрди”, дея таърифласа, “Мезону-л-авzon”да: “ул ҳазратнинг шариф мажлислари маоний жавоҳирининг кони” бўлганини айтади. Алишер Навоийнинг номланишида “маоний” истилоҳи қўлланган “Ҳазойину-л-маоний” номли мукаммал йигма девонида ҳам ушбу куллиёт дунё юзини кўришида Султон Ҳусайн Бойқаронинг хизматлари қайд этилади. Куллиётдаги девонлар “маоний жавоҳири”нинг шоҳларга монандлиги, сўзларнинг накшу нигори (бадиий гўзаллиги), таркибининг мукаммаллиги ва ўқиганларга баҳра беришида султоннинг хизматлари бекиёс бўлгани учун ҳам “Ҳазойину-л-маоний” деб номланганини таъкидлайди.

Маълум бўладики, ҳазрат Алишер Навоий буюк салафлари ва атоқли замондошларининг маоний илмида эришган даражаси, маъни аҳли орасида тутган ўрни хусусида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Бу маълумотлар маоний илмининг инсоният ахлоқий-маърифий такомилида тутган ўрни нечоғлиқ мухим эканини тасдиқлайди.

Аҳли маъни ва аҳли сурат тушунчалари ўртасидаги зиддият ва уларнинг бир-бирини такозо этиши каби икки ҳодиса ўртасидаги боғлиқлик моҳиятини ўрганиш ҳам ҳазрат Алишер Навоий дунёкарашини теранроқ англашга хизмат қилиши жиҳатидан муҳимдир. Бу борада энг асосли фикрлар буюк шоирнинг ўз асарларида берилган. Буюк мутафаккирнинг ушбу мазмундаги қараашларини қўйидагича гурухлаштириш мумкин: 1) асл моҳият суратда эмас, маънида экани; 2) маъни дурларини сўздан эмас, кўнгилдан излаш зарурлиги; 3) маъни ва суратнинг бир-бирини тақозо этиши.

Ҳазрат Навоийнинг аксар шеърларида моҳиятни суратдан эмас, маънидан излаш зарурлиги таъкидланади. Улуғ шоир фикрича, зоҳирбинлик кишини моҳиятдан узоқлаштиради:

*Ҳусни зоҳирдин не ҳосил, эй хуши улким, ҳар нафас
Шоҳиди маъни юзидин ўзни фаррухфол этар.*

Ушбу байтда маъни шоҳиди – маъни маҳбубаси васлидан ўзини ҳар нафасда баҳтиёр хис этаётган киши наздида зоҳирий ҳусннинг – суратнинг қиммати йўқлиги ифодаланган. Бошқача айтганда, асл моҳият суратда эмас, маънида экани изҳор этилган.

*Не маъни кўрдиларким, суратингга бўлдилар вола,
Чу маъни оламида истамас аҳли яқин сурат.*

Сурат ва маъни бир-бирига зид. Шу боис шоир суратга мафтун бўлишни мақбул деб билмайди. Чунки унинг наздида, маъни оламига мансуб аҳли яқин – валийуллоҳлар сурат истамайди. Зоро, “Махбубу-л-кулуб”нинг “Дарвешлар зикрида” сарлавҳали бобида улуғ мутафаккирнинг ўзи: “Маъни аҳли ҳақиқати маҳфий ва сурат аҳлининг ҳақиқий даъви ва даъвийи ҳақиқатда бемаъни” экани ҳақида сўз юритса, ушбу асарнинг “Зикр шарҳида” деб номланган бобида: “... суврат аҳли сувратга назар солурлар ва маъни аҳли маънидин баҳра олурлар”, дея маъни аҳлининг афзаллигига алоҳида урғу беради.

*Иста йиртуқ жанда кийганларда маъни маҳзанин –
Ким, бу янглиг ганж ўлур ул навъ вайронлар аро.*

Суратга зеб бериш одамзоднинг маъни оламидан йироқ эканига далил. Шу боис буюк шоир маъни хазинасини “йиртуқ жанда кийганлар”дан исташни тавсия этаётир. Чунки бу янглиг ганж – маъни хазинаси айни ҳолдаги вайронлар орасида бўлади. “Лисону-т-тайр”да ифодаланган: “Одам ўлғон зеби зохирдин демас, Кимки ондин фахр этар – одам эмас”, деган ҳикмат замирида ҳам айни ҳақиқат мужассам.

Ҳазрат Навоийнинг концептуал аҳамиятга молик фикрига кўра, аслида сўз ва маъни бир-бирини тақозо этса ҳам, маънонинг асл макони қўнгил. Яъни маънини сўзсиз ҳам ифода этиш мумкин. Мана бу байтда шу ҳақда фикр юритилган:

*Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънида сўз,
Дурри маъни истар ўлсанг, айлагил гуфтор бас.*

Сўз маънидан бебаҳра бўлиши ва ўз навбатида, маънида сўз бўлмаслиги мумкин. Шу боис маъни дурларини истаган одам гуфторни – сўзламоқни бас қилмоғи зарур. Эътибор берилса, кўп гапирадиган одамнинг сўзларида маъно чуқур бўлмайди. Бундай кишининг нутқида чуқур, ҳикматга йўғрилган маъно ўрнида аксар кераксиз, ортиқча сўзлар кўлланади. “Сукут – олтин, сўз – кумуш” ҳикмати замирида ана шу ҳақиқат мужассам. Бу жиҳатдан ҳам юқоридаги байт теран ҳаёт фалсафасини ифодалаган, дейиш мумкин.

Ҳазрат Навоий “Лисону-т-тайр”да мана бундай ёзади:

*Англаким, сўз ўзга, маъни ўзгадур,
Маъни онгмос шогил улким сўзгадур.*

Буюк мутафаккир фикрича, сўз ўзга – маъни ўзга. Шу боис кимки сўзга машғул бўлса, маънидан бебаҳра қолади, маънини англай билмайди. Маънидан баҳра ололмаслик эса одамзодни ҳақиқат йўлидан адаштиради. “Фавойиду-л-кибар” девонидан ўрин олган 287-газалнинг мана бу байтлари ҳам ушбу мазмунни тасдиқлайди:

*Кўнгул оллида ғамин қилма талаффуз, тилким,
Еткуурур аҳли маонийга малолат, лаффоз.*

*Сўзда маъни била кўп лафзга майл айламаким,
Зоҳир оройишини айлади одат лаффоз.*

*Лафз зебида Навоийга берур маъни юз,
Қайда маънида топар мунча маҳорат лаффоз.*

Ушбу байтларда калит сўз вазифасини ўтаган “лаффоз”, одатда, уч хил маънода келади: 1) гапиришга уста, сўзамол; 2) кўп гапирувчи, эзма; 3) лофчи.

Қайси мазмунда келишидан катъи назар, бу сўз “аҳли маоний”га қарамакарши, зид маънони ифодалаган. Дастробки байтда лаффозга мурожаат этилиб, қўнгил олдида унинг фамидан сўз очмаслик зарурлиги, чунки тил маоний аҳлига малолат етказиши таъкидланяпти. Бу ўринда “кўнгил” ва “тил” ҳам ўзаро тазод ҳосил қиляпти. Чунки аҳли маоний – ишқ аҳли, дард аҳли, кўнгил одами. Маоний аҳлининг кўнгил кўзи очиқ бўлади. Шу боис маънини англашда тилга, сўзга эҳтиёж сезавермайди. Кейинги байтда лаффознинг сўз оройишини одат

Нурбой ЖАББОРОВ

қылганига ургу берилмоқда. Ҳазрат Навоий фикрича, сүзга зийнат бермоқ зарур, лекин бу энг асосийсі эмас. Күп лафзға майл айламасликни тавсия этаётгани сабаби шунда. Сурат ахлининг рамзи бўлган лаффоз эса ўзининг сўзамоллигини намойиш этмоқ истайди. Маоний ва лафз ахли ўртасида ана шу жиҳатдан катта тафовут бор.

Ғазал мақташида улуғ шоирнинг ижод концепциясига дахлдор муҳим бадиий умумлашма ифодаланган. Қачонки лафзга зеб берар экан, Навоийга маъни юз кўрсатади. Яъни буюк мутафаккир шеъриятида сүзга берилган бадиий зийнат ва теран маъно юксак даражада уйғунлашади. Лаффоз эса маънида бундай маҳоратни топмоғи душвор. Буюк шоир хулосасига кўра, маъни дурлари лаффознинг сўзида эмас, маоний ахлининг кўнгил кўзидадир.

Ҳар бир нарса ўзаро жуфт яратилган ва бунда теран ҳикматлар бор. Кеча ва кундуз, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб, латофат ва қабоҳат ва ҳоказо. Маъни ва сурат ҳам худди шундай жуфтликни ҳосил қиласида ва моҳиятан бир-бирига зид бўлса ҳам, бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайди. Зоҳиран суратни инкор этишдек туюлган фикрлар асосий эътиборни маънига қаратиши зарурлигига ургу бермоқ учундир. Маънига устувор аҳамият бермоқ суратга мутлақо эҳтиёж йўқлигини англатмайди. Ҳазрат Навоий асарларида масаланинг ана шу жиҳати ҳам теран бадиий талқин этилган. Бу эса, ўз навбатида, буюк мутафаккирнинг фалсафий тафаккури миқёси нечоғлиқ юксак бўлгани исботидир. Мана бу байт ҳам ушбу фикрни тасдиқлади:

*Не навъ сувратидин кўз олайки, маънидин
Бўлурга бир хабар ўлмиши манга сабаб суврат.*

Ошиқ маъшука суратидан кўз ололмаслигининг боисини маънидан хабар бўлишига сурат сабаб экани билан изоҳлаяпти. Бу ўринда маъни билан суратнинг бир-бирини такозо этиши, бири иккинчисиз мавжуд бўла олмаслиги ҳаётий ва бадиий мантиқ асосида далилланяпти.

*Бас, ажаб сувратдурур, қайсиға жон айлай фидо,
Сувратинг нақшига ё ул нақшининг наққошига.*

Ёр сурати ҳайратга лойиқ. Лекин ошиқ кимга жон фидо қилмоғи зарур: бу суратнинг нақшига – гўзаллигигами ёки нақшининг наққошига – ана шу гўзалликни яратган Ҳақ таологами?

Риторик сўроққа асосланган ушбу байт ҳам ҳазрат Навоийнинг концептуал қарашини ифодалагани билан аҳамиятлидир. Мазкур савол замираиде буюк мутафаккир дунёқарашининг, фалсафий тафаккурининг негизи ифодаланган. Аслида, нақш воситасида Накқошга бўлган мухаббатни талқин этиш буюк Навоий мансуб нақшбандия тариқатининг асосини ташкил этгани маълум. Байт ана шу моҳият ифодалангани жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Фавойиду-л-кибар”даги “Мажоздин мақсади ҳақиқат эканин изҳор қилмоқ ва суратдин ғараз маъни эканин падидор қилмоқ” сарлавҳали қитъада ҳам айни моҳият ўзига хос поэтик талқин этилган:

*Мажоздин манга мақсад әрур ҳақиқий ишиқ,
Нединки, ахли ҳақиқатқа бу тариқат әрур.*

*Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нағийи улки, беҳақиқат әрур.*

Гарчи қитъа матнида “маъни” ва “сурат” сўzlари учрамаса-да, сарлавҳадаги қайддан, аслида, бу маъно ҳам эътиборда тутилгани аён бўлади. “Мажоз” ва “ҳақиқат” тушунчалари моҳиятан “сурат” ва “маъни”га мувофиқ келади. Яъни улуғ мутафаккир фикрича, ҳақиқий ишққа мажоз воситасида эришилади ва ҳақиқат аҳлининг тариқати – шу. Ошиқ ҳақиқатга йўлни мажоздан топади. Шу боис мажозни инкор этган киши беҳақиқатдир – ҳақиқатдан ҳеч қачон баҳра ола билмайди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида аҳли маъни ким ва уни қандай таниш мумкин, деган саволларга аниқ-тиниқ жавоб берган. Муҳими, улуғ шоир маъни ва сурат тушунчаларининг ўзаро нисбати масаласига ҳам муносабат билдириб ўтган:

*Бирор аҳли маъни деёлур ўзин –
Ки, Ҳақ очмиши ўлгай басират кўзин.*

*Не сурат ангаким бўлур ошкор,
Ани англаса сунъи суратнигор.*

Аҳли маъни ким? Ҳазрат Навоий фикрича, Ҳақ таоло басират кўзини очган кишигина бу тоифага мансуб бўлмоғи мумкин. У қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак? Агар бирор суратни кўрса, маъни аҳли уни суратнигорнинг – Мусаввирнинг санъати деб англайди. Нақшни кўриб баҳра олса, Наққош ҳақида, гўзал жуссани кўрса, уни Яратгувчи хусусида тафаккур қиласи. Бошқача айтганда, маоний аҳли суратниң ўзига маҳлиё бўлиб қолмайди, балки унда яширинган маъни тўғрисида фикр юритади. Бинобарин, ботин дийдаси очиқ, юқорида зикр этилган сифатларга эга бўлган инсонларгина маоний аҳлига мансуб бўла олади.

Алишер Навоий ижодидаги “аҳли маъни” ва “аҳли сурат” муносабатлари талқинига доир карашлар таҳлилидан хulosса қилиш мумкинки, “маъни” истилохи “сурат”нинг зидди бўлиб, зоҳирий мазмунни эмас, ботиний моҳиятни ифода этади. “Маоний” тушунчаси эса истилоҳда фикрни бадиий ифодалашнинг асоси ҳисобланган балофат илмининг таркибий қисми бўлган маоний илмини англатади. “Аҳли маоний” бирикмаси янада кенгроқ моҳиятни мужассам этади. Буюк шоир асарларида бу истилоҳ асосан сурат ва зоҳир аҳлининг зидди ҳисобланган маъни ва ботинга эътибор қаратувчи ҳақиқат аҳли, авлиёуллоҳ мазмунида талқин этилган. Кўнгил кўзи, басират дийдаси очиқ валий зотларни, мажоз воситасида Ҳақни англагувчи ҳақиқат ва маърифат аҳли ҳазрат Алишер Навоий томонидан маоний аҳли сифатида васф қилинган. Барча масалаларда бу тоифанинг фикру қарашлари, муносабатини мезон деб билган. Буюк мутафаккир талқинига кўра, маъни аҳли учун бойлик ва ҳашамнинг, молу мулк ва мансаб-мартабанинг заррача ҳам эътибори йўқ. Улар маърифат ва ҳикматнинг, ҳақиқат ва ҳимматнинг тимсоли даражасига кўтарилган юксак камолот соҳибларидир. Ҳазрат Алишер Навоий сийрати ва ахлоқига кўра ҳам, ҳақиқат ва маърифатда эришган мартабаси нуқтаи назаридан ҳам, ижодий камолоти ва тафаккур миқёси мезонидан ҳам маоний аҳлининг соҳибқирони, дейишга муносиб сиймодир.



Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин

**Нодира
МАТМУСАЕВА**

Тарихий манбаларда баён қилинишича, Гавҳаршодбегимнинг Шоҳруҳ Мирзодан уч ўғли ва икки қизи бўлган: Мирзо Улуғбек, Бойсунғур Мирзо, Муҳаммад Жўкий Мирзо ҳамда Саодат Султон Оғо, Кутлуғ Туркон Оғо.

Тарихчи олим Азамат Зиё йирик тарихий манбаларга асосланиб, шундай хуносага келади: “Гавҳаршодбегимнинг илму маърифатга ҳомийлик қилиш, бунёдкорлик билан боғлиқ ишларига кўпдан-кўп эркак сиёсатчилар ҳавас қилса арзигулиkdir. Унинг сайъ-ҳаракати билан Ҳиротда масжид, мадраса, хонақоҳ, Машҳадда масжид, мадраса ва қатор иншоотлар барпо этилган... Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси ўз даври учун ҳам, кейинги замонлар учун ҳам йирик илм-фан маркази ҳисобланган”.

Маълумки, Шоҳруҳ Мирзо энг муносиб ворис ўлароқ Соҳибқирон Амир Темур тузиб қолдирган буюк давлатни сақлаб қолиш ва кучайтиришга, мамлакатда шаҳарсозлик, ҳунармандчилик, савдо, дехқончилик, илм-фан, маданиятни тез суръатлар билан ривожлантиришга эришган.

Улкан давлатни бошқариш ва энг муносиб таҳт ворисини танлаш масаласи темурийлар салтанатининг энт оғрикли нуқтаси бўлган дейиш мумкин. Бу муаммо, ҳатто 40 йил давомида ҳаммаслак ва ҳамфикр ўлароқ ўзаро ҳамкорликда давлатчилик сиёсатини тўғри олиб боришини мақсад қилган Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегим ўрталарида ҳам ихтилоф келтириб чиқарган. Хондамирнинг ёзишича, мардлиги ва шижаоти билан бошқалардан устун бўлган Муҳаммад Жўкий доимо отаси хизматида бўлиб, ўз ўрнида Шоҳруҳ ҳам ўғлига алоҳида меҳр кўзи билан қараган.

Шоҳруҳ Мирзонинг таҳт вориси сифатида Муҳаммад Жўкий мирзони танлашига Гавҳаршодбегимнинг қаршилик қилишини “Бош маликанинг оналиқ меҳридан кўра сиёсий манфаатлар устун келганлиги билан боғлиқлиги, яъни таҳт вориси сифатида набираси Алоуддавлани кўзлаганлиги”дан деб ҳисоблайди. Шаҳодат Исахонова эса аёл ижодкор ва она сифатида масалага бошқачароқ ёндашади. “Гавҳаршодбегим она сифатида Муҳаммад Жўкийнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган” деган бадиий талқинни илгари суради ҳамда малика ва шаҳзода мақомидаги она-бала ўргасидаги кучли руҳий зиддиятни тасвирлайди.

Нодира МАТМУСАЕВА – 1963 йилда туғилган. Фарғона давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида чоп этилган.

"Шаҳзодам... Менинг қувончим... – кўзларига ёш тўлди Гавҳаршод бегимнинг. – Билурсиз, мен сизни ҳаммадин кўра...

– Ёлғон! Ҳамма гапларингиз алдов! Қувончининг кимлигини, ҳаммадин кўра кимни яхши кўришингизни исботлабсиз, раҳмат сизга, волидам! Сиз учун касалванд, ношуд, итнинг кейинги оёғи, исталмаган пайтда дунёга келган бир ўғил эрканмен! – Жўкий мирзо асабийлашганидан бўйин томирлари чувалчангдай бўртиб, кекирдаги ўйнаганича, маликага газабнок тикилди. – Тўхтанг, балки тукқан ўғлингиз эмасдурмен, шундай эрмасму? Ё, Аллоҳ, нега шул фикр аввалроқ ақлимга келмади эркан-а? Ҳа, ха, бир бечора канизакнинг ҳароми етимчasi бўлсан керак!

– Астағфируллоҳ! Аллоҳдин кўрқунг! – ўғлиниң таънасидан Гавҳаршод бегимнинг этларигача титраб кетди.

– Аллоҳдин кўрқунг?! – Жўкий мирзо юраётган ерида шартта тўхтади. – Менга айтаётимусиз шул гапни?! Сиз, ўзингиз қўрқасизму Аллоҳдин?!

– Мен қўрқамен... – деди Гавҳаршод бегимнинг овози титраб". (183-б.)

Фалсафий мантиққа кўра, руҳан "катта" шахсларнинг хатоси ҳам ўзига яраша залворли бўлади. Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегим жуфтлиги ҳам давлату салтанат равнақи учун курашар эканлар, оғир синовларга дуч келишади. Бирин-кетин фарзандлар ва набиралар доғини кўриш тақдирларига ёзилган бўлса, не ажаб. Муарриҳлар Абдураззок Самарқандий ёзиб қолдирган маълумотларга таяниб, тахтга даъвогарлардан бири бўлган Султон Муҳаммад Мирзонинг бобоси Шоҳруҳ Мирзога қарши исёни билан боғлиқ воқеа тафсилотларини келтирадилар. "Гавҳаршодбегим" романида 40 йиллик салтанат поёнида қора доғ бўлиб тушган ана ҳодисанинг аянчли якуни Алоуддавланинг сўзлари таъсирида Гавҳаршодбегимнинг ўйга толиши орқали гавдалантирилади. Мазкур воқеанинг асарга олиб кирилиши ўқувчини ҳам ўйга толдиради, хаёт фалсафасининг аччиқ сабоқларидан хулоса қилишга ундейди.

Шаҳзодаларнинг ноиттифоқлигидан фойдаланган Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайд Мирзо (1424–1469) Хуросонни босиб олади. Султон Абусайд Мирзо Самарқанд таҳтини ўзининг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзога (1451–1493) бериб, Ҳиротни ўзининг пойттаҳти деб эълон қилади. Бу вақтда малика Гавҳар Шод бегим 80 ёшга яқинлашиб, анча қарип колган эди.

Рухий изтироблар, бирин-кетин авлодларини йўқотишлар Гавҳаршодбегимдек иродаси кучли аёлни ҳам енгиб қўяди, лекин Шаҳзодат Исахонованинг бадий тафаккури чизгиларида малика буни сиртига қиқармайди ва душманга тик боқади ва тик сўзлади.

"Малика қўлларининг учигача музлаётганини ҳис қилиб, бир хаёл орқасига қайтмоқчи бўлди, лекин ичидаги тугён ураётган ва наштарга айланиб, бўғизига қадалаётган сўзлар истагига изн бермади.

– Нимаси қизиқ, олампаноҳ? – деди Абусайд мирzonинг юзидаги истеҳзоли ҳайратни илғаган малика. – Аслинда, мен берган жавоб қизиқ эрмас, сиз менга сўйламоқчи бўлаётган муддао қизиқ! Шундай эрмасму? Сиз сўйган хўрозни мен аллақачон парт қилиб бўлдим. Шулбоис, менга очикроқ сўйлайберинг! Муддаонгиз не? Не бўлса-да сўйланг?! Зоро, мен Яратганинг бул ёлғончи ва бевафо фаносидин аллақачон этак силтаб қўйган одаммен".

Романда Гавҳаршодбегим билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг тарихий-биографик тасвири фонида шаҳзодалар Бойсунғур Мирзо, Алоуддавла Мирзо, Абдуллатиф Мирзо, маликалар Ҳусн Нигор бегим (Мирзо Улуғбек рафиқаси), Руқия Султон бегим (Алоуддавла Мирzonинг қизи) каби тарихий шахсларнинг мураккаб тақдирлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Нодира МАТМУСАЕВА

Масалан, романдағи Абдуллатиф Мирзо образини олайлик. Шаҳзоданинг гарчи Гавҳаршодбегим тарбиясини олган бўлса-да, тарбиясизликка юз тутиши, феъл-атворидаги беандишалик, бераҳмлик илдизлари динамик тарзда очиб борилади.

Қиблагоҳининг сўзларидағи аччик-тизик, кўзларидағи алланечук совуқ ифодани илғаган Абдуллатиф мирзонинг ёдига волидасининг гаплари тушди. “Алар ҳеч қачон бизга дўст бўлмайдур, шаҳзодам! Ҳатто қиблагоҳингиз ҳам... Қиблагоҳингиз учун бул дунёда ёлғиз, Абдулазиз бор! Кўзлари андин ўзга фарзандларни кўрмайдур! Шунинг учун ҳам сизни Самарқандга йўлтишмайдур, ўшал жалажин кампирнинг даргоҳинда етимдек ў smoқdasiz!..”

Дастлаб “Дунёвий ва диний илмда қиблагоҳи каби салоҳиятли, ҳатто дин уламоларига Улуғбек мирзодан ҳам кўра, кўпроқ эътибор берадиган, жума намозларини сира канда қилмайдиган” йигит воқеалар занжирида аламзада, тоҷу таҳт учун ҳатто отасини ўлимга хукм қилишдан ҳам қайтмаган падаркушга айланиши даражама-даражада кучайиб борадики, Абдуллатиф Мирзо тақдирининг кульминацияси Гавҳаршодбегимнинг ўлими олдидан уч кун бир хилда тақрорланган туши тасвирида яққол гавдаланади, ўқувчининг юрагига ҳам ўқдай кириб боради.

Бадиий асар қаҳрамонларининг характеристи, дунёкараши, ички дунёси табиат ёки ижтимоий-маданий муҳит ўртасидаги ўзига хос алоқадорликда тасвириланар экан, бадиий образлар тизими орқали муаллифнинг бадиий-эстетик тафаккур кўлами, ижодкор индивидуал услубини шакллантирувчи воситаларни таҳлил қилиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тарихий-биографик асарларда тарихийлик тамойиллари ва меъёрларига амал қилиниши, қаҳрамонлар фаолияти, ички дунёси давр ва муҳитнинг энг устувор, етакчи жараёнлари диалектикаси билан алоқадорликда очиб берилиши талаб этилади. Бундай ёндашувда ижодкорнинг бадиий тафаккури призмаси орқали тарихнинг ҳаққоний эпик тасвири, бадиий манзаралари китобхон кўз ўнгидага гавдалантирилади.

Воқеликни жонли ва ишонарли тасвирилаш, ҳаётӣ парчани типиклаштириш, асар қаҳрамонлари характеристини очиб бериш, асарнинг эмоционал таъсир кучини оширишда бадиий деталлар мухим роль ўйнайди.

Шаҳодат Исахонованинг “Гавҳаршодбегим” романида асар қаҳрамонлари, хусусан, аёллар образларининг ўзига хос нозик жиҳатлари, руҳий кечинмалари, характеристер чизгиларини очиб беришда бадиий деталь унсурларидан самарали фойдаланилган.

Одатда, аёллар кексайган сари ҳаётидаги рўй берган воқеаларни эслатувчи хотираларни тез-тез ёдга оладиган, атрофидагиларга қайта-қайта сўзлаб берадиган бўлиб қоладилар.

“– Бул рўмол мен учун не қадар қадрли эрканлигини билурсен-а, Ойпопук? – кетатуриб, таъкид оҳангидага яна тайинлади Гавҳаршодбегим.

– Билурмен, маликам, билурмен! – канизак қиз бош иргаб, тасдиқ ишорасини қилди. – Бул рўмол хоқони саидимизнинг сизга тўй совғаси ҳисобланадур!

– Нафақат тўй совғаси... – канизакнинг жавобидан Гавҳаршод бегимнинг кўнгли тўлмай, янаям аниқроқ маънилатгиси келди. – Ул жаннати бегимдин менга хотира...”

Аслида, буюк бир салтанат вакиласи бўлмиш Гавҳаршодбегимдай малика учун оддий бир рўмол муаммо эмас. Бироқ, аёл қалбининг нозик кечинмаларини, болалик оламидан балоғат сари қадам кўйган маъсум онларини, Шоҳруҳ Мирзо билан илк танишувларини ёдга соладиган ноёб совға сифатида асрар келингани рўмолнинг қадрини минг чандон оширади. Ана шу деталь воситасида ретроспектив тасвир, яъни маликанинг хотиралари орқали Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегимнинг илк учрашувлари ва унаштирув маросимлари тасвириланади.

Гавҳаршодбегимнинг рўмол ҳақидаги ҳикояси тўйларига уланишини билган канизак қиз бугун ҳам куни хотиралар тинглаш билан ўтишини фаҳмлаб, бошини ирғаганича, маликани шамолдан пана қилиб, сарой томон юрди. Чунки қирк кеча-ю, қирк кундуз давом этган ҳашаматли тўйнинг таассуротлари дарров тутамасди...

Шу тариқа, муаллиф тафсилотлар кетма-кетлиги ёки хотира воситасидаги ортга чекинишлар асосида Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти ва руҳиятидаги ёркин кирраларни бирма-бир очиб боради.

Кўпинча, деталь атамаси нарса-буюм, интеръер, пейзаж, портрет кабиларга оид моддият билан боғлиқ тушунчаларга нисбатан кўлланади. Бироқ, юқорида адабиётшунос олим Т.Бобоев тавсифида “руҳият деталлари” атамаси ҳам берилган. Демак, психолигик деталь орқали кечинмаларга оид тафсилотлар конкретлаштирилади, ўкувчи онгига етказилади.

“– Улуғ бибим, бошимга яна кундош балосини ёғдиришаётирлар... Энди чидолмасмен... Юрагим бардош бермайдур... Кетамен... Ахир, бул не ҳаёт...

Бибихоним аламдан лаблари пирираб учайтган Гавҳаршодбегимнинг олмадай қизарган ёноқларига, кўзёш ҳам ярашган ўтли кўзларига бир лахза жимгина термилиб турди.

– Ҳа, чиндан ҳам бул не ҳаёт? Бул не умргузаронлик? – Бибихонимнинг ажинлардан холи кулча юзларига изтироб қалқиб, ўрнидан қўзғалди ва унинг тепасига келди. – Ҳа, кетмоқ керак... Кетмоқдин бошқа илож йўқ... Яхши, мен ҳам сиз бирла кетамен, бирга кетурмуз! Кундош балоси менинг ҳам бўғзимга келди! Шунча йил бул азобга қандай чидадим, билмаймен?! Оҳ, ўлмаган жоним менинг...”

Бибихоним ва Гавҳаршодбегимнинг қисқагина сўзлашувида психологик деталнинг гўзал намунасини кўришимиз мумкин. “Қуш тилини қуш билади” деганларидек, Гавҳаршодбегимнинг кундош балосидан чекаётган изтиробларини зукко Бибихоним дарҳоланглайди ва бош олиб кетиш борасидаги кинояли-мажозий гаплари билан ўзининг шон-шавкатли ҳаёти ҳам ана шундай изтироб-у аламларга қоришиқ ҳолда кечайтганига ишора қиласди. Фаросатли Гавҳаршодбегим бу психологик “хужум”нинг мантиқини тўғри англайди, хато ўйлагани ва шу холга кўнишга мажбур эканлигини тушуниб етади.

Маълумки, “инсон ва умр”, “инсон ва авлодлар” фалсафий диалектикасида дараҳт тимсоли рамзий образ сифатида қадимдан кўлланиб келинади. Шу билан бирга она учун, у ким бўлишидан, қандай мавқега эга бўлишидан қатъи назар фарзанд биринчи ўринда туради, уни юрагининг энг тўрида ардоклайди. Инчунун, фарзанди аржумандларидан бирин-кетин айрилган (бу вактда ўғилларидан фақат Улуғбек Мирзогина ҳаёт эди) Гавҳаршодбегимнинг чукур изтироблари бисёр эди. Унинг ҳаётдаги ҳар бир нарсадан таскин излаши, ўғилларининг соғинчи юрагини ўрташи табиий ҳол. Шунинг учун ҳам қаерга бормасин, нимага кўл урмасин, фарзандлари билан боғлиқ хотиралар ўз домига торгади. Хусусан, боғдаги дараҳтлар ҳам унга ўғли Бойсунғур Мирзони эслатади. Айтиш мумкинки, бундаги Бойсунғур Мирзодан қолган боғ ва ранг-баранг дараҳтлар детали ёзувчининг бадиий-фалсафий гоясини ургулашга, фарзандлар доғида куяётган Гавҳаршодбегимнинг оналик изтиробларини умумлаштиришга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда ўзбек адабаларимиз ҳам йирик ва мураккаб жанрларга кўл ураётган эканлар, буни фақат олқишлиш керак.



...Етиб бўлмас узун йўлсан

Зулхумор
ОРИФЖОНОВА

* * *

Тун қай томон оғиб борар:
тонг қадарми,
шом қадарми?
Кўкка боқсам юлдуzlари кўринмасму,
аммо нурлар оқиб борар:
қаршимдаги ё хатарми?
Кўзларимни узолмадим уфқлардан –
Шарқу Гарбнинг манглайига қон югурап.
Мудраётган йилларини уйғотолмай,
бир ўлканинг боши узра
асрларки,
тонг югурап.
Оҳ,
бир тонгки,
сувлар босди келаётган йўлларини,
шамоллардан боғлар бир-бир қулайверди.
Остонангга етолмаган нурларини
ичга ютиб,
кўқда қуёш нурайверди.
Нима десам,
уйғонасан тушларингдан,
нима десам,
ўнгланади жавобларинг?
Парчаланган кўзгуларга
кўзим тушган,
асролмадим.
Совурганча ҳаволарни,
еллар келди тўрт томондан.
Йўллар қайга оғиб борар,

Зулхумор ОРИФЖОНОВА – 1997 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битирган. “Соғинч сувратлари” тўплами нашр этилган. Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти курси тингловчиси.

пешонамга битилган бу саратонда,
юрагимга бир ёмғирлар ёғиб борар.
Оҳ,
бир тонгки,
тунлар тўсди келаётган йўлларини...

* * *

Борсам,
кўзларимга ботган кечанинг,
охирига етмай тонгнинг қошига.
Субҳлар сўроқлаб ўтсалар тағин,
– Сен кимнинг ошиғи?
Осмон хувиллайди,
киприк қоқсаму,
кулаб тушадиган каби кўксимга.
Ортимдаги қолган йиллар бирма-бир
саводдек тортилса уфқнинг бўғзига –
сен қайси томондан берасан хабар,
мен кай йўл бошида турибман мулзам?
Қачондир ўнг келган тушларим санаб,
кошингда бошимни кўтариб турсам –
шунда, ўз вақтида келадими тонг?
Шунда,
даражатлар ҳам кўтариб қаддин,
кўкламни келтирган еллар олдида
гулласа,
тан олиб бор ҳақиқатни.
борсам...

* * *

Бу тун оғир тун эди,
оҳ,
Дараҳтларда мезон оғир,
юрагимда гумон, оғрир,
биласанми?
Ойна юрти
тушлар сузар,
ўнг фақат мен,
қайтармикан ўзимники бўлган тушлар?
Оҳ,
ёмғирлар ёға бошлар ташқарида,
деразамни муштлаб-муштлаб.
Очолмайман юрагимни,
томчиларнинг куйларига боғлар тўлсин.
Англадимки,
сен мен учун умримдаги
етиб бўлмас узун йўлсан.
Сен қанчалар куюнмагин,
бу дунёнинг ишларига,
хавотирим,
қанотлари ҳориб келган,
худди мезон қушларидай

кишдан эмас.
Унугищдан,
кунлар келиб бу боғлардан,
изларингнинг ўчмоғи бор.
Ўшанда ҳам рухим масрур,
ўшанда ҳам кўнглим хумор,
бир ишқ бўлиб қоладирман,
кўнасанми?

* * *

Остонантга бошим қўйдим,
йўллар мени танимади,
баҳорлари боғларига ҳазон тўқди.
Кўзларимдан уфқларнинг манглайига
дардлар чўқди.
Бошим оққан томонларнинг охири йўқ,
қанот бўлсам, хаёлларим изн берса.
Кўксимдаги чечакларнинг нафасидан
саратоннинг ҳовучлари қизил бўлсин.
Кўлларимга дутор олсам,
соchlаримдан тори бўлса,
куй ёғилса кўзларимдан.
Ортга боқсанг,
бу кечанинг юлдузлари
кўзёш бўлиб тўкилади изларингга.
Йўлларингга бошим қўйдим,
бошин эгди гуллаётган ёсуманлар.
Бир ишқ бўлиб,
оҳ,
энг гўзал хониш бўлиб,
юрагингга кириб борсам,
орзумандман.

* * *

Мен йўлнинг бошида,
кафтимда
бўғизланган гулнинг япроқлари жонсиз.
Дунё ҳам бу кеча афтидан,
уфқларга қадар томонсиз.
Тўхтаган ҳаттоги қўлимда соат,
на юлдузга қараб,
на ойга ёлвориб,
билиммам,
нечани кўрсатмоқда вақт.
Боғларда эгила бошлайди шохлар,
мен эса,
тортилган дорлардан, узундан-узун,
йигаман танасиз ўзимни-ўзим.
Ўнгимни тушимда сойларга айтиб,
қайтсан,
дарёга айланиб –
ўзанларга солмоқ кимнинг истаги?

Оҳ,
йўлим томонсиз,
бори имкон деб,
минг йилки,
ўзимга қанот изладим.
Изладим,
топмоқлик илинжи билан,
оҳанглар оқизиб кетган йўлларни.
Таскиним,
ўшанда руҳимни ҳеч йўқ,
тутиб қололмасди сенинг қўлларинг.

* * *

Минг йилдирки,
мен тушда яшадим.
Денгизлар елкамдан тошиб ўтдилар,
кунларим тунимга қочиб ўтдилар.
Ва, туйқус уйғондим –
асли, кўзларимга инмаган уйқу.
Оҳ,
тилсиз уйғондим,
Кимнингдир юзида ўйнади кулгу.
Сенинг изларингдан эргашганим рост,
рангларни атадим,
сен кўрган хилда.
Аммо,
йилдан-йилга,
кунлардан-кунга,
бу умрим бироз,
оғирдай.
Ахир,
айт,
ким эдинг,
мен сендан кеча олмадим,
ва,
ё кетолмадим,
енгдими кўркув?
Оҳ,
нега қошимда турибсан магур,
ҳатто,
бўғзимгача тўлганида сув?
Сув,
Қара пешонамни ювди тўлқинлар,
Мен эса ўйлардим,
тупроқ майдалаб:
умримнинг ўтови бу кўча,
бу уй,
сен эса тинмайсан,
уйғонган тушларим аллалаб.



Сизни күргим келаверади

Дилобар
ЖҮРАЕВА

Яшамоқ завқи

Бедазорга ёнбошлаб олиб,
Туйганмисиз майсанинг бўйин?
Қулоқларни ларзага солиб,
Тингланг она заминнинг куйин.

Шилдираган булоқ сувига,
Еганмисиз кулча ботириб?
Тонг саҳарлаб боғ кезганмисиз
Капалакни қувлаб, югуриб.

Гул лабида шудрингни кўриб,
Ҳайратдан ҳеч тош қотганмисиз?
Райҳонларни чаккага тақиб,
Кумриларни уйғотганмисиз?

Лолаларни юринг кулдириб
Ҳар ўтган он жон қадар шавқли,
Чор тарафни баҳтга тўлдириб,
Қандай гўзал яшамоқ завқи!

Тонг

Тим қора осмоннинг бағри тораяр,
Мана, ой олдида бир юлдуз ҳалак.
Юз очиб бораркан тобора шафақ
Мана, кор рангига кирмоқда фалак.

Дилобар ЖҮРАЕВА – 1987 йилда тугилган. Бухоро вилояти Олот тумани коллежини тамомлаган. Шеърлари Республика матбуотларида чоп этилган.

Мангу қораликка чўумган шаҳарнинг
Гўё озодликка чикқани мисол.
Қора лашкар секин чекиниб борар,
Биллур малак этак ёяр безавол.

Мангулик юртида чекинади тун,
Соатлар сахар деб ураверар бонг.
Минг шукр борлиқнинг яралгани-чун,
Хур обод диёрда отар янги тонг!

* * *

Кўл силкитдинг кетар чоғимда
Қараб турдинг ортимдан узок.
Билмас эдим бу энг сўнгги кун
Сўнг етишин жонимга фироқ.

Хайрлашган дилларми, қўллар?
Тўхтаб қолди Ер аталган шар,
Кўл силкитдинг, негадир улар,
Ҳилпираған байроққа ўхшар.

* * *

Келасанми, йўқми сўрайсиз,
Дилда ҳислар елаверади.
Қайтмасам ҳам ортимга лекин,
Сизни кўргим келаверади.

Армон йиғлар қалбим тўрида,
Дард ханжари тилаверади.
Умрим ўтиб бормоқда секин
Сизни кўргим келаверади.

Бағир қонига лиммо-лим жом,
Ташна лабим сўраверади.
Йўлламайсиз ҳатто бир пайғом,
Сизни кўргим келаверади.

Наҳот тақдир учраштирмаса,
Ишқ билганин қиласеради.
Бошқа-бошқа айрилди йўллар,
Сизни кўргим келаверади.

Тополмадим дардимга чора,
Кўзлар гирён йиғлайверади.
Ожиз қолди кўнгил бечора,
Сизни кўргим келаверади.

* * *

Сен кетгач бу боғларда жоним,
Шамол кезді излаб сар-сари.
Құлаб тушди ҳадсиз осмоним
Бошга ёғди юлдузлар бари.

Қуёш нурин аяди мендан,
Ой күксимга ханжарин урди.
Замин адашибди йўлидан,
Ва ё йўлин терс томон бурди.

Гумбурлади момақалдироқ,
Тўкилдику бошимга булат.
Қўлим толди осмонни суюб
Индамадим, жим қилдим сукут.

Сен кетгач бир исён бошланди,
О, кўнгилнинг сарҳадларида.
Ҳамон сени кутиб яшайман,
Булутларнинг қат-қатларида.

* * *

Қўлимда, кафтимда, енгим ичида,
Сенга тутмоқ учун сақладим бир гул.
Шу бир дона гулни етказмоқ учун,
Ёниб, зор излади сени бир булбул.

Ўтди у тунларнинг қароларидан,
Жонини ўргади бу золим замон.
Унга торлик қиласар гўё бу олам,
Бошига қулаган мисоли осмон.

Ой дарахт шохидан боқади маъюс



**Камола
АБДУҒАНИЕВА**

Куз валси

Зангори зарларин сочар бошимдан,
Қалбим кундалигин ўқиган дарахт.
Кўзларим ёшини яшириш учун
Қайдан булутларни бошлаб келар вақт.

Ёмғир севалайди, оҳиста, сокин,
Поклантирган каби замин қўшкини.
Лабларимга қўнган кумуш томчиладар
Баъзан келтиради кузнинг рашкини.

Хаёлларга чўкиб кетар хаёлим,
Сочилиб кетгандек ишқнинг меваси.
Шопеннинг хисларин чалар бармоқлар,
Заминни эгаллаб борар куз валси.

* * *

Ой дарахт шохидан боқади маъюс,
Деразам чертади юлдузлар бир-бир.
Куз менга ёғдирган хайрларини
Супуриб ташлади ердан декабрь.

Чуқур "ух" тортаман, юрагим тўлиб,
Зулматга сингишиб кетади бари.
Баргга битилган шеър,
Бродвей ҳамда
Уша кузнинг сенли хотиралари.

Ноябрь – кўзёшлар ойи, эҳтимол,
Софинч имзо чеккан ҳар сониясига.

Камола АБДУҒАНИЕВА – 2002 йилда тугилган. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси. "Ёши ижодкорлар – 2022" семинари иштирокчиси.

Нима деёлардим, ҳар инсоннинг ҳам
Чин ишқ ёзилмаган пешонасига.

Қиши ором бермади хаёлларга ҳеч,
Энди остонамга келмайди баҳор.
Қишининг қорлари не, мен учун фақат
Табиатнинг шеърли кузаклари бор.

Февраль тонги

Зулматни аллалаб ухлатар аzon,
Уйготар февралнинг сўнгги тонгини.
Дунёни қайтадан чизади рассом,
Қайтадан бўйиди кўкнинг рангини.

Менинг-чи, кўзларим соҳилларида
Бир туш бор – ҳеч насиб этмагай кўриш.
Оппоқ ўйларимни ютади тунлар,
Гуноҳмикин рангин хаёллар суриш?..

Момом урчуғидек айланар дунё,
Синар осмонга teng бардошларимни.
Қиши эса деразам ойнаси узра
Тўкар видолашув кўзёшларини.

Накадар сирли бу февраль тонглари,
Қўтармас тақдирнинг ҳазилларини.
Ё улар юракдан туғилмай қолган
Исёнкор шеърларнинг қотилларими?

Намиққан киприкка уйқулар ҳаром.
Тўрт фасл ичинда топгани озор.
Бедорлик тамғасин босгани учун
Қишининг ўша куздан сўроқлари бор.

Самонинг юзини тўсмиш булутлар,
Қайдан келмиш, бунча тоғларга викор?!
Эҳтимол бу сўнгги... айтгин Художон,
Менинг хотиримга ёғиб берсин қор!

Менинг хотиримга ёғиб берсин қор!
Ташқарида қишининг охирги тонгги...

* * *

Ҳаяллаб қоляпти нимагадир тонг,
Тушларимга сизиб кирап хавотир.
Мен шафакни қарши олгунча кўкнинг
Кўксисда юлдузлар сўняпти ахир.

Нигоҳларим ғамга чўка бошлар тиз,
Хилол бедорлигин кўради баҳам.
Ёниб, ўзин ерга отган япроқдек,
Кузланиб боряпти киприкларим ҳам.

Лабларим сукутга ўқиб беради,
Июль оқшомига ёзган хатимни.

Мен учун ҳам раво кўрарми Худо,
Кимнингдир тушида яшаш бахтини?!

Таассуф, йилларга асира умрим,
Фасллар кишани оёқ-кўлимда.
Ер ҳақда эртаклар тинглайман узок
Қанотлари синган ожиз булбулдан...

Минг йилги кузларни излаб бетизгин,
Юрагим югурап вактдан илгари.
Манзилгача тонг бор, манзилгача тун,
Айланана бошлайди соат тескари.

Қисмат қарталари сузилар қайта,
Дақиқалар куйин бошлайди сокин.
Номаълум интиҳо, давомли яшаш,
Ва яна тақрорий якунсиз якун.

Тушларимга сизиб кирап хавотир,
Ҳаяллаб қоляпти нимагадир тонг...

* * *

Сўз бўлиб кираман тушларингга ва
Шеърга айланаман Ҳудо хоҳласа.
Ўшанда
Уйқуни уйғотиб кечаларингдан,
Ишқнинг торларини чертиб, куйласам.
Куйласам...
Тингласанг...
Тўсатдан,
Хаёлларинг каби тўзғиди мезон.
Хотиралар узар торларни.
Қўл силтаб кетасан барига,
Сеники бўлмаган манзиллар томон.

Бекат мудраб борар, автолар ҳоргин.
Шоирларни хуш кўрмас шаҳар.
Сен-чи, Ишқ сўрайсан,
Сўз тиланасан
Бомдодга қадар.
Ва жавоб келади қайдандир:
"Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар..."
Эвоҳҳ, сукутда янграган энг гўзал садо.
Жилмайиб кўясан дунёга,
Тонг сенга шивирлар нелардир.
Кўзингда кўмилиб ётади
Мажнуннинг паришон сурати.

Мен эса...
Йўқликка мағлубман.
Ҳисларим кўмаман
Миллион кузакнинг хазонларига.
Кун келар,
Умидларим куртак очар қайтадан
Минг йиллик заъфарон тонгга эргашиб,
Эрксиз туйғуларинг тўзонларида.

Үшанды
Сүз бўлиб кираман тушларингга ва
Шеърга айланаман Худо хоҳласа...

Йигласанг...

Йигласанг, ёшларин тўйса булутлар,
Бошингдан юлдузин ёғдирса осмон.
Кўзлардан азалий ғуурор ортидан
Кўшилиб чиқсайди минг йиллик исён.

Осмон кўзларингга сифади бирок,
Сенга торлик қиласар тўртала томон.
Бўғзингга тикилар бир зум сукунат,
Танангни ечишга шай туради жон.

Йигласанг, Ҳисорни титратса оҳинг,
Денгизга туташиб кетсайди само.
Сени шу ҳаволар сипкормасидан
Йигла, кўзёшингга гарқ бўлсин дунё.

Шу билан покланса вужудинг агар
Зўр иштаҳа билан нафсингни сўйсанг.
Фонийдан Худога яқинлашишни
Тирик мурдаларга кўрсатиб кўйсанг.

Йигласанг!
Йигласанг!
Йигласанг!..

Бобомга

Боқдим, дўппи илган бошингиз узра,
Йиллар мукофот деб қиров солибди.
Мен ўпиди қўйгувчи нур юзингизда,
Хаёт қамчисининг изи қолибди.

Бобо, ҳавас билан айтаман нега?
Кўнглим хузур қиласар шу сўзни десам.
Момом ҳам аразлаб қолади гоҳо,
Бориб илк сўзимни сиздан бошласам.

Бобожон, забоним титрайди дир-дир,
Мехрим қандай изҳор қилайин сизга.
Арзимасман, лекин жиллақур сабир,
Ташбех бўлиб қўнай шеърларингизга.

Мактайсиз, шодланиб, кўкка кўтариб,
Оқ қофозни қора қилганим учун.
Шеър эмас, неларни ёздим мактаниб,
Яна қандай синай юрагим кучин.

Ўтмиш сабоқларин сўзлаб турибди,
Юзингизни қучган шу ҳар битта хол.
Ўн бешинчи сана, остоңангизда
Сизни қарши олар етмиш беш баҳор.

Асл ӯзанларга қайтиш тадориги



Зебо ҚОБИЛОВА

Мумтоз адабиёт – миллатнинг дунёқараши, ахлоқи, маънавияти ва бадиий идроки кўзгусидир. Миллат тафаккури ва рухиятига кучли таъсир кўрсатувчи, шахс камолотини таъмин этувчи ижод намуналаридир. Мумтоз адабиёт намояндалари мустаҳкам эътиқод ва юксак маърифат эгалари, ижодий-интеллектуал салоҳияти баланд ижодкорлар эди. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётга эҳтиёж ҳамма вақт баланд бўлган.

2021 йилда мумтоз адабиётга оид эълон қилинган тадқиқотларни характерига кўра қуйидаги гурӯҳларга таснифладик:

1. Монография ва рисолалар.
2. Мақолалар.
3. Шарҳ ва изоҳлар.
4. Олдин чоп этилган асарларнинг янги таҳрирдаги нашрлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан қатор монография варисолалар яратилди. Жумладан, таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққуловнинг “Навоийга қайтиш” кўп жилдлигининг тўртинчи жилди, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг “Кўнгил ҳайратлари”, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг “Маоний аҳлининг соҳибқирони” асарлари шулар жумласидандир.

Иброҳим Ҳаққуловнинг “Навоийга қайтиш” (“Тафаккур”, 2021) китобидан ўрин олган “Моҳият манзаралари”, “Матн ва таҳлил масъулияти”, “Адабий сұхбатлар”, “Иzlаниш ва янгиланиш эҳтиёжи” сарлавҳали бўлимлари ҳазрат Навоийнинг “Ўн саккиз минг олам ичра ҳар неки бор, Ким қилурлар ахли маъни эътибор” деган кўрсатмасига мувофиқ тузилган бўлса, Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг “Кўнгил ҳайратлари” (“Тамаддун”, 2021) монографияси олимнинг узоқ йиллар давомида мумтоз адабиётшунослик соҳасида олиб

Зебо ҚОБИЛОВА – Филология фанлари доктори, профессор. 1974-йилда тугилган. Кўйкон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Унинг олий ўқув юртлари талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Хозирги адабий жараён фанидан амалий машғулотлар ўтказишда инновацион технологиялардан фойдаланиш”, “Замонавий ўзбек адабиёти”, “Адабиёт назарияси”, “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи” номли ўқув-услубий қўлланма ва дарслклари, “Навоий ва Амирий”, “Амирий ва Муқимий”, “Бадиий ижодда таъсир ва издошлик (Амирий шеърияти мисолида)” номли монографиялари чоп этилган.

Зебо ҚОБИЛОВА

борган тадқиқотларининг хуносасидир. Олим тадқиқот учун “Хамса”нинг алоҳида достонларини қиёслашдек самарали йўлни танлаган, бунда аниқ таҳлиллар орқали жавобиянинг хусусияти, анъанавийлик ва оригиналлик муносабати ойдинлашган. Монографияда комил инсон талқини ва тасвирида ҳар бир хамсанависга хос хусусий ва умумий томонларни ёритиш, шу орқали хамсанависларнинг исломий-тасаввуфий қарашлари, маънавий-ахлоқий фикрлари, бугунги кун учун ҳам фойдали бўлган гояларини замондошларга етказиш мақсад қилинган. Олим адабиётшуносликда узоқ йиллардан бўён амал қилиб келаётган достонни “муқаддима” ва “асосий қисм”га бўлишни номақбул ҳодиса деб билади ва буни дастлабки бобларга эътиборсизлик назари билан қараш оқибати, деб ҳисоблайди. Достонларни яхлит асар деб қараш лозимлигини ва аввалги боблардаги фикр ва гоялар кейинги бобларда изчил давом этганини алоҳида таъкидлайди.

Олим “Хамса”ларнинг биринчи достонларини инсонномалар деб атайди ва уларда одамийлик концепцияси ифодалангандиги ва негизида диний-тасаввуфий гоялар ётишини қайд этади.

Монографияда хамсанависларнинг адабиёт ҳакида, сўз санъати ва қадри, сўзнинг қадрини ерга урмаслик, маддоҳлик адабиётнинг кушандаси эканлиги каби муҳим қарашлари ҳам таҳлил этилган.

Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг “Маоний аҳлиниң соҳибқорони” (“Адабиёт”, 2021) монографиясида “Комил шахсият ва ижодий салоҳият уйғунлиги”, “Буюк шоирнинг ирфоний ва адабий-эстетик олами”, “Хамса” – буюк бадиий обида”, “Диний-маърифий асарлар моҳияти”, “Навоийга издошлиқ саодати” каби бобларда Алишер Навоий асарлари шарқ ислом адабиётининг юксак намуналари сифатида талқин қилинган бўлиб, улуг шоирнинг бадиий ижодда камолот даражасига кўтарилишига асос бўлган муҳим бадиий-эстетик омиллар кўрсатилган. Монографияда Навоийнинг шахс ва давлат ароби сифатидаги фазилатлари, бунёдкорлик фаолияти янги талқинларда ёритилган; сўз мулки сultonининг ирфоний ва адабий-эстетик олами билан боғлиқ ўзига хос қарашлар илгари сурилган; “Хамса”да ижодкор концепцияси юзасидан илмий-назарий фикрлар билдирилган; Навоийга издошлиқ масаласи тадқиқ қилинган. Айтиш мумкинки, мазкур монография шарқона адабий-эстетик тафаккур мезонлари асосида яратилганлиги ва Алишер Навоий ижодиётининг миллат бадиий-эстетик тафаккури такомилига кўрсатган таъсири масалалари асл ўзанлардан туриб талқин қилинганлиги билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, мумтоз адабиётшунослик йўналишида филология фанлари доктори Зебо Қобиловнинг “Бадиий ижодда таъсири ва издошлиқ”, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Зулайхо Рахмоновнинг “Ишқ, ирфон ва иршод” каби монографиялари ҳам чоп этилди. Мазкур монографияларда адабий таъсири ва издошлиқ масаласига; муршид-мурид муносабатлари, мавзунинг замонавий қиймати ва аҳамиятига алоҳида урғу берилган.

Мумтоз адабиётга оид мақолалар “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” журнallлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси сахифаларида эълон қилиб борилди, шунингдек, Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилди.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2021 йилги сонларида навоийшунослик масалаларига бағищланган 21 та, мумтоз адабиёт масалаларига бағищланган 10 та мақола эълон қилинган.

Иброҳим Ҳаққуловнинг “Маънавий валодат ва ўзлик камоли” мақоласи эпиграфида Мирзо Бедилнинг “Одам бўлиш ўзликни англаш экан...” сатри берилган ва мазкур фикр тўлалигича мақола мавзусини очиб берган. Мақола башарий

“мен” ва маънавий “мен” ҳақида. Олим тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг барча вакиллари шу икки “мен”дан устунликка эришганини намуна ва ибрат қилиб кўрсатганини таъкидлар экан, “Фано аслида йўқни бор, борни эса йўқ, деб билишдир. Мавжудлик, яъни дунё адам – йўқликдан яралган ва яна йўқликка қайтажак. Шунинг учун инсон, энг аввало, эришишда йўқотиш, йўқотишида эришув борлигини англаши зарур. Ана шунда у нимагадир боғланиб, маънан тўхтаб колмаганидек, хом ва ўткинчи мақсад, нафсоний манфаат ва иддаолар тузогига тушиб, умрини ғафлатда ўтказмайди”, деган теран фикрни Навоий байтлари мисолида далиллайди.

Бокижон Тўхлиевнинг “Поэтик кашфиёт мантиги” мақоласи Алишер Навоийнинг қофия танлаш маҳорати масаласига бағишлиган бўлиб, улуғ шоир бутун ижодий салоҳиятини туркий тилнинг бой ифода имкониятларини кўрсатишига сафарбар этгани асосланган.

Максуд Асадовнинг “Ошиқлик тарихи ва лирик каҳрамон характеристи” мақоласида Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сигар” девонидаги айрим газаллар мисолида ошиқлик илк бора “азал субҳи”да қисмат қилинган бўлиб, то “абад шоми”га қадар “мастлик”, яъни маънавий хузур ҳолига мушарраф этиши далилланган.

Кодиржон Эргашев мақоласида “Муҳокамат ул-лугатайн” ва “Мезон ул-авzon” асарларида илмий услубга хос хусусиятлар” сифатида муаллиф қарашларининг тизимлаштирилиши, баённинг аниклиги, изчиллиги, фикрларнинг асосланиши ва далилланиши, фактларнинг тасдиqlаниши ва шу мақсадда турли манбалар ва асарларга мурожаат қилиниши кўрсатиб ўтилган.

“Навоий ва ботин илми” мақоласида Сайфиддин Рафиддинов Алишер Навоий асарларида илм соҳаларини шартли равиша 4 гурухга бўлиб ўрганар экан ботин (ҳол) илмини муршид тарафидан муридга бериладиган маҳсус вазифалар ва зикрлар деб, ботиний ҳол эса шу зикрлардан ва вазифалардан ҳосил бўлган нурлар, кашфлар ва ғайбий сирлар эканлигини таъкидлайди ва Алишер Навоий ўз асарларида сўфий, ориф, ошиқ, дарвеш, эран каби зоҳирий ва ботиний илмларга эга бўлган кишиларга алоҳида эътибор қаратганлигини изоҳлайди.

Буробия Ражабованинг “Алишер Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий” мақоласида Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари Алишер Навоий номи илк марта тилга олинган тарихий манба экани айтилади. Шунингдек, мақолада Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асари хотимасидаги Навоийга бағишлиган фикра таҳлил этилади. Мазкур фикрадаги улуғ шоирга доир қимматли фикрлар кейинчалик Фахрий Ҳиравий, Бобур, Мирзо Ҳайдар, Ҳасанхожа Нисорий, Мутрибий Самарқандий китобларида Навоий билан боғлиқ маълумотларга асос бўлганлиги исботланади.

Бахтиёр Файзуллоевнинг “Оғаҳийнинг Навоий ғазалларига татаббулари”, Эргаш Очиловнинг “Рожий ижодида Навоий анъаналари” мақолалари улуғ шоир ижодидан таъсиrlаниш масаласига бағишлиган бўлса, Буробия Ражабованинг “Навоий қарам фазилати ҳақида”, “Баҳористон”да Навоий таърифи”, “Вақфия”да маҳдудот талқини, “Мажолис ун-нафоис”да маданий мухит тасвири”, М.Худоёрованинг “Навоий қитъаларидаги баъзи тасаввуфий тушунчалар ҳақида”, “Навоий қитъалари сарлавҳаларига доир”, Жасур Маҳмудовнинг “Насойим ул-муҳабbat”да Паҳлавон Маҳмуд зикри”, Абдурасул Эшонбобоевнинг “Алишер Навоий ижоди ва тарихий функционал метод” ва “Лисон ут-тайр” рус шарқшунослари талқинида” мақолалари бевосита Навоий асарларига мурожаат ва улар шарҳи, таҳлили ва таржималарига бағишлиланганлиги билан аҳамиятлидир.

Зебо ҚОБИЛОВА

Журналда эълон қилинган мумтоз адабиёт йўналишидаги мақолаларни асосан маълум бир шоир ҳаёти ва ижоди билан шуғулланаётган тадқиқотчилар изланишларининг натижалари сифатида баҳолаш мумкин. Тақдимотда мазкур мақолалар ўз аксини топган.

“Шарқ юлдузи” журналининг ўтган йилги сонларида мумтоз адабиётга оид жами 7 та мақола эълон қилинган бўлиб, улардан 3 таси Алишер Навоий, 2 таси Бобур 1 таси Машраб ижодига ва 1 таси 2020 йилда нашр этилган мумтоз адабиёт йўналишидаги китоблар ва мақолалар таҳлилига бағишлиланган.

Нажмиддин Рашидовнинг “Ирфоний ишқ кўйчиси” мақоласида Бобораҳим Машрабнинг “Ўргандим” радифли ғазали атрофлича шарҳланган. Фазалда Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад Мустафо (с.а.в) гача таърифланган бўлиб, тадқиқотчи ҳар бир байт моҳиятан Қуръони карим оятларига боғланишини шарҳлайди ва Машраб Аллоҳ таоло ишқининг кўйчиси экани яна бир бор исбот этилади.

Адабиётшунос Нусратулло Жумахўжанинг “Навоийшунослик: муаммолар қачон бартараф этилади?” сарлавҳали мақоласида “Хазойин ул-маоний” ва бошқа девонларнинг илмий танқидий матнларини яратиш, навоийшунос, матншунос олимлардан иборат нуфузли таҳрир ҳайъати тузиш ва матншунослик комиссиясини ташкил этиш, Алишер Навоийнинг ўзигагина бағишлиланган кўп томлик улкан фундаментал илмий тадқиқот яратиш, Навоий қомусини якунлаш каби таклифлар илгари сурилади. Шу сонда Сайфиддин Рафиддиновнинг “Маърифат ва улуғ шоҳ қисмати” мақоласи ҳам эълон қилинган, унда Бобурнинг Хожа Аҳорори Валий билан руҳий алоқаси, тариқат аҳлига бўлган муносабати ҳақида фикр билдирилган.

Матншунос Ваҳоб Раҳмоновнинг “...Ул ой қоши гўё хаёлдур” сарлавҳали мақоласида Бобурнинг: “Кўк вусмада ул ой қоши гўё хаёлдир, Ё ой бошида кўкта кўринган ҳилолдир” байти шарҳланган.

Адабиётшунос Султонмурод Олимнинг “Лисон ут-тайр: ошкор ва пинҳон бадиият” номли мақоласи савол-жавоб усулида ёзилган. Мақолада жами 9 савол қўйилган ва бу саволларга аниқ, асосли жавоблар берилган. Мақолада “Хамса”нинг 4 достони ҳам аслида фалсафий-тасаввуфий достонлар бўлиб, фақат улarda ирфоний гоялар воқеалар замирига сингдириб юборилгани, ҳалигача навоийшуносликда бу достонларнинг тасаввуфий мотивацияси амалга оширилмаганлиги ҳақида ҳам тўхталиниб, навоийшунослар олдида мазкур масала ҳам кўндаланг турганлиги таъкидланган.

Филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупова 2020 йилда эълон қилинган ишларни мавзу йўналишига кўра 5 гурӯхга бўлиб таҳлил қилган ва адабиётшунослик тадқиқотларининг дадил бир тарзда давом этаётганлиги, янги мавзуларга мурожаат қилинаётганлиги, изланувчилар орасида ёшлар овози борлиги, янгича ёндашувлар учун ҳаракатлар кишида умид уйғотишини таъкидлаган ҳолда, таҳлилнинг замонавий методларини қўллаш эҳтиёжи мавжудлиги ҳақида фикр юритган.

“Жаҳон адабиёти” журналида мумтоз адабиёт бўйича бешта мақола эълон қилинган бўлиб, улар асосан ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан ёзилган.

Райма Ширинова, Нигора Худойбердиеваларнинг “Алишер Навоий ижоди шарқ олимлари нигоҳида” мақоласида улуғ шоир ижоди бўйича Осиё мамлакатларида амалга оширилган илмий-амалий ишлар, халқаро конференциялар, Навоий асарларининг шарқ тилларига қилинган таржималари ҳақида сўз боради.

Навоийшунос Султонмурод Олимнинг “Лисонут-тайр” – меъроjнома” мақоласида “Лисонут-тайр” достонидаги қушлар босиб ўтган етти водий ва Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Меъроj кечасида тўққиз осмондан ўтганликлари ўртасида боғлиқлик мавжудлигини асослашга ҳаракат қилинган.

Адабиётшунос Зухриддин Исомиддиновнинг “Баҳорий бадииятдан баҳрамандлик” мақоласида Алишер Навоийнинг Бобур Мирзога маънавий устоз эканлиги, Бобурнинг Навоийдан таъсирланган ўринлари, бадиий таъсир ва издошлик масалалари таҳлил этилган.

Нурбой Жабборовнинг “Икки буюк хамсанавис ижод концепцияси” мақоласида Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий “Хамса”ларида ижодкор тутуми масаласи қалам ва сўзни муқаддас билиш, уни воситай жоҳ этишдан сакланиш; ижод намунаси мукаммал бадиият билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги; бадиий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши; ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши кераклиги каби мезонлар асосида тадқиқ қилинган.

Отаулининг “Эл сўзи” мақоласида Гулханий “Зарбулмасал” асарининг биринчи номи “Куш тили” бўлса, иккинчи номи “Эл сўзи” бўлиши ҳақида сўз юритилган. Муаллиф буни “... биринчидан, мақол – нафақат оталар сўзи, балки бутун элнинг сўзидир. Иккинчидан, асарда нафақат мақол, балки элнинг турли-туман ҳикматли гап-сўzlари сеп қилиб ёзилган” и билан изоҳлайди.

Абдулла Аъзамнинг “Аброрлар ҳайрати” фалсафий эссесида Алибек Рустамовнинг навоийшунослик соҳасида амалга оширган тадқиқотлари ва олимнинг ўзига хос тажрибалари хусусидаги кузатишлар баён этилган.

Жаҳон адабиёти” журналиниң 1-, 3-, 5-, 8-сонларида Алишер Навоий ғазалларининг шарҳлари берилган. 4-сонида келтирилган ғазални Дилнавоз Юсупова, қолган сонлардаги ғазалларни Олимжон Давлатов шарҳлаган.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 2021 йилги нашрларида мумтоз адабиётга доир йигирмадан зиёд мақолалар эълон қилинган бўлиб, уларнинг ҳам асосий қисми Ҳазрат Алишер Навоий ижодиёти билан боғлиқ.

Газетада эълон қилинган мақолаларни ҳам навоийшунослик ва мумтоз адабиётга оид мақолалар тарзида тасниф қилиш мумкин.

Навоийшуносликка доир жами 18 та мақола эълон қилинган. Адабиётшунос Олимжон Давлатовнинг “Чехра саргарған сай...” мақоласи мазкур жумла билан бошланган ғазал шарҳига бағищланган. Афтондил Эркиновнинг “Илк терма девон” Оқ қўюнлиларга тегишлими?” мақоласида мазкур девон муҳлислар томонидан “Ҳазойин ул-маоний” асосида 1501 йилда тузилган илк терма девон муҳим маңба сифатида баҳоланганди. Акмал Сайдовнинг “Фикҳ уламолари ҳалқ сарваридирлар” мақоласида Навоийнинг адолат ва инсоғ ҳақидаги қарашлари акс этган шеърий парчалар таҳлили берилган.

Сирожиддин Сайиддининг “Навоийнинг ватан янглиғ қиёси йўқ” мақоласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрда қабул қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори шарҳланган. Мақолада мазкур тарихий қарорнинг аҳамияти, Алишер Навоий асарларидаги гояларни ёш авлод қалбига сингдириш, бу барҳёт меросдан Ватанимизнинг бугуни ва келажаги йўлида фойдаланиш зарурати чукур маърифий ва ҳаётий мантиқ асосида ёритилган.

Буробия Ражабовнинг “Дарвеш Али воқеаси” мақоласида буюк шоир биографияси билан боғлиқ масалаларга, Боқижон Тўхлиевнинг “Алишер Навоийнинг маъно олами” сарлавҳали тақризида профессор Нусратулло Жумахўжанинг “Қаро кўзум” ғазали тадқики” китобига муносабат билдирилган. Филология фанлари доктори Жаббор Эшонқўлнинг “Алишер Навоий – дунёning шоири”, Абдурасул Эшонбобоевнинг “Мұҳқамат ул-луғатайн”нинг танқидий матни”, Зухриддин Исомиддиновнинг “Навоийнинг сўzlари” Каримбой Курамбоевнинг “Туркман шоирларининг ҳам устози”, Бобомурод Эралиевнинг “Самовий сафар ва ишқ водийси” (Меъроҳ кечаси ва Мажнун ишқи) мақолалари буюк шоир ижодининг турли кирралари, навоийшуносликдаги янгиликлар ўзига хос таҳлил этилгани жиҳатидан диққатга сазовордир.

Зебо ҚОБИЛОВА

Мумтоз адабиётга оид мақолалар бу йўналишда эришилган илмий ютуқлар, нисбатан кам ўрганилган масалалар таҳлилига бағишлилангани билан алоҳида ажralиб туради.

Сирдарё Ўстанованинг “Соқийномалар” мақоласида Мақсуд Асадовнинг “Соқийнома: тарих ва поэтика” монографияси таҳлил этилган. Адабиётшунос Эргаш Очиловнинг “Ҳаётий ҳикматлар” мақоласи Бобур қаламига мансуб ҳаётий, ихчам, лўнда, таъсирчан ҳикматлар таҳлилига бағишлиланган бўлса, Абдурасул Эшонбобоевнинг “Дунё олимлари нигоҳида” мақоласи Москва давлат университети кошидаги Осиё ва Африка мамлакатларини ўрганиш институти ва Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Захириддин Муҳаммад Бобурнинг интеллектуал мероси ва замонамиз” мавзусидаги халқаро анжуман тўплами ҳақида.

Рустам Мирвоҳиднинг “Фузулий шеърига ошиклигим рост...” мақоласи улуғ шоир шеърлари бадиияти, таъсир кучи ҳақида. Хулкарой Шарипованинг “Эй моҳи олижаноб” сарлавҳали мақоласида Комил Хоразмийнинг “Манго қилма, эй моҳи олижаноб” матлаъли газали шарҳи берилган. Профессор Бокиҷон Тўхлиевнинг “Қадим адабиётимизнинг янги талқинлари” тақризида профессор Насимхон Раҳмоновнинг қадимги туркӣ адабиёт ҳақидаги китоби таҳлил этилади. Манзар Абдулхайровнинг “Сўнмас инжулар. Бобур лирикасига бир назар” мақоласи, Зухриддин Исомиддиновнинг ёш олим Комилжон Раҳимовнинг “Мавороунаҳр тасаввуфи тарихи” китоби ҳақидаги “Тасаввуфнинг асл тарихи” тақризи таҳлилий куввати билан ажralиб туради.

Ҳар йили анъанавий равишда Навоий шаҳрида ўтказилиб келинаётган “Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги тўртинчи халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплам ҳолдида нашр этилди. Тўпламдан 584 та мақола ва тезислар ўрин олган. Тўпламда улуғ шоир даҳоси, бекиёс тафаккур олами жаҳон ва ўзбек навоийшунослари нигоҳида илмий-фалсафий сифатланиб, Алишер Навоий ижодиётининг тасаввуфий ва маърифий қатламлари, матншунослик муаммолари, тилшунослик масалалари, замонавий таълимда шоир асарларининг ўрганилишига кенг аҳамият берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан нашр этилган “Навоийнинг ижод олами” мақолалар тўпламида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг шеърий ва насрый мероси, поэтик образлар олами, асарларининг мазмун-моҳияти, тасаввуф таълимоти билан алоқадор жиҳатлари тадқиқ этилган. Тўпламга 20 га яқин олимларнинг мақолалари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ўзбек мумтоз адабиёти бўлими, Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ва Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида “Алишер Навоий ва Қўқон адабий мухити” мавзусидаги халқаро илмий анжуман ўтказилиб, материаллари чоп этилган. Тўпламда Алишер Навоий ва адабий таъсир масалаларига бағишлиланган 30 дан зиёд мақола ўрин олган.

Ўтган йили Алишер Навоий асарларининг қатор шарҳ ва изоҳларидан иборат китоблар ҳам чоп этилди. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Баҳрамандлик” номли мақоласидаги қуйидаги фикрлар ёдга келади: “Китобхонлар билан бўлган бир учрашувда менга галати савол беришган эди. Ўша пайтда залдан ёзма равишда узатилган бу саволга унча эътибор бермаган эдим, тўғрироғи, савол берувчидан ҳафсалам пир бўлиб, ичимда: “Шеърхонларимизнинг савияси шуда”, деб қўйган эдим.

Савол бундай эди: “Хурматли шоир, Сиз Гётенинг “Фуст”, Сергей Есенин асарларини, яна кўп шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилгансиз, энди қачон бизга Алишер Навоий шеърларини таржима қилиб берасиз?”

“Кизик, ўзбекчадан таржима қилишнинг нима ҳожати бор экан? – деб ўйладиму, саволга жавоб бериб ўтирамдим. Кейинроқ ўйласам, бу мурожаатда жон бор экан”.

Навоий асарларининг тили нақадар баланд савияда бўлса ҳам, асрлар давомида тилда юз берган ўзгаришлар туфайли бугуннинг ўқувчисига тез етиб бормайди. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари мазмунига ошно бўлиш, уни шарху баёнлар орқали тушуниш маъқул йўл кўринади.

2021 йилда навоийшунос Олимжон Давлатовнинг “Гаройиб ус -сигар” девонидан ўрин олган ҳар бир ғазал лугат, насрый баён, шарҳ ва изоҳлар билан таъминланган З китоби нашрдан чиқди. Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари томонидан айни шу девондаги 650 та ғазалнинг шарҳи ва изоҳларидан иборат 10 жилдлик китоб ҳам нашр этилди. Шунингдек, мазкур йўналишда Зухриддин Исомиддиновнинг “Шавқи наво” китоби ҳам чоп этилди. Унда муаллифнинг улуғ шоиримиз ҳақидаги бир нечта мақоласи ҳамда 40 дан ортиқ ғазалларига шарҳи берилган. Вафо Файзулохнинг “Навоий назми рангин...” китоби ҳам юқорида саналган асарлар қаторида дейиш мумкин.

Марҳум ёзувчи, филолог-олим Аъзамхон Қозихўжанинг “Гар ортуқ сўз дедим...” деб номланган китобидан ўрин олган “Хазойин ул-маоний”даги илк ғазал ҳақида”, “Жисм уйи чунким эрур фоний”, “Бўлмаса иймон била кетмак иши” каби шарҳлар Куръон, Суннат ва “балофат илми” асосида амалга оширилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. “Ғазалнинг вазн, кофия, бадиий санъатлардан иборат тарҳини чизиб қўйиш билан кифояланишни истамаган муаллиф унга тирик инсон, яшайтган одам туйғуларини жонли мулоқот воситасида олиб киради. Айнан, жонли ички мулоқот Навоий ғазалларининг қон томирида оқади”, каби фикрлари барча шарҳларида аксланиб туради.

Мазкур китоблар Навоийни халққа яқинлаштириш ҳамда унинг бебаҳо маънавий меросини ёшларнинг кўнгил мулкига айлантиришда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга.

2021 йилда олдин чоп этилган асарларнинг янги нашрлари ҳамамалга оширилди. Академик Азизхон Қаюмовнинг “Низомий “Хамса”си талқини ва “Навоийга таъзим” китоблари шулар жумласидандир. Мазкур китоблар атоқли олим ижодхонасининг сара асарлари сифатида аҳамиятлидир.

Навоийшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг “Занжирабанд шер қошида”, “Касби камол ўзни танишдир” рисолалари ҳам шу йўналишга мансуб. Ҳар икки асар орадан 30 йил вақт ўтса ҳам, долзарблигини йўқотмаган. Олим ҳар икки асарни тўлдириб, китобхонлар оммасига тухфа этди. Олимнинг ўзи таъкидлаганидек, Навоийни билиш бошқа, англаш бошқа. Мазкур китоблар Навоийни англаш ўзбек халқи тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш эканлигини англатиши билан қадрлидир.

Ўтган йили мумтоз матнлар нашри билан боғлиқ китоблар ҳам чоп этилди. Улар орасида Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” ва “Муҳокаматул луғатайн” асарларининг ҳозирги замон ўқувчи ёшларига тушунарли қилиб баён этилган ўгирмаси ҳам нашр этилди. Ўгирма ёзувчи Баҳодир Қобул томонидан амалга оширилган бўлиб, буюк шоир асарларининг насрый баёни борасидаги анъана давом этирилгани билан аҳамиятлидир.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Юсуфхон Турсунов томонидан тайёрланган Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг илмий-танқидий матни ҳам ўтган йили нашр этилди. Илмий-танқидий матн яратиш нечоғлик

Зебо ҚОБИЛОВА

сермашаққат юмуш эканлиги барчамизга маълум. Ушбу асар ўзбек мумтоз адабиёти соҳасида амалга оширилган ютуқларимиздан бири сифатида таҳсинга лойик.

Матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида амалга оширилган мухим нашрлардан яна бири филология фанлари номзоди Муҳаммад Ҳамзахон Абдуллаев ва Жамолиддин Абдуллаевлар томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этиган Кул Убайдийнинг “Ҳикматлар”и дир. Мазкур нашрдан ўрин олган ҳикматлар халқимиз маънавий дунёсини бойтишга катта ҳисса қўшади, албатта.

Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан йўлга қўйилган эзгу анъана натижаси сифатида “Назм бўстони” руқнида Зокиржон Фурқатнинг “Ишқингда куюб жоно...” номли мўъжаз шеърий тўплами нашр этилди. Профессор Нурбой Жабборов томонидан нашрга тайёрланган ушбу тўплам, биринчидан, шоирнинг кўпчиликка маълум бўлмаган ғазаллари киритилгани, иккинчидан, аксар шеърларининг тўлиқ ва муқаммал матнлари тиклангани, уччинчидан, аввалги нашрларда ўйл қўйилган матний нуқсонлар тузатилгани билан аҳамиятлидир. Ана шундай аслият асосидаги нашрларнинг қўпайиши мумтоз адабий меросимизни янада чукурроқ ўрганиш имконини кенгайтирган бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, 2021 йилда мумтоз адабиёт тадқиқи ва таҳлилига бағишлиланган асарлар, мақолалар, шунингдек, мумтоз матнларнинг янги нашрлари аввалги йилларга нисбатан ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан юксалган, замон талабига мувофиқ методлардан фойдаланилган, энг мухими, мумтоз адабиётнинг асл булоқбошилари негизидан туриб таҳлил ва талқин этилган.

Адабиётшунослик материалларининг йил сарҳисоби натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: Оғаҳийшунослик ва машрабшуносликда силжиш сезилмаяпти. Навоийшуносликда ҳам мавсумий характердаги мақолалар кўпайган. Бу албатта оммавий ахборот воситаларининг ҳам қасаллиги хисобланади. Яъни февраль ойида бир фаоллашилади, кейин эса келгуси февралгача танаффус эълон қилинади. Ҳар ҳолда ўтган йили Ҳазрат Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан навоийшунослик бўйича февралдан бошқа ойларда ҳам фаол чиқишилар бўлди. Ҳолбуки, мумтоз адабиётни ва Навоийни ўқиш йил ўн икки ой давом этиши керак. Бу йўналишда “Жаҳон адабиёти” журналининг фаолияти таҳсинга лойиқки, ҳар бир сонида Навоий ғазалларининг шархи ва таржималари бериб бориляпти. Бу анъанани бошқа мумтоз шоирлар ижоди бўйича ҳам давом эттириш керак.

Навоийшуносликда ғазалларни шарҳлаш, тадқиқ қилиш тенденцияси кучайди. Лекин адабиёт тарихига оид, мумтоз адабиётшуносликнинг назарий-концептуал масалаларига бағишлиланган ва қиёсий адабиётшуносликка доир тадқиқотлар бир қадар сусайгани мутахассислар эътиборини тортиши керак.

Мумтоз адабиётшуносликка оид манбаларни нашр этиш ва қайта нашр этиш бўйича одатда бир тақриз билан кифояланамиз. Матншунослик масалаларида соглом баҳс маданияти етишмаяпти.

Шарқ мумтоз адабиётидан қилинган таржималарга ҳам унча кўп ўрин ажратилимаган.

Ўйлаймизки, жорий йилда мазкур масалалар ҳам ўз ечимини топади.

Неъмат АРСЛОН

Хўтама

(Оксиморон)

Роман¹



Тубсизликнинг туби

21

Мен – Товошар:

Эй, Товошар! дея нидо қилдим ўзимга-ўзим. Кара, қандай қизиқ еrostи дунёси. Агар Манзарнинг ёзганлари рост бўлса ерустидаги ҳаётдан кечиб, рассом дўстимнинг олдига боришим керак. У шама қилаётган қиз ва унинг укаси кимлигини англағандайман. Ғаригина опамни, мен Ҳовлунга деб аташни яхши кўрадиган Анорани топсам, Арпеникни ҳам топсам... бирга яшаймиз, бирга курашамиз. Фақат уларнинг ҳаётига доир айрим ҳолатлардан ташвишдаман. Манзарнинг ёзишича, қизлар ҳар уч ойда бир марта қандайдир кўриқдан ўтишаркан. Бош мия фаолияти билан боғлиқлиги бор эмиш. Кўриқдан кейин ўзини ўнглаб олиш жараёни бошланаркан. Айлучнинг ҳолига ачиниб кетдим деб ёзарди Манзар. “Иккита энага қўлтиғидан олиб сяyb келди уни. Улардан бири уч соат давомида кузатди қизнинг ҳолатини. Рўпарадаги бинода ҳам шундай жараён кечмоқда. Узокроқ майдончалардаги бошқа биноларда ҳам қизлар бор. Ҳамшира кетгандан кейин хонада ёлғиз қолади Айлуч. Ранги оқариб кетган, кўзларини юмиб ётарди, лекин ухламаётганди ҳали. Чап қўлида катталиги ёнғоқ донасидай аммо тўурт бурчак шаклдаги қандайдир қутича. Тумбочка устида яшил рангли сув тўлдирилган баклажка. Реаблитация тугагандан кейин келган киши қизнинг ҳолатини қониқарли деб топди ва қандайдир доруларни қолдириб уларни қачон ва қай вақт ичиш кераклигини тушунтириб жўнаб кетди. Қизларнинг эзилган қиёфада юриши, кўзларидағи мўнгдан англаш мумкинки, қандайдир ҳиссиётни ўлдириш, уни миядан чиқариб ташлаш жараёни кечмоқда уларнинг ҳаётида. Менимча ҳиссиётсиз бир жонзотларга айлантирилмоқда улар. Зилдай оғир босим ҳукмрон уларнинг вужудига. Орадан икки ҳафта ўтиб батамом ўзига келди Айлуч ва биз биргаликда яна Роша томон йўл олдик...”

22

Мен – Товошар:

...Вақт ўтган сайин мени ўзига тортарди Хўтама. Ва нима сабабдандир еrostи шахрида нолон кезиб юрган бир қиз гавдаланаарди кўз ўнгимда. Оёқялан,

¹Давоми. Боши ўтган сонларда

эгнида йиртиқ чит кўйлак, қўлида бир бош узум. Титроқ муштчаси билан илоҳий неъматни маҳкам ушлаб турибди. Нақадар гарип ва айни пайтда жозиб манзара! Кўзларимдан оқаётган ёш пардасини кафтим билан сидириб ташлаб нидо қилдим: Сени топаман ва албатта баҳтли қиласман Арпеник! Кўплаб ток экаман, дунёни токзорга айлантираман. Ҳусайн! Қоражанжал! Тоibi! Кишмиш! Гўзалқора!.. Ҳа, дарвоқе, Султони ҳам экаман албатта. Саперави, Рекатсетели ва Султони! Унинг ёнида бир тўпгина чиллаки! Тагоби қора! О, унутиб бўладими тагоби қорани!..

...Бир неча саҳифа орқага қайтиб ўқийман. Албатта кейинги воқеалар тобора ривожланиб бошқа ўзанга томон оқмоқда. Аввалги тасвирлар билан кейинги таърифлар орасида боғланиш борми? Қаерда қолди МЭЛС даволанган 33-шифохона, унинг кўзойнакли дўхтири қани? Қани Аястан? Манзарни ёқтириб қолган ҳамшира қизнинг тақдири нима бўлди? Бош Ўликшунос қани? Порахўр ректор-чи? Тупроқ тепача устида қорни билан ётиб қаттиқ титраган ва зум ўтмай ер остига кириб кетган порахўр ҳақидаги ҳикоя кай даражада абсурд ва ишончсиз бўлмасин, мени завқлантиради унинг ҳолати. Қизилкум чўлларида бир турдаги калтакесак бор, гекконми ёки бошқачароқми унинг номи ҳозир эсимда йўқ, ана шу антиқа жонивор бирор хавф туғилганда худди шундай бутун вужуди билан титраб кум тагига кириб кетади. Аммо пора олмайди у. Балки шунга ўхшаш бирон-бир жониворни кўрмадимикин Манзар ва уни университет ректори деб ўйламадимикин? Дафтар муқовасининг ички томонидаги харитага қарайман. Рақамлар бор: шаҳар майдони 98 квадрат километр. Қиррадор черковлар, масжидлар ва тупроқ томли уйлар. Кўчалар ва йўллару йўлаклар четида чиқинди ташлаш учун кўйилган қизил, сарик ва кўк идишлар. Нима учундир бирорта ҳам уйда дераза йўқ. Ер остида бундай шаҳарнинг мавжудлиги ақлга сигмайди. Кулогимга чалинади Манзарнинг овози.

МЭЛС – Манзар:

“...Унинг ерусти қисми гувраниб ётган жуда катта шаҳар бўлса керак деган фикрдаман. 17 жойдан юқорига олиб чиқадиган яширин йўллар бор: дўконлар, мактаблар, давлат идоралари, бозорлар, спорт иншоотларига туташ бу йўллар жуда яширин сақланади. Мен билан сирдош бўлиб қолган ҳамшира ана шу йўллардан фақат биттасини билишига шама қилди. Ерости шаҳрида мен даволанаётган шифохоналарга ўхшаш, аммо нуфузи бир-биридан баланд яна 139 та даволаш муассасаси борлигини ҳам шу қиздан билиб олдим. 33-шифохонада ётибман. Ҳамширанинг айтишича, мени 123-мавзедан беҳуш ҳолда олиб келишган. Оёқларим икки-уч жойидан синиб кетган, бошимда ва белимда кучли оғриқ бор. Ҳозир гипсдаман. Даволовчи дўхтирим бизнинг одамларга ўхшамайди. Кўзи бир-биридан жуда олисда жойлашган, шу сабабли маҳсус буюртма билан ясалган кўзойнак тақиб юраркан. Мен учун энг муҳим янгилик дўхтиrimning оиласи. Хотинининг исми Айастан, Арманистон дегани бу. Эшлишим билан юрагим бир қалқиб тушди. Айастан, Айастан! Менинг Арманистоним! Бир кўришни жуда хоҳлардим уни. Дўхтиrimning ёши ўттизларда бор. Демакки, Айастан ҳам ҳали ёш. Йўқ, дилимда заррacha қаронғи ният ёки ишқий фикр йўқ, азбаройи она юртимни қўмсад шу аёлни кўргим келяпти. Унинг қиёфасида арман аёлларига хос белгиларни тасаввур қилишга уринаман. Дўхтиrim ўта камгап одам, жуда жиддий тип, шунга қарамай уни гапга тутаман ва имкони борича ўзимни яхши кўрсатишга уринаман. Бир ойлик муолажадан кейин ҳамшира ёрдамида ўрнимдан туриб қўлтиқтаёқда юрадиган бўлдим. Ҳовлига олиб чиқди мени ҳамшира. Деразадан кузатиб турарди дўхтиrim. Ер юзасига

олиб чиқадиган хуфралар, лахмлар ва туннеллар тұғрисида күп ўйлайман. Ҳамширани гапга солишигға уринаман, аммо ўзи билған ўша йўлни қайси дўкон ёки шифохона орқали ўтишини, яъни унинг эшиги қаерда жойлашганини айтгуси йўқ. Еостири йўлаклари орқали ерустига чиқиши нуқтаси шаҳарнинг энг катта сири. Ўлса ўладики, уни ошкор этмайди бу ернинг одами. Балки ўзим ётган хонададир ўша яширин эшик... Антиквар буюмлар билан савдо килувчи бир дўконда... йўқ, янгилишибман, ломбардда СССР сўзи ёзилган бир тангани кўриб қолдим. З тийинлик танга. Даҳшатли зилзилада вайронага айланган Спитак рамзи. Аарат тогининг икки чўққиси бамисоли улкан күшнинг қанотидай аниқ тасвиrlанган, олд томонда тепасида машъала ёниб турган идиш, уни бир сафда тизилган кўплаб кўллар кафтида тутиб турибди. Машъала устида “Армения” деган ёзув пастда 7.12.1988 рақамлари. З сўмлик танга Арманистонга қайтарди мени, аста секинлик билан ҳаётимда рўй берган воқеаларни эслай бошладим. Пировард натижада оғзини осмонга очиб турган чукурлик ва арқонга осилганча пастга тушаётган одам кўз ўнгимда гавдаланди. Факат қанчалик уринмай, чоҳга нима мақсадда тushiшга қарор қилганим сира ёдимга келмади. Ломбард соҳиби дикқат билан кузатиб турарди менинг ҳолатимни. Тангани сўраб олдим. Совуқ сиртини силадим бармоқларим билан. Лабимга босгим келарди уни. Шу мақсадда кўлимдан тушириб юбордим ва ерга эгилиб оларканман қайноқ меҳр ва изтироб билан лабларимга босдим.

23

Мен – Товошар:

Дафтарнинг шу бетида Аарат тогининг қорли чўққилари чизилган. Куйироқда кичикроқ бир дарё, унинг юқори томонидаги қоялар этагида қандайдир горнинг оғзи қорайиб кўринади. Суврат остида яна ёзувлар ва мана ниҳоят, навбатдаги саҳифада зилзила ҳосил қилувчи машинанинг тасвири! Оддий қора қалам билан чизилган. Лупа орқали қарадим, кучлироқ соя берилган жойларида савсани ва қўнғир рангли қаламлар ҳам ишлатилган. Этим жунжикиб кетиб кафти билан сувратни беркитдим. Ва... яна келиб қолган жойимдан ўқиши давом эттирудим. Энди Инна ва унинг ўзбек йигити қизиқтироқда эди мени. Фарҳод билан Манзар ўртасида тўқнашув бўлмасмикин деган хавотирдаман. Гарчи улар тезда тил топишган бўлсалар-да, рус ёзувчиси Максим Горький айтганидай ҳаёт маккор аёл. Ақли етуқ кишилар ҳам ўзлари билмаган ҳолда макр тузогига тушиб қоладилар. Аслини олганда менинг озодлигим бир эмас, икки-уч тарафдан чекланган. Тузокнинг бир учি Арпеникнинг қўлида, иккинчи учидан тутиб турган хилқат Хўтаманинг ўзи. Манзарнинг дафтари эса ана шу тузоққа олиб борувчи йўл. Шундай йўлки, ундан четга чиқиб кетолмайман. Нонушта қиляпману икки кўзим дафтарда. Колинкор муқовали яшил дафтар. Устида “Дипломная работа” деган ёзув. Катталиги мөшдай келадиган нуқталарни тўғарак шаклида бирлаштириб олти қиррали шакл ясалган, ари уяси. Ҳар қандай сиртда энг кўп ва энг тифиз жойлашадиган шакл. Муқова яшил рангда, унинг бир чети қандайдир иссиқ нарса таъсирида куйган, шагрин терисидай йиғрилган ва муқова жилди тагидан картоннинг тупроқсимон ранги кўриниб қолган. Кеча ярим тунгача ўқиб 209-бетда тўхтаган эдим. Бир бўлак “Боярский” пишлогини шошқин тарзда чайнаганча ўша йўлга томон талпиндим. Ҳаёлан улар билан биргаман. Ер устида ўз хонамда ўтирганим ҳолда хаёлан ер остидаман, биргаман улар билан.

Ортиқча безаклардан холи оддийгина хонадамиз (тасаввуримда) Қора дермантиң қопланған диванда ўтиришибди қызлар, йигитлар бир-бирларига рүбарў тарзда креслолардан жой олишган. Қисқагина давом этган танишувдан кейин яна сукут. Манзарнинг битикларидан Еости шаҳри одамларининг камгағалигини биламан. Сукутдан сира унғайсизланишмайди улар. Бир-бирларининг кўзларига тикилганча ўтираверишади. Шунга қарамай Манзарнинг айтадиган гаплари кўп ва у ҳаяжон исканжасида. Хуш келибсиз деди у ниҳоят рўпарасида ўтирган йигитга қараб табассум билан. Хушвақт бўлинг дея жавоб қилди Фарҳод. Кўпкіррали оддий шиша стаканлардан мен ҳали номини билмайдиган яшил суюқлик хўплаганча ўтиришарди қызлар. Чарм курткасининг чўнтағидан телефонини олди Инна ва майнингина мусиқа оҳанглари тарапди хонада. Сира кутилмаган ҳолат: Иннанинг тўгарак гардишли кўзойнаги зеҳидан икки томчи ёш сизиб чиқиб нозик ияги томон ўрмалади. Ер остидан секин Фарҳодга қарадим. (Фурхаднинг исмини айтишда бироз чалғиб Фарҳод дейман) Унинг ҳам кўзларида ёш, Кўзларида қалқиб турган намакобни кўрсаткич бармоғи билан сидириб ташларди Айлуч. Жамоага қўшилмай иложим йўқ, рўмолчамни олиб кўзларимга босдим. Менга маълум бўлишича еrostи одамлари мусиқадан қаттиқ таъсирланишаркан. Бизда эса тамом тескариси. Қандай куй бўлмасин қарсак чалиб ўтирамиз. Ҳали қўшиқни бошламаган ижроидан бошланади бу ҳол. Саҳнага чиқиб келаркан, қўли билан микрофон дастасига уриб келаверади ва қарсак чалишга даъват этади томошабинларни. Билишимча, Европа ёки Америка мамлакатларида кузатилмайди бундай ҳол. Шу фикр таъсирида дафтардан бош кўтардим, Манзар ва унинг дўстларини ўша ҳолатда қолдириб ортимга қайтдим. (Хаёллар оламидан реал ҳаётга қайтдим демоқчиман.) Кечга томон оғиб борарди кун. Деразаларда кечки куёшнинг ловуллаган ёлқини. (О, неча ва неча маротабалаб ёзганман мен бу ҳакда.) Гўёки ўт ичида қолгандай дунё. Ёруғ оламнинг шундай ва шунга монанд манзаралари бор. Чор-тарафга югуради оғиз-бурнини турли рангдаги матолар билан ўраб олган одамлар. Дарвоке, коронавирус, яъни COVID-19 билан боғлиқ бир хабарни аввалроқ айтмоқчи эдим, чалғиб бошқа томонга ўтиб кетибман. Бутун рубъи маскунни қамраб олган дард мана қарийб икки ойдирки, ҳамманинг оғиз-бурнини боғлаб ташлаган. Йигит севган қизини никоб устидан ўпишга мажбур. Бир-бирларидан ҳазар қилишяпти одамлар. Шунга даъват бор. Ҳеч бир одам иккинчисига икки метрдан яқин келиши мумкин эмас. (Эру хотин муносабатларичи!) Қўл бериб саломлашиш, қуchoқлашиб кўришиш тақиқлаб қўйилган. Эй, Манзар, Ҳўтамага тушиб тўғри қилгансан. Ўйлайманки, сиз томонларда коронавирус йўқ. Бизда кун сайин авж олмоқда. Америка, Россия, Хитой, Ҳиндистон етакчилик қиляпти. Симптомлар турлича: Нафас қисади, тана ҳарорати кўтарилади, йўтал, бош оғриғи ва ҳоказо. Радио, телевидение коронавирусга чалинганиларни ва ўлим сонини эълон қилиб боряпти. Бу дарднинг қай тарзда юқиши ҳам унчалик аниқ эмас. Кечадан бошлаб нарсалар сиртидан эмас, асосан ҳаво орқали юқиши хulosаланди. Мана, хонамга кирганимдан кейин эшикни беркитиб олиб юзимдаги никобни ечдим, айтилганидек, кўлимни совунлаб ювдим, кийимларимни ечиб эшик олдидағи илғичга илдим-да, бошқасини кийдим. Ўзинг ўйлаб кўр, Манзар, бу аҳволда яшаб бўладими?! Тўй-томушалар чекланган, зиёфатлар тўхтаган. Бутун дунё никобда. Вируснинг янгидан-янги штамплари пайдо бўляпти. Мутация! Нафас қисиш, астма! Омикрон... Вирусларнинг тарқалишида ва ҳаттоқи уларнинг яратилишида ҳам кимларнингдир қўли борлиги айтилмоқда. Сен ва Арпеник, татикларинг ҳавфсиз жойдасизлар, агар шундай бўлса, анигини билмайман ва шунисига ҳам шукур қиласан. Кеча тунда ухламай драматик достонга ўхшаш бир нарса ижод қилдим. Мана эшият:

Зулм гуллари
Коронанинг тугулиши

Коинотнинг гадой топмас ҳамда овлоқ бир пучмоғида
 Етти қават зулмат ичра ҳўмрайганча турар бир қаср
 Деворлар тош, эшигию деразадан йўқ унда нишон,
 Нахс юлдузи заҳар пуркаб том устида турар кар, басир.
 Ва атрофда учиб юрар метиорлар ҳам думли юлдуз
 Бу саройнинг деворлари ўхшаб кетар аждар пўстига
 Остонада тўзғиб ётар сонсиз юлдуз, зеро, фасли куз.
 Шу қасрда жисми мубҳам бўлган жонзот туғилди.
 Ипак қурти янглиғ ўсди, борлигини этди намоён.
 “Таъвия” деб, уни кўрган метиорлар, юлдузлар кулди
 Ҳушёр тортди қора туйнук, неки мавжуд кўқда, не шоён
 Қарадилар ер тақвимин: олиб шу дам, шарьбон ойидир,
 Тугаб борар чўчқа иили, сичқон иили кириб келадир.
 Баъзиларнинг айтишича бу қасрда бўлганмиш Дажжол
 Ўргатганмиш вирусолог олимларга бойимоқ сирин
 Ва олимлар вирус сирин билиб-бilmай сақлаб ёширин
 Бир сандиққа солиб уни қўйганмишлар чангакка илиб
 Ул тиллога айланар деб, ўқиганча Дажжолга таҳсин.
 Кезинармиш Сандик узра қаттол чаён ўйнатиб думин.
 Кўриқлармиш уни кун-тун чангак узра ослиб ипга,
 Олтинсимон сариқ маҳлуқ гоҳо пастлаб, гоҳ ўрлаб шифтга.

Дажжол:

Мана энди хотиржамман.
 Ушалмоқда орзулар зимдан.
 Коронани яратдик биз
 Дарддан, зулмдан.
 Ва йўлладик Ер сари илдам.
 Дунё бўйлаб отгин деб илдиз

Даххок:

Шундай хожам.

Дажжол:

Сепи улуг.
 Сандинида фақат дарду ғам.
 Бу балога дош бермас одам.
 Шу йўл билан ажаб эмас дунёни олсам.
 Қадим битикларда шундай сана бор,
 Гўёки мен йигирма беш йил,
 Дунё ҳалқин талайдурман,
 Бергайман озор!

Даххок:

Ақлингизга беш кетаман.
 Гап йўқ, хўжайин!
 Аллақандай... мен билмаган
 “Битик”лардан берасиз сабоқ

Дажжол:

Ниятим пок, дўстим Даҳҳок
Дунёни олсам!
Бўлгусидир
Дунё дуннинг бор бойлиги
Қўлимизда жам.

Даҳҳок:

Оласан, хожам.
Ким олади,
Сен олмасанг шу ақлинг билан!
Мен бир девман...
Аникроғи, девлар девиман.
Оламан тан,
Кучим қўпу аммо локигин,
Куч солинган ақлим бир қафас.
Фақат...

Дажжол:

Нима “фақат?”
Иккиланмай айт!

Даҳҳок:

Зулм йўлида...
Хизматингга шайман ҳар нафас,
(Қимтиниб илтижо қилади)
Коронани хотинликка олиб берсанг бас.

Дажжол:

Бу чўзилган нутқ сўнггида
Талабинг шуми?
О, гапларинг сўровидан
Азизим Даҳҳок,
Ўқиганга ўхшамайсан
“Минг бир кеча”ни
Ишонолмай турадурман...
Бу жуда қизик!
Рост эканда айтганлари:
“Қадим бир подшо
Бўлган эмиш қурбақанинг кўзига ошиқ”.

Даҳҳок:

У жуда гўзал.
Ҳар лаҳзада товланади кириб минг тусга.
Гоҳ мусиқа ижро этар, гоҳ айтар қўшиқ.
Ер одами билмас унинг макру ҳийласин.
О, Корона!
Унга йўқ тўсиқ.

Дажжол:

Рост айтасан,
Ерга тушиб сандигини очса Корона.

Бекарона сочиладир заһарнок вирус
 Қолмас ерда тириклидан зарра нишона!
 Бор шундай гап: "Homo homini lypus"
 Яъни инсон бўри эмиш инсонга азал,
 Бошқасига юқдирамиши боши бўлса кал.
 Кўришади, ўпишади, аксиради...
 Сачратиб вирус
 Юрагимга ал эксирадай қўйилар таскин –
 Ва базмга чорлар мени гўёки Бохус.

Даххок:

Айтганингиз ўнгидан келсин.
 Ишонаман, бизнинг Корона
 Экар ерга Зулм гулларин.

Зулм гуллари
(Тертицалар)

Қаср ичра қора сандик – пандора қутиси
 Кўриқлади уни гажак думли бир Чаён
 Бул маҳлуқнинг елкасида қалит намоён.

Маҳлуқ ҳушёр, олиб бўлмас қалитни осон,
 Не бор дея бул қутида бўлганча тажанг
 Ул жонзотнинг эси кетар, бўлар бағри қон.

Кунлар ўтар, ҳар бирида йил шиддати бор,
 Вақт лашкари замон билан қилганича жанг
 Шу аҳволда ўсиб борар ё Раб, ул маккор.

Билолмасдан ким аждоди, ким ота-она,
 Юрагида зулм гули ўсар олиб ранг
 Аслида ул гул ҳам эмас, фақат хору хор.

Улғайтирди уни зулмат, захри олуд чанг,
 Зулм гуллари кўкси ичра чиқарди тикан
 Кўлса магар сачраб кетар ойин ила ланг.

Вужудини чирмаб олган беадад ғалва,
 Жаҳлланса ютмоқчилик осмону ерни
 Ютмоқ бўлиб биратўла забару зерни.

Силкинарди мисли товуқ кулга ағнаган,
 Ва сочарди теграсига яширин сирни
 Бундай ҳолдан само тушкун, само бадковоқ.

“Аржанг”
(Гекзаметр)

Ўн саккиз кун эврилишлар гаронаси, ўн саккиз йил ўрнини босди
 Шиддат билан улғайди тез, бамисоли сувда тўфон, ё чўлда қуюн
 Корона деб ном бердилар коинотнинг аҳкомлари, ёриткичлари

Неъмат АРСЛОН

Бадандаги сўгалларин силаб сийпаб ўз хуснидан бўларкан мамнун.
Кўлга олиб данданали, кўнгирадор, суйри сифат ойнасин ҳар кун.
Дер эдики: “Бундай гўзал талъатни ҳеч кўрмаган Ер, кўрмаган Очун
Хабарсизdir ҳеч шубҳасиз чумолидай Ерда юрган бечора Одам”.
Шунда ойна жавоб қилди: Сулаймоннинг севгилиси, тенгсиздир Билқис
Қолишмайди сулувликда ундан сира, паричехра мохи Дилором.
Ва яна бор Миср юрти маликаси, эрлар зотин кушандаси Клеопатра
Лаура бор, Беатриче, Тўмарис бор – массагетлар юрти бекаси.
Ким билмайди, Зулайхонинг гўзаллигин, олам аро Юсуф қисматин
Ким билмайди достонларда куйланган ул Лайли билан Ширин тийнатин.

* * *

Гар сўзласам сенга бекам, шоир Катулл қаламини хўп йўргалатган
Рим юртида танҳо гўзал, парирухсор Лисбиянинг ўлган чумчуғи.
Кориннанинг тўтисига элегия битган ёниб рим шоири Овидий Назон
Ул гулларнинг олдида сен таъвиясан, чириган тол, тўзиган хазон...
Гап тугамай хушёр тортди, эшитаркан Кориннанинг номин Корона
Ва дедики: “Нега бузиб айтмоқдасан, Кориннамас, номим Корона
Мана энди аниқлашга йўл олгайман айтганларинг ростми ё ёлғон.
Шу сўзларни ифшо этиб қанот қоқди, курк товуқдай учди ер томон,
Узоқлашиб қолиб кетди, Ер тангадай кўринганда етти қат осмон.
Данданали ойна унга сўзлаганди Семурғ күшдан шундай ҳикоят:
Гўё Семурғ ўтар экан, қанот қоқиб, Чин юртининг устидан учиб,
Тушиб қолган қанотидан бир дона пат бехисоб ранг мажмуасидан,
Моний деган ёш бир йигит патни топиб бўлган зўр рассом.
Дунё кезиб таълим олган, маҳорат-ла гўзалларнинг сувратини солган
Гўзал Си-Ши, ҳамда Лубат, Дюочану, яна Билқис, яна Дилором –
Ва бошқалар шу рассомнинг “Аржанг”идан муким жой олган.

Парвоз

Ўз кўзим-ла бориб кўрай, сафсатангни бўлди тўхтат, бас,
Ўтрик бўлса айтганларинг ейман сени қилиб чилпарчин.
Қайтгунимча сабр ила кутиб тургил, эй ялтироқ нас,
Шундай дея парвоз этди қайдасан деб Моний юрти Чин
(Моний асли эронлик эди...)
Титраб қолди само тоқи қолгандай юпун,
Ой қаради ёқиб ҳар ён “еттинчи чироқ”.
Шамол эсиб шарқу гарбдан қиласарди ҳамла.
Гир айланар галактика – улкан яргучоқ.

Моний ва Корона (Terтиқалар)

Тўсмокчидек Зулм гулин йўлини умидвор,
Тўзғир эди сахроларда кумлар шу дамда
Келиб дўзах дарвозасин қоқди Корона.

Ва дедики: "Жой ҳозирланг меҳмонларим кўп,
Карвон бўлиб келаверар тобутлар тўп-тўп".
Учиб қочар само томон Бохус паришон.

Вақт алмашыб әврилишлар этарди зухур,
Үтмиш билан келажакнинг фарқи колмаган
Аралашыб күринарди ҳаммаси бир қўр.

Қайда кеча, қайда бугун ва қайда эрта,
Билиб бўлмас замон ичра буркирар қуюн
Зеро, ҳеч ким қилмагандир вақтни суғурта.

Ана шундай вазиятда мисли чархпалак,
Ва ё тунда овга чиққан бир кўршапалак
Учиб келар қанот қоқиб Корона вирус.

Етиб келиб Чин юртининг нақ тепасига
Разм солди шул ўлканинг баланд-пастига
Конфуцийнинг кулбаси ҳам кўринди алҳол.

Сал нарида яна бир уй, яшнар боғу роф,
Шовуллайди теграсида қатор терак-тол
Кенг хонада шуъла сочар парпираб чирок.

Деразадан қараб кўрди хонада Моний,
Ранг ичидан ранг излайди улуғ каёний.
Эгнидаги либоси ҳам ёкут, алвон-ол.

Миллион карра кичрайди-ю кирди хонага
Лаҳза ўтмай ёш бир аёл шаклини олди
Рассом ҳайрон кўзи тиниб бул бегонага.

Биррав боқди сувратларга бўлганча тажанг
Ва дедики: “Парча-парча бўлгуси “Аржанг”
Мендай сулув сувратини агар чизмасанг.

“Аржанг қани? Дилоромнинг кўрсат сувратин –
Деди. Рассом юрагига солиб ғулғула
Мўйқаламин қўйиб Моний олди бирдам тин.

Савол сўрди фикри шошиб, ҳайрати тошиб
Кимсан, англат? Қандай кирдинг берк эди эшик
Келгандирсан балки тунда йўлдан адашиб?

Сувратим сол, бошқаси-ла бўлмасин ишинг,
Сен ерликсан, самовотга ўтмагай тишинг
Фазаб қилсан сўнг қолмагин бошингни қашиб.

Қандай чизай, йўқ-ку сенинг одам сиёкинг,
Баданингда сонсиз ғудда, яна бошинг кал
Бўртиб ётар вужудингда беҳисоб сўгал.

Пайқамасанг латофатни сен қандай рассом,
Сувратларинг бир чақага арзимайди, хом
Қани ўша Дилороминг, менга бир кўрсат!

Неъмат АРСЛОН

Мўъжизали тилсим китоб очилиб “Аржанг”,
Дилоромнинг сувратини қўрсатди рассом,
Коронанинг вужудидан кўтарилди чанг.

Оҳ урди-ю лаънат айтиб силкинди шу дам,
Тўзгиб кетди хона ичра зарра-зарра занг
Чин мулкатин ҳаётини босди дарду ғам.

Ер курраси узра учди қоққанча қанот,
Мана Эрон, мана Турон, Шимол Шарқу Ғарб
Жануб томон тўзгиб ўтди, бўлиб ҳангут манг.

Америка ўзи бир ён, Чин юрти бир ён,
Италия билан испан ахволидир танг
Ер куррасин қамраб олар вирус тусаб қон.

Тетис

Беш юз миллион йил муқаддам улугвор Тетис,
Тўлқин отган бир сарҳадга боқаркан тажанг
Ўз вужудин ўзи тирнаб қиласр эди жанг.

Илҳом, ижод жўшар эди бу макон – Парнас,
Янграп эди ҳудудида алёр бе назир
Ахли олам жўр бўларди, қиласрди ҳавас.

Фолбин

Карасара – фолбин аёл ташларкан қўра
Етти қават зулмат ичра қўринар қаср
Зеҳн солиб қарасаки, қўз юмиб басир
(Фолбинларда бундай одат азалдан мавжуд)
Хира тортиб қўрингандай бўлар бир шарпа.
Парвоз этиб келмоқдайди вирус Корона,
Заҳар пуркаб теграсига қўринмас вужуд.

Тўртлик

Афсус, мана зулм гули – вирус Корона,
Ғазаб сочиб Ер томонга бўлар равона
Учиб утар бир қитъадан бошқаси томон
Изғиб юрар ғазаб сочиб нияти ёмон.

КАРАНТИН

Бутун дунё карантинда.
Тўй-томоша, базму жазм, бари тўхтаган.
Неча кундир қўмсақ висол лаҳзаларини
Олим йигит хонасида кезади тажанг.
Гўё ҳаёт ер юзида бўлгандай тамом.
Қўлга олиб телефонин теради рақам
Севгилисин учрашувга чорлар ўтиниб

Рози бўлар Авзона ҳам кўп ялинтирмай
 Ва юзига ниқоб тутиб чиқар дарчадан.
 Висол ширин шивирлашар тунда йигит-қиз.
 Кўча хилват қўринмайди бирон-бир жонзот
 Сўраб қолар ногоҳ Авзона:
 “Кўрқмайсанми, кезиб юрар ахир Корона?”
 Йигит айтар: – Нега қўрқай, мен вирусолог!
 – Кўпдан бери тушунмайман сенинг касбингга,
 Не дегани ўзи вирус?
 – Бу лотинча заҳар дегани.
 – Кроначи? Корона нима?
 – Корона – тож. –
 Шундай жавоб айтади Ақбар.
 – Ўзи микроб, номи кўп латиф...
 – Микроб эмас, микробдан ҳам минг бора кичик,
 Сўгал, ғудда қоплаб олган вужудин тамом.

Қиз:

– Кўрқаяпман.
 Биз бу ердан кетайлик шу он!..

Йигит:

– Не қўрқасан? Ёнингдаман.
 Билсанг агар, биз ўзбекнинг жонимиз қаттиқ,
 Аждодимиз меркоптофос тагида ўсган.
 Бутефос ҳам ичган улар сув билан қўшиб.
 Самолётлар учеб ўтиб пахтазор узра
 Пуркаганда... Бутефос, жўшиб...
 – Бутефос! Меркаптофос!?
 – Худди шундай.
 – Бу кучли заҳар.
 – Билсанг агар, уруш пайти, бундай заҳарни
 Қўлламаган хаттоки Гитлер.
 – Не сўзларсан, у бошқа замон.
 – Замон бошқа, лекин қон – ўша.
 Енгил тортиб хўрсинади қиз:
 – Демак, бизни ололмайди вирус ҳеч қачон.

* * *

Яшириниб ётар эди девор тагида
Ўлжа пойлаб ўша тунда машъум Корона
Ошиқларнинг гапин тинглаб заҳарли кулди,
Кимлигимни англатай деб ўрнидан турди.
Ва силкиниб, очиб оғиз уфурди заҳар.
Тукларидан таратганча бекарона ун.
Хафта ўтар ва ўтади яна неча кун
“Хавода ҳаво йўқ” қийналади қиз.
Куруқ йўтал ва ҳарорат солиб асорат
Номаълум дард вужудини қиласи ғорат.

Ёғар эди ўша оқшом шивалаб ёмғир,
Кўк хўмраяр, булутларнинг қўзларида ёш
Шифохона.
Хамширалар югурап ҳар ён.
Мислсиз бир жанг боради, жангки беомон.
Кириб келди ошиқ йигит эгганича бош.
Юрагини қамраб олган хавотир, ғулув.
Хўп ивиган келгунича пойи пиёда,
Оқар эди этагидан сизғирганча сув.
Кўзёш тўқди қиз пойига чўкканича тиз.
Алаҳсирап қиз Авзона иссиғи баланд,
“Кечир” дейди қўлларига лаб босиб йигит.
Сўнг отилар ташқарига муштларин туғиб,
Ўлдирај деб Коронани бўйнидан буғиб
Мана, шаҳар ҳудудида “Тажрибахона”.
Тун ярмидан оғган маҳал кезинар олим
Хаёлида минг хил режа
Чархланади тафаккур тифи.
Ва шишада бўлар намоён
Антивирус қалқигансимон.
Ўчиб қолар ногаҳон чироқ
Алла нарса кўринар шу чоғ
Қоронғидан ҳам қорароқ
Ва ғазабнок йигит сўрайди ундан:
– Кимсан?
– Коронаман. Бекаронаман.
– Кет юртимдан даф бўлгил, йўқса,
Этгум сени ер билан яксон!
Қахқаҳ уриб кулади жонзот
Ва дейдики: "Бу эмас осон
Бошда тожим. Зулм гулиман.
Сепим улуғ – пиндар қутиси
Ичи тўла бало офатга
Ерда не бор у йўқотгуси.
Мехрбонлик кўрсатиб сизга
Жой тайёрлаб қўйдим дўзахда.
Такрор айттай: Мен Коронаман!
Бу дунёга танҳо ҳукмрон".
Қоронги тун. Курашади.
Қабоҳат-ла илм-маърифат.
Ва тиббиёт тоғдай юксалиб
Вирус йўлин тўсар шу фурсат,
Шунда Акбар қўлига олар
Кашфиётин – сирли шишасин.
Яқин келиб ўтмиш – келажак
Икки давр қоришиб кетар
Бизнинг "буғун" оний бир лаҳза.
Мангуликка юзин кўрсатар
Мозий дарчасида порлар ёрқин нур
Олдда Сино ва Ҳеппократ,
Шул қаторда Гален, Эскулап
Тиббиётнинг маъбудаси Эскулап қизи –

Гигиена:

Чорлаганча тозаликка, озодаликка
Узоқ мозий пардасини күтариб қарап.
Отасининг асосига илон чирмашар
Афсонага йўйманг буни, бу рамз азалдан.
“Бемор” сўзи таржимада илонсиз демак,
Гар танадан кетса илон bemormiz бешак.
Оқ хильялти фаришталар саф тортиб қатор
Шум ниятли Коронанинг йўлида турди
Саф олдида ҳозир бўлиб Ибн Сино ҳам
“Тиб қонуни” билан вирус бошига урди.

Саховат ва кўмак

Юрт отаси бирдамликка чорлаб шул замон
Халқин руҳин кўтаради: "Енгамиз бешак!"
Бирдам бўлсак, барчасига топамиз имкон.

Етиб борар ҳар инсонга “Саховат, кўмак”.
Сира кўрқманг, омборлар бор: дон-дунга тўла.
Саховатли халқимиз бор, меҳнаткаш, бардам.

Кўрсатайлик оқибатни бўлиб меҳрибон
Енгилгуси ва қочгуси Корона вирус,
“Буюк халқ қудрати жўш урган замон”.

24

Мен – Товошар:

Ерустида рўй берәётган бошқа бир қатор воқеалардан сени хабардор этмоқчиман, дўстим, Манзар. Карасара деган бир фолбин аёл айрим, ҳа, айрим фан докторлари-ю профессорларнинг саводсизлигидан фойдаланиб (ахир улар, бизнинг академигу (Иякнинг таърифика) уқадемикларимиз оддий қайчини ясашни ҳам билмайдилар-да) роса шилаяпти уларнинг пулинини. Бизда университетлар кўпайиб кетган. Нима сабабдан барча вилоятлардаги институтлар бир куннинг ўзида университетга айланиб қолгани тўғрисида сўрама. Фолбин Карасаранинг фикрича, жаҳон стандартларига тўғри келмайди уларнинг бирортаси ҳам. Чукурроқ кириб бориб бўлмайди бу масалага. Бирор мамлакатда бундай бўлмаган.Faқат сенга айтаман. Турли вилоятлардан келиб таҳсил олаётган талабалар билан боғлиқ бу масала. 1992 йил. Нон худди уруш ийларида гидек ўта тақчил. Пенсионер: чолу кампирлар уйидан чиқолмай қолган. Пластик карточкадан нақд пул қилиб олиш учун кунлаб ва ҳатто ҳафтадан навбатда турадиган қарияларга 50 минг сўм берилади. Бир кило гўшт эса... йўқ, айтмайман. Бирорта ҳам транспорт воситасига, автоларга чиқолмайсиз. Нақд пул ҳеч кимда йўқ. Мен оддий ҳалқни назарда тутяпман. Ҳеч кимдан пора ололмайди оддий ҳалқ. Аммо поранинг нима эканлигига ақли етади ҳатто Хидир тентакнинг ҳам.

– Одамга нима учун иккита кўл берилган? – сўрайди у, яъни Хидир подачи кўчада тупроқ титиб ўйнаётган етти ёшли боладан.

– Билмайман, – жавоб қиласиди бола. – Бири билан пора олиш, иккинчиси билан пора бериш учун, – дейди Хидир. Ажойиб “тўсала”лар ётибди бу

Неъмат АРСЛОН

масала ортида. Университетларда дарс берадётган домлаларнинг саводи “ҳамин қадар”. Техника фанлари докторига, масалан, кетмон қандай ясалади десанг айтиб беролмайди. 1992 йилда университет статуси берилган ўкув даргоҳлари мана қарийб 30 йилдирки, порахўрликнинг бош ўчоғига айланиб қолган. Фалон прокурор, фалон ректор, фалон доктор, боғча мудираси, электр тармоқлари ходими... ҳоказо-ю ҳоказоларнинг, яъниким казо-казоларнинг, хусусан, ҳокимларнинг пора билан қўлга тушганидан хабар беради телевидение. Баъзан жуда кулгили ва ачинарли ҳолатларга дуч келасан, мана, боя бошлаган гапимнинг давомини эшит:

...Ректорнинг хонасидан отилиб чиқиб шаҳар маркази томон юрди биология фанлари доктори, профессор Шингаров. (Айни пайтда у филология фанлари доктори ва адабиётшунос ҳам.) Бир неча соат аввал талабалардан йигиб олган пулларини шимининг иккала чўнтағига бўлиб солган ва юргурганда тушиб қолмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриб бораради. Осмонга томон чўзилган узун, энсиз бир бино олдига етгач бироз тўхтаб нафас ростлаб олди-да, дадилланиб ичкарига кирди. Теология ўқитувчиси бўлиб кўп йиллар ишлаган (балки биологиядир, аммо Карасар ўзи дарс берган фанни теология деб атарди баъзан) ва талабалардан пора олгани учун ишдан четлатилган Карасара нимқоронги хонада соchlарини ёйганча ўтириб қарта чийларди. Ишдан кетганидан кейин фолчиликни даромад манбаи қилиб олган ўттиз беш ёшлардаги бу аёл қисқа вақт ичida мамлакатнинг энг зўр фолбинига айланган, ҳаттоқи Иякнинг ўзи ҳам тунда яширинча унинг хонадонига келиб турагмиш. Теология, еология, ология, логия, огия, гия, ия, я. Буларнинг ҳаммаси мен! Шундай фикрда эди Карасара. (олимларимизнинг саводсизлиги ва порахўрлиги ҳам унинг фикри.) Баъзиларнинг айтишларича “Ияк” сўзининг маъносини фақатгина Карасара билармиш, аммо айтмасмиш.Faқат шаҳарнинг энг бели бақувват одамларидан бири миллиардер Ғунниевга озгина “учини чиқарганмиш” Ғунниев буни оламшумул янгилик деб ҳисоблаб мана, йигирма беш йилдирки қаттиқ сир саклаб юрганмиш. Узунқулоқ гапларга қараганда Ияк деган сўз қисқартма от эмиш...

...Шингаров келган пайтда қарта чийлаб ўтиради Карасара. Машғулотидан бош кўтармай “Кел, ўтири” деди. Унинг бармоқларига ҳайрат билан қараб қолди профессор Шингаров. Айниқса унинг ноқис ақлини ўғирлаганди ўрта бармоқдаги иккита яшил кўзли узук ўртасидан жой олган учинчи узук кўзида чўғдек ёниб турган ёқут тош! Ёқут тош!

- Гапир, – деган буйруқ бўлди.
- “Кўрғуур” газетасида босилган бир мақола тўғрисида, деб ямланганча гап бошлади Шингаров...
- Йигирма беш оёқли маҳлукларни билгинг келяптими?
- Мен эмас, ректорнинг ўзлари билиб келиш учун юбордилар.
- Қанча олиб келдинг?
- Минг доллар.
- Ўлсин-а... ҳасис, ҳар бирabituriентдан етти-саккиз минг доллардан ундиради. Шу йил олий ўкув юртига, масалан, бир минг икки юз бола кирган бўлса, ҳисоблачи қанча бўлади?

Шошиб қолди Шингаров. Унинг ақлига бўйсунмасди бундай катта рақамлар.

- Эшитишимча, етти нафар бола, уч ўғил, тўрт киз бепул кирганлар.
- Демак, ректоринг коинот маҳлукларига қизиқиб қолибди-да?

Долларни қутичага сол, майли шу пулингга яраша айтаман. Кўзимга кўринди, кўнглимга огох бўлди! Осмондан учиб келаётган маҳлуклар – вируслар.

– Вируслар!? Менинг фаҳмимча вируслар күзга күрінмаслиги керак. Їки уларнинг ёнғоқдай ва ё қовундайлари ҳам бўладими?

Аччик қулди Карасара, ва деди:

– Сенинг ўзинг күзга күринасанми?

– Албатта, мени...

– Эй бандаи ночор, сен минглаб ва миллионлаб одамлар орасида ғимирлаб юрган бир нотавонсан, күзга күрінмайсан. Ректоринг бирозгина күринади. Унинг тепасида турган шахс ундан кўра ёрқинроқ ва каттароқ шаклу шамойилга эга. Бор энди кетавер!

– Махлуқлар нима бўлди? Ректор жанобларига нима деб айтай?

– Улар вируслар эмиш дегин.

– Оёклари-чи?

– Оёклари йигирма бешта. Ҳар йили биттадан оёқ чиқаради. Демак, йигирма беш йилдирки ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда улар. Ва йигирма беш йилдан бери йўл босиб тобора яқинлаб келмоқда.

– Боши-чи?

– Боши тўртта.

– Нима мақсадда келишяпти улар?

Үрта бармогидаги катталиги ёнғоқдек узугини ўйнаганча сукут қилди Карасара. Гап тамом деган ишора эди бу. Орти билан тисарилганча ҳовлига чиқди Шингаров. Университетга етиб келди пилдираганча. Ректорнинг хузурига кириб сўз бошлади ва эшитганларини батафсил баён этди.

– Вируслар эмишми? – қайта сўради ректор фолбин айтган ҳамма гапини эшитгач таажжуб билан. Йигирма беш йил, йигирма бешта оёқ, вирус эмишми?

– Химм, вирус...

– Нима мақсадда келишяпти экан йигирма беш оёқли бу жонзотлар. Боши нечта дединг?

– Тўртта.

– Демак, тиши ҳам бор-да?

– Унисини билмадим.

– Нима мақсадда келишаётганини айтмади?

– Айтмади.

– Майли, дарсингта боравер.

Эшикни ичкаридан кулфлаб сейф турган хонага кирди ректор. Китоб жавонларидан иборат бу хонада сақланарди унинг сейфи. Ҳар бир ўқувчидан саккиз минг доллардан олишимни қаердан билиби экан лаънати жодугар. Пулларим турибдимикин. Жодугар күзга күрінмай кириб сейфни очган бўлмасин яна. Калит буралди сейф очилди. Не кўз билан кўрсинки, темир сандик бўйм-бўйш. Нафаси кисиб кўксини чангллаганча ерга йиқилди. Ўзига келганида ерда ётган қофозга кўзи тушди. Қуйидаги ёзув бор эди унда: “Пулларинг менда, хотиржам бўй”.

Кимда? Сен кимсан? Албатта бу саволларни қанчалик такрорламасин ҳеч кимдан жавоб ололмасди. О, менинг долларларим! деганча пешонасига қарсиллатиб урди ректор. Узоқ ўтирди. Ва ниҳоят Карасаранинг олдига боришга қарор қилди. Уни остоңада кўриши билан мақсадни тушунди мамлакатнинг атанган фолбини ва деди:

– Пулдан умидингни уз.

– Беш юз етмиш минг доллардан-а! Нималар деяпсан, Карасара??!

– Яна бир неча муддат сабр қилсанг университетга қабул бошланиб кетади ва сейфинг яна долларга тўлади.

– Шафқат эт, Карасара, шафқат эт! Қаерда менинг долларларим? Ҳеч бўлмаганда ким олганлигини айт!

Неъмат АРСЛОН

– Айтаман. Азбаройи ҳамфир ҳамкасблизимиз ҳурмати учун айтаман. Шундай деб атрофга олазирек кўз ташлаб олди фолбин ва ректорнинг қулогига шивирлади:

- Пулларинг унинг ўзида!
- Бу нима деганинг, унинг ўзи ким?
- Пулларинг Ияқда...

Орқага қалқиб кетди ректор. Танглайига ёпишди тили. Миясида ғужгон урган саволларни тилига чиқариш қийин кечди.

- Қандай қилиб? – дея олди ниҳоят.
- Бу ёғи менга қоронфи.

Узугини ўйнай бошлади Карасара. Гап тамомлигини тушунди ва латтаси сувга тушгандай шалвираб кўчага чиқди ректор. Пулларим, долларларим қандай қилиб Ияқда бўлади? Кечагина даста-даста бўлиб жойида турганди. Воҳ, дажжол Ияқ. Ай, дажжол Ияқ! Дарвоҳе, унинг ўлганига анча бўлди-ку! Унинг руҳи... Ким орқали амалга ошириди экан бу ишни... Кўп тахминлар ўтди ректорнинг хаёлидан, аммо асосга эга эмасди тахминларнинг бирортаси ҳам. Яъни ректорнинг ўзи ишонмасди тахминларига. Ияқнинг чўтиртоб башараси, чағир кўзлари ва ияги остидаги чукурчаси кўзига кўриниб кўнгли бехузур бўлди. Киоска олдида навбатда турган одамлар ёнидан ўтаркан, уларнинг ҳаяжонли гаплари қулогига чалинди ва коллеж директорининг (университетга айлантирилган колледжнинг аввалги раҳбари) кўлидан газетани юлқиб олиб биринчи бетдаги сарлавҳага кўз югуртириди. : “Саксон ёшга кириб илк бор қуёшли кўрдим. Бунга ажабланманг. Бирор марта ҳам осмонга қарамаган эканман. Қуёшли менга Ияқ жаноблари кўрсатдилар!” Газетада Шингаровнинг ҳам “Донолар доноси” деб номланган мақоласи босилганди. “... ажабо деб ёзарди Шингаров, – чигиртканинг оёғи олтита бўлишини билмаган эканман. Жаноб Ияқ...” давомини ўқимади ректор. Кўнглига қил ҳам сиғмасди. Ўн йил аввалги гаплар...

Энг мудхиш рақс

1

*Бу қудук;
Бу хилват
Осмондан чуқур...
Жонтемир ЖОНДОР*

Тобора яқинлашиб келарди вируслар... Кеча янги штамп тарқалаётгани тўғрисидаги хабарни эълон қилди телевидение. Америкада, Хитойда ва ҳатто Россияда ҳам вирусга қарши вакциналар тайёрланяпти. Эмланганлар орасида ўлганлар ҳам бор. Баъзи вакциналар эмлангандан кейин инсон организмида тромблар ҳосил қилишидан огоҳлантиряпти интернет хабарлари. Оллоҳим, Арпеникни ўз паноҳингда асра деб нола қиласман баъзан. Борлиққа тун чўкиши билан Шаранда кўчаси томон судрай бошлади оёқларим. Биламан, Арпеник ер устида эмас. Шунга қарамай унинг уйи, ҳовлиси, деразасидаги заъфарон парда тортаверади ношуд вужудимни. Торгина бетон йўлакка соя ташлаб ўсиб ётадиган канадона гуллари Бирма ибодатхоналари шаклида, ранги эса ўзимизнинг қизил атиргуллардай қизғиш. Кўринаверади кўзимга улар. Ярим тунга қадар унинг деразаларидан кўз узмай кезиниб толиқдим. Уйимга қайтмоқчи бўлиб турганимда девор панасида биқиниб турган кишига кўзим тушди. Тун қоронфисини хирагина ёритиб турган узоқдаги электр чироқ ёруғида унинг ўнг елкаси ва бошининг ўнг томони сариқ мумдан ишланган ҳайкалдай

котиб туарди. Арпеникнинг девори тагида нима қилади бу кимса деган ички бир хайқириқ билан кузата бошладим. Фақат ёвуз ниятли кимсаларгина тунда бироннинг уйини пойлайди деган фикр миямга урилди ва дархол уни рад этувчи бошқа бир хулоса бўй кўрсатди: “Ўзинг-чи? Неча қундирки шу ҳовли атрофида кезинасан, девор тагида турасан, деразани пойлайсан-ку! Демак, сен ҳам ёвуз ниятли кимсасан”. Менинг ниятим бошқа эди дедим ўзимга таскин берид, “Унинг нияти-чи? Ахир билмайсан-ку бу кишининг нима максадда девор панасида турганини”. Тан олдим бу эътирозни ва масалага ойдинлик киритиш ниятида томоқ кирдим, йўталдим икки марта. Ҳолатини ўзгартирмади “ёвуз ниятли киши”. Яқинлаб бордим унинг олдига, уч-тўрт қадам берида туриб қарадим. Шишадай ярқиради унинг елкаси. Аллақандай шаффоф матога бурканни олгани боис баҳайбат айикқа ўхшаб кўринарди. Овоз бердим:

– Ҳой амаки, нима қиляпсиз бу ерда?

– Бери кел! – деган хирқироқ овозни эшитдим ва яқинроқ бордим. Кафти билан девор сиртидаги чукурчани маҳкам босиб туарди ёвуз ниятли киши. Деворга кафти билан михпарчин қилиб кўйилгандай.

– Ёрдам бер!

Кўлтиғидан олиб ўзимга томон тортгандим, жеркиб ташлади:

– Нима қиляпсан, номард? Ёрдамлаш, лой олиб кел! Ана, селофанхалтада лой бор. Шундагина сал нарида оқаришиб турган буюмга кўзим тушди. Ва бу антиқа одамнинг ниятини ҳануз тушунмаган ҳолда унинг буйругини бажардим. Лойни кўлимдан юлиб олиб кафти остидаги кавакка босди, роса ишқалаб текис ҳолга келтирди ва мамнун бўлиб қаради менга.

– Ҳолинг шу экан-ку лаънатилар! – деди лойсуvalган кавакка қараб.

– Нима бор унинг ичидা?

Юзига сирли тус бериб шивирлади амаки:

– Вирус!

Гап нима тўғрисидалигини тушуна бошлаган бўлсам-да, ҳали моҳиятига этиб улгурмай, куюшқондан ташқарида рўй берган ҳолат тамом гангитиб қўйди мени. Ўлжага ташланган калтакесақдай чаққонлик билан бир сакраб елкамга чиқиб олди амаки ва пардагиридан икки қўллаб тутганча ярғоқ боши билан деворга калла қўйди. Мана, мана деганча икки-уч бор бош уриб, пешонаси билан деворни ишқалай бошлади. Шовуллаб тупрок тўкилди елкамга. Сакраб ерга тушиб тиззаларини букканча нимадандир яширингандай антиқа ҳаракатлар билан мен турган жойдан йигирма қадамлар нарига борди ва қўли билан имлай бошлади.

– Ана! – деди кавакни кўрсатиб, – шу ерда ҳам бор!

– Қаердан биласиз?

Овозимдаги масхараомуз оҳангни пайқамади ва жавоб қилди:

– Шамол шимолдан эсиб турибди, девор эса жанубда. Бас шундай экан, ҳавода учиб юрган вируслар қаерга боради! Нафақат олимларга, балки оддий одамга ҳам маълумки, вирус ўзини кавакка уради. Ўзига хос каваклардан иборат бўлган инсоннинг оғиз ва бурни ҳам бундан мустасно эмас. Биз эса... – гапнинг давомини айтмай боши ва елкаси билан девор сиртига ишора қилди. Тонг ғира-ширасида лойсувок қилиб ташланган кўплаб кавакларни кўрдим. Асал билан тўлдирган уясининг оғзини шундай шувайди арилар. Гарчи бу одамнинг ақли жойида эмаслигини пайқаган бўлсам-да, унинг ишонч билан худди арилардай астойдил қилаётган ҳаракатларига қизиқиб қолдим. Бир жиҳатдан олиб қараганда тўғри эди унинг амалиёти. Тонг ёришди. Шунда унинг юзига дикқат билан қараб ўзимча бальзи нарсаларни кашф қилдим. Ярғоқ боши, кенг пешонаси ва қаншарига ўрнатиб олган тўгарак гардишли ойнаги... улуғворлик бор эди унинг бутун киёфасида. Бўйи узун, қотма, хипча гавдали.

Неъмат АРСЛОН

Гарчи қаддини бироз хам қилибрөк юрса-да, илм кишиси эканлигини англатиб турарди, ҳатто шу ҳолати хам. Тахминимга аниқлик киритиш мақсадида сўрадим:

– Сиз олиммисиз?

– Узр, сизга ҳали ўзимни таништирумадимми?

Кўлини узатди. Бармоқларидағи лой қуриб, энди тупроққа айланади бошлаган:

– Салаватов!

– Шундай фамилияли вирусолог борлигини эшитгандим.

– Ўша менман.

Бармоқларидағи қотган лойни ишқалаб ташлаб чўнтағига қўл солди Салаватов. Яшил қутичани очиб менга тутди. Бош тебратиб рад этдим. Чекмайман. Буни қаранг-а, мен ёвуз ниятли киши сифатида қабул қилган одам вирусолог олим экан. Сариқ рангли пластмасса зажигалкасини ёндириб сигарета тутатди ва оғзидан тутун пуркаганча гапга тушди:

– Лабораториям бор эди, қўлостимда ўттиз нафар киши ишларди. Каронавирус туфайли ҳаммаси барбод бўлди. Мана энди бу балога қарши ёлғиз ўзим курашиб юрибман. Ишдан четлатдилар мени.

– Нега?

– Сазаганов группабозлик килиб менга тухмат уюштириди. Эмишки, мен – вирусология фанлари доктори, профессор – ақлдан озган эмишман. Унинг айтишича аслида ҳеч қандай вирус-пирус мавжуд эмасмиш. Буларнинг ҳаммаси қандайдир мафиянинг иши эмиш. Пул! Ўртада пул аралашган эмиш.

– Мафияга бундан не наф?

– Наф бўлганда қандоқ! Аптекалардаги дорилар нархи осмонга чиқиб кетди, ҳатто муддати ўтиб кетган дорилар ҳам савдога кирди. Маскалар, шишаchalарга солинган яшилу қизғиши антисептикклар, аслида уларнинг ичидаги нима борлигини ҳеч ким суриштирумайди... Кўлқоплару, ҳоказо-ю ва ҳоказолардан миллиардлаб пул ишлаб олинди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Шундай деб деворларга қаради Салаватов. Каваклар оғзига сувалган ва вақт ўтиши билан қуриб қолган лойсувоқ жойлар шохол терисидаги доғлардай бўлиб кўринарди. Кўп кунлик меҳнат натижаси эди бу. Шуни ўйлаб қанча вақтдан бери бу ерда ишлаётганини сўрадим. Рўзфори қандай ўтаётгани, бола чақанинг ризки рўзи не кечайтганига қизикдим. Бола-чақаси йўқ экан, хотини уч ой аввал каронавирусдан вафот этибди. Шуларни гапириб кўзига ёш олди Салаватов. Кўзларидан ёш оқар, лабларида эса табассум зуҳр этиб турарди. Фарид эди унинг лабларидаги ҳолат.

– Мана шу лой билан сувалган жойларда бечорагина хотинимнинг ... унинг нозик бармоқларининг изи ҳам бор. Шундай деб юқорига интилиб қаради ва кўрсатди:

– Ана, ху тепадаги учинчи, тўртингчи ва бешинчи чуқурчаларни кўрятпизми? Яхшилаб қараган киши аёл қўлининг иши эканлигини англайди. Бармоқларининг тафти назаримда ҳамон турибди ўша чизиклар қатида.

Бунчалик баландга аёл кишининг қули етмаслигидан шубҳаланиб турганимни англадими, изоҳ берди:

– Елкамга чиқиб шуваган. Вазни оғирроқ эди, аммо мен оёқларимда маҳкам турардим. Унинг опроқ ва бўлиққина пойчасидан сиқиб ушлаганча қилт этмай турардим. Ёшлиқдаги закалкам иш берарди бундай ҳолларда.

– Спорт билан шуғулланганмисиз вақтида?

– Ҳозир ҳам шуғулланаман. Мана шу ҳовлини ижарага олиб яшаган киши ашаддий рақибим бўлган. Кикбоксинг ва жип жетси бўйича олтин медаль гоҳ унга, гоҳ менга насиб этарди. “Ашаддий” деганимга ажабланманг, биз аслида қадрдон дўст эдик МЭЛС билан.

Эсим оғиб тинглардим бу гапларни. МЭЛС деган исм миямга яшиндай урилди ва ҳатто савол беришга ҳам қурбим етмай турардим. Ниҳоят қуч тўплаб сўрадим:

- МЭЛС деганингиз рассом эмасмиди?
- Рассом бўлганда қандок! Нақ Рафаэль.
- Қаерда ҳозир ўша дўстингиз?

Елка қисди Саловатов ва МЭЛСнинг дом-дараксиз йўқолганини айтиб афсус билдири. Бақувват йигит эди дўстим, одатда жисмонан кучли кишиларда ақл камрок бўлади деган тасаввур бор. Аммо МЭЛСни ҳам, мени ҳам Оллоҳ ақлдан қисмаган деб қад ростлади. Ва шу ҳолатда девордаги ари уячаларига мамнун назар ташлади. Сухбатимиз мобайнинда хаёлимнинг бир четини Арпеник банд этиб турарди. Аммо сўрашга истеҳола қилдим. Балки ўзи айтиб қолар деб кутдим. Бироз сукутдан кейин емакхона томон бошлади мени. Нима сабабданdir “Иштар” деб аталарди бу емакхона. Эшик тепасидаги рангдор лавҳага қараганча туриб қолдим. Қаранг-а, муҳаббат маъбудаси Иштарни биладиган кишилар ҳам бор эканда бу минтақада. Бир пайтлар ёзган трактатимдан айрим лавҳалар ёдимга келди “Иштар ва Таммуз” деб аталарди бу асар. Аслида уни ёзишимга онамнинг бир гаплари сабаб бўлган. Бир куни менга қараб: “Балам, бир бўлаккина таммуз кесак топиб кел” дедилар. Таммуз деган сўз менга жуда ёқди, романтик кайфият уйғотди. Қайси тилдан олинган бу калом? Маъноси нима? Нега таммуз? У пайтда ҳали муҳаббат маъбудаси Иштар ҳақида хеч нарса билмасдим ва демакки, унинг севгилиси Таммуздан ҳам хабарсиз эдим. Таммузнинг қандай кесаклиги ҳозир ёдимда йўқ. Сомонли лойнинг қотишидан ҳосил бўлганми ёки жуда узоқ йиллар сув тегмаган тошдай қотган қуруқ кесакми. Сариқ, оқ, кўқимтири ва ҳатто қизил кесаклар бор дунёда. Хуллас, орадан йиллар ўтиб Таммузга дуч келдим. Қадимий Вавилон, Ашшурбанипал ва унинг кутубхонаси билан боғлик эди бу афсона ва унинг манбаи... Официанткани чорлаб тўртта гумма билан бир чойнак қора чой буюрди Салаватов. Ҳавонинг салқин тортиб қолгани ва бундай паллада қора чой ичиш маъқуллиги тўғрисида гапиради сухбатдошим, мен эса унинг гапларини азбаройи хурмати учун кулогимнинг бир чети билан эшигтанча Иштар тўғрисида ўйлардим. Клеопатра, Мессалина, Анна Каренина, Икатерина, Рогожиннинг севгилиси... Шу лаҳзада исмини унутиб турибман... у ҳам Анна эди хаёлимда, ёки Наталиямикин... ва Иштар. Бу улуг аёллар ўртасида умумийлик бор. Эркак зотини йўлдан уриш. Ёмон хаёлга бормайлик, битта қалбга сифмайдиган улкан муҳаббатлар бўлади баъзи аёллар қалбida. Агар бўлиб берилса бутун дунё эркакларига етадиган муҳаббат. Туғён ва олов бор бундай муҳаббат қаърида. Натижада аёл инсоният томонидан белгилаб ҳосил қилинган чегарадан чиқади ва уларга суюқоёқ, жалаб, ҳаштари деган тамға босамиз. Гарчи маъбуда бўлса ҳам Иштарнинг юрагида туғён уради ана шундай вулқон. Муҳаббат, айшу ишрат, ҳосилдорлик ва зурриёд маъбудаси эди Иштар. Истар, Аштар деб ишлатиларди унинг исми. Саккиз қиррали юлдуз унинг рамзи. Куролланган, қанотли гўзал аёл сифатида тасаввур этиларди. Бир қўлида занжирга боғланган шер.

Дарвоқе, севишган ва мулоқотда бўлган эрларни турли ҳайвонларга, шерга, хўкизга айлантириб қўяр ёки бошқа бир баҳтсизликка дучор қиласиди маъбуда

Неъмат АРСЛОН

Аштар. Менинг хulosам шундай: Ҳаштари деган сўзнинг асл ўзаги маъбуда Аштарга бориб тақалади. Айрим битикларда Аштар сўзининг бошланишида “ҳ” товуши билинар билинмас оҳанг билан кўшиб талаффуз қилинган. Тожик тилида саккиз рақами ҳашт дейилади. Саккиз қиррали юлдуз эса Аштар (Иштар, Астар)нинг рамзи. Модомики шундай экан, тожик тилидаги “ҳашт” ҳеч шубҳасиз ҳаштариға бориб тақалади. Буларнинг барчаси лафзимизда бузук аёлларга нисбатан ишлатиладиган “ҳаштари” сўзи билан алоқадор. Бундан кўринадики, эрадан аввалги битиклар, Ашшурбанипал кутубхонаси, лой тахтачаларга битилган афсоналар, акгад ва шумер халқларининг урфодатлари, кўпхудолик билан боғлиқ эътиқодларидан хабардор эканмиз азалдан. Ҳаёлимда яна бир ишора бор: Маъбуда Аштарнинг рамзи бўлган “8” рақамини ёзишда қаламни узмай, ўрнидан кўчирмай, ортига қайтармай абадий ҳаракатни такрорлаш мумкин. Бошқа рақамларда бундай килиб бўлмайди. Маслан 3, 4, 7, 9 ва исталган бошқа рақамда қалам бир издан фақат бир мартағина ўтишга ҳақли. “8” эса бундан мустасно... Нолни мен рақам ҳисобламайман... Шу жойга келганда хаёлим бўлинди. Салаватовнинг овозидан борликқа қайтдим. Қани олинг, гумма совимасин деб таомга таклиф қиласарди менинг улфатим. Муҳаббат маъбудаси Аштар бутун гўзаллиги билан қалбимга кириб келгандай, Арпеник киёфасида мени чорлаётгандай. Биламан, тарсо қизнинг кўнглида мендан бошқа эркак зоти йўқ. Ва у муҳаббатда устувор. Елкаларидан шаффоғ қанот чиқариб асалари қиёфасида намоён бўлиб турибди. Ичимда тошиб бораётган дарё мавжига дош беролмай шишалар тизилиб турган буфетга қарадим. Кайфиятимни ва мақсадимни пайқади Салаватов ва кафтларини бир-бирига ишқалаганча ортига ўгирилди. Официанткани чорлаб бир шиша “Афродита” буюрдим. Айнан винонинг шунисидан буюришим ҳам Аштарга бориб тақаларди. Юонон маъбудаси Афродита билан Аштар сирдош дугона. Шишани қўлига оларкан, дикқат билан кўздан кечирди олим ва бош бармоғига қоғоз салфеткани ўраб шиша қопқоғи устидаги чукурчага маҳкам босганча айлантириб ишқалайверди. Шишани очяпти деб ўйлагандим, йўқ, шу йўл билан вирусни эзғилаётган экан Салаватов. Ҳазилнамо эди унинг ҳаракатлари ва умуман яхши улфат бўлиб кўринди кўзимга, кулдик, оғизларимиздаги “намордник” ларни ечиб қўйиб ичдик. “Иштар” емакхонасидан чиққанимизда қавссимон ҳилол парпирафтурарди осмон буржида. Қўлини дуога очди улфатим ва мен унинг шивирлашига қулоқ тутдим: “Ой кўрдим Оллоҳ, омонте биллоҳ, шукри Худога алҳамдулиллоҳ. Оллоҳим, шу ойда юртимизни омон сақла, инсониятни карона балосидан халос эт!” Қўшилиб омин қилдим. Чорраҳага боргандан бироз тўхтаб сукутга бордик. Нимадир дейишни мўлжаллаб турарди улфатим. Арпеникнинг уйи унчалик узоқ эмасди биз турган чорраҳадан. Йўлда давом этдик ва бир неча соат аввал ўзимиз сувоқ қилган девор тагида тўхтадик. Ой ўроғининг хира ёруғида қорайиб қўринарди лойи куриб улгурмаган каваклар. Вируснинг турли штамплари қамалиб ётарди лойсувоқ ортида. Биз яъжужу маъжужларни қамаб ташлаганимизни айтдим. Мамнун жилмайди Салаватов. Садди Искандарий деб қўйди босиқ овозда. Лаънати коронавирусларнинг ҳаммасини Хўтамага қамаб ташлаш кераклигини айтарканман, Арпеник ва унинг Йекхбайери билан боғлиқ бирор гап эшитармикинман деган умид бор эди шууримда. Агар МЭЛС билан таниш бўлса, Хўтама тўғрисида билиши керак. Хўтамадан хабардор бўлса, билади-да Арпеникни ҳам. Ҳилолнинг тўлин ойга айланиб қолишини ва ҳатто ярқ этиб қуёш чиқиши ва рўпарамда турган кишининг юзини ёритишини ва унинг кўзларидағи ифодани кўришга ошиқардим. Сарғиш қошларини чимирганча менга тикилиб қаради Салаватов ва чукур нафас олди. Яшил қопқоқчали пачка пайдо бўлди кўлида. Гутурт алангасини кафти билан тўсганча сигарета тутатди. Биламан сен Арпеник

түрісіда бирор хабар әшитиши ниятидасан деди юзимга тутун пуркаб. Салгина иддао оқанғы сезиларды унинг овозида. Эңтиroz билдиришнинг фойдаси йўқ. Индамай кутдим. Оғзидан бурқираб чиқаётган тутун орасидан яна әшитилди унинг овози:

- Арпеник...
- Сиз... уни?..
- Ҳа, мен... Танийман уни.
- У ҳозир қаерда?
- Менинг уйимда. Уйим эса миям.
- Нималар деяпсиз, Салаватов? Сиз ким бўласиз унга?
- Ҳеч ким.

3

Кўп гаюр гаплар ўтди кўнглимдан. Кайф устида айтмаётганди улфатим бу гапларни. Сигарета қолдигини ҳали яшнаб турган чўғи билан девор кавагига тиқди Салаватов. Вирусларнинг яна бир хонадонини вайрон қилмоқда, унинг кўл ҳаракатлари ва юз ифодасидан шуни англадим ва Арпеник түрісіда муҳим гап бўлаётганда гўё уни эсдан чиқаргандай вируслар билан шугулланишидан энсам қотди. “Вируслар кушандаси” деган масхараомуз гап ўтди хаёлимдан. Кенг кафти билан икки бор урди деворга Салаватов ва қўли билан бажараётган ҳаракатларига изоҳ бергандай деди:

– Менинида эди Арпеник, аммо бугун мана шу ерда, девор ортида, ўз хонасида. Шундай тахминлайман.

Бу томондан кўринмасди Арпеникнинг деразаси. Шундай бўлса ҳам унинг хонасида ёниб турган чирокни кўришга интилиб беихтиёр қорайиб турган девор соясига қарадим, шовурини әшитиши ниятида қулоқ тутдим. Шу лаҳзада мен учун аҳамиятсиз вируслар кушандасининг таъқибли нигоҳи. Бинонинг олд томонига ўтиш ва тарсо қизнинг деразасига қарап мақсадида хайр-маъзурни насия қилиб, ютургилаганча девор бўйлаб йўлга тушдим. Дилемда Шайх Санъон! Шайх Санъон! деган нидо. Чироқ ёниб турарди деразада! Қани энди, парвонага айлансаму учиб бориб унинг нурида жизғанак бўлсан! Ва ўлсан! Кизнинг каравоти, девордаги сувратлар, дераза токчасида мудраётган малла мушук кўз ўнгимда. Қазноқ бурчагидаги қоронги ўра! Еrosti мамлакатига йўл! Манзар ана шу чуқурдан бир марта ер устига чиққан, Арпеник билан унинг татигини олиб кетиш ниятида чиққан. Худди ўша кунлар биз учрашган эдик. Йекхбайерининг олдига олиб борган эди мени Арпеник... Ширин хаёллар оғушида неча муддат туриб қолганимни билмайман, деразада чироқ ўчганда ўзимга келдим. Қотиб турарди ортимда Салаватовнинг узун қомати. Четлаб ўтмоқчи бўлдим уни, уйга кетишни ва ҳеч нарсани ўйламай тўшакка кириб ухлашни хоҳлардим. Бунга йўл қўймади вируслар кушандаси. Елкамдан тутиб тўхтатди ва сира кутилмаганда кўрсаткич бармоғини қулогимга тикиб бор кучи билан ишқалади. Унинг таъқибидан кутулишга бехуда уринардим. Токи қулогим ичидә жойлашиб олган вирусларни маҳв этмагунча қўйвормади. Ана бўлди деди ниҳоят мендан бир қадам ортга тисарилиб. Бу одамнинг ақли жойида эмаслиги аён, бармоқ билан ишқалаб вирусни ўлдириш мумкинлигига фақат ақли ноқислар ва ё ёш болаларгина ишониши мумкин. Салаватов эса Марказий лабораторияни бошқарган вирусолог олим, фан доктори, профессор! Аммо унинг фидойилиги таҳсинга сазовор. Шаҳарнинг бўм-бўш қўчаларида фақат иккаламиз юрибмиз. Салаватов деворлар кавагидаги душманни турли йўллар билан ўлдириб ташлаяпти. Чарчаганимни, уйга кетишим кераклигини айтиб йўлга тушдим. Бироз олислагандан кейин ўгирилиб қарадим ва уни

иш устида кўрдим. Дарвоза ва девор кавакларидағи вирусларни эзғиламоқда эди бақувват бармоқлари билан. Индамай бирдам қузатдим, раҳмим келди унга. Елкасидаги вирусни уриб тушириб туфлисининг товони билан эзғилай бошлади Кушандада, уриб туширилган газандани батамом ўлдириш учун бор оғирлигини ўнг томонига ташлаб, турган жойида айланадётганини кўрдим. Уйимга етиб келганимда тунги уч эди соат. Салаватовнинг ҳамон дарвоза олдида куймаланаётган ҳолатини кўз олдимга келтирганча, ниқобимни ечиб ташлаб уйқуга кетдим. Уйғонганимда деразадан тушган қуёш нурлари деворнинг гарбий сиртини ва Хўтама тасвирланган сувратни бор бўйича ёритиб турарди. Ҳеч қандай мақсадсиз кезиниб юрдим хона бўйлаб, нонушта қилишга ҳеч вақо йўқ, пулим ҳам тугаган. Кеча ўзимдан кечиб “Афродита”ни олмаганимда яна бир неча кун камтарона тамаддимга етарди пулим. Шу кунгача қаттиқ тежаб келаётгандим маблағимни. Салаватов... бу ажойиб вирусшуноснинг фидойилигидан руҳланиб кетиб сўнгти пулларимни ҳавога учирдим деб айттолмайман, самараси бўлди, энг муҳими, Арпеникнинг дарагини топдим. Ер устида менинг тарсо маҳбубам. Аммо Салаватовнинг муносабати бу қизга нисбатан қандайлиги қоронғилигича қолди. Мақсад атрофини айланиб берган саволларим билан аниқлаш имкони бўлмади. Тўғрисини айтганда, мени гангитиб қўйганди вируслар кушандаси. Арпеник нега унинг уйида бўлади? Ва нима сабабдан кеча хонасига келиб чироқ ёкиб ўтирганди? Арпеник шу ердалигини писанда қилди Салаватов. Ҳақиқатда ҳам чироқ ёниб турарди хонада. Ичкари киришга журъат қилолмадим. Қандай қилиб ярим тунда унинг уйига бостириб кириш мумкин!? Бундай қилолмайди ақлли одам. Хонада кезинишни ва кечаги ҳолатларга баҳо беришни бирдам ортга сурниб ошхонага ўтдим, дастурхонда майда увоклар, уйда сичқон бор, шекилли. Шунга қарамай увокларни кафтимга олиб оғзимга ташладим. Бўйи 172 см, оғирлиги 71 кило одамга нима бўларди бир кафт увок. Ҳаёт шундай давом этаверса очдан ўламан.

Ишни бир ёқли қилишим керак. Икки йўл бор: Биринчиси, бирор-бир ишнинг бошини тутиб вақтинча бўлса-да, тирикчилик қилиш, иккинчиси – Хўтамага тушиш... Биринчи йўл маъқул туюлди. (Аввалги иш жойимдан хайдалганиман, ўрнимда Танура исмли аёл ишлайтган экан. У ерга яна ялиниб боришдан фойда йўқ.) Барibir бугун бўлмаса эртага Хўтамага тушаман, шундай деган эди Манзар ҳам. Унгача ишлаб, пул топиб, бир неча муддат яхши овқатланишим ва куч тўплашим керак. Жавондан тик ёқали фланель қўйлагимни олдим ва йўл-йўл чизиқли лавсан шимимни кийиб йўлга тушдим. Эшикни қулфлаб эллик қадамлар юрганимдан кейин оғзимни танғимаганим ёдимга тушди. Кўнгир матодан тикилган, қулоқбоғичи резинкали намордникни (ниқобни шундай дейман, аслида ҳам ниқоб эмас, “намордник”, ниқоб бутун юзни қоплаб туриши керак) кийиб... балки тақиб десам тўғри бўлар, иккинчи бор қулфладим эшикни. Зарнигор қўчасига эш (параллел) хиёбон бўйлаб бораракман, ўриндиқ олдида йиқилиб ётган кишига кўзим тушди. Нафас олишга қийналарди, бўғзидан хириллаган, чийиллаган гайритабиий овозлар чиқарар, кўзлари олайиб кетган, нажот излаб талпинарди, лаблари ва бурун атрофи кўкариб кетган. Яқинлаб бориб юзига қарадим ва шу аломатларни кўриб ёрдамга шошилдим. Бошини тиззам устига олиб рўмолчам билан юзини елпийвердим. Бир неча дақиқа давом этган муолажадан кейин тинчили бемор. Нима бўлганини сўрадим. Астмаси тутиб қолганини билдириди ва уйига олиб бориб кўйишимни сўради. Йўлда яна дарди тутиб қолишидан хавфсиарди бечора. Ҳовлидан югуриб чиқсан аёл коронага лаънатлар айтиб bemornинг чап

томонидан құлтиғи остига кирди. Биргалашып каравотта ётқиздік уни. “Бу одамга раҳмат айт” деді аёлга қараб бемор. Бироз хижолат билан шошиб унинг айтганини бажарди аёл. Мени чойга таклиф қилишди. Йүқ демадим. Күпдан бері бундай дастурхонни күрмагандым. Анжир мұраббоси, тандирноң, хушбүй қора чой... Олдымга бир коса қайнок чучвара қўйди хонадон бекаси. О, яшаш нақадар яхши! Тортинмадим. Камбағалнинг бир түйгани – чала бой бўлгани. Бир пайт бош кўтариб қарасам, ошхона эшигидан бир қиз қизиқиш билан қараб турарди менга, яъни ажойиб хўрандага. Қизарив кетдим ва қиз томонга бош иргаб, томоғимдан қандайдир товушлар чиқардим. Очлик не кўйларга солмайди инсонни. Арпеник ёдимга тушди, у ҳам ҳамиша мафтункор нигоҳ билан қарапди менга. Хонадон эгаларидан рухсат сўраб кўчага чиқдим. Бир неча майдончаларни кесиб ўтдим. Шаллар ва Теракзор кўчалари ортда қолди. Бир пайт бош кўтариб қарасам “Барғурур” газетаси таҳририяти жойлашган бино олдида турибман. Тақдирнинг ўзи шу жойга бошлаб келибдими, кирай деб ичкарига қадам босдим. Хона тўрида иягини оқ сурп билан танғиган паканагина одамча ўтиради. Не мақсадда келганимдан хабардор бўлгач, бўш ўрин йўқлигини айтиб, “Кўрғурур” газетаси редакторига сим қоқди Бош муҳаррир. “Бизда ўринлар тўла, лекин “Гуурборон” журнали раҳбари бир ой аввал телефон қилиб олий маълумотли журналист кераклигини билдирган эди” деган жавоб бўлди. Вақт тушга яқинлашарди. Номи тилга олинган журнал манзилини сўраб олиб йўлга тушдим. Пулим йўқлиги сабабли пиёдалаб борардим. Мискон ва Сағбон кўчалари кесишган жойда деворга суюнганча беҳол ўтирган киши эътиборимни тортди. Ёнида иккита бозорхалта қаппайиб турибди. Шарпамни сезиб кўзларини очди чорбозорчи ва илтижо қилди. Қалин никоб ортидан панг-панглаб чиқарди унинг товуши. Тушунмадим гапига ва тақалиброқ бориб кулоқ тутдим. Ёрдам сўраётган экан, каранавирус... каранавирус! нидо қилди Чорбозорчи. Мадори йўқлигини, нафаси қисиб шу ерда ўтириб қолганини айтиб тирсагини буқди ва пальтосининг букилган енгига оғиз тираб йўталди бир неча бор. Уйи Нархаш маҳалласида экан. Автобус бекатигача олиб бориб кўйишимни сўради ва чўнтағидан битта бешмингталик олиб қўлимга қистирди. Рад этиш инсофдан эмас, олдим. Айтмоқчиманки, ўзимга нисбатан, қорним ва бутун организмимга нисбатан инсофдан эмас. Ахир қай йўл билан бўлмасин вужудимни боқишим керак. Мижоз берәётган пулни кўриб турибди кўзим, миямга хабар етиб борган, пулнинг шитирлаган товуши қулогимга ёқимли-да жуда... Пулни олиб йўлда давом этдим. Руҳим тетик, “Боғ аро қўйсам қадам...” ашуласини хиргойи қилиб бормоқдаман. Икки соат давом этган қидируг пировардида бир бино олдида тўхтаб эшик тепасидаги лавҳани ўқидим. Худди шу жой:

“Гуурборон” журнали.

1999 йилда ташкил этилган.

Бош муҳаррир Тасанно Мадҳиболовна”.

Яна ўнта газета-журналлар лавҳаси ярқираб турарди деворда. Бирма-бир назар ташладим. “Гуур+боз ғуур”, “Мақтов бизга ярашади”... шулар қаторида аввал номини мен сира эшитмаган бир газета эътиборимни тортди. “Юоб” эди бу нашрнинг номи. Секингина бино ваҳтиёридан сўрадим. Масхараомуз илжайди қопқора юзи таппидай япалоқ, кемшик тишли пуччақулоқ одам кўқрак кериб гапга тушди.

– Э ука, бу энг обрўли газета. Юоб дегани... “Юртбошим омон бўлсин” деб тушунтирилган бизга. Бошқасини билмайман ҳам, ишим ҳам йўқ. Кистамда кишишим ҳам йўқ. Кишиши топсан чайнайдиган тишим ҳам йўқ...

Индамай, сўзсизгина қулоқ тутиб турсам қофиябозлиқдан тўхтамайдигандай. Семиз қорни устига қўлини ихчамгина қилиб жойлаштирганча сафсата сотишига қўл силтаб “Ғуурбон” журнали неchanчи қаватдалигини аниклаб олдим-да, юқорига кўтарилим. Мана олтинчи қават. Кўнғир рангли Акфа эшиқ, ялтироқ жез тутқич. Ўз хонасида ўтиради Бош муҳаррир. Худди турк киноларида гидай бошлиқ ўтирган креслонинг ортидаги деворга қора чарм қопланган ва қалпокли михлар билан ваҳимали қўриниш берилган. Ўзимни танишириб мақсадимни англатганимдан кейин савол-жавоб бўлди. Аввалги иш жойимдан нега кетганимни сўради Мадҳиборовна опа. Ана шу жойда қўпол хатога йўл қўйдим. Ғуурланиш инсондаги энг ёмон кусурлардан бири эканлиги тўғрисида мақола ёзгандим... дейишим билан опанинг тузи ўзгариб безовталана бошлади. Қалам билан чизилган қоши бодом қовоқлари устига босиб тушди. Яшилга бўялган лабининг бир четида кўкимтири тупук. Жаҳли қўзиган түя қиёфасига кирди, аммо ўзини босиб олиб майнин овоз билан гап қотди. Унинг оғзидан сирғалиб чиқиб атири ҳидига омихта бўлганча ҳавога тараляётган сўзлар оқимидан шуни англадимки, мен журналист бўла туриб замонга мослаша олмаган, қолоқ фикрли киши эканман. Даврни мадҳ этишда нуноқлигим ва яна шунга ўхшаш бирталай қусурларим бор экан. Опа “дориҳона” деган ёзуви сарик ниқобини оғзи ва бурнига томон тортаркан, “иш йўқ” деди. Узун даҳлиз бўйлаб қўлларида қоғоз таҳтламларини кўтарганча югуриб юришарди газета-журнал ходимлари. Таваккал қилиб “Юоб”га ҳам кирмоқчи бўлдим. Рўмолчамни излаб чўнтағимга қўл тиққандим, майнингина шитирлади ҳалиги Чорбозорчи бемор берган беш мингталик. Вақт ҳам тушдан оға бошлаган ва кориннинг мия томонга йўллаётган ультиматуми ратификация қилинган. Зиналардан юргургилаб пастга эндим, ташқарида йўлнинг чап бурчагида тўнқайган бино “Гурман” ошхонаси. Беш минг сўмга учта гумма ва чой олиш имкони бор. Ва мен бу имкониятни қўлдан бермайман... Эшиқдан киришда чап томонда лағмон еб ўтиради бир одам. Чап қўли билан ниқобини пастга тортар, қошикни оғзига тиқар ва ниқобни бурнига томон кўтариб қўйиб таомни чайнар, овқат суви латта устига томон сизиб чиқар, унинг бир четида илашиб қолган лағмон аста-секин ниқоб тагидан ўқтин-ўқтин силжиб оғзига кириб борарди. Овозсиз бир ҳайкириқ тиқилди бўғзимга: “Не кунларга қолдинг; эй инсон!” Тўртга гумма билан бир стакан чой олдим ва четроқдаги хилват столга бориб ўтиредим. Дастурхонимдаги таомларга шукроналик билан назар солганча бир муддат индамай ўтиредим. Чойдан кўтарилаётган буғнинг оҳисталик билан ҳавога таралиши, стакандан кўтарилигач уюрмалар ҳосил қилиши ва ростланиши, гоҳ чапга, гоҳ ўнгга томон яйралиши завқли. Таомни ейиш энг завқли иш, унга қараб туриш, яъниким кўзни қондириш ҳам ўзига хос жараён. Овқатланиш инсон умрининг энг ҳузурбахш бўллаги. Унга кетган вақтга ачинмайман. Овқатнинг қўринишидан, таъмидан, ҳидидан ҳузур қиласман. Узоқ чайнаб, суюлган массани тилим билан танглайимга маҳкам босиб таъмини кучайтираман. Кўзларим юмилган бўлади бундай дамда. Яшаш нақадар яхши дейман хаёлан. Ҳўрандаларга орқа ўғирганча деворга қараб ўтирганим сабабли ҳолатимни ҳеч ким кўрмайди. Иккита гумма кифоя қилди. Қолган иккитасини қоғозга ўраб чўнтакка урдим. Бу ошхонада ҳам гуммани яхшигина тайёрлашар экан, ичак-чавоқнинг ҳиди деярли билинмайди. Зира ҳам солинган. Лунжимда қолган бир дона зирани тишларим билан эзиб таъми ва ҳидидан ҳузурланганча йўлга тушдим. Уйимгача анча йўл. Ташишим йўқ бундан. Яхши таомдан кейин бироз сайр қилиб юриш, яъниким, Достоевкий қаҳрамони Кармазиновга тақлид қилиш керак. Мен авваллари ҳам шундай қилардим ва “кармазинов мациони” билан шуғулланардим. Мана, қадрдон ва жафокаш каравотим! Битта-битта ҳарф олиб ташлайман сенинг бисотингдан:

...рапортим, ...рапортим, ...отим. Ва устингга ястанаман, ...станаман, ...танаман, ...анаман ва ниҳоят ...ман!.. ан!..

Көш қорайғанда чүчиб үйғондим.

Манзар ер остида, уни МЭЛС дейишгә сира бормайди тилим. Фарход исмли ўзбек йигити (аслида Фурҳад) билан бирга. Икки қиз ҳам бор. Уларнинг бири Манзарга яхши таниш, иккинчиси Инна исмли киз Фарход билан севишиб, бизнинг ерусти одамлар таъбири билан айтганда донлашиб юрибди. Шунга қарамай, бир-бирларини яхши билмайдилар деган тасаввурдаман. Қизлар диванда ўтириб күй тинглашыпти, йигитлар креслоларда юзма-юз. Ҳали яхши таниш эмас улар, биринчи учрашув. Катта бир муаммо ҳал бўлишини кутяпман. Хонамда ўтирганим ҳолда хаёлан улар билан биргаман. Хаёлан! Күй тинглашмоқда. Журнал столчаси устида нималардир бор. Тафаккур кўзи билан кўраман буларни ҳам. “Кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил”. Ва яна шуни ҳам биламанки, Фарходга ёрдамчи керак, жуда муҳим бир ишни амалга ошириш мақсадида келган бу учрашувга, Айни пайтда Манзарнинг дилида нима борлигини ва у катта ишда ҳамроҳ бўла оладими, шуни аниқлаш учун сухбатдошининг кўзларига тикилиб қарайди, аммо ҳали асосий гап бошланмаган, балки қизларнинг олдида... дарвоқе, Инна... кўп гап бор ана шу қизда. “001”дан бекорга келмагандир. Ҳалиги қўрқинчли ва сирли машинага энг яқин ҳудуд бу “001” деганлари. Буларни Манзарнинг дафтарларидан ўқиганман. Иккинчи дафтар ҳам охирлашиб қолди. (Уларнинг ҳар бири 300 бетдан.) Мана, неча кундирки уни кўлга олмадим. Қандай қолдирган бўлсам, стол устида шу ҳолатда турибди. Дўстларимнинг тақдирига бефарқ эмасман. Тезроқ еrostига тушиш ва... уларга ёрдамлашиш истагида тўлибтошмоқдаман. Шу боисдан ҳам Еости салтанатидаги дўстларимни худди юзма-юз ўтиргандай аниқ кўриб турибман. Лекин Арпеник ер устида. Агар Салаватовнинг гапи рост бўлса, ўз уйида ўтирибди менинг “қалб ҳароратим”. Уни кўришим керак. Албатта бу кеча Арпеникни кўриш учун бораман унинг олдига.

Мақсад йўлга чорлади ва мен Шаранда кўчаси томон йўлга тушдим. Чамаси йигирма дақиқалик йўл. Теварак-атроф тобора қоронғилашиб бормоқда. Деворлар остидан, уйлар бурчагидан ўсиб чиқиб тўлғанаётган қора ранглар бир-бирига қўшилиб яхлит парда ҳосил қиляпти. Яна бир неча дақиқадан кейин зулматга дўнади дунё, қоронғилик улкан қуш мисол канотларини кенг ёйиб кўнади ерга. Шунда мен Арпеникнинг хонасига кираман. Шаранда сукунат қўйнида. Деворлар орасига кириб кетишган одамлар. Деворлар эса зулмат қаърига қарайди дераза деб номланган кўзлари билан. Ёруғлик бор хонада, аммо чироқ дераза токчасида эмас, баландлиги одам бўйидай келадиган жавон устига олиб қўйилган. Дераза пардасида эса эркак кишининг сояси. Салаватов! Тавонимга тушиб кетди юрагим. Демак, тарсо қизга уйланган вируслар кушандаси. Кеча учрашганимизда шама қилгандай бўлганди шунга. “Вот где зарита собака”. Энди бу уйга киришдан фойда йўқ. Шундай ўйлар билан дарвоза олдида туриб тирқишдан яна бир муддат кузатдим. Соянинг бошида кенг гардишли шляпа. Қадди бироз эгилган, китоб ўқиётгандай ҳолатда. Қўл силтаб орқага қайтдим. Шундай аччиқ қиласиган ва аразлайдиган одатим бор. Ерда кечган ҳаётим ҳосиласи.

Эртаси куни чошгоҳгача кезиб юрдим Шаранда билан унга туташ Дарвозатутак кўчасини. Салаватовни учратиши ниятидаман. Муносабатларимизни ойдинлаштириб олишимиз керак. Арпеникни осонликча бериб қўймайман унга. Худди шу пайт муюлишдан югуриб чикқан киши бор овози билан қичқирганча мен томон чопди. Салаватов! Қўлида чамаси беш ёшлардаги бола. “Бэймкон, ёрдам беринг! Болага африкача штамм тегибди. Тезроқ бўлинг, такси топиб келинг!” деб қичқирарди. Чорраҳа томон югурдим. Нима сабабдан “Тез ёрдам” чақирмаган бу менга қоронги. Матизга ўтириб биргаликда шифохонага жўнадик. Шаффоф селофанларга бошдан-оёқ бурканиб олган шифокорлар номигагина ҳар томон юргурилашади, бўйинларида фонендоископ. Аслида бу номаълум касаллик ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас улар. Шунинг учун ҳам пандемия медицинамизнинг даражаси “ноль”дан ҳам пастилигини кўрсатди деб ёзишяпти. Дунё олимларининг фикри ҳам турлича, бир-бирига зид. Бугун айтилган фикрни эртаси кун рад этишмокда. Вирусларнинг мутациялари, штаммлари, ўз шаклини, характерини таъсир кучини ва ҳатто музикасини тинимсиз ўзгартириш иштиёқида. Кушандага қарадим, юзидан тер оқиб оғзига боғланган латтани ҳўл қилиб юборган. Бирдан Арпеник ёдимга тушди ва Салаватовнинг шифохонадалигидан фойдаланиб Шарандага йўл олдим. Теракка тирмасиб чиқиб ҳовлига сакрадим. Худди амокка учраган кишидек ҳар қандай андишани, кўркувни йиғиштириб қўйиб уйга кирдим. Xоналар бўй-бўйш. Ҳатто тарғил мушук ҳам йўқ. Аламзада бир нигоҳ билан хонани кўздан кечиранканман, стол устида турган дафтарга кўзим тушди. Олдинги сафар келганимда, аник ёдимда, стол устида гуллари қувраб колган шиша гулдондан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Дафтар! Ҳеч шубҳасиз Манзарники. Демак, еrostидан чиққан. Не мақсадда чиққан? Нима иш бажарган? Кимлар билан учрашган? Нима олиб кетган? Қачон чиққан ва қаерга кетган? Зилзила ҳосил қилувчи машинани портлатмоқчи эди Манзар, балки шундай тарааддуд билан юргандир... Ўрнимдан туриб токи дафтарни олгунимча ўтган фурсатда хаёлимдан кечгани шулар. Қалин колинкор муқовали дафтар. Тезроқ кетишим кераклиги ёдимга тушди ва девордан ошиб коронгилик бағрига шўнгидим. Ўз вақтида ҳаракат қилган эканман, коронгилик пардасига бурканиб келаётган кишини пайқаб ўзимни панага олдим. Менинг хизматимда бўлган теракка тирмасиб юқорига кўтарила бошлади Кушанда... Дафтарни маҳкам бағримга босдим. Салгина пайсалга солсам еrostи мамлакати тўғрисидаги янги маълумотлардан айрилардим.

**Учинчи дафтар, 1-боб
(Манзарнинг битиклари)**

МЭЛС – Манзар:

Узоқ сукутга борди Фарход. Мусиқа тинглардими ёки менинг тоқатимни синаб кўйардими, тушунмадим. Қизлар ҳам жим. Аллақандай ғувуллаган таҳликали овоз. Жуда паст эди ғувуллаш, балки менинг қулогимда бирор ўзгариш бўлгандир деб кафти билан кулоқ супрасини беихтиёр ишқаладим.

– Машина ишга тушди деди Фарход соатига қараб олиб, хаёлчан бир тарзда.

Ҳушёр тортишди қизлар, мусиқа овози тинди. Нимчасининг чўнтағига солиб қўйди Инна телефонини. Гарчи еrostida бу аппарат алоқага ярамаса-да,

ундан бошқа мақсадларда фойдаланишарди қизлар. Суврат, мусиқа, эрмак... Айни муддао бўлди йигитнинг гапи ва мен савол бердим:

– Қандай машина?

– Гап шундаки, қандай машиналигини билмаймиз.

– Бор машина, дантеслар тиш қавагини кавлайди-ку, анашу машина. Иннанинг бу гапи қайси мазмунда айтилганини тушунмадим. Унинг гап оҳангидан бирор нарсани илғаш қийин. Бамисоли робот, ҳиссиз, ҳар қандай оҳангдан холе сўзлар оқими. Аммо унинг ҳуснига гап йўқ. Юдифь дейсиз, Санта Мария Новелла дейсиз. Фарҳод кулди. Менга кўз қисиб қўйди-да, қизга гап отди:

– Сен индамай ўтирганинг яхши, Инна.

Табассум зухур этди қизларнинг лабида.

– Иннанинг ўхшатиши менга ёқди, – дедим гапни гапга улаш ниятида.

– Ой, эслатмайлар шу Бор машинани. Тишларим зиркираб кетди.

Бу сафар ҳаммамиз кулдик. Жағига кафтини маҳкам босганча кўз сузиб турарди Айлуч.

– Хўш, МЭЛС ака, айтинг-чи, агар сир бўлмаса, сиз қандай қилиб келиб қолдингиз бизнинг юртларга?

Хушёр тортиб қулоқ тутишди қизлар. Уларни ҳам қизиқтираётган эди бу савол.

– Тасодифан.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Тўғрисини айтсам, Иштар бузмоқчи бўлган дарвозани кўрмоқчи эдим.

– Нима мақсадда? – қарийб бараварига сўрашди қизлар.

– Ўликларни чиқариб юбормоқчи эдим.

– Нима мақсадда?

Яна аввалги саволни такрорлашди қизлар, бу сафар Фарҳод ҳам қўшилди уларга.

– Ўликлар ер устидаги барча тирикларни еб қўйиши учун.

– Унда биргаликда бузамиз ўша дарвозани.

Фарҳод айтган гап мақсад сари яқинлаштироқда эди бизни.

– Нима мажбур қиляпти сизни?..

– ...дарвозани бузишга, – деб Фарҳоднинг айтилмай қолган гапини давом эттириди Инна. Ва нима сабабданdir ҳудди ўрнидан туриб кетмоқчилик шошилганча кўзойнагини тақди ва сумкачасини қўлига олди.

– Спитак зилзиласи.

– Билишимча, Спитак зилзиласида инсон айбдор эмас, бу табиатнинг иши.

Ер остидаги тиктоник силжишлар оқибатида рўй беради зилзила.

– Шундай, тан оламан. Лекин мен сунъий зилзила ҳосил қилувчи машина мавжудлиги тўғрисида эшитган эдим. Табиат ясамайди бундай машинани, бу одамнинг иши. Ота-онамдан айрилдим, икки акамнинг жасади топилмади. Фақат биттагина синглимни тасодифан Ҳараван бозорида учратиб қолдим. Ночор аҳволда эди синглим... Бир қариянинг уйидан бошпана топдик. Егише Чаренцнинг онасиман деб таништириди кампир ўзини. Албатта мен ишонмадим қариянинг гапига, йилларни солишиштирганимда тўғри келмади. Чаренц 1897 йилда туғилган, Спитак зилзиласи 1988 йил 7 декабрда соат 11дан 41 дақиқа ўтганда рўй берди. 91 йил фарқ бор орада. Шундай бўлса ҳам ақли сал оғиб қолган қарияни улуғ шоирнинг онаси сифатида ардоқладик синглим билан икков. “Тўғри қилгансиз” деди Фарҳод. Менга меҳр билан тикилиб туришарди қизлар. Муносабатларимиз самимий тус ола бораарди. Орамизда ҳосил бўлган иликлиқдан фойдаланиб уларнинг ўзи қандай қилиб бу ерга келиб қолганларига қизиқдим. Биз шу ерда туғилган бўлишишимиз керак деди Фарҳод, ақлимишни танигандан бери атрофимиздаги борлик ўзгаргани йўқ. Ер устида

ҳам ҳаёт борлигини мана илк бор сиздан эшитиб турибмиз. Фақат яқинда бир қарияни учратиб қолдим. Ва айрим гумонли гапларни эшитдим ундан. Момонинг айтишича, биз чақалоқлик пайтимизда маҳсус туғуруқхоналардан олиб келинганимиз. Ва шу ерда вояга етганмиз. Ўша сирли туғуруқхонанинг қаердалигини сўрагандим, ер устида деб жавоб берди. Менга ва мана бу икки қизга шу момо энагалик қилган экан. Шу гапни эшитганимдан буён, гарчи гумонсирасам-да, ер устига чиқиш, ўша туғуруқхонани аниқлаш ва түққан онамни топишни орзу қиласман.

– Ўша кампиршодан батафсилоқ сўраб-сурештиргадингизми?

– Кўўп марта бордим, аммо тайнини бирор маълумот оломадим. “Шундай деб эшитганман” деган гапдан бошқасига ўтмади энагамиз. Яна бир марта борганимда уйда йўқ экан кампир. Кутиб ўтиридим бироз. Диққатимни тортидиди устида турган картон қутича ва уни олиб қарадим. Турли катталиқдаги қоғозлар. Уларда нақшланган чизиқлар ва белгиларга, рангларга қараб кампирнинг хонага кириб келганини пайқамай қолибман.

– Ким рухсат берди? Нималар қилипсан? – деганча кўлимдан олди қутичани. Аммо жаҳли чиққанини сезмадим. Аксинча сувратларни кўрганимдан хурсандга ўхшарди гарчи ўзини аччиқланган қилиб кўрсатишга уринаётган бўлса-да. Ўша қоғозларнинг суврат деб аталишини билмасдим. Биринчи марта кўришим эди бундай антиқотни. Жонсиз қоғозда жонли мавжудотларнинг жонсиз кўриниши. Гарчи ҳаракатланмаётган бўлса ҳам жонли эди улар, фақат жонсиз ҳолатда туришарди. Сувратларнинг бири сира кўз ўнгимдан кетмайди. Оппоқ матога ўраб қўйилган хилқат. Оғзини катта очиб турибди, тиши йўқ, кўзлари юмуқ, киприклари орасида икки томчи сув. Оқ халатли аёл уни кўтариб олиш учун қаддини букиб, кўлларини чўзиб турибди. “Булар сувратлар” деди энагам. Ва бироз тараддулдан кейин яна тилга кирди:

– Улар орасида сен ҳам бор.

– Кўрсатинг, Оҳанно, кўрай ўзимни, – илтижо қилдим энаганинг кўзларига тикилиб. Оҳанно, яъни энагам қутини кавлаштириб ўша расмни қўлига олди. Унинг айтишича йўргакдаги йиғлаётган бола мен эдим. Расмда тасвирга олинган жой ҳақида сўрадим. Елка қисди энагам. Оқ халатли кишининг кимлиги, ўша қаторда ётган бошқа чақалоқлар ҳозир қаердалиги тўғрисида берган саволларим ҳам жавобсиз қолди. Иннанинг айтишича, бизни катта пул эвазига сотиб олишган. Қўшиламан унинг фикрига, аммо рад этувчи далилларим ҳам бор. Сувратлардан бирида (кейинги марта борганимда) кўрқинчли бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Оҳаннонинг ўзи олдимга кўйди уни. Ва гўё менга қандай таъсир кўрсатишини аниқламоқчи бўлгандек, синовчан қараб турди юзимга. Қатор тизилган шиша идишлар. Уларнинг ичида миттигина одамчалар! Турли кўринишда ва турли катталиқда. Ҳар бир идишга тўрт томондан тўрт хил рангли нур туширилган. “Бу қандай жой? Булар нима?!?” нидо қилдим ҳайратимни яширолмай. “Лаборатория” деди Оҳанно ва юзимга синовчан тикилиб турди...

Фикрини давом эттираликин деган умид билан бироз кутдим. Фарҳод жим. Шунда ўзимни ташвишлантириб келаётган бир ҳолатни айтдим:

– Мен шаҳар кўчаларида мактаб ёшидаги ўғил-қизларни кўрдим. Ҳатто боғча ёшидаги болалар ҳам бор...

– Тўғри, бор. Аммо биз уларнинг қандай ва қаердан пайдо бўлиб қолаётганларини билмаймиз. Тахминимча, ҳомиладор аёлларни ўғирлаб ёки бошқа йўллар билан олиб келиб улардан зурриёд оладиган қандайдир корхона бўлиши керак...

Жуда гумонли эди Фарҳоддан әшитгандарим. Қызларни хонада қолдириб, чекиши баҳонасида айвонга чиқдик. Тутатдик, ўйға толдик. Ер устидан қандай килиб түшганимга қизықти менинг навқирон дүстим. Бошимдан ўтганларни сүзлаб бердим. Ер устига чиқиши йўлини суриштириди. Ҳар эхтимолга кўра айтмадим. Билмайман, агар менга маълум бўлганида аллақачон чиқиб кетган бўлардим деган гапимга ишонди. Узокда баҳайбат қоядай туманликларга бурканиб турарди мен машина деб ўйлаган иншоот. Унга қараганча ўз хаёлларимиз билан банд бўлдик. Унинг қандай қоялигини сўрадим, атайлаб “коя” дедим. Ахир мен ерусти одамиман ва шунга кўра эхтиёткорман. Эсини таниганидан буён ўша жойга боришни орзу қилишини, аммо имкон топа олмаётганини айтди сухбатдошим.

– Нима мақсадда деб сўрадим.

– Ўша иншоотга етиб борсам, кирсам, кўрсам... ҳамма тилсим очиладигандай.

– Инна-чи?

– У яхши қиз. Асл оиласдан. Тиник фикрлайди. "M-000"га яқинлашиб борган. Азбаройи ўзининг ақли билан. Биз бирга яшашга аҳд қилганмиз. Айлуч ҳам бизга кўшилмоқчи, бир оила бўлиб яшаймиз.

– Мен-чи?

– Бегона одамни оиласизга қўша олмаймиз.

– "M-000" га боришнинг битта йўли бор, – дедим мавзуни ўзгартириб. Бу фикр Фарходни эсанкиратиб қўяди деб ўйлагандим. Оғзидан тутун пуркаганча мен томонга оғир ўтирилди сухбатдошим, ўйчан эди юз ифодаси. Гўё айтган гапимни эшитмагандай. Яна икки марта тутун тортди, сигарета кулини панжарага теккизиб туширди ва қандай йўллигини сўради. Совуқконлик билан жавоб қилдим мен ҳам:

– Хуфра.

– Имконияти йўқ. Масофа узоқ. Мен бошқа бир йўлини ўйлаб юрибман.

– Қандай йўл! – дедим ҳовлиқиб.

– Уч ойдан кейин сайлов бўлади. Шунда Иннанинг номзодини олға суриш керак. Шаҳарчамизда унинг хурмати баланд. Иншоотга ҳам жуда яқин бориб колган. Унинг кўшиқлари ва басталаган кўйлари ёшларимизнинг жону тани.

– Қандай лавозимга?

– Ҳар уч йилда Иншоот Бош экзикуратори қайта сайланади. Ана шу лавозимга.

– Сайловда голиб бўлса "M-000" доирасига ўтадими Инна?

– Ҳа, Бош экзикуратор бўлади.

– Нима ўзгаради?

– Тугатади.

– Кейин-чи?

– Биз шу еригача ўйлаганмиз...

Корхона тутатилса кейин нима бўлишини ўйлаб кўрдим, тасаввурим торлик қилди.

– Ҳеч бўлмаганда, – деди Фарҳод бироз жимликдан кейин, – эркинликка эришамиз, биз киммиз, нега ер остидамиз, насли насабимиз, ижтимоий келиб чиқишимиз, яшаш тарзимиз маълум бўлади. Ота-онамизни топармиз балки... тўғри, кўриб турибсиз, яшаш учун яхши шароитлар яратиб берилган. Ҳар ойда бир марта бошликлар келиб ҳол-аҳвол сўраб кетишади. Иннанинг концертларига кириб уни табриклишади, совғалар берадилар. Умр охиригача шундай яшаш мумкин, аммо дунёда нималар бўлаётганини ва умуман, ҳеч нарсани билмай ўлиб кетиш – жиноят!

Ана шу гапдан кейин Фарҳоднинг юзида ҳаяжонга ўхшаш ифода борлигини кўрдим. Инна Бош экзикураторликка сайланса, “М-000” деворлари очиб ташланса... халқ ўзининг кимлигини англаша... ҳавога майин титроқ солиб турган ва аслида нималиги номаълум бўлган машина бузиб ташланса...балки зилзилалар ҳам барҳам топар! Табиат ўз ишини қиласди албатта, аммо инсоннинг гаюр мақсадлар учун амалга ошираётган хуфёна ишларига чек қўйилади. Мана, энди сенга мурожаат қиласман, Товошар, 2020 йил, 7 декабрда яширин лахм орқали ер устига чиқдим, назаримда ер усти ҳам тинч эмас. Пандемия бутун рубъи маскунни қамраб олибди. Салаватов билан шу мавзуда гаплашиб кўрдим. Вирусларга қарши курашиб юрган экан. Оилавий аҳволимизда ўзгаришлар бор. Ўзини Чаренцнинг онасиман деб юрган момомиз бедарак йўколган. Ёлғиз қолган синглимни Салаватовга топшириб келишдан ўзга чорам қолмади. Синглимни сенга ишонмайман. Ишингни тайини йўқ, газетадан кетган экансан, ҳавои ҳаёллар оғушида яшайсан. Арпеникка эса худди арманидай пухта ҳаёт йўлдоши бўлса дейман. Сен Хўтамадан бошқа нарсани ўйламайсан ва аввал айтганимдек, кунлардан бир кун тубсизликка тушасан. Фанат бўлиб қолгансан. Тўғри, мен Хўтамага тушдим, менинг йўриғим бошқа. Арман ҳалқининг бошига тушган оғир фожия (гарчи арман миллатига мансуб бўлмасам ҳам) шунга унлади. Нимадир қилишим керак эди. Нималигини билолмадим. Кал айтган маслаҳат миямдан чиқмай қолди ва мен ўзинг билган ўша тубсизликка тушдим. Мана, еrostи шаҳрининг аҳволини кўриб турибман. Буларнинг ҳам ўз муаммоси бор. Дарвоқе, яширин сир сифатида бир нарсани айтаман сенга, ер устида тарқалган пандемиянинг ўчоғи ер остида... аммо Инна ҳам, унинг дугонаси ва Фарҳод ҳам билишмайди буни. Уларнинг режаларини бузмаслик учун ҳозирча бу ҳақда лом-мим демай турибман. Биз Марказни қўлга киритмоқчимиз. Яна шу нарса маълумки менга, Марказ ва унга қарашли шаҳарда кўпи билан тўрт минг аҳоли бор. Шундан фақат 99 киши Марказга бевосита хизмат қиласди, қолганлар ана шу хизматчиларни барча ҳаётий зарур нарсалар билан таъминлаб турадилар. Бу ердаги биққи ҳаётга қарши фикрдаги кишилар ҳам бор. Ҳамма нарсанинг мавҳумлиги қийнамоқда уларни. Мана, биз ерусти одамлари ҳаётга нима учун келдик, нега ўлиб кетамиз, қисқагина умримизда бошимизга ёғиладиган бало-ю қазолардан мақсад не? Битта зилзила бутун бошли мамалкатларни тутдай тўқиши мумкин. Энди тетапоя бўлган гўдак бетон остига қолиб кетади. Чаренц момо гоҳида “Тувакдаги гулим қани” деб қўшиқ айтарди. Инсульт, инфаркт, рак, сахар... шунча оғатлар етмаганидек, мана энди пандемияси чиқибди... Ҳар ҳолда ер ости тинч. Аммо мен бу ерда қола олмайман. Инна сайловда ютиб чиқса, Марказни тарқатиб юборсак ва бошқа жуда кўп ҳолатларга аниқлик киритсак, мен Айлучни, Фарҳод ва Иннани олиб ер устига чиқаман. Кеча тўртовимиз бир жойда тўпланиб газета ташкил этишга қарор қилдик. Албатта мендан чиқди бу гоя. Сен журналистсан, агар пастга тушсанг, газета бош муҳаррирлигини сенга топширадик...

Мен – Товошар:

Тинчимни бузди бу гаплар. Манзарнинг эътирофидан тамом гангиг қолдим. “Арман миллатига мансуб бўлмасам ҳам” дегани нимаси! Арпеник-чи? Чаренц-чи? Амарильда момо-чи? Спетак зилзиласи рўй берганида 15 ёшда бўлган Манзар қани? Нега буларнинг ҳаммасидан тонмоқда. Зилзила ҳосил қилувчи машинани бузиб, йўқ қилиб ташламоқчи эди Манзар... еrostи йўлидан бориб Арманистон манзараларини томоша қилмоқчи эди. Модомики, Манзар

арман миллатига мансуб эмасакан, унда Арпеник ким бўлди? Саволларнинг кўплигидан миям ғовлаб кетди ва дафтарни ёпиб ўрнимдан турдим, мубҳам фикрлар ва ўйлар арсадини ёриб чиқиши ва ўзимни чалғитиш учун хозироқ қоғоз олиб газета макетини тузишга киришдим, унга жозибадор ва сирли ном ўйладим. Аслида ҳам тинч эмасдим, газета ташкил этиш гояси бутунлай руҳиятимни қамраб олди. “Эрк” деб ёзиб қўйдим қоғоз тепасига. Ўнйил аввалги мадхиябоз газеталарга... “анти...” бўлиши керак менинг газетам. Ҳозирча шундай. Очлик яна кўчага ҳайдади мени. Кўча тўла ваҳима. Назаримда, вақт ҳам қатъиятини йўқотган. Гоҳ олдинга, гоҳида ортга силжийди ва турган жойида котиб қолади ногоҳ. Йигирма беш йил аввал рўй берган сир-синоатлар бугунги давр манзараларига аралашиб кўринади. Фақат мақтов ва мадхиябозликка асосланган сиёсатни тарғиб этувчи: “Кўрғуур”, “Ғурурбон”, “Карғуур” каби газета-журналлар алолоси акс-садо беради узок-узоқлардан. Бундан бехабар ҳолда ўнлаб машиналар сирена чалиб ўтипти. “Тез ёрдам”лар карвони шахар бўйлаб изгийди. Гўё вақтни қувиб етмоқчидек ёки ундан ўзиб кетмоқчидек. Шаклу шамойили қўрқинчли қоп-қора автолар кўчалар бўйлаб вирусга қарши суюқлик пуркайди. Аммо ҳали коронавируснинг ўзи нималигини, қандай модда билан уни йўқ қилиш мумкинлигини ҳеч ким билмайди. Майдонлар, йўллар, чорраҳа-ю бекатлар бўм-бўш... барча шифохоналар, спорт заллари, ҳаттоқи стадионлар коронавирус балосига чалингнларга берилган. Ҳамма жойда вақтингчалик даволайдиган мувакқат қабулхона-ю шифохоналар курилмоқда. “Даволайдиган” деганим мутлако асоссиз сўз. Бемор маҳсус камераларга ётқизилади, ўн тўрт кун ушлаб турилади, ўлмай қолса уйига жавоб бериб юборилади. Салаватовнинг гапида жон бор. Миллиардлаб пул ишляпти бундан кимлардир, қандайдир гурухлар, мафиялар. Коронавирус шу мақсадда яратилмадимикин аслида?!

Ўн олти қаватли бино ортига ўтиб ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Бир гурух ёш қизлар шир ялангоч ҳолатда рақсга тушишарди. Ўртада дастурхон, турли таомлар, шишалар... мусиқачиларнинг барчаси йигитлар. Тумбаклар, барабанлар, кларнету гобойлар ноласи. Ув тортади тромбон. Саксафоннинг хаста товуши эшитилиб қолади доиранинг бакабанги салтингандада. Боккачонинг “Декамерони” ёдимга келди. Чума тарқалганда бирорвлар уйдан чиқмай яшади, бошқа бирорвлар барибир ўламиз деб ётиб ичишга берилди, яна бошқа бирорвлар мамлакатни тарқ этди. Ўн нафар йигит-қиз мамлакатнинг чет бир минтақасига қочиб бориб, ҳар кеча уларнинг биттаси қизиқарли воқеаларни сўзлаб берарди, Ўн кунлик ҳаётда сўзланган воқеалар асосида “Декамерон” яратилди. Шунга ўхшаш манзаралар, ҳолатлар, қуюшқонга сифмайдиган турли ўйинларни ўйлаб топаётганлар бор. Мен эса ишсизман, очман. Қорин ғами биринчи даражали вазифа. Атрофга аланглаб нажот излардим. Светофор устуни яқинида велосипедли кишини машина уриб кетганини кўриб қолиб ёрдамга шошилдим. “Тез ёрдам” машинаси келишидан умид йўқ, коронавирусга чалингнларни ташиб улгуришмаётганди улар, такси чорлаб bemорни шифохонага олиб бордим. Деразадан қараб пул олиш умидида кутиб турган таксисни кўрдим, шу сабаб чиқмадим. Уч-тўрт марта сигнал бериб кутди ҳайдовчи ва бошқа бир йўловчини олиб жўнаб кетди. Бироздан кейин bemор ўзига келгани ва мени чорлаётганини хабар қилди ҳамшира. Бемор чўнтағини кавлаб бир даста пул тутқазди. Раҳмат айтди, рози бўлинг деб дуо қилди. Шифохонадан чиқиб пулни санаб кўрдим, эллик минг сўм! Шунда илк бор гаройиб бир лойиҳа келди хаёлимга. Шаҳар катта, кўчалар кўп, ёрдамга муҳтоҷлар сероб. Пандемиядан қўрккан баъзи кишилар, хусусан, қариялар уйларидан умуман чиқмай қўйишган. Уйга қайтиб эшигим тепасига “Пандемия ва Холис ёрдам” деган лавҳа илдим. Ёш ўсмир йигитчалардан иборат кичкина бир гуруҳ туздим.

Икки нафар қизбона ҳам қўшилди. Уларга вазифаларини тушунтиридим ва ҳар биринг кўлига “Холис ёрдам” деган ёзуви бор латта боғладим-да, иккита-иккита бўлиб юришни уқдириб чиқариб юбордим. Ёрдам учун пул сўраманг, ҳиммат қилиб берса қайтарманг деб тайинлаганман уларга. Ишларимиз қизғин тус олиб кетди. Бир ҳафтада 500 минг маблағ тушди. Ҳафта охирида болаларни тўплаб пулни ўртага қўйдим. Уч кишидан иборат хисоб ҳайъати сайланди. Улар менга 100 минг ажратиб, қолганини бригада аъзоларига тенг бўлиб беришди. Бригаданинг тажрибаси ошиб бораётгани сабабли кейинги ҳафталарда аввалгидан икки-уч баробар қўпайди маблағимиз. Болаларнинг барчаси камбағал оилаларнинг фарзандлари. Айримларининг отаси ёки онаси шифохонада, кўпчилиги етим болалар. Орадан бир ой ўтиб болалар орасидан биттасини раҳбар қилиб тайинладим. Унинг топшириқларини сўзсиз бажаришарди бригада аъзолари. Штаб бошлиғи вазифасида эдим мен. Ҳар кун янгидан икки-уч киши келиб холис ёрдамчилар сафига қўшиларди. Улардан яна иккита янги бригада ташкил бўлди. Энди айрим кунлар бир миллион атрофида маблағга эга бўлмоқда эди менинг “Пандемия ва Холис ёрдам”им... “Ҳар қандай инқироз – бу янги имкониятдир” деган эди Уинстон Черчилл. Буни тўлиқ исботлади COVID-19. Дарҳақиқат пандемиянинг иккита дарвозаси бор: бир томондаги дарвозаси жаҳон иқтисодиётига кучли зарба берган бўлса, иккинчи дарвоза туфайли юзлаб янги миллиардерлар пайдо бўлишига имкон яратди. Дунё дорихоналардан мисли кўрилмаган даромад олмоқда.

12

...Мана, энди ўтриб олиб ўйлайман: пул топиш, бой бўлиш унчалик қийин иш эмасакан. Турли ўшдаги кишилар иш сўраб келишяпти. Бугун никоб тақишини унтиб кўчага чиқибман, қарасам, карантинни назорат қилувчи маҳсус қийимдаги кишилар туришибди. Ушлаб олишса нақ 1 миллион 225 минг тўлайман, шартта ортга бурилдиму дорихонага кирдим. Кечагина бир ярим-икки минг сўмлик никобнинг нархи беш минг сўмга кўтарилибди. Начора, биттасини олиб тумшуғимга илдим. Ҳаёлимда ажойиб бир режа бош кўтарди. Никоб тикиб сотиш керак! Дарҳол ишга киришдим, “Тикувчи хотин-қизларни ишга оламан” деб ёзиб дарвоза тепасига илиб қўйдим. Эрта билан туриб деразадан қарасам, ҳовлида тумонат аёл. Остонада туриб икки оғиз ваъз айтдим. Тикув машинаси борлар қўл кўтаришини сўрадим. Ийгирма нафар аёл қўлларини осмонга чўзганча қотиб қолишибди. Туширинглар дедим. Ва уларни рўйхатга олдим. Қолганларга икки-уч кундан кейин келиб хабар олишларини айтиб жавоб бериб юбордим. Маҳалламида яшайдиган дурадгор устани чорлаб йигирма кишига мўлжаллаб тўртта яхлит узун стол ясадтим. Уларнинг орасидан қўл-оёғи чаққон, ўзи келишимли, саводи бор биттасини танлаб бригадир қилиб қўйдим. Кўлига пул бериб дорихоналарда сотилаётган никоб материалидан харид қилиб келишни буюрдим. Хуллас, ошхонадан, даҳлизчадан ва ўзим ётадиган хонадан тикув машинкаларининг бир маромдаги такирлаши-гувилаши эшитила бошлади. Эртаси куни минг дона никобни иккита дорихонага уч мингдан пулладим. Яна олиб келаверинг деб заказ беришди дорихоначилар. Ёмон эмас-да ахир қўлинни совуқ сувга урмай ҳар бир никобдан нақд икки мингдан қолса. Ким рози бўлмайди дейсиз. Шу куни уч миллион билан қайтдим. Жой масаласи кўндаланг турарди олдимда. Иш юритувчимни чақириб тикув корхонаси учун жой топишни буюрдим. Орадан бир ҳафта ўтиб эллик нафар хотин қизни иш билан таъминладим. Маҳалланинг эски биносига қарашли хоналарда столлар ўрнатилди. Дадил чиқиб қолди иш юритувчим. Аёлларнинг ҳаммасини тикув машинаклари ва материал билан таъминлаб кенг

күламда иш бошлаб юборди. Орадан бир ой ўтиб чарм курткалик сочи бошининг тепасида қозонча нусха қилиб турмакланган аёлни эргаштириб келди Жасур (иш бошқарувчимнинг исми шундай) ва бизни холи қолдирди. Ўзини Ўғилой деб таништириди аёл ва фармацевтигина айтиб, Кўлни дизенфекция қилувчи суюқлик ишлаб чиқариш таклифини ўртага қўйди. Бир пайтлар дорихонада ишлагани сабабли уйда кўплаб шишаchalар бор экан. Тезда ишга киришди Ўғилой бошчилик қилаётган бўлим ва майдонларда, кўчаларда, бекатларда, дўконлар якинида бизнинг ходимларимиз юриб, аравачаларини ғиддиратганча коронавирусга қарши курашни бошлаб юборишиди. Бош ҳисобчим ҳар ҳафта тушган маблағ ҳисобини берар, харажатлар ва нақд тушумни ҳисоб-китоб киларди. Кейинги ойнинг ўзида сарф-харажатлардан ташқари етти юз миллион маблағ ҳазинага тушганини эшитиб роса қувондим. Корхонага “Енгиш” деб ном бердик. Пандемияни енгамиз деган мазмунда шундай номладик. Кўркамгина бир бинони офисга олдим. Айланма креслода ўтирибман. Оғзимда голландча сигара. Оёғимни америкаликлардай иш столимнинг устига чўзиб ташлаганман. Ялтирок туфлиминг сиртида сигаранинг чўғи милтираб шуълаланади. Кайноқ қаҳва олиб кириб турибди котиба қиз. Ҳужжатларни нотариусга тасдиқлатиб бошқа керакли ташкилотлар назаридан ўтказиб олганим сабабли бехавотирман. Тўғриси, бу югур-югурларнинг ҳаммасини иш бошқарувчимнинг ўзи амалга ошириди. Ўтмиш ҳаётим, бир бўлак нон учун елиб югурганларим, дастлабки ишлаган беш минг сўмимга гумма олиб еганим энди бамосоли бир тушдай тобора хиралашиб борарди. Узок-узоқларда хира тортган сувратдай кўринади Арпеник ҳам. Пулнинг кудрати нақадар улуф! “Инсон ё пул, ё ҳеч нарса” деган гап ёдимга тушади. Қаердандир шу гапни ўқиганимда масхараомуз кулиб қўяқолгандим. Мана энди...

13

Орадан ярим йил ўтиб иш бошқарувчим иккита “Нексия” харид қилди. Мен ўзим учун қора ранглисини танладим. “Барғуур”, “Кўргуур”, “Фуурубон”, “Мадҳибор” каби газета-журналларнинг ходимлари корхонага танда қўйиб қолишиди. Газетанинг биринчи бетида босилган сувратимга қараб завқланаман: Кўзимда қора кўзойнак, бошимда, кенг гардишли шляпа. Эгнимда узун қора рангдаги чарм плаш. Қора “Нексия”га тирсагим билан таяганча хаёл сурив турибман. Сарлавҳалар ҳам дилтортар: “Бир юз йигирма рўзгорни боқаётган ишбилармон”, “Бекиёс волонтёр”, “Журналист – тадбиркор”, “Орамизда шундай мардлар бор”, “У Илон Масқдан ўтади” ва ҳоказо. Мана, бугун ҳазинада ўн миллиард жамғарма борлигини хабар қилди бош ҳисобчим. Ундан кейин ҳузуримга кирган иш бошқарувчим яна иккита тикув цехи очишига рухсат олиб чиқиб кетди. Хонада ёлғиз қоларканман, “Яшасин коронавирус!” деб қичқириб юборишимга сал қолди. Бирдан ерга тиз чўкиб Оллоҳдан узр сўрадим. “Оллоҳим, сенинг марҳаматинг билан қарийб икки юз кишига ризқ улашяпман. Аёлларнинг юзига ранг эниб қолди, лабларида табассум, кўзларида миннатдорлик ифодаси... Энди янги туғилган чақалоқларини долларга сотишмаяпти улар, ўзини ва болаларини чойшабга ўраб сувга ташлашлар ҳам камайгандай.

Бир ҳафта аввал шу ерда ишлаб севишиб қолган икки ёшнинг никоҳ тўйини ўтказиб бердим, етим-есирларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турибман. Мен Маккага ҳаж қилиб бормайман, Қуръони каримни сотиб пул топмайман айрим диндору тақводорларимиздай, иккита уйсиз ходимим бор, ҳажнинг пулига ана шуларга уй олиб бермоқчиман...” Илтижо астойдил бўлгандирки, ўрнимдан турганимда шашқатор ёш оқарди кўзларимдан. Оллоҳни ёдга олганда оғир ва

босиқ бўлиб қолади инсон. Охиратни ўйлайди. Охират эса ер остида. Жаннат, дўзах ва аросат бор у ерда. Чуқур қазиб бизни еrostи салтанатига туширадилар. Ҳеч бўлмаганда бирор пачка сигарета ёки бирор шишагина вино олиб кетиш имкониятига эга эмасмиз. Ҳуқуқимиз йўқ. Ё бўлмаса зерикканда мутолаа қилиш учун бир донагина китоб олиб кета олмаймиз. Шунчалар ҳам ҳуқуқсиз бўладими инсон! Аммо бир дона китоб олиш ҳуқуқи берилса нимани олардим? “Шайх Санъон” қиссасиними ёки... Кафканими? Толстой, Достоевский, Горький, Борхес, Кортасар... Бир муддат ана шундай ҳолатда ўтиредим, сўнгра анчадан бери унутилган дафтари яна қўлга олдим. Ер остида ўта хавфли ишга бел боғлаган дўстларимнинг ҳаёти кўз ўнгимдан ўтди: Манзар, Инна, Фарҳод, Айлуч... Айни пайтда нима қилишяпти экан улар? Пандемия туфайли мендек қашшоқ одамнинг миллиардерга айланганини билишармикин улар...

МЭЛС – Манзар:

(Учинчи дафтар)

...Сайловга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Ҳаммаси Иннанинг концертлари ичига яширилган. Сайлов тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмай, Иннанинг обрў-эътиборини ошириш йўли билан тарафдорлар йифмоқчимиз. Егише Чаренц шеърларидан ўқииди Айлуч. Ҳайрат билан тинглашади ёшлар, чунки бу ерда эндиғина шаклланяпти поэзия тўғрисидаги тасаввур. Мен чизган сувратларга қараб ёқа ушлайдиганлар кўп. Бугун Иннанинг портретини бинолар деворида, дўконларда, футбол стадионларида кўриш мумкин. Шу пайтгача ейиш-ичиш, ухлаш, сайр қилиш ва футбол ўйнашдан бошқа машғулоти бўлмаган ёш авлод сувратларни кўриб донг қотиб туради. Баъзилари картонга чизилган расмнинг ортида нима борлигини кўришга қизикади. Худди ойнада ўз аксини кўрган мушук унинг орқасига ўтиб қарагандай. Мени қийнаётган муаммо бор, бу ерда рассомчиликка доир бирор нарса топилмайди. Шу боис бўёқларимни тежаб ишлашга мажбурман. Мендан пора олган Ректорнинг кўрсатган хуфрасидан чиқиб кўтарганимча акварель ва гуаш олиб тушмоқчиман. Аммо оддий иш эмас бу. Мабодо Ҳўтамадан тушадиган бўлсанг, илтимос қиласадим... кўпроқ мойбўёқ олиб тушсанг... газета муҳаррирлигини ҳам ўйлаб кўр. Революцион ўзгариш бўларди агар газета ташкил этсак. Унинг биринчи сонида Иштар билан боғлиқ бирор нарса бериш керак деб ўйлайман. Чунки маъбуда Иштарни бу ерда жуда улуғлашади. Энагалардан оғзаки тарзда эшитган бу ернинг йигит-қизлари, аммо ўқишимаган. Вақти келиб батафсил ҳикоя қилиб бераман "Иштар ва Таммуз" ҳикоясини уларга. Ҳозир бунинг фурсати эмас. Яқинда чизган сувратларимни намойиш қилдим. Ҳўтама тасвиirlанган расм ҳеч кимга ёқмади. Мұхаббат маъбудасининг дарвоза олдида турган суврати катта мунозараларга сабаб бўлди. Атрофимда айланишадиган бўлиб қолишиди ёш йигит-қизлар. Улар орасидан иқтидори борларини танлаб олиб рассомлик тўгараги очдим. Ёшларни қўлга олсак, сайловда биз ютиб чиқамиз. Ва...

Мен – Товошар:

Шу жойда фикрини очиқ айтишдан истеҳола қилганди Манзар. Курашиб яшаш, мақсад сари интилиш нақадар яхши! Ёш қизларни тўплаб кўшиқ айтиш ва рақс тушишни ўргатаётган Инна кўз ўнгимда турибди. Битикларда Айлуч тўғрисида ҳам батафсил тасвиirlар бор. Фарҳод координатор. Ишни ташкил қилиш мақсадида кун бўйи югуради, болаларга қўшилиб тўп тепади гоҳида. Барча ҳаракатлар битта мақсадга қаратилган – сайловда енгиб чиқиш. Бош мақсад – шу. Тезроқ улар сафига қўшилиш ва биргаликда курашиш менинг ҳам ниятимга айланган. Дарвоқе, қайсиdir сахифада пандемиянинг маркази

ер остида эканлиги түғрисида ёзган эди МЭЛС – Манзар. Наҳотки шундай бўлса?! Унда тезроқ тушиб боришим ва дўстларимга ёрдам беришим керак. Балки сайловда ғалаба қозониб Инна бошчилигига Марказни тугатишган ва лабораторияни бузиб, вайрон қилиб ташлашгандир? Аммо билолмадим натижани. “Мен ташкил этган тўгаракда ажойиб бир жуфтлик бор” деган жумлалар билан ниҳоя топган Манзарнинг учинчи дафтари.

Ҳар қандай ибтидонинг интиҳоси бор. Тез орада беш юз иш ўринли катта корхонага айланди “Енгиш”. Нима сабабданdir тегирмон парраги тез айланыётгандай. Ҳаёт равишида шиддат бор. Тезроқ яшаб қолишига шошилаётгандай одамлар ҳам. Ишимизда, юриш-туришимизда “гардкам” бор. Ҳаёт гўёки қимор. Ўлаётган дунёда майшат қилиб қолай деган кайфиятда яшаётган кишилар емакхоналар томон ошиқади. Мен ҳам ёлғизликда кечеётган умримни кўкка совуришни истамайман. Хатти-ҳаракатларим таваккалга асосланган. “Нега ўлаётган дунё” деб савол берадиган одамнинг ўзи йўқ. Кунлардан бир кун “Оқ қайнин” ресторанида учта улфатим билан ўтирганимда, оддий фуқаро либосидаги нотаниш киши кириб келиб, далада бир дўстим кутиб турганини хабар қилди. Дўстларим кўпайиб қолганди кейинги пайтларда. Эшикдан чиқишим билан маҳсус либосдаги икки барзанги қўлимни орқага қайириб киshan солди ва машинага ўтқизиб маҳкамага олиб борди. Эртаси кун сўроқ бошланди. Бўлим прокурорининг гапларидан англадимки, иш чатоқ. Унинг айтишича, менга тайёрлаб берилган хужжатларнинг ҳаммаси сохта. Солик идораси ходими қўлга олинган. Машарипов деган қаллоб бир хонани икки ҳафтага ижарага олиб, эшигига “Нотариус” деган ёзувни илиб қўйиб менга ўхшаган бир нечта тадбиркорничув туширган ва номаълум томонга қочиб қолган. Қидирув эълон қилинган унинг изидан. Сўроқ эртаси ҳам давом этди. Корхона ёпилган, сейфлар тамғаланган, ишчи ходимлар тарқатиб юборилган. Мени қаллобликда, коррупцияда ва яна алламбалоларда айблашмоқда. Қамоқ жазоси муқаррар. Прокурорнинг хонасини кўздан кечирдим, бу ерда яширин камералар ва “қулоқ”лар бўлиши табиий. Шунда секингина қоғознинг бир четини кўксим билан пана қилиб доллар белгисини кўйдим-да, “10.000” рақамларини ёздим. Етти марта киприк қоқди прокурор мен ҳам бунга жавобан киприкларимни етти бор пирпиратдим. Прокурорим 17 минг доллар сўрамоқда эди, начора кўндим. Биз ярим тунда Арпансой канали бўйидаги пастқам бир жойда учрашдик. Муваффақиятли ўтди операция. Мен машинамни тўхтатиб сигарета тутатдим-да уни чала тортиб, деразадан улоктиредим. Йигирма қадамлар нарида турарди прокурорнинг машинаси. Чўгланиб бориб наъматак бутаси ортига тушди сигарета қолдиги. Шу жойда тош остига яшириб қўйилганди пора. Машинамни буриб ортга қайтдим. Бир ҳафтадан кейин суд бўлди. Адвокатим... (уни прокурорнинг ўзи топган ва афтидан рози қилганди)... адвокатим ёрқин нутқ сўзлаб, коронавирус пандемияси даврида беш юздан ортик одамни иш билан таъминлаганимни, вирус инфекциясига қарши курашишда жасорат кўрсатиб ўн минглаб ва балки юз минглаб ниқоб ва бошқа дезинфекция воситаларини халқка арzon нархларда, кўп ҳолларда текин тарқатганимни ошириб-тошириб гапирди. Бундан ташқари “Холис хизмат” бригадаси тузиб коронавирусга чалинган беморларга ёрдам уюштирганимни қаҳрамонлик даражасига кўтарди. Кўча-кўйда санқиб юрадиган уч юз нафар боланинг кун бўйи ишлаб, bemorlarга, бокувчисини йўқотганларга, майиб кишиларга, коронавирусга чалиниб уйда қамалиб ётган оилаларга ёрдам бераётганини айтиб кўрсаткич бармоғини

баланд кўтарди. Мен билган-бilmаган кўплаб факт ва рақамлар келтириди адвокат. Агар бошқалар ҳам мендай халққа хизмат қилса, пандемияга қарши курашда жонини ҳам, молини ҳам аямаса, биз халқ бошига тушган балодан аллақачон кутулган бўлардик деди. Ва ўз нутқини шундай даъват билан якунлади: “Жаноб судья, бундай ишбilarмон кишини, бундай фидокорни, бундай волонтёрни, халқимизнинг бундай асл фарзандини, коронавируснинг бундай жўмард кушандасини жазолаш эмас, балки қўллаб-кувватласак, унга қаҳрамонлик унвони берсак арзиди!” Мамнуният ифодаси кўринди жаноб судъянинг юзида. Ўрнидан туриб маслаҳатга бошлади ёрдамчиларини ва бир неча дақиқадан кейин қайтиб чиқиб, хукмни эълон қилди. Натижа шу бўлдики, бор мол-мулкимдан айрилдим, бунинг эвазига озодликни қўлга киритдим. Бир тийинсиз қолдим деб айтолмайман, бир неча муддат кун кўришга кифоя қиласидиган маблагим бор. Офисни тарк этиб, меҳмонхонадаги комфортabelли кўш хонани топшириб пиёдалаганча, жимгина кулбай вайронамга қайтдим.

16

Стол устида туарди Манзарнинг тўртинчи дафтари. Шу лаҳзада уни очиб ўқишига рагбатим йўқ. Хоргин вужудимни симкаравотим ихтиёрига топшириб пинакка кетдим. Ётган жойимда уйқу аралаш ингранардим, менга жўр бўларди каравотим. Икки оғиз насиҳат қилдим унга: Сабр қил, сабр билан баста эшиклар кушод деганлар машойихлар. Яқин кунларда мендан кутулсан. Ер устида қиласидиган ишим қолмади энди. Арпеникни топишга уриниб кўраман, натижа қандай бўлишидан қатъи назар кетаман. Мени кутмоқда Хўтама. Ўрнимдан туриб стол тортмасидан тортиб барча тешик-туйнукларни қарадим, эски кийимларимнинг чўнтакларида қолган майда пулларни бир жойда тўпладим ва уларни бўй-бастига қараб ҳамёнимга жойладим, Қадрдон кулбам билан бир умрга хайрлашаётгандай мўнгли термилдим хона деворларига, суврат... Манзар чизган расм... катта очилган оғзи билан, балки уни кўзи десам тўғри бўлар – масхараомуз қараб туарди Хўтама. “Сен жиноятчисан” деган таъна бордай унинг кийшик оғзида.

Шаҳар кўчаларида кун бўйи изгиб юрдим. Турли рангдаги никоблар: ок, қора, қизил, чипор. Махсус формадаги назоратчилар. Миллий гвардия, Ички ишлар ходимлари, деразаларига қора панжара қоқилган қўрқинчли машиналар, бир-бирига хавфсираб қараётган, бир-биридан қочаётган одамлар, йўқ, бундай ваҳима ичида яшай олмайман. Нафасим бўғилиб оғиз-бурнимни танғиб турган латтани юлқиб олдим. Кимларгадир ёки нималаргадир қарши исён қилгим келарди. Ўзимдаги бундай янги ҳиссиёт таъсирида майдон томон одимладим. Сирена чалиб шиддат билан келаётган машина шамолида учиб кетишимга оз қолди. Тамом ўзгариб кетганди ҳаёт. Қавму қариндошлар ҳолидан хабар олиш тўхтаган. Менталитет қани! Қани биз улууглаб юрган менталитет! Такси анқонинг уруғи. Оддий фуқаро транспорти – автобуслар қатнови тақиқланган. Вужудимни қамраб олган тугён кучайди ва мен йўл четида турган махсус формадаги бўйчан йигитлар томон юрдим. Уларнинг жигига тегиши учун атайлаб шундай қилдим. Ўзига хос исён эди бу. Устимга томон бостириб келди ва резина таёғи билан елкамга туртиб тўхтатди назоратчилардан бири.

- Маска қани? – деди дағаллик билан юзимга ўқрайиб қааркан.
- Ринитим бор.
- Қани?
- Нима?
- Ринит?
- Бурнимнинг ичида.

Ринитнинг тумовга ўхшаш дардлигини билмасди назоратчи йигит, нималигини сүрашга ор қилди ва ҳамроҳларига қаради. Атрофимни ўраб олди бўйчан, кенг умровли бадқовоқ йигитлар. Кўрсатинг деди улардан бири.

– Нимани?

– Ринитни.

Юзимни бироз четга ўтириб ерга эгилдим-да, бармоқларим билан бурнимни кисиб қаттиқ ишқирдим. Ва кафтимдаги шиллиқни кўрсатдим:

– Мана!

Боши билан машина томонга ишора қилди назоратчилар бошлиғи. Бақувват қўллар тирсагимдан омбурдай сиқиб ушлади ва оёғимни ерга теккизмай олиб бориб машинага тикди. Қарийб йигирма чоғли киши ўтиради маҳкамада. Ҳаммасининг жағи тангилган. Аёллар ва ёш болалар ҳам бор. Менинг ҳам юзимда никоб. Икки соатлар кутдим, нихоят навбатим келди. 1 миллион 225 минг сўм жарима тўлашимни айтиб, яшаш жойим-манзилимни ёзиб олишиди. Бугундан қолмай пулни олиб келишни бўйнимга қўйиб чиқариб юборишиди. Агар пулни тўлашдан бўйин товласам, қамоқ! Ташқарида ҳам жаримага тортилган кишилар кутиб туришарди. Қачонгача бундай яшаймиз?! деган аламли бир савол бор уларнинг юзларида. Кеча маҳсус шифохонада бир аёл ўзини осиб қўйибди деган гап эшитилди қулогимга ва тўхтаб ортимга ўтирилдим. Ҳаётдан тўйғанлар кўпайиб бораяпти деди бир чол ва шоша-пиша тумшуғидаги оқ докани тўғрилашга тутинди. Худди шу пайт тўданинг ўртасига томон югуриб қолишиди одамлар. Эллик ёшлардаги бир киши ўзидан кетиб йиқилиб ётарди. Шими ҳўл. Ниқобини юлқиб олиб оғиз-бурнини очди бир амаки. Сув! Сув! деган кичқириқлар билан тўрт томонга югуришарди аёллар. Бир ҳамшира чиқиб келди ичкаридан. Беморнинг кўз корачигига қаради, томирини ушлаб кўрди, икки бармоғининг терс томонини bemorning териси заиф сарғиши бўйнига тутди ва хулоса қилди:

– Ўлипти...

– Боже мой! – деганча, нигохини осмонга тикиб чўқинди ўрис кампир.

– Энди қутулмаймиз бу балодан, – деди зиёлинамо бир киши. – Ўтган куни Британча штамм кириб келгани ҳақида хабар тарқалган эди, мана энди африкача штамми ҳам кела бошлабди. Коронавирус инфекциясини юқтириб олиш бўйича Хиндистон дунё рекордини янгилаб биринчи ўринга кўтарилиган эмиш.

– Ўлим қўп, – афсус билан бош чайқади, узун соқоли никоб остидан эчкининг думидек осилиб турган бир қария. – Олиб кетяпти битта-битта.

– Болаларни Худо асрасин.

– Энди болаларга ёпишяпти.

Кулоғининг орқасини кафти билан тўсиб сўради бир кампир:

– Нима?.. Нима ёпишяпти?..

– Коронавирус!

– Пандемия!

– COVID-19!

Нажот истаб Манзарнинг дафтарига ташландим. Гарчи ер остида яшаётган дўстларимни унугиб қўймаган бўлмасам-да, бир неча ой майшатга берилиб кетиб, уларнинг ҳаёти қандай кечаетганидан хабарсиз қолгандим. Мен кирган ўзан оқими нихоясига етди. Баҳор булатлари қўйган шиддатли ёмғир ва бир неча муддат пишқириб оққан сел тинди. Дафтарни очиб бир неча вараги йиртиб олинганини кўрдим. Ишчи-тикувчи ходимларимнинг иши бу. Уларнинг шовқин-суронлари энди йўқ. Хоналар жимжит. Тикув мошинларининг тақирлаши эшитилмайди. Оғир дамларда аёллар тикув мошинларига суюнганлар. Бир бўлак нон топиш воситаси бўлган бундай ускуналар. Аниқ биламанки, “Енгиш”

Неъмат АРСЛОН

ёпилгандан кейин яна ишсиз қолган аёллар ҳаётдан норози, уларнинг ахволини тасаввур қиласман. Кўзларида иложсизлик ва мўнг.

Шундай хаёллар билан ўқишига киришдим. Йиртиб олинган вараклардан кейинги саҳифа ўта ноxуш хабар билан бошланарди. Сира кутилмаганда маҳсус либосдаги икки киши МЭЛСнинг ижодхонасига бостириб кирган ва ҳатто кимлигини ҳам сўрамасдан қўлларига кишан уришган. Бор сир-асрорлар, сайлов ва Марказни тарқатиб юбориш режаси ёзилган дафтарни дафъатан қаерга яширишни билмай, кўйлаги ичидан қўйнига урган. Баландлиги етти метр пахса девор бўйлаб боришаркан, машъалалар ёниб турган узун коридорга кирганларидан кейин атрофга қараб вазиятни аниқлашга уриниб кўради МЭЛС. Ва ногаҳон бурчакда бикиниб турган кишини кўриб қолади. Ҳарбийлар асрни бирдам ёлғиз қолдириб музқаймоқ ейишмоқда эди бу пайтда. Похол шляпасини ечиб бошини яланғочлайди бикиниб турган одам. Кал! Ҳеч шубҳа йўқ, бошига уксус қуйиб даволаган эди уни, танийди МЭЛС ва қўйнидан дафтарни олиб, таваккал қолади ва уни калнинг оёғи остига ташлайди. Қисқа муддатда бўлиб ўтган воқеадан хабарсиз қолган ҳарбийлар тутқунни етаклаб яна йўлда давом этадилар. Ана шу дафтарни мен Арпеникнинг хонасидан топганимни эслатиб ўтириш шарт эмас, лекин орадан бир неча кун ўтиб яна ўша деразадан учинчи бор тушганимда стол устида турган хатни кўрдим. Демак, кал шифокорига садоқат кўрсатиб яна келган ва МЭЛСнинг хатини тайинли жойга, Арпеникнинг хонасидаги стол устида қолдирган. Кейинги воқеаларни яъни ҳарбийларнинг кириб келиши ва МЭЛСни ҳибсга олишига доир тафсилотларни ана шу хатдан ўқиб билдим. Арпеник қаерда? Салаватов-чи? Хонага қаердан кириб келяпти ва қаердан чиқиб кетяпти кал? Айлуч тўғрисида нега ҳеч гап йўқ? Ниҳоясиз саволлар гирдобидаман. Инна ва Фарҳоднинг тақдири мубҳамлигича қолмоқда. Ёки уларнинг ўзи ушлаб беришдимикан МЭЛСни?.. Уйда ўтириб бу саволларнинг бирортасига ҳам жавоб топа олмайман. Кўчага чиқиш керак, кўчага... балки Салаватовни учратиб қоларман деган илинж билан кун бўйи Шаранда кўчасини ва унга туташ хиёбонларни кезиб юрдим. Одам кам. Кўчага чиқиш хавфли, одамлар бикиниб олишган уйларига. Ёнимдан ўтиб бораётган аёлнинг боласи бўғилиб йиғлар, аммо она унинг оғзидағи ниқобни олишдан кўркар ва гўдагини бағрига босганча деворларни паналаб югуриб бораарди. Танимади мени, тикувчилик корхонамга (“Енгиш”) ишга олгандим уни. Балки танигандир, аммо энди мендан не фойда. Шаранда ва унинг атрофларида кезиб юришдан асосий мақсадим Арпеникни топиш. Амалга ошмади бу ният. Ҳеч қаерда йўқ менинг тарсо қизим. Шунда илк бор хаёлимдан шубҳали бир фикр ўтди: Аслида бор эдими Арпеник?! Бор эдими қалбимда яшаган тарсо қиз?! Ёки хаёлнинг соясимиди менинг Арпенигим?!

Бундай хаёллардан кейин уйда ўтириб бўладими! Стол тортмасини кавлаштириб қолган-күтган пулларимни олдим. Қишиги пальтомнинг киссасида ҳам беш-тўрт сўм бор экан. Палов ёки кабобга етмайди. Гумма ейман. Қашшоқнинг таоми – гумма. Унинг гумбазсимон шаклини, ичидаги чиқ-чавоқларнинг пиёзга қоришиқ ҳолатини кўз ўнгимга келтирганча кўчага отилдим. Мана емакхона. Ичкарида ҳам, ташқарида ҳам жой бор. Столлар устида сирка кислотаси солинган шишаҷалар. Суюқлик тубида қизил қалампир ва шивит кўринади, саримсоқ ҳам бор. Тўртта гумма билан бир чойнак қора чой олиб девор тагидаги столга жойлашдим. О, яшаш нақадар яхши! Ҳали жазиллаб турибди гумма. Қошиқча билан тепасидан тешик очиб сирка қўйдим. Кўлим, оғзим, лабларим куйиб танаввул қилишга киришдим. Жазиллаб бурнимга уриларди сирканинг ҳиди... Кўзларимда ёш қалқиб турарди охирги пиёла чойни ичганимда. Камбағалнинг бир тўйгани – чала бой бўлгани! Ўрнимдан туриб хиргойи қилганча кетиб бораarkanман, овозим

баралла чиқаётганидан таажжубланиб оғзимни ушладим. Маскам йўқ! Оғзим боғланмаган. Овқатланиш пайтида ниқобимни ечиб күйгандым... Емакхонадан анча узоклашиб кетганимга қарамай ортимга қайтдим. Ҳозиргина мен туриб кетган жойда бошқа бир киши ўтиради. Шаффофф селофан комбинизон остидан чорхона күйлаги күриниб турибди. Узун қадди стол устига эгилган. Наҳотки, Саловатов бўлса!? Олдига боришимни ҳам, оркага қараб қочишмни ҳам билмай туриб қолдим. Шунда шалдираб ҳаракатга келди селофан комбинизон ва ниманидир чўнтағидан олди Саловатов. Бир бўлак тахтача ва болғача пайдо бўлди стол устида. Наҳотки овқатни болға билан еса деган фикр миямга урилди, энсам қотиб нима қиласримнинг сурогига етмай турардим. Жуда қизиктирмоқда эди мени Бош вирусологнинг ҳаракатлари. Сира кутилмаган воқеанинг гувоҳи бўлдим. Вирусолог тахтача устига қора латтани кўйди ва болғача билан ура бошлади. Менинг ниқобимга қўнган вирусларни заарсизлантирмоқда эди Саловатов. Қандай йўл билан бўлмасин ниқобни олмасам, болға зарби остида титилиб кетиши тайин. Томоқ қириб йўталиб столга яқинлашдим. Бу менинг ниқобим дедим ва саломлашишни ҳам унутиб латтага қўл чўздим. Сизга бошқасини бераман, тўнғиллади вирусолог ишдан бош кўтармай.

– Унда нима учун заарсизлантиряпсиз?

– Биласан-ку, вирусни тирик қолдириб бўлмайди. Бу ниқобдан учеб ўтиб бошқасига кўнади.

– Ҳа, сиз вирусларнинг ҳақиқий кушандасисиз.

– Начора, қасбим тақозоси...

– Майли, соғ бўлинг, мен кетдим. Ниқобдан умидимни узиб хайрлашдим. Ва ҳали ортимга бурилиб улгурмай мени тўхтатди Кушанда.

– Тўхта, сенга бир нарса бермоқчиман.

Стол тагига томон эгилиб халтасини олди Кушанда ва ундан тўртбурчак шаклдаги алланарсани чиқариб стол устига кўйди.

– Ол!

– Нима бу?

– Сўрама, натижасини кейин биласан, ол!

Кўлимга олиб қараб унинг маскалигини тушундим. Кўз, оғиз, бурун учун тешиклари бор. Ўн килолардан зиёд оғирлиги ҳам. "Кий!" деган буйруқ бўлди. Бажардим Кушанданинг айтганини. Шиша кўздан бир нав кўринарди борлиқ. Темир печканинг қопқоғидай бир нарса билан оғзимни беркитди Кушанда. Ва киссасидан иккита тешикли қўшнайча олиб бурнимга тикиб қўйди. Шиша кўздан қараб унинг мамнун қиёфасини кўрдим. Бош бармоқларини ҳавода ўйнатди, лаблари ҳаракатга келди, товушини яхши эшитмадим, аммо "зўр" дейтганини тушундим. Норхелак анҳори устидаги кўприкдан ўтиб борарканмиз, сира кутилмаганда: "Бугун бизниги бориб бир отамлашайлик" деб қолди вирусолог. Сон-саноқсиз ҳиссиётлар арсадида қолдим. Бу антиқа одамнинг ҳаёт тарзини тасаввур қилолмасдим. Арпеник менинг уйимда деган гапини унугтаним йўқ. Шу боисдан бир қалқиб тушди юрагим. Наҳотки уни қўрсам! Ўшанда, яъни илк бор тунда кечган учрашувимизда вируслар кушандасининг гапига унчалик ишонмаган эдим. Манзарнинг дафтарида Арпеник тўғрисида айтилган баъзи гаплардан кейин қизнинг ҳақиқатан ҳам Саловатовнинг уйида яшаётганилгига бир ишониб-бир ишонмай юрдим. Мана, энди уйига таклиф этиб турибди мамлакатнинг собиқ Бош вируслоги. Рози бўлмай иложим йўқ. Дарвозадан киришимиз ҳамоно атрофни яхшироқ кўриш учун бошимдаги оғир шлёмни ечишга уриндим, аммо вируслар кушандасининг қаттиқ қаршилигига учрадим ва бўйсунишга мажбур бўлдим. Биз кўлларимизни кирсовун билан қайта-қайта ювдик. Махсус мосламани кўтариб келиб ҳар иккаламизга вирусни заарсизлантирувчи суюқлик

Неъмат АРСЛОН

пуркади аёл қиёфасидаги бир киши. Бошдан-оёқ селофан либосга бурканиб олгани сабабли унинг кимлигини билолмадим. Мезбон етакчилигида бир хонага кирдик. Энди бошимдаги шлёмни ечишим мумкинлигини айтди Кушандада. Ечишга уриниб кўрдим, бироқ осон кечмади бу иш. Шлёмнинг бўйнимни қоплаб турган қисми болт ва гайкалар билан бураб ташланган. Вирусологнинг ўзи ёрдамга келди, асталик билан кўнишишимни айтиб ечиб олди шлёмни. Унинг айтишича, жуда ишончли эди ички қисмига қўргошин қоплама ўрнатилган бу мослама. Вирусга чалиниб ўлган енгилроқ бундан кўра деган ўқинч билан шлёмни девор тагига кўйдим. Биз ўтирган хонанинг дарчасидан кимдир баркашга солинган таомларни узатди. Интилиб қарадим, ҳеч нарса кўринмасди қўлқоп кийган иккита қўлдан бошқа. Ҳаракатимни эътиборсиз қолдирмади кўзи ўткир Вируслог ва Арпеникнинг бу ерда эмаслиги, акасининг олдига кетганлигини баён этди. Бизнинг муносабатларимиз маълум эди, афтидан, унга. Дастурхон йиғиштирилгандан кейин хона тўридаги эшикни очди мезбон ва имлаб чақирди мени. Деворларига оқ пенопласт қоплама урилган хона ўртасидаги стол томон бордик. Хонага кирганимдаёқ қандайдир тажриба ўтказилаётганини пайқагандим. Стол устидаги шиша идишда қандайдир суюқлик. Тўрт томондан йўналтирилган ультра қизил ва ультира бинафша ранглар оқими остида жимирилаб турибди шишадаги суюқлик. Бу вааксина деди вирусолог, унга Жаррос деб ном берганман. Кеча биринчи бўлиб янгангизга синаб кўрдим. Ахволи дуруст. Шундай деб қўшни хонага олиб кирди мени. Ерда тахта кути ичиди ётарди бир аёл. Тобут дейишга тилим бормайди, аммо тўғрисини айтсан, тобутда ётарди янгамиз. Тобут устига эгилди вируслар кушандаси ва овозини баландлатиб сўради:

- Бардаммисан, Фархунда?!
- Худога шукр! – жавоб қилди янга.
- Мана, мен айтган меҳмон.

Кушанданинг турткиси билан тобутга яқинроқ бордим ва салом бердим. Табассум қилди аёл, лабларида кулги зухур этди, кўзларида ёш. “Янга”нинг қазо қилганини айтган эди вирусолог, бу иккинчи хотинимикин деган ўй билан тикилироқ қарадим. Арпеникка жуда ўхшарди унинг оппоқ юзи, тим қора сочи ва тундек қаро кўзлари. Кўллари эътиборимни тортди. Никоҳ узугининг шу яқин кунларда ечиб олингани билиниб турарди. Узун ва нозик номсиз бармоғида оқаринқираб турибди узукнинг изи. Тирсагимдан омбурдай сиқиб ушлади кучли бармоқлар ва хаёллар оламидан борлиққа қайтдим. Вирусологнинг лабораториясига кирдик. Хаёлиму хушу фикрим “тобут”да ётган аёлда бўлгани сабабли тажрибалару тадқиқотлар ўтказиладиган асбоб-ускуналар эътиборимни тортмади. Вируслар кушандаси томонидан айтилган баъзи бир мулоҳазалар қулоғимга чалинди: Куни кеча рус олимлари янги бир хулоса беришди. Уларнинг айтишларича, ҳеч қандай вирус-пирус йўқ. Конни қуолтирувчи моликулалар бор. Аспирин ва параситамол ичиб турилса кифоя экан.

- Ишонасизми сиз шу гапга?
- Бу соҳага тишим ўтмайди, – дедим.

– Абсурд! Шу пайтгача дунё олимлари минг хил фикр айтишган бўлса, уларнинг деярли барчаси бир-бирига зид. Янги штаммлар, мутатсиялару янги тўлқинлар...африкача, британча ва ҳоказолар. Ҳаммаси абсурд. COVID-19 сирли мавҳумот. Модомики, дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган бу дарднинг нималиги номаълум экан, қандай қилиб ишлаб чиқарилаётган вааксиналар маълум бўлсин. Топинг – олинг!..

“Ваксина” сўзини нима сабабдандир ҳансираб, тўлқинланиб ва иккита унли-а” товуши билан айтарди вирусолог.

...Мубҳам таассуротлар оғушида уйимга кириб келдим. Нафасимни қисарди етти қават латтадан тикилған никоб ва унинг устидан кийдириб қўйилган “Жаррос”. Дарвөке, никобнинг номи ҳам ваксина билан адаш, яъни бир хил. Яшашнинг қизиги йўқ. Ер устидаги ҳаётни назарда тутяпман. Лоақал Арпеник ёнимда бўлганда эди! Аламли нидолардан сариқ чақачалик наф йўқлигини ўйлаб колинкор муқовали дафтарни қўлга олдим. Манзарнинг битикларини ўқийвериб янада кучайди аввалги интилишларим. Еости мамлакатида йўқдир балки вируслар. Дарвөке, вирус ўрчитувчи лабораториянинг ер остида ўрнатилгани тўғрисида ёзган эди-ку МЭЛС – Манзар. Узок ўйловлар пировардида чохга тушиш керак деган қарорга келдим. Жуда кўргим келарди зилзила ҳосил қилувчи машинани. Ва хусусан, коронавирус урчитувчи лабораторияни. Кўришдан мақсад уни томоша қилиш эмас, йўқ килиб ташлаш ва инсониятни машъум балодан халос этиш. Бир неча кун иккиланиб юрдим. Ўз ҳисобимдан олган таътилим аллақачон тугаган, ишга бормай қўйганимга ҳам бир неча ой бўлган. Ишдан аллақачон ҳайлалганман. Якшанба куни “Карvon бозор”та бориб тўрт бўлак арқон сотиб олдим. Ҳар бирининг узунлиги йигирма беш қулочдан. Тунда ўтириб уларни бир-бирига “морской узель” усулида боғладим. Бундай тугун жуда ишончли, қанча куч билан тортсангиз шунча мустаҳкамланади, уни ечиш ҳам бошқа тугунларга нисбатан осон.

Учи ўткир темирқозиқ билан бирга қўшиб арқонларни халтага жойладим. Иккиланишлар чекинди. Ер устида қиласидаги ишим қолмагандай. Тубсизликнинг тубида нима борлигини билишга қатъий қарор қилдим. Мабодо пора беришга тўғри келиб қолар деб қолган-күтган пулимни олдим. Зоро, бошга ташвиш тушганда ишни осон битиришнинг энг маъкул йўли пора. Курбонлик қилишдан мақсад нима? Оллоҳга керакми бизнинг сўйган қўйимиз? Ўн саккиз минг олам подшоҳи, ижодкори, сарварига чикора биз бўғизлаган қўй! Инсоннинг ўзи учун керак буларнинг ҳаммаси. Аслида порадир курбонлик ҳам.

Манзар тасвирлаган афсонавий мамлакат – шаҳар, яъни Суфтар ва унинг бош шаҳри Бажарун ҳақиқатга қай даражада яқинлигини билмасам-да, ундаги сирли ҳаёт ва қўрқинчли манзарапар жозиб куч билан мени ўзига тортарди. Манзар ким ўзи? Чохга тушган ўша одамми ёки... буни аниқлашим ҳаммасидан муҳим. Ўзини МЭЛС деб таништирганидан буён ўйлайман, иккиланаман. Қилган жиноятим тафсилотлари қўз ўнгимдан ўтади. Балки жиноят очилгунга қадар, яъни жиноят фош бўлишини кутиб ўзини бошқа ном билан атаб юргандир... Такрор айтаманки, мен жиноят... мен Манзарни чохга итариб юбормаганман...

Кўп ўтмай янги хабар олдим еости мамлакатидан. Тартуранга раҳбар этиб сайланибди тўрт йил аввал қазо қилган Ияк. Маълум бўлишича Эришкигал билан учрашган, бир ҳамён тилло олиб бориб севги изҳор этган ва ўликлар дунёсининг маликасига уйланган. Бундан кўзда тутилган мақсад Еости дунёсини бошқариш. Бу аник. Мухаббат маъбуласи уларнинг никоҳ тўйига бормаган. Мана, унинг опасига йўллаган мактуби: “Инсоният пайдо бўлганидан буён ерусти дунёсини кезиб Ияк билан ҳам учрашганман. Унинг қалбига заррача бўлсин муҳаббт уругини эколмаганман. Гапларимга кулоқ солмай олтинларини санаб ўтираверган. Бундай бадният одамга сени раво кўрмайман, шу сабабли тўйингга бормайман, опа”.

Бошим гангид қолди бу хабардан. Иякнинг Тартуранга раҳбар бўлиши... хусусан, маъбуда Эришкигалга уйланиши... нима десам экан, ўликлар дунёсини кафангадо қилиши тайин. Аммо шу кундан бошлаб Еостида ҳаёт музтар, Инна лавозимидан четлаштирилган. Манзар ва унинг ҳамфирлари “Бирликчи” деб

эълон қилинган ва ҳибсга олинган. Хат билан келган пакетда расмлар ҳам бор. Мамлакатнинг бош майдони. Плакатлар ва транспарантлару шиорлар кўтарган ўн ҷоғли киши. Етти ёшлар чамасидаги болача ҳам бор. "Бахтили болалигимиз қани, Ияк!" деган шиор унинг бўйнида. Инна ва Айлуч ярим яланғоч. Норозилик белгиси. Фурҳад билан Манзар очлик эълон қилишган. Халқнинг бир гурух эркесвар фарзанди адолатсизликка қарши бош кўтарган даврлар. Ўз қадриятларини билмас, ўзининг номдор мутафаккирларини танимас, бир бурда нон топиш ва бир амаллаб рўзгор тебратиш ғамида яшарди халқ. Эшакларни хуфёна тарзда сўйиб ейиш бошланган бир даврлар. Халқни беаёв талар ва бойиб бораради калондимоғ раҳбарлар. Соқол қўйғанлардан шубҳаланиш, намоз ўқиганларни "соколобий" деб эълон қилиб оммавий қамаш ва ҳоказо ва ҳоказо... Ундахон шаҳрида бўлиб ўтган бир воқеа бутун дунё мусулмонлари юзига дод бўлиб тушган дамлар. Гиштпарчоб турмасида қазо қилган бир маҳбусни дағн этишга рухсат бермади давлат. Тантана билан телевизордан эълон қилинди бу ҳолат. Халқ жим. Ортга қайтарилиди жасадни кўтариб қабрстон томон йўл олган издиҳом. Лопиллаб учиб борар ва қўнишга жой тополмасди тобут. Полис ва ОМОНчилар қуршовида эди қабристон. Кўшни қишлоқ қабристони томон югурди бечора ота. Жасад эса уй ўртасида ётарди ва ирий бошлаган эди. Юз тубан йиқилиб қабристондан жой сўраётган отага шафқат кўрсатилмади бу ерда ҳам. Халқ жим. Шунда мункиллаб қолган бир чолдан садо чиқди ниҳоят:

"Эй саҳтимонлар! Ҳали инсон пайдо бўлганидан бери ҳеч бир халқда, ҳеч бир мамлакатда бундай бўлмаган. Майитни қўмайлик. Оллоҳ олдида гуноҳкор бўлмайлик, бундай шафқатсиз бўлманглар болаларим!"

– Бу чол ҷалабий, – деди кимдир.

Ярим овозда гапирган бўлса-да, ҳаммага эшитилди сукунатда унинг таънаси. Мук тушганча йиғлар, шафқат сўраб оҳ урар ва ҳамон ёлворарди ота. Самовот ҳам, коинот ҳам таажжубда. Фақат бир гурух "Бирлик"чилар ҳаракатда. Тўрт минг киши шаҳарнинг бош майдонига чиқиб майитни дағн этишни талаб қиласбосладилар. Унда ҳали тирик эди Ияк. Парадокс! Буни қарангки, орадан йиллар ўтиб Ияк вафот этганда минглаб одамлар кўзёши тўкиб сўнгги йўлга кузатди уни. Мана, ўша бирликчилардан бири Манзар хибса.

Бирдан ўзгариб кетди манзара. Ортга қайтди йиллар. Партияга шоншарафлар! деган шовқин-сурон билан бир гурух ёш-яланглар бостириб киришди майдонга. Унда ҳали пастроқ лавозимда эди Ияк. Ва Компартияга хизмат қиласди. Ашаддий коммунист. Геноцедлик туйғуси түғён урарди унинг кўксиди. Ҳайқириқлар билан майдонда ҳаракатланаётган ёшлар пекитчилар томон юришди. Сафнинг олдида тўрт нафар қария. Танидим уларни. Компартиянинг нафақага чиққан эски раҳбарлари. Кўли билан Манзарни кўрсатди улардан бири. Полис формасидаги тўрт киши майдон ўртасидан югуриб бормоқда. Пекитчилар жим ва ҳаракатсиз. Уларнинг йўлини тўсиб чиққан қиз – Инна. Тўс-тўпалон бўлиб кетди Бажарун мамлакатининг бош майдони. Аслида бу воқеаларнинг ҳаммаси Бизнинг она Еримиздан неча миллион ёруғлик йили узоқда бўлган Суфтар сайёрасида бўлмоқда. Манзарнинг ёзишича, Тартуранни қўлга олмоқчи бўлган гурух, яъни Инна ва унинг дўстлари Иякнинг "Биз пўртаначиларнинг йўлидан борамиз" деган гапни ошкор қилишган. Ҳа, бу ҳақиқат. Ҳеч ким рад этолмайди буни. Халқ кўриб турган эди ахир телевизордан. Аммо Ияк тезда қайтди фикридан. Шуни тақозо этарди юзага келган шароит. Чаппа бўлиб тушган эди пўртаначилар.

Мана энди Ияк ва Эришкигал бирга. Олқишиламоқда уларни ўликлар. Яъни тирик ўлик ва ўлик тириклар. Тошпарчин қамоқхонаси. Зах камерада Манзарнинг ёлғиз ўзи. Темир панжара урилган камера. Панжара ортида кенг ва бепоён борлиқ. “Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Ерустига олиб чиқишиганга ўхшайди бизни. Ёруғлик бошқача, күёш нури чамамда. Еростининг кулранг ёғдусига ўрганган кўзларим қамашаётганидан билдимки, мен ерустидаман. Гарчи темир панжара урилган баланд деразадан қўёш кўринмаса-да, унинг парпираб туриши бор тасаввуримда. Хонамнинг эни бир ярим метр, узунлиги уч. Менинг янги маконим. Девор тагида тахта тапчан, бурчакда эски челак. Шифтири хиди. Ердан уч метр баландликда деразам, бир чети синган шишадан озгина бўлса-да тоза ҳаво кириб тургандай. Аммо деворлар! О, деворлар! Маҳбуслар оёғининг зарбидан сувоғи қўпарилиб тушган ва кейинчалик қайта сувоқ қилинган жойлар алоҳида тус касб этиб умумий сатҳдан ажралиб турибди, андова урилган жойлар ҳам бор, хуллас, олақуроқ ҳолатга келган тўрт девор менинг бебаҳо дунём. Қамалганимдан кейин уч соатлар ўтиб кашф этдим уни. Балки рассомлигимнинг яхши оқибатидир бу. Эшак расмини кўрдим дастлаб деворда. Саҷраган бетон қоришма зарралари, пастга томон оқиб тушган суюқликнинг хира ва узук-юлуқ изларидан ҳосил бўлган эшакнинг вужуди. Оддий кўз билан қараганда ҳеч нарса йўқ, гадириш девор. Камерада мендан аввал жон сақлаган маҳбуслар жон аччиғида деворга мушт урган, тепган оёқлари билан, тирналган излар ҳам бор. Баъзи жойлар кейинчалик яна қайтадан сувоқ қилинган ва аввалги қоришмадан ранги билан фарқланиб ҳаритасимон шакллар ҳосил қилган. Неча ўн йиллар давом этган бундай жараён. Турли қиёфадаги, муракқаб характерли қишилар истиқомат қилган камера. Бири мўмин-қобил, бошқаси жаҳлдор ва чидамсиз, яна бошқа бирорлари псих ва шезофреник... агрессив ва зулмкор... Аламини девордан олган улар. Айримлари қўлига тушган михми, шиша синигими нима бўлса ҳам учи ўткир жисм билан (бундай ҳолатларни ўйлаб топишда маҳбуснинг олдига тушадиган инженер, конструктор, ихтирочи йўқ) деворни емиришга уриниб ҳам кўрган. Баъзан ҳовлига қисқа муддатли сайр учун олиб чиқиласди маҳбуслар, ёки ҳожат учун. Ана шунда атрофга, оёқ остига диққат билан назар солади улар. Кичкина тошча топиб олса ҳам катта қувонч ва овунч. Тошчанинг қиррадор учи бўлса бас, деворни тирнаб вақт ўтказади маҳбус. Вақтнинг ўтиши ҳаётий муҳим масала. Сониялар, лаҳзалар, дақиқалару соатлар саналади бу ерда. Кунларнинг ва ҳафталарнинг ҳисоби нақшланади ўша қиррадор тошча билан. Вақт – асосий душман. Ҳар лаҳза, ҳар бир кун озодлик соғинчига тўла. Дунёнинг ҳеч бир жойида вақт ҳисоби турмадагидек изчил ва давомли эмас”.

Хатни ўқиди Бенаво. Энди унинг мақсади менга маълум. Манзарни қутқариш ҳаракатига тушади унинг борлиғи, ҳа айнан борлиги. Мақсад – виждан олдида покланиш. Уни бир умр қийнаб келаётган унсурнинг номи виждан. Жиноят изларини йўқотиш учун қозиқ билан аргамчини чуқурликка ташлаб юборган ва қозиқ ўрнини текислаб ташлаган ҳолати тинчлик бермаётганди унга. “Мен жиноятчи эмасман, ахир унинг ўзи хохлаган ва ўз ихтиёри билан қилган иш бу”, деб қанчалик такрорламасин, “Сен жиноят изларини йўқотишга уриндинг”, деб садо беради виждан.

...Эй менинг зийрак китобхоним! “Хатни ўқиди Бенаво” деган сўзлар ва ундан кейинги сатрларни ўзини Бенаво деб атаган киши эмас, мен ёзяпман. Аслида асар муаллифи менинг ўзим – Султон Остонман, яъни Тавошарман. Ҳар қандай бирхиллилик зериктиради кишини. Мусиқага қулоқ тут. Бетиним алмашиб туради оҳанглар. Куйнинг кучи ва жозибаси ана шунда. Акс ҳолда мусиқа чиқмайди. Бадиий адабиёт ҳам шундай бўлгани маъқул. Бенавонинг

Неъмат АРСЛОН

ва Манзарнинг сўзига бир муддат қулоқ тутдим ва ниҳоят мавзу тизгинини ўз кўлдимга олдим. Энди ҳикоянинг давомини бевосита ўзимдан эшиш:

Дарвоза олдида туарди бошига гулдор шол рўмол ташлаб олган аёл. Унинг рўпарасида Бенаво. Дарвоза очиқ. Опасининг мўлтираган кўзларига қараганча қотиб турибди Бенаво. Бўғзида “Ҳавлуна! Ҳавлуна!” деган ҳайқирик.

- Танияпсанми? Мен Анораман. Опангман.
- Қандай шамол учирди, опа!?
- Манзарнинг шамоли.

Ўзини бироз орқага олади Бенаво. Кўлида шол рўмолнинг пўпакдор учи. Опасини кучиб бағрига босгандга кўлига илинганди унинг рўмоли. Уни маҳкам тутганча ғижимлади ва сўради:

- Манзар?... Нега Манзар, опа? Сиз қаердан келяпсиз ўзи?
- Унинг олдидан. Манзар камоқда.

Кўзёшлирини артди опа. Рўмолнинг учини кўйвормаганча ичкарига томон бошлади уни Бенаво. Тандирхона олдида бирдам тўхтади Анора ва бу тандирга нон ёпмаганимга кўп йил бўлди деган хаёл билан яна ёшланди кўзлари. Нима қиласиз энди Бенаво дея укаксига кўз тикди опа ичкарига киргандаридан кейин, кўрпачага оғир чўкаркан. Ички бир ҳиссиёт билан уқди опасининг ўтиччини ва кескин бир тарзда жавоб қилди:

- Мен уни қутқазаман!
- Кўлингдан келадими?
- Ҳаракат қиласман. Шу йўлда курбон бўлсам бўламанки, уни турмадан озод қиласман. Кейин бафуржа хол-аҳвол сўрашув бошланди опа-ука ўртасида. Эридан ажралган эди Анора ва хабардор эди Манзарнинг ҳаётидан. Ифтихор билан қаради укасига. Аммо қай йўл билан Манзарни қутқазиш мумкин? Турма деворлари калин, мустаҳкам, куролланган кўриқчилар бор ва улар хушёр. Девор тепасида тиканли симлар. Бироз сукутдан кейин сўради Бенаво:
 - Сиз учрашдингизми у билан?
 - Кўп марта бордим, иложини қилолмадим.

Яна бош кўтарди виждон қийноғи. Бир муштипар аёл маҳбуснинг ҳолига шунча изтироб тортса, турмага неча марталаб борса-ю сен... Сен бу ерда хаёл суреб ўтиранг деган ўйлар гирдобида қолди унинг шуури. Ташқарида гувраниб эсаётган шамолга қулоқ тутгандай бошини бир томонга эгиброк ўтиради аёл. Бенавонинг бошида эса бошқа хаёл. Хўтамадан турмагача қанча йўл, Манзарни ер остидан қайси йўл билан олиб чиқишиган, Хўтамадан тушиб ер тагидан турмагача бориши мумкин бўлганда иш осонроқ кечарди... Турманинг жойлашган ўрни маълум. Шаҳарнинг шарқий минтақасида, худди шу томондан қиялаб ўтган қуруқ сой бор. Тошлок ўзан. Тўққизинчи синфда ўқиб юрганида бир гуруҳ болалар саир қилиб боришганди ўша томонларга. Оқшом. Тиканли симлар сояси тошлок ўзанга тўшалган бир ҳолат ва вишкада турган солдатнинг қиёфаси... Шу хаёллар пировардида чамалаб кўрди ўзан билан турма девори орасидаги масофани. "Ўн метрлар бор эди чамамда..." дея шивирлади унинг лаблари. Ярим овозда айтилган сўзлардан ҳеч нарса англамади Анора. Болалигида ва ўсмирлик пайтларида ҳам бор эди шундай одати. Ўзи билан ўзи гапиришиб юрарди гохида. Мана энди ёши... Бироз ўйлаб ичиди ҳисоб-китоб қилди опа... Ёши ўттизларда. Ҳа, 1991 йилда, 17 октябрда... эсимда ҳаммаси. Саккиз ёшда эдим. Бир йилдан кейин қазо қилганди шўрликкина онам. Ўзим парваришлаб вояга етказдим, ва эр туфайли айрилиқ тушди ўртага. Бошоқ териб боқдим уни. Ана шундай чуқур ўйларга шўнғиди Анора. Бошоқ териш осон эмасди ўша йиллар, жиноят саналарди ҳатто. Уч кун қамоқхонада ўтириб чиққанди Анора ҳам.

– Энди бирга яшайлик, опа деди Бенаво бироздан кейин теграсини ўраган хаёл деворини бузиб ўтиб. Розилик берди Анора. Зеро, борадиган жойи йўқ.

Балки Манзар баҳонасида келгандир укасининг ҳовлисига. Деразадан узди қўзларини ва ярим овозда шивирлади лаблари:

– Майли...

– Ётиб дамингизни олинг, мен бозор томонга ўтиб келай.

Шошқин тарзда қилинди бозорлиқ. Кун кечга томон оғган. Шамол шиддати сусаймаган ҳамон. Қора булатлар оҳиста сирғалиб келаётир қишлоқ устига. Бозорхалтани ошхонага қўйиб дарвозадан чиқди ва шаҳарнинг шарқий мавзеси томон юрди яна. Туташ эди шаҳар билан қишлоқ чегаралари. Ана, тошлоқ ўзан ва ана турма ҳовлисининг баланд деворлари. Сойнинг сув ювган жарчиғи панасида турган жонзор – Бенаво, яъни Товошарнинг ўзи. Қорайиб қўринади панжара урилган тор деразалар. Ёмғирли кунлар айни муддао. Мантиқ борми йигитнинг бу хулосасида. Уйга ярим тунда қайтди Товошар-Бенаво. Ухламасдан кутиб ўтиради опа. Ечиб олди унинг эгнидаги ҳўл кийимларни, қайноқ чой дамлаб келди Анора. Дастанхонда яримта нон билан майда қирқилган пишлок. Режасини очиқ айтди опасига.

Эртаси кун коронғи чўккан маҳал тошлоқ ўзан бўйлаб Тошпарчин турмаси томон йўл олишди улар. Товошарнинг қўлтиғида ихчам қилиб ўралган халта, теша ва яна нималардир бор халтанинг ичида. Прожекторларнинг уткир нурлари бесаранжом пайпасларди ўзан қирғоқларини. Ноэл Сантуриннинг “Аршия минораси” романида тасвирланган воқеаларга ўхшаб кетарди бу ҳолат ва манзара. Фақат ўзан бўйлаб биқинганча бораётган киши Арчил эмас, ёши ҳам бўй-басти ҳам бошқачароқ. Унинг ёнидаги аёлнинг узун, хипча қадди Софияга ўхшаса-да, ёши анча улуғ. Мақсадларда монандлик бор, холос. Яширинча пана жойдан лахм қазиш ва маҳбусни кутқазиш.

– Мана шу жойдан... шивирлади Товошар.

Ер у даражада қаттиқ эмас. Ўткир теша қарийб товушсиз бажаарди ўз ишини. Халтага солинган тупроқни жимирилаб оқаётган сувга оқизди Анора. Прожекторлар нури соҳилнинг юкори қисмидаги бутазор томон ўтганда тупроқ тўла халтани судраб борди яна. Шу зайлда тонг саҳаргача ишлашди улар. Ҳосил бўлган хуфранинг узунлиги чамаси уч метрлар бор. Тупроқ зарраларига қоришган тер лойқаланиб оқарди йигитнинг юзидан. Ҳар йил баҳорда сой соҳилидаги юлғунларни ўриб ташлар ва бирор жонзор яшириниши мумкин бўлган жойларни дала қиласи турма маъмурияти. Шунга қарамай, кузгача униб чиқаверарди ва бўйчан бўлиб ўсади бебош юлғунлару қамишлар. Ўта қайсар эди бу турдаги буталар. “Сени кутқазамиз, Манзар... озод бўласан ва Ҳовлuna билан бирга яшайсан. Мана опам менинг ёнимда, унинг муҳаббатига мен энди сира ҳам қарши эмасман. Ўзгарганман, синглингга, бўлган муҳаббат мени ўзгаририб юборди. Сени озод этсам, виждоним кутулади мубҳам кийноқлардан. Аммо билолмаяпман шу кунларда қайда унинг ўзи. Қайдасан, гўзал Арпеник?! Қайдасан, нидо бер!” Товошарнинг тупроқка беланганд курткасини қоқиб силкиларкан сўради Анора: “Нималар деяпсан, ука?”. “Ўзим шундай, опа, эътибор қилманг”. “Қизболанинг исмига ўхшайди Арпеник деганинг”. Жавобсиз қолди бу савол. Бутунлай ҳолдан тойди учинчи кеча Анора. Тобора оғирлашиб борарди иш. Катта куч талаб қиласи Турма остига томон анчагина чукурлашиб қолган лахмдан халтага солинган тупроқни судраб чиқиши.

– Бошқа иложимиз йўқ, опажон, – деди Товошар уйга келганларидан кейин. – Ҳеч кимга айтиб бўлмайди, ҳеч кимдан ёрдам сўролмаймиз.

– Тушунаман.

Лахча ёйиб қўйганди Анора, қайноқ сувга ташлаб, устига озғина пиёздоф ва қатиқ қўйиб олиб келди. Севимли таоми бу Товошарнинг. Тонг отганда уйқуга илинди толиққан қўзлар... Тўққиз кун деганда ногоҳ ўзанда яна бир киши пайдо

Неъмат АРСЛОН

бўлди. Халтани судраб чиқаётганда юлгун буталари ортида нимадир қора бир шарпа ҳаракатланаётганини пайқади Анора ва турган жойида қотди. Ерга ётиш ёки қайтиб хуфрага киришнинг ҳам эпини қиломади. Қимиrlамай туришним афзал, балки мени ҳали пайқамагандир деган ўй хукмрон эди шуурида. Сохилни ва тошлок ўзаннинг шарқий қисмини ярқираб сермаб ўтди пројекторнинг ёруғ нури. Шунда бута ортидан чиқиб турган аёл кўйлагининг бир четини кўриб қолди Анора. Ақлга сигмасди тунда, бундай вахимали маконда аёл кишининг пайдо бўлиб қолиши. Халтани қолдириб аста ортга тисарилди.

– Ука! Ука!..

– Нима гап опа? Нимадан бу қадар кўрқдингиз?

– Одам, кимдир бор ташқарида.

Кафти билан опасининг оғзини тўсди Товошар. Шу ҳолатда бутун вужуди қулоққа айланиб бир муддат туриб қолиши хуфра ижодкорлари. Наҳотки? Наҳотки!

– Ростдан ҳам кўрдингизми?

– Кўрдим. Ёруғлик сермаб ўтганда, ўн қадамлар нарида бута тагидан чиқиб турган латта...

– Латта...

– Яна ҳам билмадим, балки...

Бирдам давом этди хуфра ичиди шивир-шивирлар ва опасини ичкарида қолдириб секин хуфра оғзидан ташқарига мўралади Товошар. Ерга кўкси билан ётганча ташқарига чиқди ва шундайгина ёнида, сохилнинг баланд кўнгирадор уюуримида қорайиб турган одам гавдасини кўрди. Ойнинг хира ёруғида кўриниб турарди унинг чап елкаси ва этагининг бир чети. Курка тухмидай келадиган қиррадор тош илинди кўлига... аммо нима қилишни, қандай йўл тутишни билмай ётган жойида режа тузарди Товошар. Булутлар ортига беркинди Ой. Ётган жойидан илкис қўтарилиди хуфрачи ва шиддат билан олдинга юрди. Иккинчи бор жиноятга қўл уриш... Бу тўғрида ўйлашга фурсат йўқ. Тошни маҳкам чангллаганча баланд кўтарди ва... Шу лаҳзада сира кутилмаган ҳолат рўй берди майнингина овозда шивирлади шарпа:

– Тўхта, Товошар!

Осмонга чўзилганча котди хуфрачининг қўли.

– Ташла тошингни!

– Кимсан?

– Дўстингман.

– Ишонмайман.

– Айлучман.

– Айлуч!?

– Ташла тошни. Мен яхши ният билан келганман. Ва уч кечадан бери кузатаман. Кеча тонг-саҳарда қорама-қора уйингта ҳам бордим. Кундузи бошқа қиёфада юриб сенинг кимлигингни аникладим. Лекин мақсадингни тушунмай турибман ҳамон. Аммо тахминим бор. Манзар шу турмада. Билишимча уни қутқазмоқчисан.

Бу гапларга ишониб-ишонмай қўлидаги тошни бер четга секин қўйди Товошар. Айлуч ҳакида биларди Манзарнинг хатларидан. Уларнинг муносабатлари, курашлари, севгиси... ва ниҳоят хаёлидан ўтди сайловда учраган муваффақиятсизликлари, Манзарнинг қўлга тушиши билан боғлиқ воқеалар.

– Нима қилиб юрибсан бунда, Айлуч?

– Манзарни кутқазмоқчиман. Кўриб турибсан, мақсадимиз бир. Сен билан бирга ҳаракат қилаётган аёлнинг чарчаб, ҳолсизланиб қолганини ҳам кузатдим. Ва мана бугун ниҳоят биз учрашдик. Тартуранда ишлаш эҳтиёткорликка ўргатган бизни. Сенга ёрдам бераман. Фақат координатларни аниқ биласанми

ёки тахминан кавляяпсанми хуфрани?

– Биламан. Жуда аниқ бўлмаса ҳам мўлжалим тўғри. Ўзим ҳам шу турмада ўтириб чиқсанман. – Менда турманинг жойлашув схемаси бор. Бу кеча кетайлик сеникига. Схемани обдан ўрганиб эрта тунда жиддий киришамиз. Хуфра ичига киришди улар. Ҳар эҳтимолга қарши устига халтани ёпиб бурчакка қисилиб ўтиради Анора. "Опа!" дея секингина чорлади Товошар. – Кўрқманг, опа. Дўстимиз бу қиз. Манзар билан... вақтида тилини тийди, Айлуч билан Манзарнинг муносабатларини айтишга истехола қилди.

Чироқ ёнди хонада. Бир-бирларига тикилиб қарашибди улар. Мен Айлучман, опа. Манзарнинг дўстиман. Уни кутқазиш учун келганман. Сиз тўғрингизда ҳам кўп эшитганман. Расмингизни ҳам кўрганман ҳатто. Манзар зўр рассом. Мана, ҳозир чироқ ёруғида кўришим билан танидим сизни, опажон. Бир-бирларининг бағрига отилишди аёллар ва тезда тил топишибди, қадрдон бўлиб қолишибди бирпасда. Аёл зоти ўзи шундай. Ўзга сайёра фуқаролари улар. Танбал эркак зотини ишлатиш учун ерга жўнатилган номаълум хилқат улар. Бундан ташқари жуда кўплаб оғир ва масъулитли вазифалар бор аёл зиммасида. Умуман, Ерда аёл ва унинг болалари бор, бошқа ҳеч ким йўқ. Қарийб уч ҳафта давом этди хуфра қазиш. Халталаб еrostидан ташиб чиқарилган гўрашакли тупроқни жимгина лойқалатар ва жимгина оқизиб кетарди сув. Турма прожекторлари эса бехудага пайпастларди соҳил бўйларини. Ниҳоят тепадан элас-элас эштила бошлади қадам товушлари. Темир эшикли камераларни туташтириб турган коридор тагида туришарди хуфра захматкашлари. Ва нафасларини ичга ютиб кулоқ солишарди ҳар қандай шарпага. 17-камерада ётарди Манзар. Харитани очиб телефон ёруғида қаради ва ўнгга томон яна бир неча тирсак қазиш кераклигини тахминлади Айлуч. Оқаришиб келарди ноябрь тонги. Ҳаммасини барбод қиларди бир лаҳза бўлсин бу ерда қолиш. Тешасини халтага ўради Манзар ва боши билан имо қилди: "Кетдик!"

Йигирма бир тирсакка чўзилди Айлучнинг бир неча тирсак деб чамалагани. Бир тирсак ўртacha 45–50 сантиметр. Қарийб ўн метр. Мана шу жой. Пастда уч хуфра захматкаши, тепада тутқун МЭЛС. Теша муҳраси билан секинлатиб тўрт марта уриб кўрди Товошар. Сукут. Сукут... Қадам товушлари тинди, нималигини англаш учун кулоқ тутиб турарди маҳбус. Ва ниҳоят жавоб бўлди: Тук-тук-тук. – Нега уч марта? Бу бошқа киши эмасмикин, шивирлади Айлуч. Яна тўрт марта тўққиллатди пастдагилар. Худди шундай жавоб бўлди тепадан. Бир-бирларига маънодор қараб олишибди хуфра захматкашлари. Телефон фонари ёруғида кувончдан ярқираб турарди Аноранинг кўзлари. Мамнун бош иргаб кўйди Товошар. "Шу жой!.." яна шивирлади Айлуч.

– Тешамиз!

– Теша билан тешамиз, – сўз ўйини қилди Товошар. Ва бир пайтлар ўзи ёзган ҳажвиянамо битик ёдига тушди. Кўп тармоқли бир маҳаллий корхонага бошлиқ бўлиб келган раис хосхонасида ўтириб қўлостидағи корхоналарга телефон қила бошлабди.

– Кимсан?

– Тешаман, опа.

– Кимсан деб сўрайапман сендан?

– Тешаман!

– Э, тешмай ўл! – жаҳл қилибди раис опа. – Фамилиянгни айт!

– Ёрип Тешаман.

Карс эткизуб дастакни столга урибди опа ва машинасига ўтириб масхарабозни жазолаш учун йўлга тушибди. "Ик" цехининг қаравули дарвоза олдида кутиб олибди опани. Опа сўрабди:

– Кимсан? – Тешаман.

Неъмат АРСЛОН

– Фамилиянг нима?
– Ёруп...

Бирдам йигитнинг юзига тикилибди опа ва унинг паспортини сўрабди. Йигит хонадан олиб чиқиб берган хужжатга қараса, ҳақиқатан ҳам қаравул йигитнинг исму фамилияси Ёруп Теша экан. “Урок, болта, теша, кетмон...” депти опа хаёлчан бир тарзда ва машинасига ўтириб индамай ортга қайтиби. Худди шундай ҳикоя қилиб иккала аёлни роса кулдирди Товошар.

– Ўзингни исмингчи? – сўради Айлуч. (Сизлаб муомала қилишни билмасди.) – Товошар... ҳеч нарса тушумаяпман, мазмуни нима?

– Товошар, бу тоғ ошар, яъни мақсадга эришмоқ учун тоғларни ошиб ўтадиган дегани. Бизнинг сахроий тилимизда “тоғ”ни тов, тав деб ишлатишади...

Ҳеч кимдан нидо чиқмади. Сукунат. Чунки Товошарнинг ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди хонада. Ҳа, хуфрада эмас, айнан хонада. Ҳеч қаёққа чиқмаганди Товошар, ногоҳ тиззаси устидаги китоб вараги ярқ этиб ёришди. “Аршия қасри”нинг 123-бетини майнин нурлари билан мунаvvар этиб туради, қора пардани ёриб булутлар арсадидан чиққан қуёш. Опаси ҳам, Айлуч ҳам рўё. Балки ҳаётнинг ўзи ҳам рўёдир. Чирт юмди кўзини, йўқолди ҳамма нарса, йўқолди борлик. Зулмат коронгиликдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Каражглашди вужуди ва унинг юзига парда тортди қандайдир мубҳам куч. Борлик аро йўқлик... Йўқлик... Йўқлик...

...Шундай шивирларди лабларим. Мен Товошарман, тирикман, тирикман! деб қичқиргим келар, аммо устимга яйралиб ётиб олган Куч мени тобора маҳкам босар ва Ҳұтама сари судраб борарди ўша мубҳам Куч. Бунинг устига ўзимнинг қай ҳолатдалигим, яъни ўликманми ёки тирикманми аниқлагим келарди шуни, шу ҳолатни. Лафзимизда “тирик – ўлик” деган ибора борку, ахир. Узоқ ўйлар пировардида, ниҳоят, бир қарорга келдим: “Тушаман! Ҳар эҳтимолга кўра Арпеникка икки энли хат ёзиб стол устига кўйдим-да, (гарчи унинг қаердалигини билмасам ҳам) тонг саҳарда туриб йўлга чиқиш мақсадида эртароқ ётдим. Толиккан вужудимни ўз бағрига олди тўшак. Юмшоқ пахтали кўрпага бурканарканман, дунёнинг бор сири ўз уйинг, ўлан тўшагинг олдида ҳеч нарса эмаслигини ўйлаб ширин мудрардим. Ва мудроқ ичиди Арпеникнинг: “Акамни бир дўсти чоҳга итариб юборган” деган сўзлари титраб эшитиларди. Тун ярмидан оғганда ниманингdir шовуридан уйгониб кетдим. Бошим айланарди, томоғим қақрарди, ташналик ва яна алланарса, нималиги мубҳам бир ҳолат: Куз ўнгимда бурама симчалар, пужиналар, қора седана уруғларидаи қора нукталар ва геометрия китобларида ҳам учрамайдиган фазовий шакллар ўйини. Ўрнимдан туриб сув ичдим, ҳеч бир сабабсиз ошхона ва қазноқ томонга ўтдим. Мени яна севимли ёрдай қучогига тортди оромбахш тўшак. Тонгги уйқу нақадар сафоли, шунга қарамай, аҳдида устувор инсон сифатида мақсад сари йўлга тушиш учун субҳи-содиқ ғира-ширасида туриб чироқни ёқдим. Хонамда одатдан ташқари нимадир рўй берганидан таажжубланиб атрофга алангладим. Ҳолатим қай даражада бад бўлишига қарамай безовта нигоҳ билан тақвимга қарадим.

“2015 йил!”

Мутлақо тушуниш қийин ҳолат. Наҳотки мен ноқис ақлим билан шу лаҳзада яшаб турган замонимдан тўрт йил ва балки беш ва балки олти йил

кейин рўй берган ҳолатларни кўриб турган бўлсам! COVID-19, 2019 йил қузда бошлангани маълум. 20-йилларда авж олди. Инсон тафаккур ёрдамида неча минг йиллар нарисидаги масофада турган ҳолатларни, манзараларни, тузумларни ва ҳаётни тасаввур қила олади, лекин уларнинг тақдирига бевосита аралашиш кўлидан келмайди.

Мен эса, улар билан биргаман. Пандемия туфайли содир бўлган воқеаларга аралашиб юрибман. Манзарнинг чоҳга тушиш жараёни, апрелнинг ёмғири кунида рўй берган мудҳиш “қисса”да иштироким бор. Бундай мубҳам ҳолатдан қутулиш истагида нажот истаб атрофга қарайман. Ташқи дунёнинг таъқибли нигоҳидан бизни ҳимоялаб турувчи тўсиқ – уйимнинг деворлари.

Деворлар...

Чексиз узоқликка чекинган, емрилган ва гаройиб шакллар ҳосил қилганча қалқиб ва тебраниб турарди хона деворлари. Зилзила! Табиатнинг энг мудҳиш офати – зилзила! Рақс! Энг мудҳиш рақс! Гандираклаб кетиб қўлларим билан каравот панжарасига таяниб қолдим. Атрофда сон-саноқсиз ўпқонлар, чоҳлар, ғорлару чуқурликлар, ғалдирлар. Мен чуқурлиқдан қўрқаман. Ҳатто Ойнинг кўринмас тарафидаги Рехт чуқурлиги ҳам шу ерда. Эрон жанубидаги Садр ғори, ана, Арабика тоғидаги чуқурлиги 2212 метрли Верёвкина, ана Абхазиянинг 2196 метрли Крубераси! Сарма! Шпанкагель! Ўртада салтанат ҳукмдори Хұтама! Қизил алангани қуршаган ҳолатда қора тутун кўкка ўрламоқда унинг даҳшатли комидан. Э, воҳ! Бу Манзарнинг алвон қўйлаги-ку! Балки лабораторияни портлатишгандир ва оловнинг тиллариидир қизил ранглар. Тебраниб ва қалқиб турибди уларнинг ҳаммаси. Гўё рақс тушаётгандай. Ёруғ оламдаги энг кўрқинчли ва энг мудҳиш рақс. Англадимки, чоҳга тушиш фурсати етган. Тушаман деган қатъий қарор билан тунда керакли ашёлар солиб қўйилган сафархалтам турган бурчакка қарадим. Қарадим, яна қарадим. Халта жойида йўқ, эшик очиқ! Шошқин ҳаракатлар ила, ҳатто қўзларимга ҳам ишонгим келмай (гарчи ҳамма нарсани яққол кўриб турсам-да) титроқ бармоқларим билан стол устини пайпасладим:

Э, воҳ!

Дафтар ҳам йўқ, хат ҳам йўқ. Англадимки, буларнинг ҳаммаси бор, яъни уларнинг йўқлиги бор – борлиги эса йўқ. Маҳкам юмдим кўзларимни ва Шопенгауэр айтган ҳолатни аниқ кўрдим: яъни ҳеч нарсани кўрмадим...

2021 йил, 26 ноябрь



Қахрамон
РАЖАБОВ

Тарихни адабиётга муҳрлаётган адаб

Таниқли ёзувчи, моҳир таржимон, публицист ва журналист Жўра Фозил адабиётга кичик ҳикоялар ёзиш орқали кириб келди. У ўз қаламини ҳикоя ва қиссаларда чархлагач, катта ижодий тажриба тўплаб маҳоратга эришгач, тарихий ва замонавий мавзуда қатор романлар эълон қилди. Жўра Фозил Бухоро адабий мухитида XX аср охири ва XXI аср бошларида ўзининг ўтмишдаги буҳоролик машҳур салафлари Садриддин Айний, Жалол Иқромий, Неъмат Аминов, Омон Мухтордан сўнг роман ёзган бешинчи романнавис адига айланди. Бу тўрт нафар буюк буҳорийлар пойтахтда ёки бошқа маданий марказларда яшаб ижод қилган бўлса, Жўра Фозил худди машҳур рус ёзувчиси Михаил Шолохов сингари ўзи туғилган юртида умргузаронлик қилиб, қисса ва романлар яратди.

Жўра Фозилнинг 150 дан ортиқ ҳикоя, 6 та қисса (“Хонгул”, “Йўл”, “Бойқўнғир лолалари”, “Бухоро маликаси”, “Ибтидо ва интиҳо”, “Қизил қуюн”), 3 та роман (“Айрилиқ остонаси”, “Тирамоҳ армонлари”, “Буҳоройи шариф элчилари”), 300 дан ортиқ очерк, эссе ва публицистик мақолалар муаллифи эканлиги ҳам адабиётимизга нақадар салмоқли ҳисса қўшганлигидан дарак беради. У нодир таржимон сифатида машҳур рус ёзувчилари К.Паустовскийнинг “Хаёлпарастлар” романи ва ҳикояларини, В.Астафьевнинг “Ғамгин саргузашт” романи ва “Юлдузлар учганда” қиссаси, кўплаб ҳикояларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди ҳамда адабиётимизни шундай яхши асарлар билан бойитишга ҳам хизмат қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашининг 2019 йил яқунларига бағишлиланган йиғилишида Жўра Фозилнинг “Шарқ юлдузи” журналида эълон

Қахрамон РАЖАБОВ – Тарих фанлари доктори, профессор. 1962 йилда тугилган. Тошкент давлат университети тарих факультетини тугатган. Унинг 130 га яқин турли тарихий китоблари ҳамда кўплаб илмий тўпламлар, журналлар ва газеталарда 1300 дан ортиқ илмий ва оммабон мақолалари нашир этилган.

қилинган “Уйқудаги дунё” ҳикояси “Йилнинг энг яхши ҳикоя”ларидан бири деб еътироф этилди.

Туркияда чоп этиладиган “Қардош қаламлар” адабий-бадиий ва ижтимоий журналиниң 2020 йил 1-сонида Жўра Фозилнинг “Отбозор хибсонаси” номли ҳикояси турк тилида эълон қилинди. Бу ҳикояда совет режими томонидан 1935 – 1938 йилларда ўтказилган оммавий қатағон сиёсати Бухородаги Отбозор қамоқхонасида бегуноҳ ётган маҳбуслар ҳаёти мисолида очиб берилган.

Жўра Фозил нафақат Бухоро ёки Ўзбекистон тарихи, балки Турон тарихининг қадим даврларида ўтган буюк инсонлар ҳақида тарихий романлар ёзган, бугунги замонавий ўзбек насрода бу мавзуга йўл очган қалдирғоч ёзувчиларимиздан саналади. Мен 2006 йилда Жўра Фозилнинг Тошкентдаги “Шарқ” нашриётида чоп этилган “Айрилиқ остонаси” китобига “Турон тарихининг бадиий кечмиши (Сўнгсўз ўрнида)” номли кичик бир сўнгсўз ёзган эдим. Бу китобга ёзувчининг “Айрилиқ остонаси” номли тарихий романи (бу роман 1998 – 2004 йилларда ёзилган), “Бухоройи шариф элчилари” тарихий қиссаси (қисса 1994 йил февраль – сентябрда ёзилган) ҳамда “Чироклар сўнмас”, “Соҳилдаги уй” ҳикоялари киритилган эди. Умр оқар дарёдек ўтиб кетмоқда. Бу китоб нашрига ҳам 15 йил бўлиби. Бу ўринда мен сўнгсўздаги ўша фикрларимни келтириб ўтмоқчиман.

“Тарихий мавзуга бағишлиланган китобларни, хусусан, бадиий асарларни одатда мен ички бир ҳадик билан қўлга оламан ва вараглайман. Бу ҳолат бежиз эмас. Турон юрт кечмиши, ўзбек халқининг шонли тарихини ёритишдек эзгу мақсадларни қўзлаган бундай китобларнинг аксариятида тарихий ҳақиқат бир томонлама тасвирланади, у кўпинча бадиий ҳақиқат даражасига ўсиб чиқмайди.

Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Чунки истеъдодли адіб Жўра Фозил она юрт тарихини яхши билади, ундан чексиз фаҳр ва ғурур туяди. Тарихни ана шундай яхши билгани сабабли у тарихий мавзуда самарали ижод қилиб келмоқда. Туркистон тарихини чукур англаш ва тушуниш, тарихдан хulosа чиқариш, тарихий ҳодисалар қатига бугунги куннинг қувонч ва изтироблари, орзу ва армонларини сингдириб юбориш – бу оддий юмуш эмас. Қолаверса, ёзувчи тарихий шахслар ва тарихий воқеалар ҳақида фикр юритар экан, холислик ва ростгўйлик тарозусини қўлда баланд тутгани холда ижод қилиши, заргарона маҳорат билан ўз асарига сайқал ва жило бермоғи лозим.

Жўра Фозилнинг “Айрилиқ остонаси” тарихий романни ҳажман ихчам бўлса-да, залворли бир юкни ўзида кўтарган. Романда милоддан аввалги III – II асрларда туркий халқлар тузган Улуғ Хунн салтанати, ушбу салтанат асосчиси Ўғузхон хоқон ҳақида фикр юритилади. Романнинг асосий қаҳрамони Ўғузхон аслида ким бўлган? Модэ хоқон номи билан машҳур бўлган Ботур Тангриқут, яъни Ўғузхон милоддан аввалги 210 – 174 йилларда хоқонлик қилган бўлиб, у Улуғ Хунн хоқонлигига асос солган машҳур саркарда ва давлат арбоби хисобланади. Маълумки, Модэ хоқон юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида

Қаҳрамон РАЖАБОВ

кураш олиб борганды ҳатто ўз яқинларини ҳам аяб ўтирумайды. У ўз отаси Туман Тангрикут (милоддан аввалги 240 – 210 йилларда хоқонлик қилган) күшинини милоддан аввалги 210 иили бўлган шиддатли жангда мағлубиятга учратиб, жангда ҳалок бўлган отаси ўрнига таҳтни эгаллайди ва янги давлатни барпо қиласди. Туман Тангрикутга ўз ўғли қарши чиқишига асосий сабаб ҳокимиятни эгаллаб олиш эмас, балки ташки душман таъсирига берилиб эл-улус манфаати ва ҳалқ ташвишини унудиб кўйган кекса ҳукмдорни орадан кўтариш эди. Хуллас, романда туркий ҳалқлар тарихининг энг шонли ва зиддиятли давларидан бири ўзининг бутун драматизми билан тасвирланади.

Тарихдан маълумки, Модэ хоқон ўзининг 36 йиллик хоқонлик даврида туркий ҳалқлар учун, салтанат тараққиёти ва равнақи учун катта ишларни амалга оширган. Модэ хоқон, яъни Ботур Тангрикут яшаб ўтган даврдан буён ўтган 2300 иил мобайнида туркий ҳалқлар тарихи ва адабиётида, хусусан, ҳалқ фольклорида унинг фаолияти ва шахсияти тўғрисида кўплаб асарлар яратилди. Ботур Тангрикут номи Ўғузхон, Ўғуз хоқон адабий персонажи сифатида туркий ҳалқлар, хусусан, ўғузлар (гузлар) эпосининг бош қаҳрамонларидан бирига айланган. Ўғузхон ҳақида юз йиллар давомида “Ўғузнома” достонлари яратилган. Тахминан VII – VIII асрларда оғзаки равишда яратилган “Китоби дадам Кўркут” (“Кўркут ота китоби”) достонларининг бирида Ўғузхон ҳақида келтирилган дастлабки маълумотлар анча машҳур. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарий ҳам ўзининг “Девону луғотит турк” асарида ёзиб ўтган. “Ўғузнома”нинг энг кўп тарқалган варианти тарихчи олим ва Хива хони Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида сақланган. Аллома Фитрат ҳам “Ўғузхон” драмасини ёзганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Не баҳтки, XX аср охири – XXI аср бошларида, иккинчи ва учинчи минг йилликлар ўзаро юз кўришган тарихининг бурилиш даврида ўзбек адаби Жўра Фозил туркий ҳалқлар тарихидаги бу буюк сиймо ҳақида “Айрилиқ остонаси” тарихий романини яратди. Ўзбекистон ҳалқ шоири, машҳур таржимон Жамол Камол роман қўллёзмаси ҳақида шундай фикр билдириди: “Жўра Фозил Бухоро адабий муҳитида шаклланган истеъдодли адаб бўлиб, у бу романни билан ўз ижодий имкониятлари катта эканлигини кўрсатди. Мен ўзбек китобхонларини Бухордан етишиб чиққан янги романнавис билан кутламоқчиман”.

Туркий ҳалқлар адабиётида бу мавзуга мурожаат қилган адилардан яна бири озарбайжон ёзувчиси Собир Рустамхонли бўлиб, у томонидан 2004 йилда ёзилган “Кўк Тангри” романida ҳам Ўғузхон сиймоси ёритилган. Бу романда ҳам Шарқ ҳалқлари тарихида катта аҳамият касб этган Ўғузхон тимсолида қадим туркий ҳалқларнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, якка тангричиликка бўлган ишонч-эътиқоди ҳамда бу эътиқодни кенг минтақаларга ёйиш учун олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя қилинади. “Кўк Тангри” романи бухоролик бошқа бир шоир ва таржимон Усмон Кўчкор (1953–2019) томонидан озарбайжончадан ўзбек тилига таржима қилиниб, 2010 иили Тошкентдаги “Шарқ” нашриётида чоп этилган.

Бундан ташқари 2010 иил октябрь ойида Туркманистоннинг пойтахти

Ашхобод шаҳрида “Ўғузхон” эпосига бағишлиланган халқаро илмий конференцияда ушбу сатрлар муаллифи ҳам қатнашиб, маъруза қилган эди.

Шунингдек, Жўра Фозилнинг “Айрилиқ остонаси” номли китобидан унинг “Бухоройи шариф элчилари” тарихий қиссаси илгари таъкидлаганимиздек, ушбу қисса қайта ишланиб, роман ҳолида чоп эттирилган ва “Чироқлар сўнмас”, “Соҳилдаги уй” каби ҳикоялари ҳам ўрин олган. “Бухоройи шариф элчилари” қиссаси ҳам тарихий мавзуга бағишлиланган бўлиб, унда Бухоро амирлигининг элчиси Мулла Муҳаммад Эрназарбий Мақсад ўғли (у Эрназар элчи сифатида Туркистон тарихи саҳифаларига кирган) ҳаёти, унинг Россия империясига 1774 – 1776 ва 1779 – 1780 йилларда қилган иккита элчилик миссияси ҳақида сўз боради. Қиссада Эрназар элчининг жўмард ва улуғвор қиёфаси бадиий бўёкларда яхши тасвирланган.

Жўра Фозилнинг “Қизил қуюн” қиссасида Бухорога бостириб кирган қизил армияга қарши узоқ йиллар давомида мардонавор кураш олиб борган ғиждувонлик Мулла Абдулқаҳҳор (1884 – 1924) фаолияти акс эттирилган. Асарда бухоролик истиқлолчиларнинг совет Россияси ва СССРнинг Бухородаги ҳарбий кучларига қарши олиб борган мустақиллик кураши ва истиқлол жанглари тасвирланади.

Шуниси диққатга сазоворки, адид пандемия даврида бир кун ҳам бекор ўтиргани йўқ. У бир йил мобайнида “Куздек паришон баҳор” номли янги романини ёзиб тугаллади. Роман янгича тарзда ёзилган бўлиб, у энг кичик ва кичик ҳикоялар, ҳаёт, адабиёт, журналистика ҳақидағи қайдлардан иборат.

Шуниси қувонарлики, Жўра Фозилнинг барча роман, қисса, ҳикоя ва эсселари интернетнинг юздан ортиқ сайтларига қўйилган бўлиб, асарларнинг аксарияти жаҳоннинг ўндан ортиқ тилларига таржима қилинган. Дунёning турли мамлакатларидан ўзбек ва ўзбек тилини биладиган китобхонлар жуда кўплаб саволларни йўллашади.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси адиднинг асарлари электрон каталогини яратди ва интернетга жойлаштириди.

Умид қиласизки, Жўра Фозил ўзининг янги роман ва қиссаларида шукуҳли Турун тарихининг бадиий кечмишини ёритади.



Тарихий шаҳарларимизни музейлаштириш

**Муниса
МУҲАМЕДОВА**

XXI асрда архитектура меросини муҳофаза қилиш, шаҳар тарихий мұхитини сақлаб қолиш ва ундан туризмда унумли фойдаланиш амалиёти энг истиқболли йұналишлардан бири бўлиб турибди. Тарихий шаҳарни маданият феномени сифатида белгилаб, аксиологик ёндашув асосида ягона экспозицияни ташкил қилувчи ёдгорликлар ва иншоотларининг мөйманий-бадиий ноёблигини музейлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясига кўшилганлиги бу борада қилинаётган ишларнинг ўзига хос дебочаси бўлди. Конвенция маданий ва табиий ёдгорликларни асраш бўйича энг универсал халқаро ҳуқуқий восита ҳисобланади.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра 1990 йилда Хива шаҳридаги “Ичан-Қалъа”, 1993 йил Бухоро тарихий маркази, 2000 йилда Шахрисабз тарихий маркази 2001 йилда “Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси” обьекти Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. 2016 йилдан бошлаб замонавий тураржайлар курилиши борасида олиб борилган тезкор ҳаракатлар ўрта асрларга оид маданий мерос обьектлари жойлашган ҳудуд манзарасини йўқотилишига олиб келди. Бунинг оқибатида ушбу тарихий марказлар рўйхатдан чиқарилиш хавфи остида қолди.

2018 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасидаги ҳудудларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Шахрисабз, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлардаги барча курилиш ишларини “Тарихий шаҳарлар манзаралари тўғрисида”ги ЮНЕСКО тавсияномасини инобатга олган ҳолда амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари билан бир қаторда ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Фарғона вилояти ҳудудлари ҳам Буюк Ипак йўлининг асосий стратегик нуқталари сифатида қайд этилган.

Муниса МУҲАМЕДОВА - Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). 1982 йилда тугилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Санъатшунослик йұналиши босқичини тутгатган. Олтимишидан ортиқ илмий мақолалар, учта монография, олтита ўқув қўлланма ва иккита дарслик муаллифи.

Ушбу ҳудудларда музей-қўриқхоналар очиш имконияти ва туристик ресурслар қамрови етарличадир. Масалан, Сурхондарё вилоятида Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси, Султон Саодат мақбараси, Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи ва бошқа шу каби маданий обьектлар қамровида мукаммал туристик маршрутларга эга диний ва зиёрат туризми турларини такомиллаштириш мумкин. Фарғона вилоятига келадиган бўлсак, Кўқон Худоёрхон ўрдаси музей туризми тизимида Норбўтабий мадрасаси, Миён Ҳазрат мадрасаси, Марғilon шаҳридаги Сайд Аҳмадхўжа мадрасаси, Бурхониддин Марғilonий ёдгорлик мажмуаси эса зиёрат туризми борасида муҳим тарихий обьектлардан саналади.

Шунингдек, “Навоий вилояти ҳудудидаги ташкил этиладиган музей қўриқхона эса Работи Малик қарвонсаройи ва сардобаси, Карманадаги “Қосим Шайх” меъморий мажмуаси, “Чашма” мажмуаси, Сармишсой табиий-археологик мажмуаси” ва шу каби бошқа муҳим обьектлар қамровида ташкил этилиши туристик маршрутлар узвийлигини таъминлаган ҳолда, ҳудуддаги сайёҳлик ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

2022 йилда Тошкент маҳаллалари UNESCO томонидан Бутунжоҳон маданий меросининг биринчи дастлабки рўйхатига киритилди. Эски шаҳар маҳаллалари маданий қатламларини сақлаб қолиши бўйича дастлабки қадамлар 2019 йилда Венеция архитектура биенналесида тақдим этилган "Маҳалла: шаҳар ва қишлоқ хаёти" лойиҳаси ишлаб чиқилганда кўриб чиқилган эди.

“La Biennale Di Venezia” халқаро архитектура биенналесида Ўзбекистон Миллий павильонининг биринчи лойиҳаси туризмни ривожлантириша бой меъморий мероси ва замонавий маданий, академик ва профессионал ютуқлари халқаро мулоқотнинг тўлиқ иштирокчиси бўлиш, самарали маданий алмашинувни амалга ошириш, хорижий эксперталарни долзарб минтақавий ва глобал масалаларни муҳокама қилишга тақлиф қилиш имкониятларини тақдим этди. Тошкент маҳаллалари халқаро эксперталар томонидан эко-архитектуруни тиклаш, замонавий шаҳарларни оммавий урбанизациядан асрар, шунингдек, ижтимоий қадриятлар ва жамоавийликни сақлаб қолиши усули сифатида эътироф этилди.

1976 йилда Тошкентнинг тарихий қисмини ҳам қайта тиклаш масаласи кўриб чиқилиб, лойиҳалаштирилган эди. Аммо эски Шаҳристон ўрнида барпо этилиши режалаштирилган очиқ осмон остидаги музей лойиҳаси амалга ошмай қолиб кетди. Демографик ўсишнинг юкорилиги ва турар-жойга бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида тарихий маҳаллалар ўрнига кўп қаватли бинолар курилди.

1978 йил Тошкент шаҳрининг миллий меъморчилик анъаналарига хос маҳаллий турар-жойлардан иборат бўлган Эски шаҳар қисмida ҳам Миллий архитектура ва этнография музейини очиш режалаштирилган эди. Шаҳарнинг XIX–XX асрларга оид бадиий қийматга эга бўлган турар-жойлари ўрганилиб, маҳсус замонавий лойиҳа ишлаб чиқилган, унга кўра, туристлар маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, уй-жойлари, меъморчилик анъаналари билан танишишлари мумкин эди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон музей иши амалиётида турар-жой биноларини музейлаштириш ва туризм инфратузилмасида фойдаланиш борасидаги илк ғоялардан бири бўлганди, бироқ лойиҳа амалиётга татбиқ этилмади.

2019 йилдан бошлаб эса Тошкентнинг тарихий маҳаллаларини этнографик обьектлар сифатида сақлаб қолиши ва очиқ осмон ёдгорликлари сирасида музейлаштириш жараёнлари бўйича бир қанча концепциялар муҳокама

Муниса МУҲАМЕДОВА

қилинди. Тошкентнинг Хости Имом, Ҳофиз Кўҳакий, Абу Бақр Шоший, Кўштут, Чигатой Дарвоза, Эски Шаҳар, Намуна, Гузарбоши, Ҳазрати Имом, Ачабод, Гуруч Ариқ, Қорасарой, Хончорбоғ ва Гулбозор маҳаллалари базасида тарихий-маъмурӣ кўриқхонани яратиш лойиҳаси контекстида Тошкентнинг бўлгуси музейлаштириладиган маҳаллалари мавзуси муҳокамалар марказида бўлди. Бу борада, Щюрих Олий техника мактабининг архитектура ва дизайн бўйича профессорлари ҳам ўз фикрини билдири: “Маҳалла қандайдир бир динамик жой эканлиги, қандайдир бир маънода Ўзбекистон шаҳарлари турагаржой тузилмасининг ДНКси сифатида ўзига жалб қиласи”.

2019 йилнинг август ойида меъморий меросни сақлаш бўйича мутахассис, Германия ICOMOS миллий қўмитаси аъзоси Йенс Йордан Тошкентнинг тарихий қисмидаги ёдгорликларнинг бузилиши ўзбек халқининг турмуш тарзи ва маданиятига оид қимматли далилларни йўқ қиласи деб ёзганди. Бугунги кунга келиб, 1980 йилларнинг ўрталаридан бошлаб ушбу ҳудудда рўйхатга олинган турагаржой бинолари ёки муҳим бинолар сони 818 тадан 1 та уйгача қисқарган.

2022 йил 21 январда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бир қатор лойиҳалар билан танишиш жараённида маҳаллалар ҳудуди бўйича Зарқайнар Street Renovation лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳада пойттахтнинг Эски шаҳар ҳудудидаги Зарқайнар кўчасини таъмирлаш ва “Эски шаҳар руҳини асрраб-авайлаган ҳолда” туристик марказ ташкил этиш кўзда тутилган. 2020 йилнинг март ойида эса Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини тарихий шароитда туризм ва савдо ҳудудига айлантириш лойиҳаси тақдим этилган эди. Унда Эски шаҳарда Ичери Шехер (Озарбайжон), Мцхета (Грузия) ва Эскишехир (Туркия) эски турагаржойларига ўхшаш савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш назарда тутилган. Этнографик хусусиятга эга маҳаллаларни музейлаштириш ва туризм маҳалласи мақомини беришдан асосий мақсад маҳаллаларда сақланиб келаётган моддий, маданий мерос, урф-одатлар кенг тарғиб қилиш, сайёҳларни жалб қилиш, туризмни барқарор ривожлантириш, меҳмонлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва сифатли туристик хизматларни тақдим қилиш, ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини яхшилаш ва уларни бандлигини таъминлаш, ҳудуднинг экологияси, табиий бойликларини асраршага йўналтирилган.

Икки ёр-ёр, тўрт алла



Насрулло ЭРГАШ

Бу улкан оламда ҳеч бир ҳодиса ўзаро таъсирсиз содир бўлмаганидек оғзаки ва ёзма адабиёт ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, шу қонуният туфайли мавжуд¹. Оғзаки ва ёзма адабиёт аталмиш ҳар икки ҳодиса ҳар доим бир-бирини тақозо этиб турадиган икки кутбга ўхшайди. Инсоният ибтидосида дастлаб оғзаки кўринишида пайдо бўлган адабиёт кейинчалик турли белги ва расмлар шаклида қоятошлару фор деворий суратларига кўчиб ўтгач, бу жараёнлар ўз навбатида ёзув кашф килинишига сабаб бўлгани каби оғзаки адабиёт асосида ёзма адабиёт юзага келган. Ва ҳозир ҳам ушбу жараён гоҳ оғзаки адабиётнинг ёзма адабиётга, гоҳ ёзма адабиётнинг оғзаки адабиётга таъсири кўринишида давом этмоқда. Буюк олмон файласуфи Фридрих Нитше таъбири билан айтсан, ўтмишга занжирбанд қилинган инсоният¹ ҳеч қачон ўзининг ибтидодаги илдизларидан, яъни фольклордан узилиб кетолмайди. Фольклор анъаналаридан униб чиқмаган адабиёт ҳеч қачон миллий ҳам, дунёвий ҳам бўла олмайди. Эътибор қилинса, шу пайтгача яратилган ёзма адабиётнинг энг буюк дурдона асарлари ўзининг мустаҳкам фольклорий заминига эга. Фольклорнинг таъсир доираси факат ёзма адабиёт билангина чекланиб қолмайди, албатта. У санъатнинг барча турларига сезиларли ва ижобий таъсир килади. Хоҳ тасвирий санъат бўлсин, хоҳ ҳайкалтарошлиқ ёки мусика, барчабараси фольклор билан чамбарчаси боғланган.

Шу маънода ўзбек маросим фольклорининг энг муҳим компонентларидан бири бўлган ўзбек ҳалқ маросим қўшиқларининг ёзма адабиётга таъсирини тадқиқ этарканмиз, фольклоршунослик ва адабиётшуносликдаги оғзаки ва ёзма адабиёт муносабати муаммоси ҳам доимо мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

Фольклоршунослик ҳам, адабиётшунослик ҳам факат академик илмдангина иборат бўлмагани боис бу илмларда санъатга хос унсурлар ҳам мавжуд бўлади. Айнан шу жиҳат уни ўқувчиларнинг тор аудиториясидан олиб чиқиб, жамиятнинг

¹ <https://muegn.ru/uz/okazanie-pomoschi/nicshe-o-smysle-zhizni-cheloveka-citaty-citaty-iz-nicshe-bud-tem-kto-ty-est.html>.

Насрулло ЭРГАШ – 1988 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Иккимиздан қолсин аланг”, “Йўлга чиққан төглар” номли шеърий китоблари нашир этилган. Шеърлари ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган.

Насрулло ЭРГАШ

кенг аудиториясига яқинлаштиради. Содда қилиб айтсақ, фолклор – илмни халққа яқынлаштиради, моҳияттан тушунарлы қиласы. Лекин бу билан илм зинхор жұннаның босқичига тушиб қолмаслиги керак. Шу сабабдан ҳам иккі фанга ҳам бирдек алоқадор бўлган (жумладан, бошқа фанларга ҳам алоқадор) юқоридаги ўзаро таъсир каби муаммоларни ўрганишда тадқиқотчиларнинг битта фан доирасида чегараламасдан уларнинг кенг уммонда сузишига имкон бериш керак. Бу эса тадқиқотчи учун ҳам, илм учун ҳам жуда муҳим. Чунки истаймизми, йўқми, оғзаки ва ёзма адабиётдаги ўзаро таъсир муаммосини ёки шунга ўхшаш бошқа бирор муаммони ўрганаётган тадқиқотчи ҳали илмий ишга киришмайдек юқоридаги каби жиҳдий қаршилилка дуч келади. Тадқиқотларни фақат фольклоршунослик, ё адабиётшунослик доирасида ўрганишни талаб қилиш илмда юксак мэрраларни кўзлаган тадқиқотчи қаршисидаги уфқларини деярли тўсив қўяди.

Буюк олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асари тилшунослик ёки фольклоршунослик илмларининг фақат биттасигагина тегишли бўлмай, бу иккى фанга бирдек алоқадор бўлгани учун ҳам ёрқин фундаментал манба ҳисобланшининг асл сабаби ҳам шундадир.

Фольклоршуносликда фольклорнинг ўзини табиатан маросим ва номаросим фольклори каби иккى катта гурухга бўлиш мумкин. Ўзбек халқ қўшиқларининг катта қисмини ташкил этувчи лирик қўшиқлар номаросим фольклорига мисол бўлади. Бунда асосий субъект бўлган қаҳрамонларнинг хис-туйғу ва кечинмалари етакчи бўлгани учун шундай таснифланади. Аммо ўзбек халқ лирик қўшиқларида ҳам бაъзан маросим фольклорига хос элементлар учраб туради. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари эса мавсумий ва оилавий маросим қўшиқларига бўлиб ўрганилади. Оилавий маросим қўшиқлари ўз ўрнида тўй-маросим қўшиқлари ҳамда аза маросим қўшиқлари каби ички турларга бўлинади. Биз сўз юритмоқчи бўлган ёр-ёрлар халқимизнинг никоҳ тўйларида фаол куйланувчи тўй-маросим қўшиқлари сирасига киради.

Жуда қадимдан мавжуд қўшиқ атамаси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида “кошуғ” сўзи билан ифодаланган.² Худди шу каби ёр-ёр атамаси ҳам қадим тарихга эга бўлиб, “ёр-ёр” деган такрор ундалма сўз ўзида биринчи навбатда Оллоҳга, сўнgra ёрга мурожаатни ифода этади. Чунки узоқ тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда ҳам ёр сўзи бевосита Оллоҳни англатади. Шу нуқтадан назардан, бизнинг назаримизда, ёр-ёр генезиси, яъни у пайдо бўлган даврларни Ўрта Осиёга ислом дини ва маданияти кириб келиб ёйилган пайтлар билан белгилаш мумкин. Ёр-ёр ўзбеклардан ташқари уйғур, қозоқ, кирғиз, корақалпок, туркман фольклори ва адабиётида кенг учраши эса бу халқлар қадимдан илдизлари бир, муштарақ эканининг яна бир исботи ҳисобланади.

Халқимизда қадимдан ёр-ёрнинг ранг-баранг: кувонч ва ғам омухта бўлган намуналари яратилиб, куйланниб келинади. Агар қиз ўз сүйганига узатилса, унинг тўйида куйланадиган ёр-ёрда баҳт оҳанглари, агар бунинг акси бўлса ғам оҳанглари етакчилик қилган. Умуман, баҳтли оҳангларга тўла ёр-ёрда ҳам дард устувор эканига қиз боланинг ўзи туғилиб ўсган қадрдон ҳовлисидан бошқа ҳовлига келин қилиб узатилиш қисмати сабабdir.

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, тўйдир бугун, ёр-ёр,
Ёр-ёр-эй, ёр-ёр-эй, тўйдир бугун, ёр-ёр.
Дўст келиб, душман кетар қундир бугун, ёр-ёр,
Ёр-ёр-эй, ёр-ёр-эй, қундир бугун, ёр-ёр.*

² Т. Мирзаев, Ш. Турдимов, М. Жўраев, Ж. Эшонқулов, А. Тилавов. Ўзбек фольклори. Дарслик. – Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2020. – 159-бет

Токчадаги қайчини занг босибди, ёр-ёри,
Ёр-ёри-эй, ёр-ёри-эй, занг босибди, ёр-ёри.
Чимилдиқда келинни гам босибди, ёр-ёри,
Ёр-ёри-эй, ёр-ёри-эй, гам босибди, ёр-ёри.³

Халқ ёр-ёrlари таъсирида ёзма адабиётда ҳам ёр-ёrlар яратилган. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Муфассал” асарларидаги ёр-ёrlар ўзининг теранлиги ва жозибаси билан ажralиб туради⁴. Бу анъана XX асрда ҳам давом этиб, ўзбек шеъриятида ёр-ёри оҳангидга гўзал шеъrlар битилган. Ана шундай шеъrlардан бири, шубҳасиз, Асқар Қосимнинг “Ёр-ёри” шеъридир.

Бу кеч қўшини чорбоққа
Келин тушди, ёр-ёри.
Иложим йўқ бормоққа,
Кўникаман зор-зор.
Онам айтар: – Зерикмай,
Ўғлим, тўйга бор-бор!
– Йўқ, бормайман, онажсон,
Ор қиласман, ор-ор!..⁵

Ёзма адабиёт намунаси бўлган Асқар Қосимнинг ушбу машхур “Ёр-ёри” шеърини муаллиф тўй-маросим қўшиғи – ёр-ёrdan ижодий фойдаланган ҳолда яратган. Бир нарса аниқки, тўй ёр-ёrlари бўлмагандан Асқар Қосимнинг ушбу гўзал адабий ёр-ёри (адабий ёр-ёри истилоҳини илк бор буҳоролик таниқли олима Лайло Шарипова оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатига доир ўз тадқиқотларида қўллаган) ҳам эҳтимол ёзилмаган бўлар эди. Шеърдаги юксак оҳангдорлик ва дардли кўнгил кечинмаларининг ифодаланишида ҳал қилувчи ролни шак-шубҳасиз асос қофия сифатида танланган “ёр-ёри” сўзи ўйнайди. Мазкур шеър ҳажман бироз кичикроқ бўлса-да, унда шоирнинг севгилиси бошқа қўшни йигитга ёр-ёри садолари остида келин бўлиб тушаётгандаги дардли ҳолати ҳикоя қилинади.

Бешик тўйи маросимида чакалоқ бешикка илк бор беланаётгандан ўзбек халқ қўшиғи – алла айтилади. Алла ҳам маросим қўшиғи ҳисобланади. Ўзбек халқ аллалари уйғотгувчи аллаларга бой. Ана шундай аллалардан бири – “Уйгон, болам!” алласини Ўзбекистон халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова 1943 йилда маромига етказиб куйлаган.

Ана шу воқеадан сўнг ўзбек замонавий шеъриятида “Уйгон, болам!” мотиви пайдо бўлади. Ҳозирча мен бевосита ушбу мотив ва умуман алла оҳанглари таъсирида шеъrlар ёзган 4 ижодкорнинг 4 та шеърини аниқладим. Булар: Рауф Парфининг “Лутфихоним. “Уйгон, болам!”, Мақсада Эргашеванинг “Уйгон, болам!”, Зебо Мирзонинг “Алла соғинчи”, Гулжамол Аскarovанинг “Келинчак орзуси” шеъrlари.

Рауф Парфининг дўсти, таржимон Ортиқбой Абдуллаев Рауф Парфи билан бирга Андижонга қилган сафари ҳамда унинг ана шу сафар билан боғлик “Лутфихоним. “Уйгон, болам!” шеъри ёзилиш тарихини шундай хотирлайди: “...шоир бу сафардан

³ Ўзбек халқ қўшиқлари. Сайланма. Тузувчилар: Ш. Турдимов, Ш. Назарова. – Тошкент: “Фан”, 2020. – 252-бет

⁴ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-yo/yor-yor-uz/>

⁵ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/memuarlar/asqar-qosimov-sherlar-shodmon-otabek-shoir-ruhi-qush-kabi-erkin.html>

Насрулло ЭРГАШ

қайноқ таассуротлар олиб, Тошкентга жүшкін илхом билан қайтди. У Андижонда ноёб антиқа бир буюмни құлға киритди. Биз, ўзимизни, “дарвеш” ҳисоблаб юрганлар – Баҳтиёр, Ақрам, мен – магазиндан бир хил югослав қўйлаги харид қилдик. Димоғимиз баланд. Бу қизил қўйлак чиройли, бунинг устига ниҳоятда чидамли экан, авайлаб кўп йиллар кийганман. Рауф ака эса чинакам дарвешларча иш тутди. Лутфихоним Саримсоқованинг уруш йилларида куйлаган “Уйғон, болам!” қўшиғи ёзилган пластинкани сотиб олди. Менга ҳам олинг деб дъяват қилди. Бу таклифга эътиборсиз қараганимга ҳозир ҳам афсусланаман. Қўшиқ уруш даврига монанд жанговар руҳда эди. Рауф ака уни магазинда эшитиб кўргандәёқ қаттиқ таъсиранганини сездик. Орадан кўп ўтмай унинг “Лутфихоним. “Уйғон, болам!” шеъри газетада босилиб чиқди. Мўъжазгина бу шеър бағрига бир олам мазмун сингдирилган эди. Шу йилларда шоир шеърларида тоталитар тузумдан норозилик, ижтимоий озодлик, шахс эркинлиги, тарихий адолат туйғусини ўзига хос шеърий образлар тилида куйлаш майли кучайиб бормоқда эди”.

Хотирадан кўриниб турибдики, Рауф Парфи Лутфихоним Саримсоқова куйлаган “Уйғон, болам!” халқ қўшиғини тинглагач, унинг таъсирида ўзининг шеърини ёзади.

Шеърни келтирамиз:

ЛУТФИХОНИМ. “УЙҒОН, БОЛАМ!” (1943)

*Ёлғиз сен ухлайсан, ёлғизим, болам,
Майсалар шивирлар, ҳайқиради тоғ.
Шовуллар дарёлар, далалар уйғоқ,
Қасамга ботирар туби иўқ олам.*

*Умиднинг кўзи кўр, аччиқдир фироқ,
Ўзтурк, ахир, мен аламман – чинқирган алам.
Бу голиб туркуда бўлмиши эди жам,
Она юртим, элим, топталган тупроқ.*

*Уйғон, уйғон, болам, уйғонгил, эй дил,
Уйғондан иборат уйғотлик дунё.
Инон, сени ўйлаб кетмакдаман, бил.*

*Сенгадир, жон болам, мушкулот, гавго,
Уйғон, уйғон, дея инграйди наво –
Сенга бу Ватандир, сенга туркий тил.*

1981

Рауф Парфи эркак шоир бўлгани учун юқоридаги аёл шоирлардан фарқли ўлароқ “алла” тақороридан фойдаланмаган. Аммо унинг мазкур шеъри “Уйғон, болам!” деган халқ қўшиғи, уйғотувчи алласи таъсирида миллатпарвар шеърлар ёзиш анъанасини бошлаб бергани учун ҳам ўзгача қадрлидир.

Максаду Эргашеванинг ана шу руҳда ёзилган “Уйғон, болам!” шеъри ҳам ўзининг жанговарлиги билан ажралиб туради. Шеърда келган қўйидаги бандлар бунга ёрқин мисол бўлиб, бугунги кунимиз учун ҳам жуда долзарб ва аҳамиятли:

*Сен ухласанг, боғларингдан
Күшлар учиб кетгайдир.
Хотирангдан авлодларинг*

*Ёди ўчиб кетгайдир.
Дарёларинг қуриб, сендан
Сувлар қочиб кетгайдир.
Сен ухлама, жоним болам,
Сен ухлама, жон болам,
Уйгон, болам,
уйгон, болам,
уйгон, болам,
жон болам!*

Гўзал ва ҳассос шоира Зебо Мирзонинг Лутфихоним Саримсоқова айтган халқ алласидан айнан таъсирангандан, йўқми, бу бизга қоронгу. Аммо шоиранинг Лутфихонимга замондош экани, қолаверса, шеърнинг “Алла соғинчи” деб аталиб, халқ оҳангларида ёзилгани муаллиф томонидан қавс ичида алоҳида таъкидланганидан келиб чиқсан, Зебо Мирзо ҳам ушбу қўшиқдан яхши хабардор бўлган деган тахминни илгари суришимизга имкон беради. Нима бўлгандан ҳам ушбу шеър халқ аллалари ва достонлари таъсирида ёзилиб, ўз вақтида муаллифга катта шухрат келтиргани рост. Шеърда келган сатрларга диққат қиласайлик:

*Овга отган ўқининг чин
донаси мен бўлайин,
Узоқлардан излаб келса,
Ёнаси мен бўлайин.
Йўлларига бошим қўйиб,
Ёлвораман, Худойим,
Шу йигитга бир ўғил бер,
Онаси мен бўлайин...*

Бугунги ўзбек шеъриятида қатъиятли шоира Гулжамол Асқарованинг мустаҳкам ўрни бор. “Уйғон, болам!” алласи таъсирида ёзилган “Келинчак орзуси” шеъри эса шоира ижодида алоҳида ўрин тутади. У шеърнинг бошидаёқ ижодий кредоси нимадан иборат эканини:

*Менинг гамим тиеглатгувчимас,
Куч берар, қалб тиеглатгувчимас,
Мен боламга ухлатгувчимас,
Уйготгувчи алла айттаман,*

деган сатрлар орқали дадил айтади.

Мақолада келтирилган ўзбек халқ қўшиклари: ёр-ёр ва аллаларнинг ёзма адабиётда акс этиши муаммосига доир билдирилган фикрлар ва мисоллардан чиқарган қисқача хulosamiz шуки, оғзаки ва ёзма адабиёт ҳеч қачон бир-биридан айро ҳолатда мавжуд бўлолмайди. Ушбу икки муштарак ҳодисалар ҳар доим бир-бирини тақозо этиб, бири иккинчисининг таъсирида туғилади ва яшайди.



Миллий режиссураси келажаги

**Тожи Мухаммад
ИСРОИЛОВ**

Бугунги кунда, барча соҳалардагидек театрларимиз ҳам янги ислоҳатларга (реформага) муҳтож бўлиб қолганлиги сезилмоқда. Чунки, мана ўттиз йилдирки миллий режиссураси ривожланмай, бир жойда тўхтаб қолгандек. Бунинг қатор сабаблари бор.

Бугунги кунда, “ижодий эркинлик” деб, турли касб эгаларига саҳнани, киноэкранни ва “ойнаи жаҳонни” бўшатиб бермоқдамиз. Шу сабаб, томошибинларимизда “режиссёр” қасбига бўлган хурмати ва эътирофи пасайиб кетди. Ахир, “режиссёр” қасбини эгаллаш учун (олийгоҳга 100 тадан 5–6 нафар абутуриент танлаб олинади!) талаба беш йил таҳсил олиб, яна беш-үн йил тажрибали режиссёрга “ёрдамчи режиссёр” бўлиб юриб, ундан кейингина унга мустақил иш берилади. Бугун эса, телесериал, кино ёки спектакль саҳналаштириш учун “режиссёрлик диплом” шарт эмас бўлиб қолди! Ҳайронман, нега шифокор ёки юрист “диплом”сиз иш юрита олмайди?! Ахир, улар бир одам ҳаётига масъул ва жавобгар бўлса, “Режиссёр”лик касб эгаси эса миллионлаб одамларнинг аҳлоқи, диди ва маънавий даражаси қашшоқлашиб кетишига сабабчи бўлади! Тўғриси, мен бу “ижодкорларни” айбламайман, чунки, улар учун бу “ҳавас”, холос. Ҳавасга эса айб йўқ. Уларга шундай имкон яратиб бераётган “раҳбар” ёки “манфаатдор” одам кўпроқ айбдор деб биламан. Агар андиша бўлмаса, бу ҳолни миллий санъатимизга бўлган ички душманлик, деб ҳисоблаш тўғрироқ бўларди.

Дунёда “Режиссёрлик” ноёб касб эканлиги барчага маълум! Аммо, бизда ҳанузгача айримлар буни тан олгиси келмаяпти. Балки, кимгадир, тан олмаслик қулайдир. Бугунги кунда, янги Ўзбекистонни қурмоқчи

Тожи Мухаммад ИСРОИЛОВ – “Дўстлик” ордени соҳиби. 1951 йилда тугилган. Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган. У ўттиздан ортиқ спектакль ва кўп қисмли телеспектакллар ҳамда йигирмадан зиёд видеофильмлар ва “Режиссёр масъулияти” номли китоб муаллифи.

эканмиз, агар, бу ҳолат, қўпчиликни ташвишга солмас экан, театр ва кино санъатимиз олдинга қараб силжимайди, бир жойда тўхтаб тураверади ва ривожланмайди.

Балки, миллий режиссурамизни жонлаштиришимиз учун вазирлик қошида ёки “Театр арбоблари” уюшмаси қошида профессионал режиссёrlардан ташкил топган “Ўзбек режиссура академияси”ни ташкил килиш керакдир. Академияда, театрларимизга “Бадиий раҳбар” лавозимига малакали мутахассисларни танлаш ва тайинлаш, кино, телевиденияда телесериал олмоқчи бўлган режиссёrlарнинг “режиссёрлик плани – иш режаси” билан танишиш ёки бошқа ижодий жараёнларни муҳоқама қилиш мумкин бўларди. Менинча, шундагина ўзбек киносида, телевиденияда ва миллий театрларимизда “режиссёр” хаваскорларга чек қўйилиши мумкин бўлар. Иккинчидан, ёш талаба-режиссёrlарни биринчи курсданоқ театрларимизга “боғлаб” қўйиш зарур. Чунки, ёш талаба режиссёр эртароқ театр чангини ютсагина мақсадга тезроқ эришиш мумкин бўлади.

“Олий режиссура” (аспирантура) мактабини ташкил этишимиз, албатта, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда, бир вақтлар тарқалиб кетган “Театр арбоблари уюшмаси” фаолиятини жонлантириш зарур. Чунки, яқин ўтмишда Республикамиздаги барча театрлар фаолияти “Театр арбоблари уюшмаси” зиммасида эди. Барча ижод ахли шу уюшмада йигиларди ва ижодий ҳамкорлик ўрнатилиб, бир-бирининг ижодий ишидан хабардор бўлиб туриларди. Балки, айrim сабабларга қўра ёпилиб кетган “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмани тиклаш керакдир.

Бугун бутун дунё ўзгармоқда, нотинч дунёда ҳар бир ижодкорнинг ўз зиммасидаги вазифалари нихоятда салмоқли бўлиши зарур. Бугунги фаровон хаётимизга хориждан турли хил диний экстремизм, терроризм ғоялари интернет, мобиль телефонлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари ва сунъий йўлдош орқали бостириб кириб келмоқда ва асрлар давомида шаклланган бизнинг миллий тарбияни, маърифий тизимини издан чиқармоқчи бўлганлар оз эмас.

Шунинг учун, бугунги юрт соҳибини ва бир-биримизни кўз қорачигимиздек асраримиз ва эҳтиёт бўлишимиз керак. Минг йиллар давомида буюк аждодларимиз қолдирган улуғ меросимизни асраб-авайлаб келажак авлод учун қолдиришимиз ва биз ижодкорлар, мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этишда бир қадам олдинда бўлишимиз ва халқимизнинг, айниқса ўшларимизнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш биз, ижодкорлар зиммамиизда эканини унутмаслигимиз керак.



Murg‘ak qalbimda ochadi kurtak

**Anvar
MIRZAZODA**

Topishmoq

Tanda ikki yaprog‘i
pildir-pildir silkinar,
Qaysi gulning o‘rtog‘i
gulga o‘xshab berkilar.

Gullarni hech bosmayman,
hech orqangdan quvmayman,
Sho‘xliging tashlamasang
bu odating sevmayman.

Gugurt so‘zi

Men – gugurtman,
chaqmoq o‘tman.
Hushyorlarga
olov do‘stman.

Lovlovchaman,
xizmatdaman.
Osh pishirib,
hurmatdaman.

Maqtanchoq deb,
o‘y o‘ylamang.
O‘yinchoq deb,
hech o‘ynamang.

Anvar MIRZAZODA – 1948 yilda tug‘ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O‘zMU) jurnalistika fakultetini tamomlagan. Uning "Bolaning tili shirin", "Shirin olmalar", "Topishmoqlar va tezayitishmoqlar", "Krassvord – aql mashqi", "Muammonoma", "Gulning tikani", "Ko‘ngil" kabi to‘plam va kitoblari chop etilgan.

Sho‘x bolaning
oyijoni,
Oshxonada
ko‘rgan oni.

Olov – tilsiz
xavfli deydi,
Qutichaga
qamab qo‘ydi.

Maktub

Buvijon, sog‘indim sizni,
ikki qora ko‘zingizni.
Shokalodlar olib qo‘ydim –
degan shirin so‘zingizni.

O‘rik

Qandoq o‘rik,
qanddek o‘rik.
O‘rik ko‘rki –
qandak o‘rik.

Bobom mehrin,
bog‘da ko‘rdik.
Mazzasini
baham ko‘rdik.

Sharada

Ikki shar
uchishar,
“A” harfin
kim qo‘shar.

Sharqirar
ko‘p jo‘shar,
Tip-tiniq
qir oshar.

Sanoq

Sanadim: bir, ikki, uch,
uchdan keyin puch,
puchga keldim duch,
puch yong‘oqda yo‘q kuch.

Адабий ҳаёт

* * *

1 декабрь. Адабиётшунос олим Наим Каримовнинг “Усмон Носир” номли китоби “Фан” нашиёти томонидан чоп этилди. Узоқ ижодий изланишлар самараси бўлган ушбу маърифий-биографик роман Усмон Носирнинг 110 йиллигига муносаб тухфа бўлди.

* * *

2 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Хиёбон оқшомлари” шеърият кечаси бўлиб ўтди. Кеча оташин шоир Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишлианди. Унда шоир ижодини, унинг аянчли тақдирини чуқур ўрганиб, драматик, публицистик ва шеърий асарлар яратган адиллар қатнашди.

* * *

5 декабрь. Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти томонидан тайёрланган “Усмон Носир” илмий-оммабоп рисоласи нашрдан чиқди.

* * *

6 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Дўстлик” ордени сохиби Раим Фарходий таваллудининг 80 йиллигига бағишлиланган тантанали тадбир ҳамда “Слон-автобус и другие истории” китоби тақдимоти ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таникли журналист, адаб Салоҳиддин Исомиддиновнинг “Улуғлар васфи” номли китоби нашрдан чиқди. Икки кисмдан иборат ушбу рисола, Мавлоно Муҳаммад Дарвеш, Ҳазрати Ҳожаги Имканагий, Шайх Мирзо Камол Охундларнинг маънавий ҳоллари ва кашфу кароматлари ҳақида сўзлайди.

* * *

8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги муносабати билан Республикамизнинг барча жойларида ижодкорлар иштироқида ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

* * *

13 декабрь. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда филология фанлари доктори, профессор, таржима назарияси фанининг асосчиси Файбулла Саломов таваллудининг 90 йиллигига бағишлиб “Файбулла Саломов ва ўзбек таржима мактаби” деб номланган Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистонлик бир гурух ижодкорлар Ҳиндистоннинг гўзал Варанаси шаҳрида Халқаро саёҳатчи ижодкорлар анжуманида қатнашишди. Ушбу анжуман ҳақидаги мақолалар 3 миллион нусхада чоп этиладиган “The times of India”, “Banaras Times” газеталарида эълон қилинди.

* * *

14 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қозогистонлик ижодкорлар – Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ақберен Елгезек, бўлим бошлиғи Нурутас Турганбек мөхмон бўлди. Мехмонлар ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Yoshlik”, “Жаҳон адабиёти” журналлари жамоалари ўргасида давра сухбати бўлиб ўтди.

* * *

16 декабрь. Истеъдодли ёшларни қўллаб-кувватлаш “Улугбек” жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Она мадҳи” ижодий ишлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Танлов “Энг яхши шеър”, “Энг яхши ҳикоя”, “Энг яхши эссе” йўналишлари бўйича ўтказилган танлов ғолибларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва ҳамкор ташкилот томонидан диплом, пул мукофотлар ва эсадалик совғалар топширилди.

* * *

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Бегали Қосимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси ҳамда атоқли олим қаламига мансуб 3 жилдлик “Танланган асарлар” тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Аҳолининг кўмакка муҳтож гуруҳларини қўллаб-кувватлашда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг биргалиқдаги ҳаракати” номли ижодий марафон ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолибларга диплом, қимматбаҳо совғалар ва Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган китоблар топширилди.

* * *

20 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли публицист, шоир, таржимон ва адабиётшунос Карим Баҳриевнинг турли йилларда битилган адабий ҳамда адабиёт хусусидаги сухбатлари жамланган “Ҳақиқат талабгоримиз” номли янги китоби нашрдан чиқди.

* * *

21 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, Давлат мукофоти совриндори Пўлат Мўмин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ҳамда “Сўзнинг қаймоғи” шеърлар тўплами ва “Ўзбек қўшиқ шеърияти султони” хотира китобларининг тақдимоти ўтказилди.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Хиёбон оқшомлари”нинг 2022 йил яқунларига бағишланган байрам дастури бўлиб ўтди. Адабий кечаларда ёш ижодкорлар даврасида 100га яқин шоир-ёзувчи ва 40га яқин адабиётшунос қатнашди. Тадбирда ёшлар мушоираси, янги аъзоларга гувоҳнома топшириш ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди.

МУНДАРИЖА

БАРХАЁТ СИЙМОЛАР

Ҳабиб САЪДУЛЛА. Асрлар бошида турар шу савол.....4

НАЗМ

Ғулом МИРЗО. Карвонимиз борар чўли фироқда.....21

Нажмиддин ИКРОМИЙ. Бўлмагайдир унун ёдинг то дилдасан.....26

Гулбахор ЖУМАЕВА. Шоирлик аслида қисмат баёни.....63

НАСР

Қулман ОЧИЛ. Йигитлик сўзим. Ҳикоя.....8

Абдулла БОБОЁРОВ. Ҳаёт гирдоби. Ҳикоя.....29

Сарвар ТЎРАЕВ. Аю...б – ой ўғли. Ҳикоя.....36

Суюндик Мустафо НУРОТОИЙ. От ҳакида эртаклар. Ҳикоялар.....67

Даврон УЛУФМУРОДОВ. Кун ботишдаги уй.....72

Нельмат АРСЛОН. Ҳұтама. Роман (охри).....109

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нурбой ЖАББОРОВ. “Англаким, сўз ўзга, маъни ўзгадур...”77

Нодира МАТМУСАЕВА. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талкин.....86

ЁШЛАР ИЖОДИ

Зулхумор ОРИФЖОНОВА. ...Етиб бўлмас узун йўлсан.....90

Дилобар ЖЎРАЕВА. Сизни кўргим келаверади.....94

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Зебо ҚОБИЛОВА. Асл ўзанларга кайтиш тадориги.....101

ТАҲЛИЛ

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА. Нобель мукофотидан кейин.....42

Диловар НУРМУРАДОВА. Қайтмаганлар ҳакида кўшиқ.....45

ТАЛҚИН

Қаҳрамон РАЖАБОВ. Тарихни адабиёттага муҳрлаётан адаб.....158

ТАДҚИҚОТ

Муниса МУҲАМЕДОВА. Тарихий шаҳарларимизни музейлаштириш...162

Насрулло ЭРГАШ. Икки ёр-ёр, тўрт алла.....165

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Камола АБДУҒАНИЕВА. Ой дарахт шохидан бокади маюс.....97

САНЬАТ

Тожи Муҳаммад ИСРОИЛОВ. Миллий режиссурамиз келажаги...170

BOLALAR DUNYOSI

Anvar MIRZAZODA. Murg‘ak qalbimda ochadi kurtak.....172

Адабий ҳаёт.174

Шарқ ўлдузи

2022

12-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри
тахририят ижодий жамоаси нуткан
назаридан фарқланиши мумкин.
Тахририягда юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилади.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек
адабиёти» ихтиосолиги бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билин шугууланувчи барча
ташкилотлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шохкӯча, Адаблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
231-23-65, 231-23-66, 231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишига руҳсат этилди:
25.01.2023
Қоғоз бичими 70x108 ^{1/16}
Офсет босма усулида оғесет қоғозида
босилди. Босма табоги 11,0.
Шартли босма табоги 15,4.
Нашриёт хисоб табоги 17,2.
Адади 6900 нусха.
Буортма №2

Эслатма: Журнал пандемия
шароитида танаффуслар билан
чоп этилганини эътиборга олиб,
маълумотлар аниқлигини текшириш
учун журналнинг босмахонага
топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 05.02.2016 №
0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“SAMO NASHR” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Сирғали тумани, 21-йўл
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаххилар:
Дилғиза Махмудова
Моҳира Ҳусанова
Веб-сайт мухаррири:
Дилноза Камол
Саҳифаловчи-дизайнер:
Рахматжон Бобоевсонов
Copyright © «Шарқ ўлдузи»